
У30.2
958.4
Б-95

ЗИЁ БУНИЁДОВ

АНУШТАГИН ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ (1097—1231)

9(584)



ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
1998

63.3(5У)
Б 95

Буниёдов З.
Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231) // А. Аҳмад ва М. Маҳмуд тарж.; Масъул муҳаррир; Х. Содиқов/.—Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1998.—256 б.

Хеванинг 2500 йиллигига

ХОРАЗМШОҲЛАР ТАРИХИ

XX асрдаги атоқли тарихчи олимлардан бири, академик Зиё Буниёдовнинг қаламига мансуб бу китоб Марказий Осиё халқлари тарихининг 140 йиллик даврини қамраб олади. Мовароуннаҳрда вужудга келиб, Буюк салжуқлар давлатини ва Бағдод халифалигини ларзага солган, босқинчи қорахитойлар давлатини тор-мор келтирган, сўнгги ғазнавийларни ҳам ўзига бўйсундирган, маркази Хоразм бўлган қудратли давлатимиз тарихи, сиёсий-иқтисодий тузуми, юксак маданияти бу китобда ишончли, асл манбалар асосида ёритиб берилади. Мазкур ноёб китоб бизнинг она тарихимиз ҳақида бўлиб, уни ўзбекчада нашр этиш ватанпарвар зиёлилар ва ёшларнинг орзуси бўлиб келган эди. Устоз тарихчи ва шарқшунос Зиё Буниёдов китобининг ўзбекча нашрини муаллифнинг порлоқ хотирасига бағишлаймиз. Асарни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Маъруф Жалил, Ўктам Ҳакимали, Ҳамдам Содиқ, Убайдуллоҳ Самадҳожи ўғли ва бошқаларга миннатдорчилик билдирамиз. Бу табаррук ноёб китоб Хоразмшоҳлар давлати ташкил топганининг 900 йиллиги шарафига муносиб туҳфадир.

Асар нашрининг ҳомийси **Худоёр Карим** ўғлига барча зиёлиларимиз номидан чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз.

ББК 63.3(5У)

Ашраф Аҳмад ва **Маҳкам Маҳмуд** таржимаси
Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори **Ҳамдам Содиқов**

Б $\frac{4702620100}{\text{М } 352(04)-98}$ Қатъий буюртма 98

© Зиё Буниёдов.
© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998 й.

МУАЛЛИФДАН

Қадим замонлардан буён Хоразм тақдири жаҳон тарихчи олимларининг диққат-эътиборини тортиб келади. Хоразм Амударёнинг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган бўлиб, археолог қадимшунослар бу ерларда энг қадимий деҳқончилик маданияти ўчоқларини топганлар. Милоддан аввалги минг йиллик ўрталаридаёқ бу ерларда юксак тараққий этган суғориш тармоқлари, сув иншоотлари барпо этилган. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида эса Хоразм Марказий Осиё ва Эрон оламида ҳам энг муҳим иқтисодий ва маданий марказлардан бири эди. Милоднинг биринчи асрларида Хоразмшоҳларнинг афригийлар давлати ташкил топган ва бу сулола вакиллари араблар келган 712 йилда ҳам Қиёт вилоятида яшар эди. (Бу хоразмшоҳларнинг сўнгги вакили Маъмун ибн Маъмун—султон Маҳмуд Ғазнавийнинг куёви эди, у исёнкор мухолифлар тарафидан шоҳ саройи ёқилганида ҳалок бўлган. Султон Маҳмуд куёви учун ўч олиб, исёнкорларни ўлимга ҳукм этган — М.М).

Бағдод халифалиги таркибида ҳам Хоразм аввалгидай маданий марказлардан бири бўлганлигини Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Бакр Хоразмий) каби алломаларнинг нисбаларидан ҳам билиш мумкин. (Хоразмий нисбасини олган жуда кўп алломалар ҳақида Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятимат-ад-даҳр» асарида қимматли маълумотлар бор —М.М.). Беруний ва Ибн Сино каби алломалар ижод қилган даврда ҳам Хоразм йирик маданий марказ эди. 1017 йилда Хоразм султон Маҳмуд давлатига қўшилгач, бир аср давомида мустақил давлат мақомини йў-

қотган эди: 1040 йилгача Хоразм—ғазнавийлар давлати таркибида, шундан сўнг салжуқлар давлати таркибида бўлган.

XII аср охири ва XIII аср бошларидан Хоразм салжуқлар ҳукмронлигидан қутулиб, мустақил ва қудратли давлат сифатида 140 йил давомида гуллаб-яшнаган эди. (мўғиллар истилосига қадар—М.М.). Шу даврларда (1097—1331) хукмронлик қилган Ануштагин авлоди бўлган хоразмшоҳларни В. В. Бартольд «Энг порлоқ сулола» деб атаган эди.

Мазкур китобда Хоразм тарихи бир вилоят сифатида эмас, балки Маркази Гурганж (Журжония, юнонча Гиркания) бўлмиш Хоразм давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва ҳалокатга учрашигача энг муҳим тарихий воқеалар қаламга олинади. Бу давлат илгари салжуқлар империяси—салтанати таркибида эди. Аммо кейинчалик, Хоразм мустақил давлат сифатида салжуқлардан ажралибгина қолмай, тез фурсатда Марказий Осиё ва Шимолий Эрон ҳудудларидаги энг қудратли давлатга айланди. Ўша даврда Хоразм давлати Мовароуннахр, Хуросон, Мазандарон, Кирмон, Форс Ироқи, Озарбайжон, Сижистон, Ғазна ва бошқа мамлакатлар ҳамда вилоятларни ўз таркибига олган эди.

XII аср охири ва XIII аср бошларидан мусулмон Шарқининг энг йирик ва энг қудратли давлати Хоразм салтанати эди. Тадқиқотчилар бу давлат тарихига катта қизиқиш билан қарашларининг яна бир сабаби—Хоразм бутун мусулмон Шарқида мўғул истилочилари ҳужумининг зарбаларини биринчи бўлиб қайтаришга уринган, қўшинлари сон жиҳатидан мўғулларникидан устун бўлса ҳам (султон Алоиддин Муҳаммаднинг нотўғри сиёсати туфайли) мағлубиятга учраган, аммо мўғул босқинчиларининг энг кўп додини берган давлат эди. Марказий Осиё шаҳарлари ичида Хоразмнинг бир қанча шаҳарлари (Ўтрор, Хўжанд, Марв, Урганж, Хева, Бухоро, Самарқанд ва б.—М.М.) аҳолиси мўғул истилочиларига қарши жуда қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Сўнгги Хоразмшоҳ султон Жалолиддин Мангуберди (Зиё Буниёдов бу подшоҳнинг бурнида қора ҳоли борлиги маънасида Мангбурний деб атайдики, бу фикр мунозаралидир) мўғул босқинчиларига энг узоқ ва мардонавор қаршилик кўрсатганлиги, довюраклик, мардлик каби шахсий фазилати билан бутун мусулмон оламида шон-шуҳрат қозонган эди.

Марказий Осиё халқлари тарихига доир бир қатор

ўқув қўлланмалари ва умумлаштирувчи мақола, китобларнинг муаллифлари Хоразмшоҳлар давлатининг тарихини ўрганишга бағишланган. Хоразмшоҳларнинг юксалиши ва улар давлатининг кейинги тақдири В. В. Бартольднинг «Туркистон Мўғул истилочилари даврида», С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» илмий тадқиқотларида, атоқли адиб В. Яннинг «Чингизхон» тарихий романида Ўрта Осиё халқларининг мўғул истилочиларига қарши кураши лавҳалари билан танишамиз. Лекин В. В. Бартольднинг мумтоз асари ёзилганидан буён орадан 80 йилча ўтди ва бу вақтда мазкур давр тарихига доир манбалар анча кўпайди. В. В.Бартольд Хоразмшохлар тарихига доир манбалардан асосан Ибн ал-Асир, ан-Насавий, Жувайний, Рашидиддин асарларига, шунингдек ўша даврга оид баъзи расмий ҳужжатларга суянди, бу ҳужжатларнинг бир қисмини у илк бор илмий муомалага киритди. У, кейинроқ ўтган (Мирхонд, Восифий каби) баъзи муаллифларнинг асарларига ҳам мурожаат қилди. Аммо, китоби нашр этилгандан кейин топилган баъзи араб ва форс муаллифларининг қўлёзма ва босма асарлари унинг назаридан четда қолди: Ибн ал-Фувотий, Ибн ас-Соъий, Ибн ад-Дубайсий, ал-Яздий (В. В. Бартольд бундан фойдаланган эди—М.М.) ан-Нишопурий, ал-Ҳусайний ва б. Бундан ташқари, баъзи муаллифларнинг асарлари унинг мавзуига алоқадор эмас, деб ҳисоблаб фойдаланмаган эди. Аммо, кейин маълум бўлдики, Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжамул-удабо» (Адибларга оид луғат), ас-Субқийнинг шофийлар тарихига оид «Табақоти», ас-Суйутийнинг баъзи асарларида Хоразмшоҳлар давлати тарихининг у ёки бу жиҳатлари ҳақида маълумотлар бор экан. С. П. Толстов 1948 йилда нашр этган («Қадимий Хоразм») китобида Хоразмшоҳлар тарихига археолог олим сифатида ёндашган ва у атоқли тарихчи В. Минорский таъбири билан айтганда Хоразмнинг шон-шуҳратини кўрсатиш Хоразмнинг буюк тарихий хизматларини кўрсатиш мақсадида бу давлатнинг сиёсий ва ижтимоий тарихига доир баъзи маълумотларни баён қилган.

Бу мавзуга алоқадор хорижий муаллифларнинг тадқиқотларидан: Иброҳим Қафас ўғлининг 1956 йилда Анқарада босилган «Хоразмшоҳлар давлати тарихи»да бу давлатнинг сиёсий ва ҳарбий тарихи анча муфассал ёритилади. 1978 йилда Бағдод дорилфунуни мударриси Нофиъа Тавфиқ ал-Убуднинг магистирлик-номзодлик

диссертациясида бошқа мусулмон давлатларнинг ташкил топиши ва ҳарбий, маъмурий ташкилотлари қаторида Хоразм давлати тарихи ҳам тадқиқ этилган. Хоразмшоҳларнинг вассаллари-тобеълари бўлган айрим давлатларнинг тарихи бўйича ҳам айрим асарлар ёзилди. Шулардан бири Истамбул дорилфунуни профессори Эрдўғон Мерчилнинг Форс отабеклари—Салғурийлар давлати ва Кирмон отабеклари давлати тарихига оид асарларини кўрсатиш мумкин.

Камина «Озарбайжон отабеклари давлати» (1136—1225) монографияси устида ишлаётган вақтимда Хоразмшоҳлар давлатининг умумий тарихини ёзиш нияти туғилган эди. Чунки, бу иккала давлат бир даврда мавжуд бўлган, уларнинг ҳукмдорлари, айниқса отабек Жаҳон Паҳлавон (1175—1186) билан Хоразмшоҳ Такиш (1172—1200, ҳукмронлик йиллари) ўзаро дўстона алоқалар боғлаган эдилар. Бу ниятимни юзага чиқаришдан аввал манбашунослик бўйича жиддий ишлар билан шуғулланишга тўғри келди: Сўнгги Хоразмшоҳнинг шахсий котиби-муншийси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сийрати султон Жалолиддин» асарининг танқидий матни, таржимаси ва изоҳларини, Садриддин Али ал-Ҳусайнийнинг «Ахбор ад-давлат ас-Салжуқия» хроника асарининг таржимаси ва шарҳларини тайёрлаб нашр эттирдим. Бошқа баъзи ёзма манбаларини, шулар қаторида ҳужжатлар-Хоразмшоҳларнинг фармонларини диққат билан ўрганиб чиқдим. Бу ҳужжатларнинг баъзилари кейинги вақтларда топилди, баъзилари фақат қўлёзма ҳолида мавжуд эди.

Қўлёзма манбалардаги маълумотлар гоҳо бир-бирига мувофиқ келмайди, йиллари, кунларида тафовутлар бор. Аммо, бу асар китобхонлар оммасига мўлжалланганлиги сабабли биз нима учун турли манбалардан қайси бири энг ишончли ва тўғри деб ҳисоблашимизни батафсил тушунтириб ўтирмадик.

Бу китобда археологик ва этнографик манбалардан фойдаланмадик, чунки бу бизнинг мақсадимизга кирмайди.

Муаллиф мазкур китобни ёзишда айрим фикрлари ва фойдали маслаҳатлари билан ёрдам берган профессор В. М. Бейлисга ва профессор Е. А. Давидовичга миннатдорчилик билдиради.

I-боб

ХОРАЗОМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Хоразмшоҳлар сулоласининг асосчиси Ануш-тагин ёшлигида (тарихий манбаларга кўра) Гаржистонда яшаган турк қули эди. (манбаларда уни мамлук дейилган, мамлуклар қул ҳам, ёлланма жангчи ҳам бўлиши мумкин — таржимон). Тарихчилар Рашидиддин ва Хофизи Абрў унинг ўғуз туркларининг Бекдили уруғидан деб ёзишади. (Рашидиддин, I том, саҳифа 311 форсча: ва Хамчунин султон Муҳаммад Хоразмшоҳ жаддин аъло Ануш-такин Гаржоий буд ҳам аз нажод-ўғуз аз авлоди Бекдили буд). Ануш-тагинни ёшлигида исфаҳсолор Иззиддин Онар (Ўнар) Билгитагин (ваф. 1098) сотиб олган ва у салжуқ султони Маликшоҳ I (1072—1092)нинг сарой аъёнларидан бири, султон ҳовузлари ва ҳаммомлари ашёларининг хазиначиси—таштдорлик мансабида эди.

Таштдорлик мансабига султон жуда ишончли одамларини тайинлар эди ва кўп ўтмай, Ануш-тагин султоннинг яқинларидан бири бўлиб қолди. Таштдорлик учун зарур ҳаражатлар у замонда Хоразм вилоятидан келиб тургани учун султон Маликшоҳ хос, яқин одами Ануштагинни Хоразм мутасарифи (сарфловчиси) мансабига тайинлаб, унга Хоразм шихнаси (раиси, қалъа бошлиғи) унвонини берган эди. (Жувайний, I том, сах, 278). Бу вақтда Хоразм ҳокими султон Маликшоҳ I, яъни бўлғуси улуғ султон Санжарнинг ўғлига тобе мамлук Экинчи ибн Қўчқор бўлиб, у бир неча йиллар давомида Марказий Осиёда юз берган сиёсий воқеаларнинг фаол иштирокчиси эди. Шунинг учун ҳам Хоразм шихнаси Ануш-тагин у вақтда Хоразмда ҳокимият ишларига аралаша олмас эди.

Султон Барқйоруқ (1094—1104) замонида салжуқлар салтанатининг шарқий вилоятлари Хуросон амири Додбек Хабаший ибн Олтинтош қўл остида эди. У, салжуқийлар сулоласи вакилларининг ўзаро низолари ва урушидан усталик билан фойдаланиб, 1097 йилда салжуқлардан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришди. Шу йили Ануш-тагин вафот этди. Хуросон ҳукмдори Додбек Хабаший (унинг отаси Олтинтош султон Маҳмуд Ғазнавийнинг яқин амирларидан бўлиб, Хоразмни бошқариб турган эди.—М.М.) мансабдан четлаштирилган Экинчи ибн Қўчқор ўрнига Ануш тагиннинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм волийси қилиб тайинлади. У, Хоразм муқтоъси (иқтоъ эгаси) бўлди ва Хоразмшоҳ лақабини ал-Асир (рутбаси, мартабасини) олди. (Ибн ал-Асир, 8-том, саҳ. 184. Абул Фидо, 4-том, саҳ. 124). Ануштагиний Хоразмшоҳлар сулоласининг тарихи аслида мана шу Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммаддан бошланади.

Милодий 1100-йилда салжуқ султони Барқйоруғ ва унинг укаси Санжар (салжуқлар салтанатидан ажралишга уринган Хуросон амири) Додбек Хабаший исёнини бостирдилар ва уни орадан кўтардилар. Санжар бутун Хуросонни қўлга киритгач, Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм ҳокимлиги мансабида қолдириб тасдиқлади.

Қутбиддин Муҳаммад отаси Ануш-тагин даврида Хуросон пойтахти Марвда яхши маърифат олган, адаб ва дин илмларини ўрганган эди. У Хоразм ҳукмдори бўлгач, қобилиятли раҳбар сифатида уламоларга ва дин арбобларига хомийлик қилди. У ҳар томонлама истеъдодли одам эди. Олимлар ва дин арбоблари уни яхши кўришар, у ҳам уларни иззат-ҳурмат қилар эди. (Қутбиддин Муҳаммад) фуқароларига адолатли бўлиб, улар ҳам уни яхши кўриб, унинг номини азиз тутар эдилар. (Ал-Ҳусайний. Зубдат-ут-таворих. саҳ. 184.Ибн Холдун, саҳ. 190).

Қутбиддин Муҳаммад Хоразмда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун куч-ғайрат сарфлади. У султон Санжарга ихлос ва садоқат билан хизмат қилди. Султон ҳам уни яқин кўриб, сарой аъёнларининг турли ҳужум ва иғволаридан ҳимоя қилди. Бир куни Қутбиддин Муҳаммад бошқа ёққа кетганида (салжуқлар душмани) марҳум Экинчи ибн Қўчқорнинг ўғли Муҳаммад ибн Экинчи-Тўрғул-тагин кўчманчи туркий қабилалардан иборат лашкари билан Хоразмга ҳужум қилди. Бундан

хабар топган Қутбиддин Муҳаммад султон Санжар ҳузурига чопар йуборнб, ёрдам сўради. Аммо, султоннинг мадад кучлари етиб келгунча, Қутбиддин ўз кучлари билан ёв лашкарини Хоразмдан қувиб чиқарди. Бу воқеа ҳам Хоразмшоҳ Қутбиддин обрўсини султон Санжар назарида янада зиёда қилди.

Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад салжуқларнинг олий ҳокимият учун ўзаро курашида ҳам фаол қатнашди. Ҳижрий 513 йил жумадул аввал ойининг 2-куни милодий 1119 йил 11 августда Сова шаҳри яқинида султон Санжар қўшинлари султоннинг тахтига даъвогаржияни султон Муҳаммад ибн Маҳмуд (бу, султон Барқёруғнинг ўғли бўлса керак.—М.М) қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда султон Санжар ғалаба қозонди. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад султон Санжар тарафида жанг қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшган эди.

Султон Санжар (у 1118 йилдан бошлаб халифаликдан Буюк султон унвонини олган эди). Бир йили Самарқанд ҳокими қорахонийлар султони Муҳаммад Арслонхон (1102—1130) га қарши уруш бошламоқчи бўлганида Мовароуннаҳр аҳолиси (уламо ва дин арбоблари) Хоразмшоҳ Қутбиддинга мактуб ёзиб, бу низони бартараф этишда ёрдам сўрадилар. Ана шу вақтда Хоразмшоҳ Муҳаммад Арслонхон илтимосини инобатга олиб, Султон Санжар билан хон ўртасидаги низони тинч йўл билан ҳал этишга эришди. Бу воситачилик муваффақияти ҳам Хоразмшоҳнинг обрўйи ва куч-қудрати нақадар ортганлигидан далолат беради.

Тарихий ёдгорликларда Хоразмшоҳнинг унвони «Подшоҳ Қутбид-дунё вад-дин Абул-фатҳ Муъин Амиралмўъминин» («Дунё ва дин қутби, ғалабалар отаси, Мўъминлар амири-халифанинг ёрдамчиси») сўзлари ҳам Хоразмшоҳнинг обрўйи баланд эканидан шоҳидлик беради. Сўнгги лақаб (Мўъминлар амирининг ёрдамчиси (Бағдод халифаси томонидан султон Санжар рухсатисиз берилган бўлса керак. З.Б.)

Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад 30 йил давомида Хоразмда ҳукмронлик сурди. У вафотигача (1127) султон Санжарга содиқ фуқоролигини изҳор қилиб, султон хазинасига хирож, ўлпонларни ўз вақтида тўлаб турди (бу хирожларни Қутбиддин Муҳаммад ўзи ёки ўғли Алоиддин Муҳаммад Отсиз орқали етказиб берар эди.) Бу билан Хоразмшоҳ султон Санжарнинг олий ҳукмдорлигини эътироф қиларди. Шу садоқати учун ҳам,

султон Санжар Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммаднинг вафотидан сўнг Хоразмшоҳлар тожу тахтини унинг ўғли Ал-Малик Абу Музаффар Алоиддин Жалолиддин Отсизга топширди.

Алоиддин Отсиз отасининг тахтига ўтирганида 29 ёшда эди. У ҳам, отасига ўхшаб, султон Санжарнинг пойтахти Марвда яхши таълим олган эди. Отсиз мусулмонлар подшоҳига хос ислом динига ва илоҳиёт олимларига ҳомийлик қилишдан ташқари, турли фанлар ва санъат аҳлини қадрлар, ўзи ҳам форсча қасида ва рубоийлар ёзар, жуда кўп буюк шоирларнинг байтларини ёддан билар эди. У, Хоразм аҳолисига ғамхўр, адолатли подшоҳлик қилди. Бир манбада айтилишича, фуқаролар Хоразмшоҳ Отсизни яхши кўрар, унинг замонида фуқаролар хавф-хатардан мутлақо холи, тинчлик ва осойишталикда, адолатда яшади.

Алоиддин Отсиз жасур саркарда эди, жангларда толеи кулиб боқар, султон Санжар хизматида жуда кўп ғалабаларга эришган эди. Бу билан ўз ҳомийси (сюзерени) даргоҳида юксак иззат-ҳурмат қозонган эди. Бир марта у буюк султон Санжарни ўлимдан қутқариб қолди ва бу билан янада обрўйи зиёда бўлди.

Бу воқеа 1130 йилда юз берган эди (ҳижрий 524). Шу йили султон Санжар ўзига қарши исён кўтарган Самарқанд хони Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймонга қарши юриш қилди. Султон Санжар Бухорога яқинлашганида вазирлари фитна чиқариб, уни шикор (ов) пайтида ўлдиришга қасд қилдилар. Алоиддин Отсиз овга бормаган эди. Аммо, ярим кечада уйғониб кетиб, султон Санжарнинг оғир аҳволга тушганини кўнгли сезиб, отланиб, зудлик билан ёрдамга етиб борди. Худди шу пайт фитначи амирлар султонни қуршаб олган, у чорасиз аҳволда қолган экан. Шу заҳоти Отсиз фитначиларга ташланиб, улардан султон Санжарни қутқариб қолди. Султон Санжар эҳтимол, кейинроқ Хоразмшоҳдан «Фитначиларнинг ишидан қандай ҳабар топдинг?» деб сўраганида у «Тушимда султон ов пайтида фалокатга учраганини кўрдим ва тура солиб, бу ёққа етиб келдим» деб жавоб берган эди.

Султон Санжарнинг барча ҳарбий юришларида Отсиз унинг ёнида бўлган. Султон бошқа бир жияни—Маъсуд ибн Муҳаммад Топар (1133—1152) билан жанг қилганида Отсиз қўшинининг Жавонғори чап қанотига қўмондонлик қилган эди. Султон Санжар ва Маъсуд ўртасидаги бу жанг ҳижрий 526 йилнинг 8-ражабида

(1132 йил, 26 майда) Хамадон яқинидаги Дой-Марг деган мавзеда юз берган ва Султон Санжар ғалабаси билан тугалланган эди. (Бу воқеалар Садриддин Али ал-Ҳусайнийнинг «Зубдат-ут-таворих», «Тарихи фи ахбор ас-Салжуқия» асарида кенг ёритилган—М.М.).

Худди шу вақтларда, халифа Мустаршид замонида Бағдод халифалиги ҳокимияти билан хоразмшоҳлар ўртасида доимий алоқалар кучайди. Халифа Салжуқийларнинг кучайиб кетишидан хавфсираётган эди. Хоразмшоҳ Отсиз бу курашда унга иттифоқчи бўлиши мумкин эди. Шу иттифоқни тузиш ва кучайтириш мақсадида халифа Мустаршид ҳижрий 528 (милодий—1133) йили хоразмшоҳга элчилар билан фахрий кийим-кечаклар юборди (Ибн ал-Жавзий).

Қимматбаҳо кийим-кечаклар совға қилиш билан халифа Хоразмшоҳ Отсизнинг салжуқ султони Санжарга қарши курашини қўллаб-қувватлашини билдирди. Буюк султон Санжарнинг саройида ҳам Хоразмшоҳнинг обрўйи шу қадар баланд бўлиб кетдики, буни кўролмаган маликлар ва амирлар Отсиз атрофида турли иғволар тўқиб, султон билан унинг орасини бузишга уриндилар. Султон Санжарнинг муомаласи ўзгариб қолганини Отсиз ҳам сезиб турарди. Бу нарса айниқса ғазнавийлар подшоҳи Баҳромшоҳнинг султон Санжарга қарши исёни вақтида (ҳижрий 529, зулқаъда-июль-август 1135) яққол сезилди.

Хоразмшоҳ Отсиз султон Санжар фармони билан Балх қалъасининг қутволи (коменданти) бўлиб турган эди. Султон қўшини билан Балхга етиб келганида у лашкарни озиқ-овқат билан, отларини ем-хашак билан таъминлар эди. Султон Санжарнинг бу келишида Хоразмшоҳ ўз юртига (Хоразмга) кетишга рухсат сўради. Султон унинг тилагини инобатга олди. Хоразмшоҳ Отсиз Балх қалъасидан чиқиб кетиши билан султон Санжар вазиру вузароларига қараб, «Бу одамни энди бошқа кўрмайман» деди .Шунда аъёнлари султондан «Ундай бўлса, не учун унинг Хоразмга қайтишига рухсат этдингиз?» деб сўрадилар. Султон Санжар айтди: «Бу одамнинг бизга қилган хизматлари борки, биз унинг олдида анча-мунча бурчлимиз, унга зиён-заҳмат етказиш бизнинг ҳимматли ва мурувватли бўлиш истагимизга тўғри келмайди». (Жувайний, 1-том, Мирхонд, 4-том).

Хоразмшоҳ Отсиз салжуқ султони Санжарга ўн йил мобайнида (1128—1138) ихлос ва садоқат билан хиз-

мат қилди, у билан уруш қилишни ё фармонга қарши чиқишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. (Аммо, бахил, ичи қора одамлар султон билан орасини бузгач) Хоразмшоҳ ўз мамлакати ичкарисини ва чегараларини мустаҳкамлаб, куч тўплашга киришди. Етарли куч тўплаб олгач, султонга қарамликдан қутулиш, мустақилликни қўлга киритиш вақти келди, деб ҳисоблади. У ўз саройида амиру—умароларини йиғиб, «Бундан буён султон Санжарга бўйсунмаслигини» маълум қилди. Аъёнлари унинг бу мақсадини маъқуллашгач, Хоразмшоҳ ишга киришди.

Султон Санжарнинг барча вассаллари (тобелари) каби, Хоразмшоҳ Отсиз ҳам Хоразм ҳокими бўла туриб, ўз чегараси ташқарисидаги «кофир» кўчманчиларга қарши умумий ҳужумлар уюштириб, уларни бўйсундириши керак эди. Аммо, Хоразмшоҳ бу ишларни бошлашдан аввал султон Санжардан рухсат олиши зарур эди. Ўз ҳолича, мустақил ҳаракат қилиши мумкин эмас эди. Аммо, энди Хоразмшоҳ султон фармонини бузиб, салжуқларга тобеълликда бўлган Сирдарёнинг қуйи оқимидаги туркларнинг ерларини Жандгача (Каспий денгизи бўйларигача) босиб олди, Мангқишлоқ вилоятини ҳам ўз давлатига қўшиб олди. Хоразмшоҳнинг бу мустақил ҳаракати аслида биринчи марта султон Санжарнинг итоатидан чиқиши эди.

Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизнинг бу ўзбошимчалиги (исёни) дан хабар топгач, унинг таъзирини бериб қўйишга қарор қилди. Ҳижрий 533 йилнинг мухаррам ойида (мил. 1138, октябрь) султон Санжар Хоразм томон қўшин тортиб келди. У, кўнглида бу ишни шундай қолдирсам, бошқа тобеъларим-қорахонийлар ва ғазнавийлар ҳам исён кўтариб, мустақиллик даъво қилишлари мумкин деб ўйлади.

Шу мақсадда султон Санжар катта қўшин билан Ҳазорасп қалъасини қамал қилди. Бу жангда Хоразмшоҳ Отсиз енгилди. У, султонни енгишга кучи етмаслигини англаб, қамалга дош беролмай, қочишни афзал кўрди. (Бу жанг тафсилотлари, адиб Собир Термизий билан Рашидиддин Ватвот ўртасида жанг вақтидаги шеърий мусобақа Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» асарида берилган. Бўрибой Аҳмад таржимаси—М.М,). Мана шу жангда Хоразмшоҳ лашкарларидан ўлганлар 10 мингга етди. Ўлганлар орасида Хоразмшоҳнинг ўғли Отлиқ ҳам бор эди. Хоразм-

шоҳ ўғлининг ўлимига қаттиқ қайғурди. ва изтироб чекди. (Жувайний, Хондамир).

Султон Санжар Хоразмшоҳ устидан ғалаба қозонгач, одатга кўра, салжуқларга тобеъ бўлган барча мамлакатлар, ўлкаларга фатҳномалар юборди. Фатҳномаларда султон исёнкор Хоразмшоҳни нима учун жазолаш фикрига келганини ана шу юртларнинг ҳукмдорларига тушунтирди. Султон Санжарнинг Хоразмшоҳга қўйган айблардан бири — унинг султондан руҳсатсиз Жанд ва Мангқишлоқга босқин қилиб, у ерларда мусулмонларнинг қонини тўкиши эди. Зеро у жойларнинг аҳолиси ислом юртининг содиқ ҳимоячилари бўлиб, доимо куффорга (кофирларга) қарши курашиб келмоқдалар. («Фатҳи Хоразм бар дасти султони аъзам шаҳаншоҳи муаззам Санжар ибн Малик-шоҳ).

Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизга нисбатан бу айбларни қўяр экан, аввалги фикрларига зид равишда иш кўрди. У, ҳ. — 526 йилда (м. 1132) халифа ал-Мустаршиднинг вазири Анушировон ибн Ҳолид номига Бағдодга йуборган мактубида Жанд ва Мангқишлоқ ўлкаларини бўйсундириш ислом шон-шавкатини оширади ва ёйишга хизмат қилади, деб ёзган эди. Кўриниб турибдики, султон Санжар бир хил воқеага, сиёсий вазиятга қараб туриб, турлича баҳо берар эди.

Фатҳ — нусратномада яна Хоразмшоҳ султонликнинг Хоразмдаги вакили — олий насабли бир зотни ҳибсга олгани, сўнг қатл этгани, султоннинг барча хос вукалоси (вакиллари) ва «хазратнинг маъруф (таниқли) одамларини ҳибсга олиб, мол-мулкларини ғорат этгани, Хуросонга бораётган йўловчиларга тўсқинлик қилгани, Жайҳун ва бошқа дарёлар (кўприги)дан ўтувчилардан олинадиган бож-солиқларни пароканда қилгани султон хазинасига вақтида етказиб бермагани, ана шу дарёларнинг кўприк-кечувларида турган хоразмийлар йўловчиларни талаб, уларнинг мол-мулкини ва харами (хотин-халажи)га кўз олайтирганлари ва хоказо айблари айтилган эди (Коумен. Буйук салжуқли императорлугу тарихи 1125. туркча).

Султон Санжар Хоразмни эгаллагач, жияни Сулаймон — шоҳга иқтоъ (совға, мулк) қилиб берди, унга вазир, отабек ва хожиб тайинлади. Хоразмни қандай бошқариш усулларини аниқлаб берди. Аммо, Сулаймон — шоҳ бу ерда узоқ хукмдорлик қилолмади. Султон Санжар 1139 йилнинг февралида Марвга қайтиб кетиши билан Хоразмшоҳ Отсиз қўшинлари билан келиб, Хо-

разм аҳолиси истаги ва кўмаги билан Сулаймон — шоҳни қувиб чиқарди ва яна ўз хокимиятини ўрнатди.

Лекин Отсиз бу хабарни эшитса, султон Санжар ғазабланиб, яна қўшин тортиб келишидан қўрқди ва тез фурсатда султонга (мактуб ва элчилар юбориб) тобелик изҳор қилди. Отсиз (совға, саломлар ва ширин сўзлар билан) Султоннинг кўнглини олди, султон Хоразмшоҳни Сулаймон-шоҳни қувиб йуборганлигини ҳам кечирди. (Бу, юз йилча кейин Марвни мўғуллардан ҳимоя қилган Сулаймон-шоҳ эмас — М. М.)

Бу воқеа Хоразмшоҳ Отсизнинг узоқни кўзлаб иш тутишини кўрсатади. У, келгусидаги жангларга тайёрланиш учун, нафас ростлаб олишни ўйлаб, тобеълик изҳор қилган эди. Кўп ўтмай, шу 1139 йилнинг ўзида Хоразмшоҳ қўшни мамлакатларга хужум бошлади. У даставвал Журжон томонга қўшин тортди, шу йили Кабуд-Жомани босиб олди, унинг испаҳбади Алоуддавла Али ибн Шаҳриёрни асир олди. Испоҳбаднинг ўғли шоҳ-Ғози Рустам шахсан ўзи Хоразмшоҳ ҳузурига келиб, отасининг гуноҳидан ўтишни сўрагач, Испоҳбад озод қилинди. Ўша вақтдан бошлаб, Кабуд-Жома испоҳбадлари хоразмшоҳларнинг вассаллари (тобелари)га айланди (Маръоший, саҳ. 236).

Хоразмшоҳ бир неча ойдан сўнг яна султон Санжарга қарашли вилоятларга бостириб кира бошлади. У ҳиж. 534 (мил 1139) йилда Бухорога ҳужум қилди, шаҳарни эгаллаб, султон Санжарнинг волийси (ноиби) амир Занги ибн Алини қатл этиб, қалъани ва шаҳар деворларини йиқитди. Икки йил давомида Бухоро қалъаси вайрон бўлиб ётди.

Хоразмшоҳнинг бу йуришини ва Бухорони босиб олишини султон Санжарнинг Хоразмга йуриши ва ўғли Отлиқни ўлдирилганлиги учун ўч олиш деб баҳолаш мумкин. Султон Санжар ҳам бу воқеаларни шундай тушунди ва Хоразмшоҳга қарши жазо чораларини қўлламади. Султон Санжарнинг исёнкор ноибига қаттиқ чоралар кўрмаганига яна бир сабаб — Мовароуннаҳрда унга қарши бир даҳшатли куч-қорахитойлар (ал-хито) пайдо бўлган эди, улар Шин-Жонғ (Шарқий Туркистон)дан режали равишда ғарбга ва шимоли-ғарбга босиб келаётган эдилар. Ўз навбатида Хоразмшоҳ ҳам (қорахитойлардан омон қолиш учун — М. М) султон Санжарга тобеълик изҳор қилгани яхши эди. Шу мақсадда Хоразмшоҳ ҳиж. 535 йилнинг шаввал (1141 йил, май) ойида султон Санжарга тобеълик ва садоқат изҳор

қилиб, савганднома жўнатди. Мазкур савгандноманинг мазмуни қуйидагича эди:

«Қуръони» мажидда Ҳақ таоло айтурки: «Аҳдга вафо қилинглар. Зеро аҳд-паймон (қиёмат куни) сўраладиган ишдир». Ва яна: «Оллоҳга аҳд-паймон берган вақтларингизда аҳдингизга вафо қилингиз! Оллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни (Оллоҳ номи билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз. Албатта, Оллоҳ қилаётган ишларингизни билур!»

Мен, Муҳаммад ўғли Отсиз аҳд-паймонимни бажаришда Оллоҳ таолодан мадад сўрайман ва унинг марҳаматидан умидворман. Худованди оламга бандалик қилишга берган ваъдамга қанчалик содиқ бўлсам, ислом мамлакатларининг султонига тобеълик ҳақидаги ваъдамга ҳам шунчалик содиқдурман. Ҳақ йўлдан юрган ҳар бир бандани Ҳақ таоло ўзи ҳидоятга бошлар. Камина, Хоразмшоҳ Муҳаммад ўғли Отсиз Оллоҳ таолога ва унинг расули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаломга бандадирман ва токи тирик эканман, Жаҳонгир султон Санжар ибн Маликшоҳга, Оллоҳ унинг умрини узоқ қилсун, тобеъдурман ва ул зотнинг амр-фармонларини бажаришга мунтазирдурман. Ва ҳеч қачон унга қарши итоатсизлик қилмагайман. Ҳеч қачон султон давлатига зиёнкорликни истовчи турк ёки тожикка, дўст ёки душманга, аёл ёки эркакка, куффор ёки мусулмонга дўст бўлмагайман. Султонга қарши одамларга ҳомийлик ҳам қилмагайман, демак, султон давлатига душманлик қилмагайман. Мен султоннинг дўстларига-дўстдурман, ва душманларига-душман. Мабодо султоннинг ғанимларидан бирортаси унинг давлатига қарши бирор иш қилса, ёҳуд бирор сохта гап тарқатса, ёки яширин фитна тайёрласа, бундан хабар топишим билан раъий олийга етказурман. Давлатингизга ёмонлик қилишни кўзлаган ҳар қандай одам балоқазога учрасин ва камина куч-қудрати етганича, яширин ва ошкор душманларингизни даф қилайин. Бу йўлда мен ҳеч бир алдовларга учмайман ва гумон-шубҳаларга берилмагайман. Оламлар ва одамлар яратувчиси қодир Худога ва унинг пайғамбарига сажда ва таъзим қилишдан сўнг, хумоюн подишоҳнинг амр-фармонларини бажаришни доимий бурчим деб ҳисоблайман. Айни вақтда, камина мана ёрлиқда битилган барча ваъдаларимга вафо қилурман ва қудратли, улуғ, меҳрибон, ҳар қандай ширкдан ҳоли барча илмларни билгувчи, истаса барча оламларни вайрон қилгувчи,

абадий барҳаёт Тангри-таоло номига қасамки, мазкур ёрлиқда айтилган барча шартларга, оғишмай амал қилурман. Иншо-Оллоҳ! Иншо-Оллоҳ! Иншо Оллоҳ!

Етти қават осмонларни ва етти қават ерларни яратган Тангри номига қасамки, мен ҳеч қачон султонга қарши чиқмагайман. Агар мен мазкур номада айтилган шартларга вафо қилмасам, Оллоҳ таолонинг ғазабига учрай ва унинг ҳимоятидан маҳрум бўлай. Мабодо (билиб-билмай) султонга қарши бирор ножўя иш қилиб қўйсам, ўн марта Маккаи мукаррамага ҳаж қилай, ўн йил рўза тутай, ёхуд барча мол-мулкларимни Макка ва Мадинадаги бева-бечораларга бўлиб берай. Агар султони муаззамга қулликда ношудлик қилсам Худои таолонинг, расулуллоҳнинг, барча пайғамбарларнинг лаънатига учрай.

Мазкур маншур (ҳужжат) каминанинг ўз ихтиёри билан, чин кўнгилдан ҳижрий 535 йилнинг шаввал ойи ўртасида (1141 йил, май ойида) тузилди». (Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган қўлёзма. 124 б.—126 б) Событий, с. 97-99.

Аммо, Хоразмшоҳ Отсиз султон Санжарга йуборган бу савгандномада айтилган аҳду паймонларини бузса ҳам султон уни жазолашга журъат қилмаётганини сезди. (Бу вафосизлиги учун у кейинроқ жазога учрайди). Шундан сўнг у янада дадиллик билан эркин ва мустақил сиёсат юргиза бошлади. У танлаган йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун 1141 йилда Бағдодга, халифа ал-Муктафий саройига элчиси билан мактуб йуборди.

Бу мактубида Отсиз халифага тўла тобеъ эканлигини изҳор этиб, отаси Муҳаммад ибн Ануштагин ҳам салжуқларга қарши жиҳод қилганлигини, султон Санжар унинг ўзини неча бор Бағдод халифасига қарши курашга қайраганлигини айтди. У, халифадан ўзини Хоразм вилояти ҳамда унинг шарқий ва ғарбий ҳудудларидаги (яқинда) қўшиб олинадиган ерларга, унга (ўз ихтиёрлари билан) қўшиладиган мамлакатлар ҳамда вилоятларга ҳукмдор қилиб тайинланишини илтимос қилди.

Бир неча вақтдан сўнг Бағдоддан хоразмшоҳ Отсиз номига фахрий либослар, совға-саломлар ва унинг сўраган ерларида тўлаҳуқуқли ҳукмдорлигини эътироф этиб, султон олий мартабаси берилгани ҳақида фармон етиб келди. Шу вақтдан (1141) бошлаб, Отсиз ўз номидан тилла тангалар зарб эттира бошлади.

Халифа ал-Муктафийнинг бундай муҳим ишга қадам қўйишининг боиси шуки, у аввалги Бағдод халифалари ал-Мустаршид (1118—1135) ва ар-Рашид (1135—1136) ларнинг ўлимига салжуқийлар, аввало султон Санжар айбдор деб биларди ва ундан ўч олиш мақсадида хоразмшоҳ Отсиз билан тил бириктирмоқда эди.

(Бағдод халифасининг қувватлашини билгач) хоразмшоҳ Отсиз Султон Санжарга содиқлик ҳақида нома юборса ҳам, у ваъдаларига вафо қилишни, унга тўла итоатда бўлишни мутлақо ўйламаган эди (З. Буниёдовнинг бу фикрича, хоразмшоҳ Отсиз ваъдага вафосиз, мунофиқ бўлиб чиқадики, бу фикрга қўшилиш қийин. Султон Санжарга садоқат ҳақида нома юборганида Отсиз нималарни ўйлагани бир Худога аён, Оллоҳ барчанинг ўй-ниятларини билгувчидир — М.М.). Узоқни кўзлаб иш тутувчи сиёсатчи сифатида Отсиз Марказий Осиёдаги сиёсий вазиятни тўғри англади ва тез орада султон Санжарга қарамликдан қутулиб, тўла эркинликни қўлга киритиш мумкинлигига кўзи етиб қолган эди. Унинг каромати тўғри бўлиб чиқди. Марказий Осиёда султон Санжарнинг кучли рақиблари пайдо бўлди. Булар қорахитойлар (Балхаш кўлига) қуйилувчи етти дарё ҳавзаси — Етти сувда давлат тузган қидон-хитойи уруғига мансуб турклар — М.М.) ва ўғузлар эдилар. Баъзи тарихчилар очиқ ёзишича, Хоразмшоҳ Мовароуннаҳрга келиб турган хитойиларга султон Санжарнинг ерларини босиб олинглар», деб мактублар йуборган (Ибн ал-Асир, 9-том, Ибн Холдун).

Султон Санжарнинг қорахитойлар билан биринчи тўқнашуви, 522 (1128) йилда юз берган, ўшанда улар шарқдан (Шарқий Туркистонга) ҳужум қилган эдилар. Султон Санжарнинг ноиби — Қошғар хони Аҳмад ибн ал-Ҳасан уларнинг ҳужумини даф қилган эди. Аммо, қорахитойлар Мовароуннаҳрга қўшни ерлардаги қирғиз ларни ва уйғурларни бўйсундириб, кучайиб кетиб, 531 (1137) йилда Мовароуннаҳрга ҳам босиб кирдилар. Самарқанд хони Маҳмудхон ибн Арслон-шоҳ қорахитойларга қарши Хўжанд суви ёқасида жанг қилди, аммо улардан енгилиб, пойтахти Самарқандга қочиб келди. Тарихчилар ёзишича, шундан кейин (Мовароуннаҳр) халқлари бошига фалокатлар ёғилиб, одамлар қўрқинч ва қайғуда қолиб, бахтсизликларни кута бошладилар. (Ибн ал-Асир. 9-том. Наршахий. Бухоро тарихи).

Самарқанд хони (Маҳмуд ибн Арслон-шох) султон

Санжарга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Султон дарҳол қорахитойларга ва Қорлуқ ўғизларига қарши жангга тайёргарлик кўра бошлади. Чунки, шу қорлуқлар Самарқанд хонига қарши бош кўтариб, қора хитойлардан ҳарбий ёрдам сўраган эдилар. Қорахитойлар учун бу Мовароуннаҳрга босиб кириш учун тайёр баҳона бўлган эди.

Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизнинг содиқликка аҳд-паймонига, қасамёдига ишонгани учун, қўшинларининг чап қанотидан хотиржам эди. Шунда ҳам султон қорахитойларга қарши урушга 6 ой тайёргарлик кўрди. Бу урушга султон Санжарнинг барча вассаллари: Сижистон, Ғур, Ғазин, Мозандарон подшоҳлари қатнашдилар. Манбада ёзилишича, султон Санжар юз минг кишилик қўшин тўплади (Ибн ал-Асир, 2-том).

Ҳижрий 535 (милодий 1146) йилнинг зул-ҳижжа (июл) ойида султон Санжар лашкарлари билан Мовароуннаҳрга кириб келди. У аввало қорлуқларни жазолашга аҳд қилди (Самарқанд хони шулардан шикоят қилган эди). Аммо қорлуқлар Самарқанддан қочиб, қорахитойларнинг ғуйурхони (Ювурхон, кофирхон бўлса керак — М. М.) Елйўй То-Ши (1124—1143) ҳузурида паноҳ топдилар.

Ғуйурхон султон Санжарга мактуб ёзиб, ундан қорлуқларга тегмасликни, уларни таъқиб қилмасликни, айбларини кечиришни сўради (таклиф қилди). Султон Санжар бунга жавобан жаҳл билан хат ёзиб, ғуйурхондан тез ислом динига ўтишни талаб қилди. Агар ғуйурхон бу таклифни рад этса, султоннинг юз минг кишилик қўшини билан жанг майдонида учрашуви зарур, деди. Яна у қўшинлари яхши ўргатилгани ва яхши қуролланганини ҳам писанда қилди. Султон Санжар ҳатто «Жангчиларим шундай мерганки, олисдан соч толасини иккига бўлиб ташлайди» деб мақтанди. (Султоннинг мана шу мақтончоқлиги Худога хуш келмади, шекилли). Вазир Носириддин Тоҳир султонга эътироз билдириб, бу мактубни ғуйурхонга йуборманг деди. Аммо, вазирнинг эътирозига қарамай, мактуб ғуйурхонга жўнатилди.

Ғуйурхон бу мактубни ўқигач, элчининг соқолини юлдирди ва бир тола соқолни иккига бўлгин-чи, деб қўлига тўғноғич берди. Элчи толага тўғноғични санчолмади. Шундан сўнг ғуйурхон ҳозир бўлганларга қараб, «Сен олдингда турган соч толасига игна санчол-

масанг, бошқа одамларинг қандай қилиб бир тола сочни ўқ билан бўла олади?» деди.

Хитой манбаларида ёзилишича, ғуйурхоннинг ҳам турклар, хитойлар ва хитойлардан иборат юз мингли қўшини бор эди. (Ал-Ҳусайний китобида эса ғуйурхон қўшини 700 минг, султон Санжар қўшини 70 минг эди, деб берилади. Бар Эбрейда эса ғуйурхон қўшини 300 минг, султон Санжар лашкари минг эди, деб берилади.) Иккала тараф қўшини ҳижрий 535 йил сафар ойининг 5 куни (1141 йил, 2 сентябрь)да Самарқанд яқинида (шаҳардан 5 фарсаҳ нарида)ги Қатавон чўлида тўқнашдилар. Қорлуқлар айниқса султонга қарши қаттиқ жанг қилдилар (султон уларни кечирмагани учун). Бу жангда султон Санжар лашкари тор-мор келтирилди. Фақат Дарғом дарасининг ўзида султон жангчиларидан ўн минги ўлди. Султоннинг ўзи олти навкари билан аранг қочиб қутулди (Ибн ал-Асир, Тарих 9-том. Ал-Ҳусайний. Ахбор. Равандий. Роҳат ас-Сурур... Ибн Холдун. Ал-Ибор...).

Буюк султон ўрдусининг тор-мор этилиши салжуқларнинг Шарқ мамлакатларидаги обрўйини бутунлай тушуриб йуборди. Бу вазиятдан фойдаланган хоразмшоҳ Отсиз шу заҳоти ўз мулкларини кенгайтиришга киришди. Бир ой ўтгач, ҳижрий 536 йил, рабиул-аввал ойи (1141 йил, октябрь) бошларида Хоразмшоҳ лашкарлари Хуросонга бостириб кирди ва Сарахсни жангсиз эгаллади. Шаҳар аҳолиси номидан имом Абу Муҳаммад аз-Зиёдий хоразмшоҳни (келиши билан) табриклади, хоразмшоҳ имомга иззат-икром кўрсатди. Шу рабиул-аввал ойининг 17 куни (1141 йил 21 октярида) хоразмшоҳ Алоиддин Отсиз ибн Муҳаммад Ануштагин султоннинг (ўз ишлари билан) оворалигидан фойдаланиб, султоннинг пойтахти Марвни куч билан эгаллади ва шаҳарнинг (қаршилик қилган) обрў мартабали одамларини қириб ташлади. У (Хоразм шоҳ) султон Санжарнинг тахтига ўтириб, ўз туғроси (муҳри) билан ҳазиналар тўла сандиқларни муҳрлаб, ўзи билан олиб кетди: (Ахбор, Ҳусайний).

Садриддин Али Ҳусайний бу воқеани шундай ёзган эди. Унинг ахборотини бошқа манбалардаги айрим тафсилотлар билан тўлдириш мумкин.

Хоразмшоҳ Отсиз Марвга яқинлашганида шаҳар халқи номидан имом Аҳмад ал-Боҳарзий ташқарига чиқиб, аҳолига омонлик сўради. Хоразмшоҳ агар Марв аҳолиси шоҳ фармонларига бўйсуниб, шаҳарга кира-

диган мансабдорларига тўсқинлик қилмасалар халққа омонлик берилишини айтди. Аммо Хоразмшоҳ гаров сифатида Марвнинг обрўли одамлари, жумладан машҳур ханафия мазҳаби фақиҳи Абул-Фазл Қирмоний шоҳ ҳузурига келишларини талаб қилганида, шаҳар оммаси ғалаёнга келди. Хоразмшоҳнинг бир неча амалдорларини ўлдириб, қолганларини шаҳардан чиқариб, дарвозаларни беркитиб олдилар ва Хоразмшоҳ фармонига итоат қилмадилар. Бундан ғазабланган Хоразмшоҳ зўрлик билан шаҳарни эгаллади ва у ерда даҳшатли қирғин қилди. Хоразмшоҳ қатл этган Марв одамлари орасида шофеия фақиҳи Иброҳим Марвозий, аллома Али ибн Муҳаммад ибн Арслон, Марв аҳолиси исёнига етакчилик қилган шариф (ҳазрат Али авлодидан) Али ибн Исҳоқ ал-Мусавий ва бошқалар) бор эдилар. Шундан сўнг Хоразмшоҳ Марвдан машҳур дин олимлари Абул-Фазл Қирмоний, Абу Мансур ал-Аббодий, қози Ҳусайн ибн Муҳаммад Арсабандий, файласуф олим Абу Муҳаммад ал-Ҳарогий ва бошқаларни ўзи билан бирга Хоразмга олиб кетди. Бу воқеа Хоразмшоҳ Отсизнинг Хоразмни йирик фан-маданият марказига айлантириш нияти борлигини англатар эди.

Марв ишғол қилингач, Алоиддин Отсиз ўша йили шаввал (1142 йил, май) ойида лашкарларини Нишонурга бошлади. Бу ерда шаҳарнинг дин арбоблари хоразмшоҳдан, Марвда бўлганидек қирғин ва талонторожга йўл қўймасликни, аҳолига меҳр-мурувватли бўлишни илтимос қилдилар. Хоразмшоҳ рози бўлди ва Оби-Барйоқ қишлоғидан Нишопур аҳлига қуйидаги номани юборди:

«Бизнинг софдиллик зиналари ва шамшир дастала-ри билан эришилган тожу тахтимизнинг шон-шавкати ва оламга ҳукм юритиш жиловларини қўлга олишга ва барча инсонларни ҳимоят қилишга бўлган рағбатимиз ҳақидаги ҳар ерда гуллаб ётган ажойиб-ғаройиб ҳикояларни тушунмайдиган ва тасаввур қилолмайдиган одамлар топилмаса керак. Само чархини айлантиргувчи қазою қадар эгаси Ҳақ таоло ҳар куни бизнинг қисматимизга ҳайриятлар ёғдирмоқда. Ва биз бу илоҳий инояларга шукрона айтиш эвазига Ер йўзудаги зулумотни адолатимиз нури билан ёритишга ва олам аҳлига чексиз хайриҳоҳлигимиз соя-салқинларидан жой беришга аҳд қилгандурмиз.

Биз барча ҳукмдорларнинг ғаразли ниятларига бош бўлиб турган ўлжани йўлдан олиб ташладик ва душ-

манларни пароканда ва базм, мажлисларимизни фарҳунда қилиб, ҳалойиқ учун саҳоват ва мўъжизот булоғига айлантирдик. Баъзилар бизнинг меҳримиз ардоғида яйрамоқда ва баъзилар қаҳримиз қийноғида азобланмоқдалар. Барча бандалар шу кунларда бизнинг омадларимиз саҳифаларида самовий бахтиёрлик башоратларини мутолаа қилмоқдалар ва хатти-ҳаракатларимиз кўзгусида самовий сир-синоатлар ва шароитларни кўрмоқдалар. Агар кимдир мулоҳазаларимизга шубҳа қилса, подшоҳи олам султон Санжар қисматининг алдовлари ва беқарорлиги ҳақида мулоҳаза юритиб кўргай. У қалбан биз билан бўлганда саодатли давлатининг байроқлари самоватнинг олий қаватларига тикилган эрди. Султоннинг қалбида бизга нисбатан муҳаббат ўрнини мухолифат эгаллагач, ул зот аёлманд қўрқоқ маслаҳатчиларининг қутқуларига учиб, биздан юз ўгирди ва бизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқимиз ила мол-мулкимизни елга совурди ва тасодифот чангалига топширди, вал-оқибат ул зотнинг устига осмон тоқи қуларди. Ба эндиликда у давлатининг биздай ҳимоячиси ва дўстини йўқотгач, сўнгги пушаймони қандай наф келтиришини биз билолмадик.

Бугун бизнинг давлатимиз туғлари Оби-Байроққа эсонлик билан етиб келди ва бундан Нишопур сари йўлланмоқда. Хуросоннинг барча жойларида бизга бўйсунмай, осийлик қилганларнинг ҳоли не кечганлигини Нишопур аҳли яхши билурлар. Бизнинг Нишопур аҳли, шайхлари, хосу авоми хусусидаги фикримиз ажойибдир. Агар улар ўз уй-жойларининг, ўз шаҳрининг эсон-омон қолишларини ва ўз давлатига ўзлари ҳоким бўлиб қолишни истасалар, шунга яраша саъи-ҳаракат қилсинлар. Мазкур фармонимизни сизларга ҳожа раъис олиб борур, у сизларни фармондан хабардор қилиб, биз билан сулҳ тузиш учун шайхларни ва зодагонларни ҳузуримизга йўборур. Мазкур фармонимиз қўлларингизга тегиши билан, уни халққа ўқиб эшиттиргач, исми-шарифимизни хутбада ўқиб, бизнинг номимиздан тангалар зарб этурсиз. Мабодо, баъзи хонлар каби, сизлар ҳам фармондан бўйин товласалар, (Қуръон сўзларида айтилганидек) «Албатта биз уларга шундай қўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва албатта, биз уларни мағлуб ҳолларида қувиб чиқарурмиз» «Намл» сураси, (Санкт-Петербург Ш. И. қўлёзмалар хазинаси).

Мазкур номанинг мазмунига кўра, Хоразмшоҳнинг

мадади етиб турган вақтда Султон Санжарнинг салтанатида ишлар кўнгилдагидек эди, султон Хоразмшоҳнинг ёрдамини менсимай, ундан йуз ўгиргани учун у мағлубиятга учраган (яъни; Оллоҳ ҳам султондан йуз ўгирган). Нима бўлганида ҳам султон Санжарнинг Қатавон чўлида қорахитойлардан мағлубиятга учрашини Хоразмшоҳ салжуқлар салтанатининг Ўрта Осиё ва Хуросондаги инқирозининг бошланиши эканлигини сезган эди. Шунинг учун, Отсиз Марвга, Нишопурга, Хуросоннинг бошқа шаҳарларига ҳужумлар бошлаб, ўзини фотиҳдек тутди ва буйук ҳукмдор сифатида тўла тан олинишини талаб қилди. У Нишопурни эгаллагач, масжидларда хутбада султон Санжарнинг номи тилга олинмаслигини ва Отсиз номига хутба ўқилишини талаб қилди.

Отсиз лашкарига Нишопурни талатмади, аммо султон Санжарнинг аъёнларининг мол-мулкларини (Хоразм давлати фойдасига) мусодара қилди. Бу мол-мулклар ҳам озмунча эмас эди. Ҳижрий 536 йилнинг 2-зулқаъдасида (1142 йил, 29 май) Отсиз Нишопурда ўз номини хутбада ўқиттирди. Аммо, имом хатиблар минбарда Хоразмшоҳ номига хутба ўқиётганларида халойиқ норози бўлиб, хатибларга ташландилар. Халқнинг норозилиги исёнга айланишига бир баҳйа қолди. Лекин, эҳтиёткор, оқил одамлар (зу-р-рой ва-ақл)нинг маслаҳати билан шаҳар аҳолисига бўлажак қирғинларнинг яхшилик келтирмаслиги тушунтирилиб, осойишталик сақланишига эришилди.

Нишопурда Хоразмшоҳ номи билан хутба ўқиш атиги икки ой (537 йил, муҳаррам, 1142 йил ийўл ойигача) давом этди. Шундан сўнг хутбаларда яна султон Санжарнинг номи тикланди. (Ибн ал-Асир, 9-том).

Хоразмшоҳ Нишопурда туриб, укаси Йинал Тегин қўмондонлигида Байҳақ, Фарйумад ва бошқа шаҳарларга ва улар атрофига қўшинлар йуборди, бу қўшинлар мазкур жойларни талон-торож қилдилар. («Тарихи Байҳақ». Ибн Ҳолдун).

Қорахитойлардан енгилган султон Санжар Марвга қайтиб келиб, Хоразмшоҳга қарши ҳеч қандай чоратадбир кўрмади, чунки қорахитойлар ҳали Мовароуннаҳрдан кетмаган, Хоразмшоҳ худди шу вазиятдан усталик билан фойдаланган эди.

Хуросон шаҳарларини забт этиб қайтган Хоразмшоҳ қорахитойларнинг ҳарбий қудратини эсдан чиқармай, улар билан сулҳ битими тузди. Бу битимга кўра Хо-

размшоҳ қорахитойларга ҳар йили 30 минг олтин динор тўлаб туриш мажбуриятини зиммасига олди (Олтин ёки қорамоллар билан).

Манбалар гувоҳлик беришича, Хоразмшоҳ Отсиз шу даврда султон Санжарга мутлақо бўйсунмай қўйди. Хоразмшоҳнинг сарой шоири ва муншийси (котиби) Рашидиддин Ватвот Хоразмшоҳ ғалабаларини қутлаб, қасида ёзди, унда шундай сатрлар бор эди;

Малик Отсиз олди подшоҳлик тахтини
Куни битди Салжуқларнинг бахтини.
(Сулаймон Раҳмон таржимаси).

Султон Санжар лашкарининг Қатавон чўлидаги мағлубиятдан сўнг қорахитойлар Ғайурхони (гурхони) деярли бутун Мовароуннаҳрни ишғол қилди. Отсиз билан битим тузган гурхон Бухоро вилояти ҳокимлигини Хоразмшоҳнинг жияни Отма-тагин ибн Биёбонийга берди. Гурхон Отма-тагинга хожа имом Тожул-Ислом Аҳмад ибн Абдулазизни маслаҳатчи вазир қилиб тайинлади (бухоролик Бурхонлар авлодидан). Бурхон буйруғига кўра, имом Аҳмад Бухоро ҳокими (Отма-тагин)нинг босган ҳар бир қадамини назорат қилиб туриши, ҳоким имомнинг чизган чизиғидан чиқмаслиги керак эди.

Аммо Хоразмшоҳнинг жияни қорахитойлар кетиши билан ўзбошимчалик қилиб, Бухоро аҳолисининг мол-мулкини талай бошлади. Шаҳар аҳолиси гурхонга арз қилиб, мактуб жўнатдилар. Гурхон Отма-тагинга ҳозирча кескин чора кўрмай, насиҳат қилиш билан чекланди: Отма-тагинга етиб маълум бўлсинки, сен билан бизнинг ўртамизда узоқ масофа бўлса ҳам ишларингни маъқул ёки номаъқул дегувчи одамимиз сенинг ёнингдадир. Отма-тагин не иш қилса, имом Аҳмад фикрига қараб иш кўрмоғи зарур». Аммо, гурхон ҳам Хоразмшоҳ Отсиз билан орани бузмаслик учун (ва ҳар йили оладиган 30 минг олтиндан қуруқ қолмаслик учун — М. М) Бухородаги ноибига танбеҳ бериш билан чекланиб турди.

Табиийки, султон Санжар Хоразмшоҳнинг салжуқлар вилоятларига ҳужум қилиб, хазинасини қўлга туширганини кечирмаган ва ундан ўч олиш режасини тузаётган эди. Султон Санжар қолган қўшинлари билан Марвга қайтиб келиб, ўз ғозийларини тўплаб, уларга иззат либосларидан ва ташрифот-мукофотларидан таш-

қари яна уч миллион динор пулни улашиб берди ва катта қўшин билан Хоразмшоҳга қарши йуриш бошлади (Ал-Ҳусайний, Зубдат-ат-таворих, 95).

Бу султон Санжарнинг Хоразмшоҳ Отсизга қарши иккинчи йуриши эди. Унинг қўшинлари Хоразмшоҳнинг пойтахти Гурганжни қуршаб, олдилар. Гурганж қалъаси жуда мустаҳкамланган эди. Хоразмшоҳ султон қўшинларига қарши очиқ жанг қилишга кучи етмаслигини билиб, шаҳардан ташқарига чиқмади. Бир тарафдан султон Санжар лашкарларининг ҳам шаҳарни тез эгаллашига кучи етмаётган эди. Шунга қарамай салжуқ жангчиларининг айрим фавжлари (отрядлари) шаҳар мудофаасини ёриб, ичкарига кирган эдилар. Аммо, уларнинг ҳужумини гурганжликлар мардона қайтариб яна қувиб чиқарган эдилар. Агар султон Санжар қатъийроқ жидду жаҳд қилса, шаҳарни эгаллаши мумкин эди.

Хоразмшоҳ шуни тушунгани учун аввалроқ тараддуд кўриб султон Санжарнинг (таслим бўлишини таклиф қилиб қолган — М. М) амирларига ноёб совғасаломлар бериб, узрҳоҳлик ва омонлик сўради. (Кейинчалик амир Темур ҳам шундай йўл тутган эди). Султон Санжар Хоразмшоҳнинг узрини қабул қилди. Отсиз султонга салжуқлар давлати хазинаси бўлган сандиқларни ва султонлик туғросини (муҳрини) қайтариб йуборди. Шундан сўнг Хоразмшоҳ отига миниб, шаҳар дарвозасидан чиқди ва дарёнинг ўнг соҳилида султон Санжарнинг рубарўсида тўхтаб султонни кўриб отидан тушди, таъзим билан ерни ўпиб, унинг шартларини қабул қилди.

Султон Санжар (сулҳ тузиб) пойтахти Марвга қайтиб келдию, Хорозмшоҳ жим ўтирмаслигини (яна урушга тайёрланиши мумкинлигини) англади: (Кейинги ҳодисалар) хоразмшоҳнинг султонга бўйсуниш нияти йўқлигини кўрсатарди. Султон Санжар шу туфайли Хоразмшоҳнинг ҳар қадамини кузатиб, унинг хатти-ҳаракатлари ҳақида ахборот бериб туриши учун Гурганжга ўз номидан атоқли шоир Адиб Собир (Термизий)ни доимий вакил қилиб юборди.

Бир вақт Адиб Собир Хоразмшоҳ Отсизнинг махфий режасини билиб қолди. Отсиз султонга суиқасд қилиш учун икки исмоилий (фидойи)ни йуборганини англади ва бу ҳақда зудлик билан султонга хабар йуборди. Марвда иккала фидойи исмоилийни тутиб олишди ва қатл этишди (дорга осишган бўлса керак).

Отсиз махфий режаси фош бўлгани учун Адиб Собирни айбдор деб билиб (уни жосусликда айблаб), қўл-оёғини боғлаб, Амударёга чўктириб йуборди (Жувайний, 1-том, Қазвиний, Гузида. Мирхонд, 4-том).

Султон Санжар Хоразмшоҳга (танбеҳ тариқида) таҳдидли мактуб йуборди. Аммо Отсиз ҳам бўш келмай, султонга машҳур бўлиб кетган байтлари билан жавоб берди:

Елдай учса султон тулпори,
Ортда қолмас менинг саманим.
Келсанг бу ён, мен боргайман у томон,
Султон учун торлик қилмас бу жаҳон.
(Ровондий, 1-том).

1145 йилнинг сентябрь ойида Хоразмшоҳ Отсиз саман отида «у томон» йўл олди: у яна Жандни ва Сирдарё бўйларидаги бошқа шаҳарларни эгаллаш учун жўнади, Амударё бўйидаги Урганждан (Қизилқум) чўлини шиддат билан кесиб ўтган Хоразмшоҳ Сирдарё соҳилидаги Жандга етиб келди. У, Жандни деярли жангсиз, қон тўкмай, ишғол қилди. Хоразмшоҳ Жандни эгаллаши, «куффор» (кофирлар) устидан ғалабаси шарафига турли вилоятларга (ҳукмдорлар, ҳокимларга) фатҳнома битиб йуборди:

Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг бизга кўрсатаётган лутфу марҳамати билан давлат низомлари ва мамлакат азизларининг хайри изомлари кун сайин шу қадар ортиб бормоқдаки, бу юксалишни қалам шарҳлашдан ожиздир. Тангри таолонинг қудрати билан биз дину шариатнинг, давлату раъиятнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ва марҳаматли амру фармонлар қабул қилишда бизга ва яқин дўстларимизга бахтиқбол ва фатҳу нусрат аввалдан илоҳий ишорат билан аён қилинмоқда. Ва бу ишлардан мурод — хатти-ҳаракатларимизнинг бошланиши ва охири хайрли бўлишидур.

Жанд—оламдаги энг нуфузли вилоятлардан бири ва буюк ислом юрти чегарасидир: биз вилоятни (аҳли куффордан) озод қилиш Тангри таоло мадади билан бизга насиб этди ва ўшал вилоят аҳли бўйнига бизга итоат этиш арқонини ташлади. Бу ишнинг давлатимиз учун бошқа бир муҳим жиҳати шу эрдики, бир гуруҳ осийлар бу давлат ишларига доимо даҳл қилиб, (раъият учун) маърифат ва адолат йўлларини тўсиб, у ерда ҳукм йуритиб, жабр-зулм қонунлашади, тилакларимиз

амалга ошади», деб хаёл қилган эдилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таборак ўз лутфу марҳамати билан бизни ҳидоятга бошлаб, ҳижрий 540-йилнинг раббиал-охир (1145 йил, октябрь) ойида бизнинг олий раъйимиз улуввият қутба ва бахту иқболимиз қароргоҳи (бўлмиш) Хоразмдан ўшал Жанд вилояти сари йўналгунича (золимлар) у ерга эгалик қилиб келди.

Бу йўлимизда тақдир марҳамати ва бахт-иқболимиз йулдузи бизга ҳамроҳлик қилди. Давлатимиз қувватли, фатҳимиз буюк нусратли, тақдир бизга марҳаматли бўлди. Ҳумойун лашкарларимиз энг даҳшатли ва фалокатли Жанд саҳросини Оллоҳнинг қудрати ва мадади билан етти кунда кесиб ўтди ва саккинзинчи куни (27 октябрь) денгиз бўйида, Жанд шаҳридан 20 фарсал (120—140 километр) масофадаги Жанож—дарада қўним қилди.

Зафаросо қўшинимиз (унга Оллоҳ ғолибиятни насиб этсин!) (ва) юк ортилган уловларимиз (туялар ва отларимиз) шу манзилда бир оз нафас ростлагач, бир кечанинг ўзида, Жанубга етиб, жума куни тонгда шаҳар дарвозасини олдига келиб қолдик. Лашкарларимиз жангга кириши билан ғолиблигини эълон қилиб, давлатимиз байроқларини (шаҳар миноралари ва томларида) ҳилпиратдик. Ўзини хон деб атаган ўшал бебош нодон ва итоатдан бўйин товлаган ўша исён бандасининг қочиши бизнинг шавкатли мулозимларимизнинг келганлигидан нишона эди. Ўша заҳоти биз яқинларимизни уни тутиб келтириш учун жўнатдик, токи улар унинг ёвуз ва нопок моясининг илдизини узиб ташласинлар. (Жанд вилоятидаги) бошқа амирлар, лашкарбошилар ва муҳтарам зотлар остонамизга таъзим қилиш ва раъйимизга бўйинсуниш учун ошиқиб келдилар ва барчалари марҳаматимиз ва саҳоватимиздан тўлиқ улушларини олдилар. Биз табиатимизга ва одатимизга муносиб иш қилиб, бундай пайтларда уларни жазолаб ўтирмаган ва хатто янглишувларини шафқат-муҳаббатимиз этаги билан ёпиб қўя қолдик. Жанд вилояти ва унинг олис теварак-атрофлари бизнинг илгимизга ўтди ва (жабр-зулмдан) халослик топди. Бу жангда биз тарафдан қон тўкилмади, ҳатто қиличларимиз қинидан суғурилмади, ўшал вилоятда ўқилаётган хутбалар исми-шарифимиз ва лақабимиз билан безалди.

Ҳақ таолодан бизга ҳеч бир жаҳонгирга насиб этмаган бахт-иқбол ва зафарлар насиб этдики, биз дав-

латимизнинг фуқаролари бўлган қозилар, имомлар, раъислар, мансабдорлар, аъёнлар ва деҳқонлар (Тангри берган) бу инъомлардан тезроқ баҳра олса ва бу улуғ ғалаба хабари тезроқ фуқароларимизга етиб борса, деймиз.

Мазкур фатҳнома бизга ғолиблик насиб этган жумъа куни битилди ва бу хушхабар бизнинг ишончли мулозимларимиздан амир Асад ал-Мулк Аҳрибек орқали жўнатилди — унга Оллоҳ мададкор бўлсин! Бу ишончли кишимиз фатҳнома билан етиб борганида иззат-ҳурмат ва эътимод билан кутиб олингай.

Бу хушхабарни барча жойларда (жарчилар орқали) халққа эълон қилинса, табаррук зафарнома шарафига муносиб маросим ва қабуллар ташкил этилсин. Мазкур фатҳнома етиб боргач,. Жанд вилояти тўлиқ тасарруфимизга киргач, давлатимизнинг обрўли ва ишончли одамларидан бири вилоятга ноиб этиб тайинлангач, давлатимиз пойтахти, бахт-иқболимиз қутби Хоразмга қайтгаймиз. (Тилагимиз шуки) вилоятнинг барча фуқаролари Жанд билан Хоразмни — бир давлат деб билиб, тинчлик ва осойишталикда яшагайлар. Бизнинг туғларимиз яна бу ерга етиб келгунича (вилоят ва пойтахт) ўзаро чопарлар ва мактублар алмашиб, давлатимизга дуогўйлик қилсинлар ва пойтахтга (қўшин ва маблағ билан) мадад йуборибтурсинлар. Зеро, бу совға-саломлар уларнинг бахтиёр турмуши меваларидир. Вассалом!»

Салжуқ султони ўзига тобеъ бўлган Хоразмнинг бундай иш тутишини очиқ ҳақорат деб билди ва султон исёнкор Хоразмшоҳни жазолашга қарор қилди. Ҳижрий 542 йил, жумадил-охир ойида (1147 йил, ноябрь) султон Санжар Хоразмшох Отсизга қарши учинчи жазо йуришини бошлади. Бу сафар хоразмшоҳ Ҳазорасп қалъасига яширинишга қарор қилди. Султон лашкарлари қалъани қуршаб олиб, манжанақлардан ўқ отиб, деворларни қулатишга киришди. Ҳазорасп қалъасининг қамали икки ой давом этди, шундан сўнггина султон Санжар қалъани ишғол қилди. Султоннинг сарой шоири, Авҳадиддин Анварий (Муҳаммад ибн Амир) шаҳарни қамал қилишда қатнашиб, шу муносабат билан бундай рубоий ёзган эди:

Эй, шоҳ Санжар, мулки жаҳон-мавжудот сенгадир,
Тақдир ва толеъ ёр бўлса-коинот сенгадир.

Бир ҳамла ила бу кун Ҳазораспни ол,
Эртага Хоразму, юз минг от сенгадир.

Шоир бу рубоийни камон ўқига боғлаб қамалдаги шаҳар ичига отди. Ўша вақтда қалъада хоразмшоҳ Отсиз қошида бўлган донишманд шоир Рашидиддин Ватвот бу рубоийга жавобан қуйидаги байтни ёзиб, султон Санжар қароргоҳи тарафга отдилар:

Эй, шоҳ (Отсиз), ёвинг Рустам каби
Зўр бўлса, бешак,
Сенинг Ҳазор аспингдан ололмагай
ҳатто бир эшак.

Султон Санжар ҳужум қилиб, Ҳазораспни эгаллагач, шоир Рашидиддин Ватвотни узоқ вақт қидиртирди. Аммо шоирни (атайлаб) султоннинг жаҳли босилганида топиб келишди ва Санжар унинг (рубоийси учун) кечирди.

Изоҳ: Давлатшоҳ Самарқандий, «Тазкират ушшуаро»да ёзишича, аввалроқ ҳам Рашидиддин Ватвот султон Санжарга қарши бундай байт ёзган:

Мулк тахтига келди Отсиз-ул ғазабкор найзабоз,
Топди Салжуқ давлтию хонадони инқироз.
(Сулаймон Раҳмон таржимаси).

Мазкур байт ҳам султон Санжарнинг ёдида эди. Шу туфайли султон «Агар Ватвот қўлга тушса чопиб, етти пора қиламан», деган эди. Аммо, Султон Санжар девонининг муншийси ва шоҳ надими-яқини Мунтаҳабиддин Бадеъий котиб ўртага тушиб, султоннинг ғазабига сув сепиб, гапни ҳазилга буриб: «Ватвот дегани ўзи жуда кичик, кўзга кўринмас қуш, уни етти пора қилиб бўлмас, буйургилки, уни икки пора қилсинлар» деган. Султон бу лутфдан хурсанд бўлиб, у ҳам лутф қилиб «Уни икки пора қилиб ҳам ўлдирмайлик, ўзи заиф экан» деб, шоирнинг қонидан кечган (Таржимон).

Султон Санжар Ҳазораспни олгач, хоразмшоҳ Отсизнинг пойтахти Гурганж (Урганж)га лашкар тортиб борди. Хоразмшоҳ султонга қарши жанг қилишга кучи етмаслигини англаб, яна у билан ярашиш учун чора-тадбир излади. Сулҳ битими таклиф этиш учун (машҳур) дарвеш Оҳу-пўшдан воситачи бўлишни тиладилар (Бу дарвеш кийик пўстин ёпиниб юрар экан).

Хоразмшоҳ дарвеш Оҳу-пўш ёнига бир қанча элчиларини ноёб совға-саломлар билан омонлик сўраб жўнатди. Султон Санжар учинчи марта хоразмшоҳнинг гуноҳини кечирди (В. В. Бартольд хоразмшоҳнинг Оҳу-пўшдан бошқа элчилар йуборганини ёзмаган — З. Б). Сулҳ шартномасига кўра хоразмшоҳ Отсиз султон Санжарга тобеълик билдириб, унинг оёғи остидаги тупроқни ўпиши керак эди (ўрта асрлар одатига кўра).

Аммо хоразмшоҳ бундай қилмади. У ҳижрий 542 йил муҳаррам ойининг 12-куни (1148 йил, 2 июнь) отлиқ ҳолда султон Санжар қошига «мулозиматга (хизматга) келди ва отидан тушмаган ҳолда султонга салом берди. Бу ҳам етмагандай, хоразмшоҳ султон билан учрашув жойини биринчи бўлиб тарк этди. Султон Санжар Отсизнинг бу «беодоблиги»дан жаҳли чиқса ҳам, яқинда ўзи унга шафқат мурувват қилгани учун аҳдини ўзгартирмади. Султон бунга норозилик билдирмай, Марвга қайтиб кетди (Жувайний, 1-том).

Хоразмшоҳ сулҳ шартномасига кўра, султоннинг ғазабини келтирмаслик учун қуйидаги мазмунда тавба-тазарру мактубини йуборди.

Олий ҳукмдор, бандаларнинг амири, Мағриб ва Машриқ, бутун олам подшоҳи султонимизнинг умри минг йиллар бар-давом этсун! Олам ул зотнинг тилагига тинч бўлсун, самовот (фаришталари) унга мададкор, толеъ ва давлат унга ҳамиша ёр бўлсун- Фақирул-ҳақир бандангизнинг тилаги зоти олийларининг табаррук остонасига бош уришдир. Ул зотнинг ҳукмдорлиги ва олий мақомини Оллоҳ узун қилсун—ҳозирги вақтда барру баҳр (еру денгизлар) подшоҳларининг қиблагоҳи, Мағриб ва Машриқ султонларининг Каъбаси бўлган ул зоти олийларининг олий мақоми шундай йуксак даражаларга етдики, буларни тавсифлашга қалам ожиздир! Қудрати ва марҳамати чексиз Оллоҳ таолодан тилагим шуки, бу фақирул-ҳақирни тез фурсатда остонангиз тупроғини ўпишга ва даргоҳингизда лутфу марҳаматингизни кўришга муяссар этсун!

Бу ожиз қулингиз кечаси кундузи зоти-олийларининг лутфу марҳамати учун энг нозик сўзлар ила дуогўйлик қилурман. Олий Мажлис (султон Санжар)нинг хайриҳоҳлиги учун — (биз бандаларнинг) шукроналар айтишимиз ноз-неъматларимизнинг ортишига ва иззат-ҳурматимизнинг зиёда бўлишига боис эканлигига комил ишонч ҳосил қилдик. Сиз Зоти олийларининг ишончли

вакиллари бизнинг қошимизга етиб келиб, олийжаноб зотнинг муҳри билан безалган олий фармонингизни қўлимизга топширганида бу фақирул-ҳақирга гўё ўлганидан кейин қайта жон ато қилингандай қувончимиз чексиздир. Ушбу фармонни ўқиб, аввалларн ўртамизда бўлган (гўзал) муомала, мушоҳада ва расм-одатларнинг излари ўчиб кетганидан сўнг (у гўзал муносабатлар яна қайтадан тикланди ва энди) абадий тасдиқланган низом тартибот яна ўрнатилди.

Олам ҳукмдорининг (Оллоҳ унинг қудратини янада кўпайтирсин!) бу фақирга нисбатан қилган адолати овозасини эшитган одамлар Оллоҳ таолодан ул зотнинг қудратли давлатини фузун қилсин, дея дуогўйлик қилмоқдалар. Бу фақир қулингиз токи тирик экан, шу бугундан бошлаб умрим охиригача олий мажлис (султон раъйига) мулозамат ва мутобаат қилишдан бошқа иш қилмагай ва ўз елкасига вафо ва садоқат қабосидан бошқа либосни киймагай. Фақир ўз авлодларим ва ворисларимга ҳам шундай одатга амал қилишни васият қилиб қолдиргайман».

(Бу мактуб султон Санжарни хурсанд қилган, албатта). Аммо, султон Ўрта Осиё ва Хуросондаги (мураккаб вазиятни яхши билар ва хоразмшоҳнинг ўзини тутишга ишонар эди (бунга шубҳа қилмас эди). Чунки, Қатавон чўлидаги мағлубият султоннинг ёдида эди, хоразм ҳам қорахитойларга ҳар йили ҳирож тўлаб туришини билар эди. Шунинг учун султон Санжар хоразмшоҳга яна танбеҳ бериб, уни ўзига қарши қилиб қўйишни истамас эди. Султон пойтахти Марвга (у пайтда Марви жаҳон дейиларди — М. М) қайтиб, элчилари орқали хоразмшоҳга иззат-икром либослари ва совға-саломлар йуборди. Ўз навбатида, Отсиз ҳам элчиларга иззат-икром кўрсатиб, яхши совға-саломлар билан сийлаб, Марвга қайтариб йуборди.

Шу тариқа (дунё) сиёсат майдонида янги ва кучли давлат — хоразмшоҳлар давлати пайдо бўлди ва мустаҳкамланди. Энди бу давлат билан ўша замоннинг энг қудратли ҳукмдори султон Санжар ҳам ҳисоблашишга мажбур эди. Ҳар ҳолда султон Санжар (нозик сиёсат йуритиб) хоразмшоҳнинг Хуросонни босиб олишга уринишларининг олдини олиб, эътиборини бошқа ёққа қаратди. Шундан сўнг Отсиз «шимолдаги аҳли куффорга қарши кўп марта ҳарбий йуришлар қилди ва улар устидан ғолиб келди.» (Жувайний. 1-том).

Ҳижрий 547 йилнинг муҳаррам (1152 йил, апрел) ойида хоразмшоҳ Отсиз «олам масканларининг онаси ва ислом олами ҳудудларининг энг муаззами («уммаҳоти буқъаи дунё ва муаззамоти суғури ислом») бўлмиш-Жанд вилоятини фатҳ этиш учун йуриш қилди (бу вилоятни ундан қорахитойлар тортиб олган эдилар) Жанд вилоятида қорахитойларнинг ноиби Камолиддин Маҳмуд ибн Арслонхон ҳукм суриб турган ва Отсиз у билан маълум вақтгача дўстона муносабатда бўлиб турган эди.

Жанд ва унинг атрофларини қўлга киритиш учун хоразмшоҳ айёрона йўл тутди. У, Камолиддинга, куффор қипчоқларнинг пойтахти-Сиғноқни эгаллаш учун биргаликда ҳарбий йуришни таклиф этди. Камолиддин рози бўлди. Аммо, Жанд шаҳри деворлари олдида яхши қуролланган хоразмшоҳ лашкарини кўргач, бу йуришнинг асл моҳиятини тушунди ва қўшинини ҳам олиб, Жанддан қочиб кетди. Отсиз унинг ортидан ўзининг яқин одамларини йубориб, кўнглини тинчитишга ва қайтариб келишга муваффақ бўлди. Камолиддин қайтиб келгач, уни дарҳол ҳибсга олиб, қўл-оёғини кишанлашди. Отсиз тезлик билан Жанд вилоятини Камолиддиннинг одамларидан тозалади ва бу ерда ўзининг катта ўғли Абул-Футуҳ Эл-Арслонни волий (ноиб) қилиб тайинлади.

Аммо, султон Санжар Жанднинг эгалланиши ва Камолиддиннинг ҳибсга олинишига қарши норозилик билдирмади, хоразмшоҳга муносабатини ҳам ўзгартирмади. Ҳолбуки, хоразмшоҳ Отсизнинг барча хатти-ҳаракатлари салжуқларнинг Шарқдаги ҳукмронлигига қарши эди.

Иккинчи тарафдан, Салжуқлар салтанатига ғўрийлар зарба бердилар. Ўша йилнинг ўзида (1152) амир Кўмач қўмондонлигидаги ғўрийлар лашкари султон Санжар лашкарини тор-мор келтириб, Балхни эгаллади. Шундан сўнг ғўрийлар янада кучайиб, султон Санжарга тобеъ бўлган қўшни ғазнавийларнинг мулкларини босиб олдилар. Ғўрийлар давлатининг бошлиғи Алоиддин Ҳусайн 1151 йилда Ғазни шаҳрини ишғол этгач, ўз давлатини мустақил деб эълон қилди. Султон Санжарга доимий тўлаб турган бож-хирожни тўхтатиб қўйди. У султон унвонини олиб, салжуқ султонига ўзини тенглаштирди.

Шу воқеаларнинг ҳаммаси, шунингдек, салжуқларнинг Ҳиротдаги ноиби Али Чатрийнинг хоинлик қилиб,

шаҳарни ғўрийларга топшириши султон Санжарни ҳарбий юриш бошлашга мажбур қилди. Ҳижрий 547 йил, рабиул-аввал ойининг 17-куни (1152 йил, 24 июн)да Ҳиротнинг шарқий тарафидаги Миробод деган жойда султон Санжар Алоиддин Ҳусайн Ғўрий лашкарини тор-мор келтирди. Алоиддин асир олинди, аммо султон Санжар унга иззат-ҳурмат кўргизиб, озод қилиб юборди. Миробод жангида 30 мингдан зиёд ғўрийлар ва уларнинг муттафиқлари (иттифоқчилари) ўғузлар ҳалок бўлди. Бундан ташқари, ғўрийларнинг сара қўшинидан 6 минги султон Санжар томонига ўтиши жанг тақдирини ҳал қилган эди. Султон Санжар жангда тушган ўлжаларни, хазиналарни ва мол-қўйларни Алоиддин Ҳусайнга қайтариб берди ва унга бундай дейди:

«Алоиддин, сен менинг биродаримсан! Мана бу молмулкларингни ол-да, Ғўрга қайтиб кетавер. Оллоҳ ёр бўлса, ўғузларни итоатга келтир. Агар ғолиб келсак, бу ўлжаларни сўраб қолганимизда қайтарарсан. Аммо аксинча бўлиб, мағлубиятга учрасак ва салтанатимиз поёнига етиб, давлатимиз умрининг ришталари узилса, мана бу хазиналар ва уйурлар (отлар, туялар) ўзингга қолсин, (қорахитойлар билан) ўғузлар қўлига тушмасин» (Жузжоний, 1-том, Зиё Бунёдов изоҳида айтилишича, бу сўзлар султон Санжарнинг карамотли васиятидир, ёхуд бу оҳангни кейинроқ Жузжоний ўзи қўшган бўлиши мумкин).

Кейинги ўн йиллар мобайнида султон Санжарга қўл остидаги яна бир ҳоким — Сижистон ҳокими Тожиддин Абул-Фазл ҳам душманлик йўлига ўтди. Тожиддин баҳодир, султон Санжарнинг арзандаси, (Қатавон жангида у султоннинг ҳаётини асраб қолган — З. Б), барча урушларда султоннинг айрилмас сафдоши эди.

Султон Санжар ғўрийларга қарши йуриш бошлаганида Тожиддин Абул-Фазлдан қўшиндан ёрдам бергин деб илтимос қилган эди. Султон унга мактубларида жуда ширин сўзлар айтиб, катта ваъдалар берса ҳам Тожиддин ўзининг касаллигини баҳона қилиб, ғўрийларга қарши урушга сира аралашмади.

Ниҳоят, султон Санжарнинг тўртинчи ва энг хавфли душмани — унинг салтанати шимоли-шарқий чегараларида жойлашган қорахитойлар (туркий манжурлар) давлати эди. Мана шу қорахитойлардан қўрққани учун ҳам султон Санжар хоразмшоҳ Отсизни енголма-

ётган эди (чунки, хоразмшоҳ қорахитойларга бўйсуниб, катта хирож тўлаб турган эди — М. М):

Аввалларн барча қўшни ва тобеъ давлатлар учун даҳшатли куч бўлиб, салгина бўйин товлашга урингаи подшоҳларга дўқ-пўписа қиладиган, унга бўйсунмаган ёки исён кўтарган ҳукмдорларни қаттиқ жазолайдиган султон Санжар энди (Марказий Осиё ва Хуросонда) йуз бераётган воқеаларни жимгина кузатиб турарди. Бу воқеалар эса султоннинг фойдасига эмасди.

Аввалларн султонга тобеъ бўлган давлатлар биринкетин унинг салтанатидан ажралиб, ошкора душманлик йўлига ўтган эдилар. Муаррих ибн ал-Ибрий тўғри айтганидек, султонлар табиати шафқатсизлик сувига йўғрилгани, феъл-атвори беғамлик ва ялқовлик зувалаеидан ясалгани туфайли, уларда меҳр-мурувват йўқ, ахир куч-қудрат улар қўлида, уларни алдаш ҳам хавфли, ўлар билаи самимий бўлиш ҳам ҳалокатлидир. (Бу таъриф олижаноб Султон Санжарга тўғри келмайди, мазкур сўзларни Зиё Буниёдов Советлар империяси давридаги «султонлар»га нисбатан қўллаган бўлса керак — М.М.)

Хуллас, шу даврга келиб, султон Санжар ва умуман салжуқларга, қорахитойларгина эмас, балки хоразмшоҳ Отсиз ҳам, тобора кучайиб бораётган ўғузлар ҳам душман бўлиб қолган эдилар. Султоннинг ҳокимиятини саройдаги фитна-фасодлар анча заифлаштирган эди. Бу ишво, фитналарга баъзи вазирлар, отабеклар, султоннинг хотинлари — маликалар бош қўшган эдилар. Тарихчи ёзганидек, «Султони муаззам Муъизиддин Санжар ҳашамлари (яъни аъёнлари) очкўзлик ва ўзаро адоватни кучайтириб, барчалари бошқаларнинг мансабларини олиб беришни султондан талаб қилар, барчалари бир-бирига ҳасад қилар эдилар. (Садриддин Ҳусайний. Зубдат ут-таворих).

Султон Санжар давлатининг заифлашуви сабабини тарихчи Имодиддин Исфаҳоний қуйидагича изоҳлайди: «Султоннинг ёши ўтиб, умрининг мояси узайгач, амирлар унинг қўлидан ҳокимиятни тортиб олдилар ва унинг куч-қудратига даҳл қилдилар. Майда одамлар бузургларнинг ҳақ-ҳуқуқига кўз олайтирди, майдалар, йуқорига чиққач, катталар пастга тушиб қолди. Азиз одамларга ҳурмат йўқолди, енгилтак одамларнинг ҳурмати ошди, кучлилар ишдан олиниб, ўрнига заифлар қўйилди. Амирлар орасида адоват ва ҳасад кучайди, ўзаро ишонч ва меҳр-оқибат йўқолиб, ўрнини ўзаро наф-

рат эгаллади. Бу даврда давлат бошида турган амиру умаролар Сўнгур ал-Азизий, Муаййяд ибн Йургунқуш Хиравий, Қизил (Арслон) ва бошқалар эдилар. Энг катталари Қўмач билан Али Чатрий эдилар. Ҳар бир гуруҳнинг фикри бошқасига қарши эди, ҳар бири ўз ниятлари отига минган, ўзига фойда бермайдиган нарсани тишлаб, тилка-пора қилар эдилар.

Ҳижрий 548 (милодий 1153) йилдаги машҳур ўғузлар ғалаёни султон Санжарнинг салтанатига қақшатғич зарба берди. Аввалроқ султон Маликшоҳ давридаёқ Салжуқларга тобеъ бўлган ҳудудларга ўғуз қабилалари кўчиб кела бошладилар. Султон Санжар даврида ўғузлар Хуросон ерларига кўчиб ўтдилар. Балх музофотига жойлашган ўғузлар (туркманлар) ярим кўчманчиларча ҳаёт кечирар ва ҳар йили султон Санжар ошхонасига 24 минг бош қўй беришар ва бунинг эвазига у ердаги яйловлардан фойдаланар эдилар. Ўша вақтда Балхнинг муқтоси (иқто эгаси) амир-сипоҳсолар Имодиддин Қўмач эди.

Солиқ йиғувчи (муҳассил)нинг ўғузларни доимий ҳақоратлаши ўғуз амирларини ғазаблантирди ва улар солиқчини ўлдирдилар. Бу воқеадан фойдаланиб қолмоқчи бўлган амир Қўмач султон Санжардан «Мени Балх музофотига шиҳна (раис) қилиб тайинласангиз, ўғузлардан ҳар йили 30 минг бошдан қўй олиб бераман» деб, таклиф қилди (Султон рози бўлган шекилли.). Амир Қўмач ўғузлардан ўлдирилган солиқчи хунини тўлашни талаб қилди (жиноят расми шу, деб). Аммо, ўғузларнинг бошлиқлари «Биз сенга эмас, фақат султон Санжарга бўйсунамиз» деб жавоб бердилар. Ана шунда амир Қўмач 10 минг суворий лашкари билан ўғузларни ҳайдаб чиқаришга уринди. Аммо (яхши уйушган) ўғуз-туркманлар амир Қўмачнинг лашкарини дабдала қилдилар. Амирнинг ўзи Марвга, султон Санжар ҳузурига қочди.

Амир Қўмач ва унинг тарафдорлари Султонни ўғузларга қарши йуриш қилишга кўндирдилар. Султон лашкарларининг қудратли (100.000 отлиқ) эканидан қўрқиб кетган ўғузлар султондан узрҳоҳлик тилаб, жарима тариқасида 50 минг от ва туя, 200 минг динор пул, 200 минг бош қўй ва бир йиллик хирож тўлашни таклиф қилдилар. Султон бу шартларга ризо бўлиб, қабул қилмоқчи эди, аммо амирлар бунга йўл бермадилар.

Султон лашкарлари ўғузларнинг яйловларига етиб келганида, улар жарима тўловини яна ошириб, султон-

дан кечирим сўрадилар. Аммо, яна (урушқоқ) амирларнинг қистови билан, султон бу таклифни ҳам рад этди. Ҳ. 548 (М. 1153) йилнинг муҳаррам ойида (апрелда) Балх атрофида бўлган катта жангда ўғузлар ғолиб келиб, султон Санжар лашкарлари мағлубиятга учради. Қўмач ва бошқа амирлар жангда ўлиб кетдилар. (Ибн ал-Асир, 2-том, Равандий, 1-том).

Султон Санжар ўғузларга асир тушди. Улар султонга иззат-ҳурмат кўрсатдилар. Аммо, энди салжуқлар давлати йўқ бўлди (Шарқий Салжуқлар буюк давлатининг инқирози. Ибн ал-Асирнинг «Ал-Камил фи-т-Тарих» асарининг 9-томида, М. Равандийнинг «Роҳат ас-судур ва ойат ас-сурур» китобининг 1-томида муфассал тасвирланган — З. Б).

Аввал Салжуқлар тобеълигида бўлган — қорахонийлар, ғўрийлар, Табаристон Бовандийлари, Сейистон Саффорийлари орасида хоразмшоҳлар давлати энг кучли бўлмаса-да, энг фаол давлатлардан бири эди. Султон Санжар лашкарлари тор-мор келтирилиб, ўзи асир тушгач, хоразмшоҳ Отсиз бу вазиятдан фойдаланиб, салжуқлар салтанатининг барча вилоятларини босиб олиш учун ҳаракат қилди. Султон Санжарнинг лашкарлари тамом бўлган деб ўйлаб, Отсиз ўз қўшинларини Амударёнинг йуқори оқими бўйлаб бошлаб, муҳим ҳарбий истеҳком ҳисобланувчи Омул (ёхуд Омуя) қалъасини эгаллашга уринди. Аммо, султон Санжар нойиб бўлган қалъа қутволи (коменданти) шаҳар-қалъани хоразмшоҳга беришдан бош тортди. Ҳолбуки, Отсиз султон асирликда эканида, унинг қўл остидаги барча ерларга ўзини ҳомий ҳисоблар эди. Омул қутволи қалъани бермагач, хоразмшох Санжарга элчи йуборib, қалъани унга берилишини илтимос қилди. Фалокатдан тажриба орттирган кекса султон Отсизга бундай жавоб йуборди (жавоб элчига оғзаки айтилган бўлса керак — М. М.): «Мен сенга фақат Омуя эмас, бошқа жуда кўп қалъаларни ҳам бераман, фақат шу шарт биланки, бизни қутқазиш учун ўғлинг Эл-Арслон бошчилигида бу ёққа лашкар йуборасан». (Ато-Малик Жувайний, 1-том, В. В. Бартольд, 1-том).

Гарчи султон Санжарга қўшинлар билан ёрдам бериш масаласи узоқ вақтлар муҳокама қилиниб, иккала томон кўп элчилар алмашган бўлса ҳам, хоразмшоҳ ёрдам йуборишни пайсалга солаверди (Султон Санжар қачондир хоразмшоҳнинг севимли ўғлини ўлдирганини Отсиз эсдан чиқармаган кўринади — М. М.). Шунга

қарамай, хоразмшоҳ ўз куч-қудратини намойиш қилиш мақсадида укаси Йинол-Тагин қўмондонлигида бир қисм лашкарларини Байҳақ тарафга йуборди. Бу лашкарлар 1153 йил декабридан то 1154 йил май ойигача Байҳақни қамал қилиб, унинг атрофларини шундай аёвсиз таладиларки, шундан сўнг 2 йил давомида бу ерларда қаҳатчилик бўлди.

Хоразмшоҳ ўзининг асосий мақсади — салжуқлар ҳукмронлигини тугатиш деб билса-да, аммо ўғузларнинг Хуросондаги деярли барча ерларни эгаллаб олаётгани Хоразмга ва унга қўшни давлатларга хавф солишини тушунар эди. Шунинг учун хоразмшоҳ Сижистон (Нимрўз) ҳукмдори Тожиддин Абул-Фазлга, Ғўр подшоҳи — малиги Алоиддин Ҳусайнга ва Мозандарон малиги Абул-Фатҳ Рустам (шоҳ Ғозий)га мактублар йўллаб, барчасини Хуросондаги бошбошдоқлик, нотинчликларни тугатиб, тартиб-осойишталик ўрнатишга, бирлашиб, султон Санжарни ўғузлар асирлигидан қутқазишга, салжуқлар давлатини бошқаришга ножўя аралашаётган ўғузлар зўравонлигига чек қўйишга даъват қилди. Албатта, хоразмшоҳ ўғузларга қарши иттифоқ (коалиция)ни ўзи бошчилигида тузилишини истарди! Аммо, худди шу вақтларда Шарқий салжуқлар салтанатида султон Санжарнинг жияни Рукниддин Маҳмудхон тахтга чиқди. Хоразмшоҳ вазиятни чамалаб кўриб, дарҳол янги султонга (элчи билан) мактуб йуборио, ҳазрати олийларини тахтга чиқиши билан табриклаб, ўзини аввалгидай, салжуқлар давлатининг содиқ фуқароси сифатида янги султонга доимо ҳар қандай ёрдамга тайёр эканлигини билдирди. (Р. Ватвот. Ароис).

Султон Маҳмудхон Хоразмга элчиларини йуборио, Отсиздан «ўғузлар ғалаёнини» бостириш учун ҳарбий ёрдам сўради. Хоразмшоҳ 511 (М. 1156) йил апрел) сафар ойида Гурганжда ўз ўрнига ўғли Титой-хонни қолдириб, ўзи катта ўғли Эл-Арслон билан бирга кучли қўшин билан Хуросонга йўл олди ва шу йил рабиулохир ойида Шаҳриостонада тўхтади (З. Буниёдов Шаҳристона деб ёзган).

Мана энди Хоразмшоҳ — Сижистон Ғўр ва Мозандарон ҳукмдорларини ўғузларга қарши иттифоққа бирлаштириш ниятини амалга оширди. Отсиз яна бу ҳукмдорларга мактублар йуборио, уларнинг эътиборини Хуросондаги вазиятга қаратди, ўғузларга қарши бирлашишга, ўз қўшинлари билан (Хуросонга) етиб келишга қатъий даъват қилди. Чунончи хоразмшоҳ Сижис-

тон ҳукмдори Тожиддин Абул-Фазлга мактубида бундай дейди:

«Ушбу мактуб Нимрўз (Сижистон) малиги Абул-Фазл Наср ибн Ҳалафга ёзилди. Султони муаззамга ёрдамга даъват қилиш учун бундан аввал Хоразм вилоятидан (сиз томонга) ишончли вакиллар орқали бизнинг қутловимиз йуборилган, бизнинг Хуросон томонга йўлга чиқишимиз хабар қилинган эди, токи бизга кўргазилган яхшиликка муносиб жавоб қайтариш учун сафар ойи (ҳ. 551) охирида биз Шаҳристонга етганимизда Ҳумойун даргоҳ (Тожиддин Абул-Фазл) ҳузуридан элчилар етиб келишди ва бизга дақиқ эътибор ва самимий дўстлик фазилатлари билан безалган мактубни олдик... Ҳумойун мажлис Хуросонда йуз берган аҳвол ва у ерда тарқалган фитна-фасодлар, ҳокимиятни (ўғузлар) тортиб олиб, ғалаён тарқалгани, бахтсизлик ва ҳунрезликлар (қон тўкишлар) содир бўлаётгани, уламолар жонига қасд қилиниб, мадраса ва масжидлар бузилиб, бузург ва азиз зотлар азоб чекаётгани ўшал мактубда равшан изҳор қилинган эди. Чиндан ҳам шундай бўлипти ва бундан ҳам баттар; мана шу жабр-зулмни йўқотишдек буйук ишни адо этиш — барча аҳли исҳлом учун манфаатлидир.

Ҳозирги вақтда Машриқ ва Мағрибнинг барча ўлкаларида Ҳумойун мажлис (Тожиддин Абул-Фазл даргоҳи)дан кўра афзалроқ ҳокимият топилмайди. Ҳумойун даргоҳнинг олам ҳукмдори (султон Санжар) тарафидан турфа эътибор ва иноятлар билан тақдирланганлиги олам аҳлига маълум ва машҳур ва марғубдир. Яна шу ҳам маълумки, Ҳумойун мажлис маълум ва марғуб фазилатлари барча томонидан эътироф қилинган ва бу фазилатлар қудратли салтанат насри — мададкоридир... Мана шу далилларга кўра, мана шу разолатларга барҳам бериш ва бахтсизликларга чек қўйиш Ҳумойун даргоҳ зиммасидаги энг муҳим ва энг зарур вазифадир. Мана шу олий гуруҳлар ва ёғий тўдалар (ўғузлар) ҳамон ўз жойида маскундурлар. Ана шулар йўқ қилинмагунча, олам ишлари тартибга келмагай ва олам аҳли равишлари сиҳат топмагай.

Бу дўстингиз (Отсиз) шу мақсадда Хуросонга келиб, ана шу зулмни дафъ этишга киришди ва Шаҳристонага етишди. Ҳоқони муаззам (Маҳмудхоннинг) Олий боргоҳи шу аснода бизга кўргазаётган меҳр-мурувватни ва мазкур дўст ташрифи шодлигини таърифлаш амри маҳолдир (қийин ишдир). Шу бир неча кун

ичида ул зот султон (Маҳмудхон) биз томонга бир неча бор элчилар ва ишончли вакилларини йуборib, бизга ўз муҳаббатини ва покиза ниятини аён қилдилар. Мамлакатнинг турли тарафларидан порлоқ улуғворлик (султон Маҳмуд) фуқаролари ва қудратли салтанатининг дўсти содиқлари (бу ерга) тўпланиб, ишларни саранжом қилмоқдалар. Аммо, Ҳумойун мажлис етиб келмагунча барча ишлар тўхтаб туради, зеро Ҳумойун мажлиснинг мадади ва раҳнамолигисиз мусулмонлар ссойиш топмагайлар.

Олиймақом мактубда айтилган эдики, мазкур дўстимиз (хоразмшоҳ) йуриш бошласа ул зоти олийлари (Маҳмудхон) ҳам бу сафарга қўшилгай. Мазкур дўст мана энди Хуросонга келди ва иш бошлади. Умидимиз шулки, Ҳумойун мажлис марғуб фазилатлари ва мамдуҳ мадҳга лойиқ хислатларига мувофиқ, йуриш бошлагай. Шул зотнинг одилона чорасозлиги ва оқилона соҳиб тадбирлиги туфайли исённинг замини бўшашиб, зўравонлар зулми бу заминда барҳам тўпгай...» («Ароис»да хоразмшоҳнинг яна бир мактуби келтирилганки, унда «жиҳоди аъзам» ва «сафари муаззам» кечиктирилса, кечириб бўлмас фалокат йуз бериши таъкидланади — З. Б).

Хоразмшоҳ Отсиз Мозондарон ҳукмдори малик Рустамга ҳам шу мазмундаги мактуб билан мурожаат қилган.

Аммо, ҳижрий 551-йилнинг рамазон ойида султон Санжарнинг ўғузлар асирлиғидан қочиши билан Хоразмшоҳ ўз сиёсий йўлини (тактикасини) ўзгартиришга тўғри келди. Хоразмшоҳ султонга дарҳол мактуб йуборib, уни асирликдан қутулиб, озодликка чиққани билан табриклади, унга ўз садоқатини, хизматига тайёр эканлигини билдирди. Хоразмшоҳ Хуросонда қолсинми ёхуд Хоразмга қайтсинми, бу ҳақда султоннинг фармонига мунтазир эканлигини айтди. Айни вақтда хоразмшоҳ қўшни давлатларнинг ҳукмдорларига яна мактублар йуборib, уларни ўғузларга қарши итифоқни сақлашга даъват қилди.

Султон Санжарнинг асирликдан қочиши ўғузлар учун кутилмаган воқеа эди (бу воқеа тафсилотлари Садриддин Али Ҳусайнийнинг «Аҳбор ад-давлат ал-Салжуқия» асарида кенг тасвирланган. У билан бирга асирликка тушган вазирини ўғузларга султон деб, султон эса ўзини вазир, деб танитади. Сохта «султон» Вазиримни сизларга озодлик ҳаққи олиб келишга мактуб

билан жўнатай, деб ўғузлардан рухсат олиб, ҳақиқий султонни вазирим, хизматкорим деб, жўнатиб юборади. (Султон бориб, лашкар тўплаб, қайтиб келиб, вазирини ҳам озод қилади. — М. М.) Шундан сўнг ўғузлар Хуросон шаҳарлари ва қишлоқларини вайрон қилишни тўхтатдилар. Бу ишда хоразмшоҳ Отсизнинг ўғуз амирларини огоҳлантириб ёзган мактублари ҳам анча-мунча таъсир қилган бўлса керак. Отсиз шундай мактублардан бирини ўғузларнинг Уч ўқ қабиласи бошлиғи Носириддин Абу Шужоъ Тўти-бекка йуборган. Хоразмшоҳнинг бу мактубини В. В. Бартольд «Шарқона дипломатия намунаси» деб атаган. Мактубда қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«Ушбу мактуб худо ўз паноҳида асровчи шавкатли амир, буйук саркарда Носириддин Абу Шужоъ Тўти-бек даргоҳига йўлланмоқда.

Худо ўз паноҳида асровчи томон ва уларнинг шаънишавкатли аждодларининг марғуб хизматлари оламга машҳур ва уларнинг хоразмшоҳлар томонидан ҳимоят топишига бўлган ҳақ-ҳуқуқлари барчага маълумдир. Илоҳо, бу хусусдаги битикларга ҳеч қачон унутилиш гард-ғубори қўнмасин ва уларнинг нақши дунё тургунча хорита саҳифаларидан ўчмасин. Ҳар сафар худо ўз паноҳида асровчи томонга тобеъликдаги қайси бир қабила Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида бирор мушкулотга дуч келсалар, биз томоннинг ғамхўрлиги ва мурувватимизга ишончлари комил эканлигидан Хоразм вилояттига келурлар. Ўшал қабилалар биз томондан ё ўз сон-саноғи (одати) ва ё ғизо адоғи боисидан ва ё вилоятимиз ерларидан фойдаланиш хусусида бирор марта рад жавобини олмаганлар ва улуғ марҳаматлар ва иззат-ҳурматлар хусусида адо қилиниши зарур ишлар рўёбини топган.

Мана шу йиллар давомида ҳар икки томон ўзаро муносабатларида адоват ёхуд кўнгилсизликка сабаб бўлувчи бирор хатти-ҳаракатни содир этмаганлар. Аксинча, кун сайин сиз томондан дўстлик далолатлари ва биз томондан ғамхўрлик одатлари янада равшанроқ кўринган.

Мазкур сўзларни битишдан ва бу муқаддимани айтишдан мурод шулки, олам ҳукмдори (султон Санжар) ҳозир пойтахт шаҳри Термизда мақом тутган ва барча тобелари унинг даргоҳига келиб, садоқат ва итоат камарини боғлаб, хизматга тайёр турибдилар. Бу томон (хоразмшоҳ) ҳам Хуросонга келдик. Қудратли салта-

натнинг олис ҳудудларга тарқалиб кетган қуллари (амирлар ва шоҳлар) ҳозир яна тўпландилар. Нимрўз ҳукмдори ва Ғўр ҳукмдори ҳам сон-саноқсиз лашкарлари билан етиб келмоқдалар.

Эндиликда худо ўз паноҳида асрагувчи томон (ўғузлар) лашкарлари нима қилмоқчи эканликлари ҳақида ният- мақсадларини (бизга) хабар қилсалар (яхши бўлур эди). Агар улар ўз одатларига кўра, у шаҳардан бу шаҳарга ўтаверамиз деб ўйласалар, янглишадилар, чунки аввалларн олам ҳукмдори (султон Санжар) табаррук асирингиз бўлиб турган вақтда шундай қилар эдингиз, энди бунинг имкони йўқ.

Бинобарин, ўғуз лашкари қудратли салтанатга узрхоҳлик билдириб, кечирим сўраш ва тобеълик изҳор қилиш йўлидан борсалар тўғри бўлур эди. Улуғ ҳоқон Маҳмудхоннинг Олий мажлиси, Нимрўз ҳукмдорининг Ҳумойун мажлиси, Ғўр ҳукмдорининг Ҳумойун мажлиси ва бу томон (Хоразмшоҳ) биргаликда олам ҳукмдори (султон Санжар)дан сизлар учун шафоат сўрагаймиз, токи олампаноҳ сизлардан ўтган хатони кечирсинлар ва сизларга яйловларда кўчиб йуришга йуртлар ва нонпар (маош) берсинлар ва улар қолган умрларини тинчлик-осойишталикда, тўкинлик ва қаноатда (кибру-ғурурга берилмай) ўтказсинлар. Худо ўз паноҳида асровчи томон ўйлаб кўриб, бу сўзларимизнинг холис, беғаразлигини тан олсинлар, шу маслаҳатларимизни қабул қилишни ўғузлар ўзларининг иймон ва ҳаёти учун ва бутун лашкар учун манфаатли эканлигини тушунгайлар (деб умид қиламиз)».

Хоразмшоҳ ўғузларга нисбатан айтганларини қила олармиди, йўқмиди, буни айтиш қийин. Аммо, у Ҳабушон мавзеида турганида қоқшол даврдига учраб ётиб қолди. Хоразмшоҳ Ғозий Алоуддин Баҳоуддин Абул-Музаффар Ҳусом Амирал-мўъминин Отсиз ҳижрий 551 йил жумадил-охирнинг 9-куни (1156 йил, 30 июлда) 61 ёшида вафот этди.

XIII—XIV аср муарриҳларининг тарихлари (хроникаларида)да ёзилишича, хоразмшоҳ Отсиз «Салжуқлар салтанатининг устунларидан бири эди», ўз раъияти (фуқароларига) нисбатан адолатли эди, уларнинг мол-мулкига чанг солмас, раъиятга ғамхўр эди ва раъият ҳам оғирчилик ва осойишталик замонларида у билан бирга эдилар. Хоразмшоҳ Отсиз 29 йил ҳукм сурди, шундан 16 йил мустақил ҳукмронлик қилди ва ҳар доим, саботмонат билан мустақиллик учун салжуқийларга

қарши курашиб келди. В. В. Бартольд ёзишича, хоразмшоҳ Отсиз «Салжуқ султонига тобеъ бўлса ҳам, адолат йўзасидан хоразмийлар сулоласининг асосчисидир. Отсиз Хоразмга қўшни кўчманчи элатларни бўйсундириб, ўз ҳарбий бўлинмаларини ёлланма турк аскарлари билан кучайтириб, кучли ва амалда мустақил давлатга асос солди». Аммо, Отсиз умрининг охиригача тўла мустақилликка эришолмади: у қорахитойларга хирож тўлашда давом этди.

Хоразмшоҳ Отсизнинг ўлимидан сўнг 9 ойча кейин, ҳ. 552 йил рабиул аввал ойининг 26 куни (1157 йил, 9 майда) буйук салжуқ султони Санжар ҳам вафот этди. Султон Санжарнинг вафоти билан Моворуннаҳрда салжуқийларнинг амалдаги ҳукмдорлиги барҳам топди (Ал-Ҳусайний, Аҳбор.).

Хоразмшоҳ Отсиз тузган давлат ташкилоти унинг ворислари даврида янада кучайиб ва кенгайиб борди. Отсиз асосий мақсади ва сиёсатининг асоси Хоразмда ўз ҳукуматини мустаҳкамлаш эди. Унинг ворислари мақсади эса Хоразм давлати ерларини кенгайтириш ва унинг халқаро нуфузини, обрўсини кўтариш эди.

Ўзининг узоқ йиллар ҳукмронлиги даврида Отсиз Бағдод халифати билан алоқаларини мустаҳкамлашга интилди. У султон Санжарга қарши курашда Бағдод халифасини итттифоқчи қилиб олишга уринди. Хоразмшоҳ Отсизнинг халифа ал-Муктафий (1136—1160)га котибул-иншо Рашидиддин Ватвот битган беш мактуби ана шу мақсадни яққол кўрсатади. Бу мактублар Хоразмшоҳ давлатининг Бағдод халифати томонидан эътироф этилганини кўрсатувчи ҳуқуқий ҳужжатлардир. Хоразмшоҳ Отсиз халифага бундай мурожаат қилади: «Саййидино ва мавлоно Амирал-мўъминин ва имомал-муслимин ва халифат раббул-оламийн ал-Муктафий ли-амриллоҳга... (Р. Ватвот. Расоил).

Ана шу мактубларидан бирида хоразмшоҳ Отсиз халифа ал-Муктафийдан янги туғилиб келаётган Хоразм давлатига эътибор беришни, Хуросон ва Хоразмни келгинди ўғузлардан ҳимоялаш ишида ҳомийлик қилишни сўрайди. Отсиз умумий душман — салжуқларга қарши курашда халифанинг ёрдам беришига кафиллик тилайди. У, исмоилийларни халифа ал-Мустаршид ва ар-Рашидни ўлдиришда салжуқларнинг қўли бор деб, уларни айблайди. Отсиз халифанинг, умуман, салжуқларга ва айниқса султон Санжарга ёмон муносабатидан фойдаланиш ниятини яширмайди ҳам. Жумладан,

хоразмшоҳ халифага бундай ёзади: «Ундан (султон Санжардан) қандай яхшилик кутиш мумкин ва у (султон) дўстлик ва яқинлик ришталарини боғлаш учун нима иш қилибди?» Мактубининг охирида Отсиз халифадан Хоразмни мустақил давлат сифатида расман эътироф этганлигини кўрсатувчи фармонини (халифаликдаги барча давлатларга) тарқатишни илтимос қилади ва ушбу фармонни халифанинг Ҳумойун ва олийнишон имзоси (тавқи) билан мустаҳкамлашни тилайди, «токи бу (олий нишондан такаббур хасадгўйлар ҳафа бўлиб, Аллоҳ бандаси (Отсиз)нинг ерларига душман кўз олайтиришига барҳам берилса, ва бу табаррук имзо ёрдамида душманлар ёмонлиги ва нопоклиги таг-томири билан йулиб ташланса, мазкур банда ва унинг муттафиқлари (иттифоқлари) қарнлар (асрлар)да (бу фармони) ифтихор билан эслаб, Амирал-мўъминин ва имомал-муслимин (ал-Муктафий)ни умрлари кунданкун зиёда бўлишини тилаб, дуогўйлик қилсалар, Аллоҳ шу фармон шарофатидан халифанинг панд-насиҳатларини осмон сари йуксалтириб, мартабаси улуғлигини янада зиёда қилсин. Аллоҳу акбар! (Р. Ватвот. Расойил).

Шундан сўнг хоразмшоҳ Отсиз халифа ал-Муктафийга иккинчи мактубини жўнатади ва унда ўзининг халифага содиқлигини изҳор қилиб, халифанинг табаррук номи Хоразмда хутбаларда ўқилаётгани ҳақида хабар берилади: «Хоразмда бирор имом, уламо, хатиб йўқки, халифанинг кўрсатган йўлидан йурмаган бўлса».

Ал-Муктафийга учинчи мактубида хоразмшоҳ халифага яна садоқат изҳор қилиб, хоразмшоҳ куффорга қарши ғазот билан машғуллиги туфайли, халифа даргоҳига тобеълигини билдириш учун шахсан ўзи боролмаганига узр сўрайди. Отсиз ўзини «халифанинг энг содиқ ва пок ниятли қулларидан бўлиб, ва садоқатли ҳукмдорлар орасида энг самимий дўстлардан бири эканлигини айтади.

Хоразмшоҳнинг халифага тўртинчи мактуби ҳам шу руҳда ёзилган. Ал-Муктафийга бешинчи мактубда эса хоразмшоҳ султон Санжарнинг вафотидан сўнг салжуқлар тахтига ўтирган султон Муҳаммад ибн Маҳмуднинг халифага бўйсунмаётганидан қаттиқ норозилигини билдиради. У, султон Муҳаммадни халифа номини иззат-ҳурмат қилмаётгани кечирилмас ҳол эканлигини, шу туфайли хоразмшоҳ уни ёмон кўриб қолганлигини айтиб, ал-Муктафийга яна ўз садоқатини изҳор этади» (Р. Расойил).

2-боб

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.

Хоразмшоҳ Эл-Арслон ҳукмдорлиги.

Эл-Арслон ҳокимият тепасига келганида ўзаро уруш-қирғинлар давом этарди. Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Эл-Арслон ўз кўнглида гумон қилган рақибларидан қутулди. Отаси Хоразмшоҳ Отсиз вафот этиши билан у амирлар ва лашкарнинг содиқликка қасамёдини қабул қилди. Шундан сўнг Хуросондан Хоразмга қайтди. Эл-Арслон Гурганжга келиб, аввало укаси Сулаймоншоҳни зиндонга жўнатди, уни тахтга ўтқазмоқчи бўлган отабеги Улуғбекни ва бошқа амирларни қатл этди. Шундайлардан яна бири — амакиси Юсуфни ўлдиртирди. Сўнг укасини (зиндондан чиқариб) кўзига мил торттирди. У уч кундан сўнг вафот этди, баъзилар фикрича, у ўзини-ўзи ўлдирган. (Кейинги воқеаларга кўра, Сулаймоншоҳ қочган — М.М).

Ҳижрий 551 йил, ражаб ойининг 3-куни (1156 йил, 22 август) Эл-Арслон Хоразмшоҳлар тахтига ўтирди. Биринчи фармонига кўра сипоҳийларнинг маоши ва иқтоъ ер-мулклари кўпайтирилди.

Эл-Арслоннинг Хуросондан қайтиб келишига сабаб — айрим рақибларнинг тахтга кўз олайтиришигина эмасди. Яна бир сабаб — Хоразмдаги ўзаро уруш-қирғинлардан фойдаланган кўчманчи турк «кофирлар» Жанд ва Мангқишлоқни босиб олган эдилар. Эл-Арслон отасининг сиёсатини давом эттириб, Хуросонга катта эътибор билан қаради. У аввало, султон Санжарга итоат этишни билдириб, нома ва совға-саломлар юборди. Султон ҳ. 551 йил, рамазон ойида Эл-Арслонни хоразмшоҳ деб эътироф қилиб, маншур (ёрлиқ) ва фахрий чопон (ва бошқа либослар) юборди.

Султон Санжар вафотидан сўнг, тахтга ўтирган

жияни Султон Маҳмуд ҳам Эл-Арслон ҳузурига элчиларини юбориб, хоразмшоҳ бўлгани билан табриклаб, отаси (Отсиз) вафотига таъзия билдирди.

Бу вақтга келиб, В. В. Бартольд тўғри сезганидек, хоразмшоҳ билан салжуқлар давлати ўртасидаги ёзишмаларда муҳим ўзгариш юз берди. Илгари Отсиз салжуқ султонига хат ёзганида ўзини «қулингиз» деб атаган бўлса, Эл-Арслон султонга мактубларида ўзини «Мухлис» (самимий дўст) деб атай бошлади.

Хоразмшоҳ фақат Хуросондагина эмас, балки салжуқларга тобеъ бўлган бутун Ўрта Шарқ мамлакатларида юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб турди. Маълумки, султон Санжарнинг ўғил меросхўри йўқ эди. Ироқ султонлиги бошида турган салжуқийлар (ўша пайтлар у ерда Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд султон эди) султон Санжарнинг олий ҳукмдорлигини тан олар эдилару, аммо унинг жияни султон Маҳмудхонни тан олмас эдилар. Бундан ташқари жуда катта қўшинлар бошида турган айрим қудратли амирлар ҳам Маҳмудхонни олий ҳукмдор деб билмас эдилар. Шундай бўлишига Бағдод халифаси ал-Муктафий ҳам таъсир кўрсатди: у, Отсиз вафотидан сўнг унинг номини хутбадан ўчириб ташлаган эди.

Бағдод халифаси Салжуқлар ўртасидаги ҳокимият учун рақобатни аввал ҳам қўллаб-қувватлар эди, султон Санжар вафотидан сўнг у яна салжуқ шаҳзодаларининг ўзаро курашини қиздиришга уринди (?). (Ироқ султони) Ғиёсиддин Муҳаммад Бағдод халифасидан номини хутбага қўшиб ўқишни талаб қилганида халифа рад этди.

У аксинча, Сулаймон-шоҳ номини хутбага қўшишга фармон берди. Халифа Бағдодда Сулаймон-шоҳни қабул қилиб, унга султонлик либосларини кийдирди, салжуқлар тахтига бошқа даъвогарлар қаторида жанг қилишга ундаб, 3 минг отлиқ қўшин берди.

Халифа ал-Муктафий хоразмшоҳ Эл-Арслон ҳузурига элчилар юбориб, яқин келгусида қандай ниятлари борлигини, Хуросонга қўшин тортиб бориши мумкинми, каби масалаларни сўради. Хоразмшоҳ жавоб мактубида султон Санжар вафотидан сўнг мусулмонлар оламида юз бераётган тартибсизликларга халифанинг эътиборини қаратди ва бу низо-жанжалларга фақат Ғиёсиддин Муҳаммад Ироқ Султони чек қўйиши мумкин, халифа ҳазратлари у билан душманлашиш ўрнига, унга мадад берсалар (мусулмонлар осойиши ва фа-

ровонлиги учун) яхши бўлур эди, деган фикрни билдирди.

Аммо, 1159 йилда Ғиёсиддин Муҳаммад қазо қилди, 1160 йилнинг охирларида Ироқ султонлигида Арслоншоҳ (Муҳаммад Тапар ва Иккинчи Тўғрул авлоди, 1161—1176) номига хутба ўқилди. Аммо, эл-юрт тақдирини узоқ йиллар унинг отабеклари (устоз лашкарбошилари) Шамсиддин Элдаииз (Эл-Денгиз) ва унинг ўғиллари Жаҳон Паҳлавон билан Қизил Арслон ҳал қилиб турдилар. Хоразмшоҳ Эл-Арслон одоб юзасидан султон Арслоншоҳга ҳурмат изҳор қилиб, мактуб юборди.

Хуросонда эса Султон Санжарнинг жияни Маҳмудхон даврида бир қанча лашкарбошилар исён кўтардилар ва низо, ғалаёнлар кучайиб кетди. Бу амирлардан энг кучли ва таъсирлилари Ойбек, Сунғур (Шунқор) ал-Азизий, Ой-Тагин ва айниқса Музаййид Ой-Або эдилар. Шарқий Хуросонни эгаллаб турган ўғузлар ҳалигача катта ҳарбий куч бўлиб, минтақадаги сиёсий ҳаётга таъсир кўрсатар эдилар. Кучли ўрду (армия)га эга бўлган хорамшоҳ Эл-Арслон бу ҳарбий гуруҳлар орасида энг кучлиси бўлиб, катта обрўга эга эди. Хуросонда ҳокимият талашаётган барча амирлар хоразмшоҳдан ҳимоя сўраб келар эдилар. Ойбекнинг мулклари бўлган Журжон ва Деҳистонда хоразмшоҳ номига хутба ўқилар, унга тобеълик билдирилар эди.

Бу амирлар орасида энг кучли ва обрўлиси Муайййид Ой-Або (557—1162) Нишопурни ишғол этди. Ой Або (Ироқдан) ҳимоя сўраб келган султон Маҳмудхон билан унинг ўғли Жалолиддиннинг кўзларини кўр қилди, хутбадан уларнинг номларини ўчириб ташлаб, халифа Мустанжид (1160—1170) билан ўз номини қўшиб, хутба ўқишга фармон берди. Ой-Або (кўп ўтмай), Тус Обивард (Қизил-сув), Шаҳристон, Бистом ва Домғонни ўз мулкларига қўшиб олди. (Ибн ал-Асир. Жувайний. I том). 1163 йилда Ой-Або Қўмис ва атрофларини ҳам эгаллади.

Бу вақтда салжуқ султони Арслон-шоҳ ибн Тўғрул унга фахрий либослар, қимматбаҳо совғалар, байроқлар ва фахрий нишонлар юборди ва Хуросондаги вайрон бўлган жойларни обод қилишга фармон берди. Ой-Або бу либосларни кийиб, хутбада Арслон-шоҳ номини қўшиб ўқита бошлади. Аммо, мулкларида ўзи ҳукм юритар эди. Бунинг боиси шу эдики, (ёш) Арслоншоҳ сал-

танатида асосан отабек Шамсиддин Эл-Денгиз ҳукмронлик қилар, Ой-Або эса у билан яқин дўст эди.

Муаййид Ой-Або султон Арслоншоҳга итоат қилгач, Қўмис ва Тусда, Нишопур ва унинг атрофидаги қишлоқларида, Талос ва Қанглида султоннинг номи ҳутбада ўқила бошлади.

Бу воқеалардан хабар топган хоразмшоҳ Эл-Арслон 1163 йилнинг ўзида, кучайиб кетган Ой-Абонинг танобини тортиб қўйиш ва унинг мулкларини эгаллаш мақсадида катта лашкар билан Нишопурга юриш бошлади ва шаҳарни қамал қилди. Аммо, муҳосара (қамал) чўзилиб кетди, иккала тараф ҳолдан тойди. Ҳеч иш чиқмагач, Эл-Арслон сулҳга рози бўлиб, Хоразмга қайтди. (Ибн ал-Асир, Жувайний).

Ой-Або хоразмшоҳ Эл-Арслоннинг Хоразмга қайтиб кетганидан фойдаланиб, (тўғриси, ҳовлиқиб, — М. М) ўғузлар қўл остидаги Хуросон шаҳарларини ўз мулкларига қўшиш учун уруш бошлади.

Ой-Або қўшинлари Нисо шаҳрини қуршаб олди. Қамал 1185 йил (560 ҳ.) март ойигача чўзилди. Нисо шаҳри Хоразм билан туташ бўлгани учун Эл-Арслон қатъий ҳаракат бошлаб, Нисога лашкар тортди. Аммо, хоразмшоҳ қўшинлари етиб келгунича, Ой-Або шаҳар қамалини ташлаб, Нишопурга қайтди. Бундан хабар топган хоразмшоҳ қўшини билан Нишопур томон юрди. Аммо, фикрини ўзгартириб, қўшинларни яна Нисога қайтарди. (Эҳтимол, хоразмшоҳ тактика қўллаб, дўқ-пўписа учун Ой-Або қўшинларини озроқ қувиб, сўнг қайтгандир — тарж). Нисо шаҳри 1158 йилдан буён амир Умар ибн Ҳамза ан-Насавийнинг иқтоъ мулки эди. У (хоразмшоҳнинг куч-қудратини билгани учун бўлса керак), Эл-Арслонга тобеълик билдириб, унинг номи билан хутба ўқиттирди (Ибн ал-Асир).

Шундан сўнг хоразмшоҳ қўшинлари Деҳистонни эгалладилар. У ернинг амири Ойбек (Нишопурга) Ой-Абодан ҳимоя сўраб борди. Деҳистон эса Хоразм мулклари қаторига қўшилди. Бу ерда хоразмлик ноиблар ҳокимлик қила бошлади.

Муаййид Ой-Абонинг Ироқ султонлигига тобеъ бўлиши хоразмшоҳни сергаклантирди. Бунинг устига Ой-Або салжуқ султонининг отабеги Эл-Денгиз билан дўстлиги туфайли, Хуросонда мустақил ҳукмдорлик қилиши хоразмшоҳга ёқмади. Ироқ султони Арслоншоҳ ва отабек Эл-Денгиз Муаййид Ой-Абога фахрий либослар ва байроқлар юбориб, уни Шарқдаги ноиби қилиб та-

йин этганларини хоразмшоҳ ўз давлати чегараларига таҳдид деб билди ва яна Ой-Абога қарши қўшин тортди.

Муаййид Ой-Або ўз мулкларига хоразмшоҳнинг қўшинлари бостириб келаётганидан ташвишланиб, 562 ҳижрий (1166-милодий) йилда Нишопурдан Ҳамадонга — отабек Эл-Денгиз қароргоҳига борди ва унга хоразмшоҳ Эл-Арслон унинг мулки Нишопурни тортиб олмоқчи эканлигини айтди. Бундан ташқари, у Эл-Денгизни, хоразмшоҳ Нишопурни олгандан сўнг тўхтамаслигини, ғарбга, салжуқ султони Арслоншоҳ мулкларига ҳам қўл чўзиши мумкин деб огоҳлантирди. Ой-Або султоннинг отабегига: «Агар сиз қўшинларингиз билан Хоразмшоҳга қарши ҳозир юриш бошламасангиз, унинг йўлини вақтида тўсмасангиз, йўлингизда отилиб чиққан булоқ суви шундай тезлашадики, кўп ўтмай, денгизга айланиб, салтанатингизни босиб кетади». (Ал-Ҳусайний, Зубдаут-таворих).

Отабек Эл-Денгиз (бу сўзларни эшитгач) Ройдан хоразмшоҳ ҳузурига элчи билан қуйидаги мазмундаги мактубни юборди: «Дарҳақиқат, мазкур Ой-Або (салжуқий) султоннинг мамлукидир. Хуросон эса султоннинг ота-боболари мулкидир. Агар сен Нишопурга юриш бошласанг, бунга жавобан мен ҳам сенга қарши юриш бошлайман ва ўртамизда уруш бошланади. Сен (ўз тинчингни) ўйламай иш тутмоқдасан!» (шу асардан).

Манбаълар ҳикоя қилишича, отабек Эл-Денгизнинг мактуби хоразмшоҳни ғазаблантирди, шу қадар жаҳли чиқдики, ўша йилиёқ (ҳ. 562) у, Нишопур сари қўшин тортди.

Отабек Эл-Денгиз ҳам салжуқлар қўшини билан келиб, Бистомга яқинлашди. Шу ерда Хоразмшоҳ лашкарлари Ироқ салжуқ султони қўшинлари билан биринчи марта жангга кирдилар. Ҳар икки тараф бирон натижага эришмади. Аммо, хоразмшоҳ Эл-Арслон қўшинларининг бир қисмини Муаййид мулклари бўлган Байҳақ ва Сабзавор шаҳарларини забт этиш учун жўнатди. 1167 йилнинг май ойида бу икки шаҳар хоразмшоҳга таслим бўлди. Ой-Або Муаййид эса қочишга мажбур бўлди. Хоразмшоҳ Нишопурни эгаллади ва у ерда Тожу-д-дунё ва-д-дин Малику-т-турк вал-ажам (Ажам ва турклар подшоҳи) Эл-Арслон номига хутба ўқилди. (Тарихи Байҳақ, с. 284).

Ироқ султонлиги қўшинлари хоразмшоҳ билан бўлган жангларда ғалаба қозонолмаганини кўрган Муай-

йид Ой-Або хоразмшоҳга бўйсунишга қарор қилди. У, хоразмшоҳ ҳузурига қози Фахриддин ал-Куфийни элчи қилиб, қуйидаги мазмунда мактуб юборди: «Хоразмшоҳ жаноби олийлари кўп куч-маблағ сарфлаб (қулларингизни) саҳоват билан тақдирладингиз. Ва энди ўйлаган мақсадингизга эришмай қайтиш сизнинг шаънингизга тўғри келмайди. (Шунинг учун) модомики, биз томонга қадам ранжида қилган экансиз, мен Сизнинг ғуломингиз бўлишга аҳд қилдим. Камина Сизнинг номингизга хутба ўқитиб муборак номингизга тангабар — динорлар ва дирҳамлар зарб қилурман (рози бўлсалар).

Мазкур мамлакатни Сизнинг ҳукму Фармонгиз билан идора қилсам, — деган орзуйим бор». (Ал-Ҳусайний).

Манбаларга кўра, хоразмшоҳ бу мактубни ўқиб, Ой-Абонинг тутган йўлидан хурсанд бўлди ва шу заҳоти у билан сулҳ тузди. Элчи Фахриддинни олий саруполар ва совға-саломлар билан сийлаб, ўз элчиси орқали Нишопурга, Ой-Абога қимматли совға-саломлар юборди. Булар орасида узангиси олтин ва кумушдан бўлган зотли тулпорлар, ёпинчиқлар ва ўз хазинасидаги ноёб нарсаларни қўшиб совға қилиб юборди. (Ал-Ҳусайний).

Ўзининг вассали (тобеълигидаги ҳукмдор) Ой-Або хоразмшоҳга бўйсунганини эшитган отабек Эл-Денгиз қўшинлари билан Бистомни ташлаб Райга қайтиб кетишдан бошқа илож топмади.

Нишопурнинг эгалланиши билан хоразмшоҳлар ва салжуқлар муносабати бутунлай бузилди. Шу пайтдан бошлаб, хоразмшоҳлар аста-секин Ажам Ироқнинг ички ишларига аралаша бошладилар. Шу минтақадаги маҳаллий ҳукмдорлар салжуқларга ва отабекларга қарши ўз мустақиллиги учун курашларида хоразмшоҳ Эл-Арслонни ўз иттифоқчиси деб билдилар. Салжуқ султони Арслон шоҳнинг мана шундай душманларидан бири Рой ҳукмдори Инонч хон эди. У салжуқ султони хазинасига ҳар йили ўлпон тўлаб турарди. Эндиликда отабек Эл-Денгиз хирож ундириш учун Ройга одамларини юборганида Инонч хон Ройдан (қўшинлари билан) Бистомга чекинди ва ўша ерда туриб, хоразмшоҳ Эл-Арслонга мактуб юборди. У, мактубида хоразмшоҳдан паноҳ сўраб, ғуломлари қаторида кўришини истаганини билдирди. Агар мадад кучлари юборилса, Форс-Ироқини забт этиб, уни Хоразм салтанатига қўшишни, бу ерда (Рой ва Бистом) ҳам ул зоти олийларининг ҳукм-фармонларига итоат этишини билдирди.

Хоразмшоҳ Рой ҳукмдори Инонч хонга лутфу марҳаматга лиммо-лим сўзлар билан жавоб берди. У, Деҳистон валийси (чопар билан) агар Рой ҳукмдори ўша ерга келса, унинг ишларини ўнглаш учун 30 минг динор маблағ ва бошпана бериш ҳақида фармон юборди. Хоразмшоҳ фармонига кўра, Инонч хон ишлари ўнглангунча Деҳистонда кутиб туриши керак эди. (Ал-Ҳусайний).

Худди шу пайтда отабек Эл-Денгизга содиқ одамларидан мактуб етиб келдики, унда Инончхон Хоразмшоҳ билан тил бириктиргани Рой ва унинг атрофларини эл-Арслон ихтиёрига бераётгани хабар қилинган эди. Мактубда яна харазмшоҳ ва Рой атрофини (салжуқ султонларидан) тортиб олиш учун мағрибга йирик қўшинларни юборгани, бу қўшинларга қорлуқлар амири Шамсул-Мулк ибн Ҳусайн Айёрбек кўмондон қилиб тайинлангани, бу қўшинга Ироққа бостириб киришга фармон берилгани ҳам айтилган эди.

Бу қўшинларнинг қайси йўллардан келаётганидан хабардор бўлиб турган отабек Эл-Денгиз ҳам (йирик) ҳарбий кучлари билан Хоразмийларнинг йўлини тўсиш учун сафарга чиқди. Хоразмшоҳ лашкарлари Ройдан ўтиб, Сова шаҳрига яқинлашди. Ҳижрий 563 (милодий 1167) йилда Хоразм қўшинлари султон Арслон-шоҳ ва отабек Эл-Денгиз ўғли Жаҳон Паҳлавон етакчилигидаги салжуқ қўшинлари билан жангга кирди. (Садриддин Али «Ад-давлат ас-Салжуқия» китобида ҳам, Зиё Буниёдов китобида ҳам бу жанг қайси ой ва кунда бўлгани айтилмаган — М. М.). Бу жангда Ироқ қўшинлари қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, аммо хоразмийларнинг ҳужумларига бардош беролмай, чекиндилар. Инончхон Таборак қалъасини қамал қилди, аммо, мудофаачилар уни қаттиқ ҳимоя қилдилар. Хоразм қўшинлари бу қалъани ташлаб мағрибга юришни давом эттирдилар.

Хоразм қўшинлари шу йили (1167) Озарбайжонга (Эрон Озарбайжонига — М. М) бостириб кириб, Абхор, Занжон ва Қазвин шаҳарларини эгалладилар, улар бу шаҳарларни талаб, вайрон қилдилар. Хоразмийлар Қазвиндан 2000 та зотли туяни (ўлжа қилиб) олиб кетдилар. Инончхонни ўз мулкларида (вилоятида) қолдириб, ўзлари Хоразмга қайтдилар.

Кейинги йили (564-1168) отабек Эл-Денгиз (катта амал ёки мол-мулк ваъда қилиб бўлса керак) Инончхоннинг вазири Саъдиддин ал-Ашолни ўз томонига оғ-

дирди. Шундан сўнг вазир отабек Эл-Денгиз тарафига ўтди. Вазирдан ваъда қилинган мукофотни ололмаган учта ғулом (жангчи қуллар) қочиб, хоразмшоҳ Эл-Арслонга бордилар. Аммо (воқеадан хабар топган) Эл-Арслон бу уч хоинни ўз хожасини ўлдирганлари учун қатл этди (бошларини олдирди).

Хоразмшоҳ Ироқ султонлиги ерларини босиб олишда айтарли зафар қозонолмагач, яна Мовароуннаҳр воқеаларига аралаша бошлади.

* * *

Аввал айтганимиздек, Қатавон чўлидаги жангда қорлуқлар катта иш қилган эдилар. (Қорлуқлар Хоразм тарафида туриб қорахитойлар ва қорахонийлар лашкарини мағлубиятга учратган эдилар, — М.М). Улар ҳижрий 551 (милодий 1156) йилда Бухоро яқинидаги жангда Самарқанд ҳукмдори Қорахоний Тамғочхон Иброҳим III ни ўлдириб, жасадини чўлга ташлаб кетган эдилар. Мовароуннаҳрни босиб олган қора хитойлар қорлуқларни бу иши учун жазолашга қарор қилдилар. Қорахитойлар ҳомийлигидаги Самарқанднинг янги подшоҳи Жалолиддин Али Чағри-хон 558 (1158) йили қорлуқлар қўшинини тор-мор келтирди. Қорлуқлар етакчиси Лочинбек бир қисм қўшини билан Хоразмга қочиб бориб, Эл-Арслондан ҳимоя сўради. Қорахитойлар асоратидан қутулишни мақсад қилган, уларга ҳамон бож-ҳирож тўлаб турган хоразмшоҳ чиндан ҳам Лочинбек етакчилигидаги қорлуқларни яхши кутиб олди. Хоразмшоҳ қорахитойларга қарши курашда қарлуқларни катта куч деб биларди.

Ҳижрий 553 йилнинг жумадул-соний ойида (июль, 1158) хоразмшоҳ Эл-Арслон катта қўшинлар билан Самарқандга ҳужум бошлайди. Самарқанд ҳукмдори Али шаҳар қалъасини мустаҳкамлаб, ўша вақтда Қоракўл-Жанд оралиғида яшаётган кўчманчи туркманлардан, шунингдек қорахонийлардан ёрдам сўради.

Сўғд (Зарафшон) дарёсининг иккала соҳилида бўлган жангларда Эллинг-Туркман етакчилигидаги қорахитой ва туркман қўшинлари хоразмшоҳ лашкарларининг қаттиқ ҳужумларига дош беролмайдилар. Мутлақо яксон бўлиш хавфи туғилганидан Эллинг-туркман сулҳ тузишни илтимос қилди. Самарқанднинг таниқли имомлари ва уламолари ёрдамида сулҳ битими тузилди.

Хоразмшоҳ шу битимга кўра қорлуқларни аввалги жойларига қайтарди ва ўзи қўшинлари билан Хоразмга қайтди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хоразмшоҳ Самарқандга келаётганида Бухоро яқинидан ўтган. Манбаларда айтилишича «Хоразмшоҳ бухороликларни турли ваъдалар, яхши сўзлар билан тинчитиб, сўнг Самарқандга йўл олган» (Жузжоний. Жувайний, I том).

Ҳижрий 559 (милодий 1168) йилда қорахитойлар «ўзбошимча ва исёнкор қорлуқларга қарши» бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Ибн ал-Асир хабар беришича, қорахитой хони ўз вассали бўлган Самарқанд ҳукмдори қорахоний Қилич Тамғочхон Абул-Музаффар Масъудга «Қорлуқларни Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан Қошғарга кўчирма қилишга» фармон берган. Фармонда «қорлуқлар қуролсизлантирилиб, фақат деҳқончилик билан шуғуллансинлар»—дейилган эди. Аммо қорлуқлар бу фармонга бўйсунмаган ва Бухоро шаҳрининг раиси Муҳаммад ибн Умарга мактуб юбориб, унда қорлуқларни (Мовароуннаҳр)дан ҳайдаб чиқаришга саъй-ҳаракат қилсинлар, деб илтимос қилган. Шундан сўнг Қилич Тамғочхон ўзи лашкар билан келиб, қорлуқни бир қанчасини ўлдириб, қолганларини Бухоро сарҳадларидан қувиб чиқарган. Шамсиддин ибн Ҳусайн Айёрбек етакчилигидаги бир қисми хоразмшоҳ ҳузурида паноҳ топганлар.

Кейинчалик ҳам қорахитойлар қорлуқларни йўқотиш учун кўп марта уринган. Аммо, бунинг учун улар хоразмшоҳ Эл-Арслон ихтиёридаги ерларда иш кўриши зарур эди. Ниҳоят, 567 (1171) йилда қорахитойлар қўшини Амударёдан ўтиб, Хоразм чегараларига кириб келдилар. Бундан хабар топган Эл-Арслон тўғонларни очиб, Хоразм пойтахти яқинидаги йўлларни сувга бостиришга фармон берди. Хоразмшоҳ ўз қўшинлари билан Омул томонга чекинди. Ва қорахитойларга қарши жанг қилиш учун Шамсиддин Айёрбек бошчилигида қўшин юборди. Хоразмшоҳ Эл-Арслон касаллиги туфайли жангда қатнашолмай, Омул шаҳрида қолди.

Қорахитойлар хоразмшоҳ қўшинларини мағлубиятга учратдилар, амир Айёрбекни асир қилиб, Самарқандга олиб кетдилар. Хоразмшоҳ касал ҳолида пойтахти Гурганжга қайтди. Ҳижрий 567 йил, ражаб ойининг 19 куни (1172 й. 17 март) хоразмшоҳ касалликдан вафот этди. (Ибн ал-Асир, 9-том, Жувайний, 1-том).

Хоразмшоҳ Эл-Арслон, отаси Алоиддин Отсиз каби

Бағдод халифалари билан яхши муносабат боғлаб, хат ёзишиб турар эди. У мактубларида халифадан ўз давлатининг қонуний тан олинишини сўрар эди. Халифа ал-Муктафий вафот этганда Эл-Арслон янги халифа ал-Мустанжидга мактуб юбориб, Хоразмнинг барча фуқаролари номидан марҳумнинг вафотига чуқур таъзия билдирган ва Хоразмда шу муносабат билан уч кун мотам эълон қилинганини айтган, Бағдодга марҳумнинг жанозасига боролмагани учун узр сўраган эди.

ХОРАЗМШОҲЛАР ТАХТИ УЧУН КУРАШ

Хоразмшоҳ Эл-Арслон вафотидан сўнг унинг ўғиллари Алоиддин Такиш ва Султоншоҳ Маҳмуд орасида тожу тахт учун оғир ва аёвсиз қирғин урушлар бошланди. (Бунинг сабаби — миллий анъана бузилганди— М.М.).

Эл-Арслон вафоти арафасида унинг катта ўғли Такиш (ҳозирги Хўжанд яқинидаги) Жанд вилоятида Хоразмшоҳ волийси бўлиб турган эди. Эл-Арслон шу туфайли ўлими олдидан кенжа ўғли Султоншоҳни валиаҳд қилиб тайинлади. Аммо, давлат ва ҳарбий ишларга унинг онаси Туркон-хотун бош-қош эди. («Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин, Ибн Ҳолдун).

Султоншоҳ хоразмшоҳ тахтига ўтиргач, Жанд вилоятига (чопар юборилиб) Такишни янги Хоразмшоҳга содиқликка қасамёд қилишга чақирдилар. Аммо Такиш укасига бўйсунишга рози бўлмади ва чопар орқали «Султоншоҳни давлат раҳбари деб тан олмаслигини» билдирди. Шундан кейин Туркон-хотун Жандга қўшин юбориб, Такишни зўрлаб олиб келишни буюрди. Бундан хабар топган Такиш дарҳол Жандни тарк этиб, қорахитойлар маликаси Чэн Тиён (1164—1177) га мурожаат қилди.

Малика ғўрхон Илёс ва Елйуй Тошийнинг қизи эди. Такиш (ўгай) укаси Султоншоҳга ва унинг онасига қарши курашга маликаи олия ёрдам берса, у ҳар йили қорахитойларга ўлпон тўлаб. туришга ваъда берди.

Алоиддин Такишнинг ваъдасини олган қорахитой маликаси эри Фума қўмондонлигидаги қўшинларни Хоразмга жўнатди. Такиш ва Фума лашкарлари Гурганжга яқинлашдилар. Султоншоҳ билан онаси жанг қилишга юраклари дов бермай, Хоразмдан Хуросонга

қочиб бориб, Нишопур ҳукмдори Муаййид ад-давла Ой-Абодан ҳимоя сўрадилар.

Ҳижрий 568 йил рабиал-аввал ойининг 22-куни (1172 йил, 11 декабрь) Алоиддин Такиш Хоразм халқи ва қўшинлари мадади билан расман Хоразм тожу тахтига ўтирди. Аммо тожу тахт учун аёвсиз курашлар ҳали олдинда эди. (Бу кураш 20 йил давом этиб, жуда кўп минг йигитлар ўлиб кетган — М.М.).

Султоншоҳнинг онаси Нишопур ҳукмдори Ой-Абога қимматли совғалар бериб, агар бу курашда ўғлига қўшинлари билан ёрдам берса, Хоразмга қарашли ерлардан бир қисмини ҳадя қиламан, деб ваъда берди. Хоразм халқи ва қўшинлари Султоншоҳ тарафида деб, уни ишонтирди.

Муаййид ад-давла ака-укаларнинг бу жанжалидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга: (тақдир насиб этса) Хоразмга тобеъликдан қутулиб, ўз ерларини кенгайтириб олишга умид боғлади. У катта қўшин тўплаб, Султоншоҳ ва онаси билан бирга Хоразмга юриш бошлади.

Гурганждан 20 фарсах беридаги Субвурни шаҳарчаси олдида Ой-Або қўшинлари Алоиддин Такиш қўшинлари билан жангга кирди. Хоразмшоҳнинг вассали бўлган Мозандарон испаҳбоди Ардашер аввалроқ иккала шаҳзоданинг кучларини қиёслаб кўриб, Алоиддинга Ой-Або лашкарининг қайси йўллардан бораётганини хабар қилиб турган, шунинг учун Такиш олдиндан Сувбурни яқинида қулай маррани эгаллаб, тайёрланиб турган эди. Такиш жангчилари шиддат билан ҳужум қилиб, Муаййид ўрдусини пароканда қилди, ўлган ўлди, қочган қочди. Ой-Або асир олинди. Уни Такиш ҳузурига келтиришди. Хоразмшоҳ уни шамшир билан иккига бўлиб ташлашга буюрди. Ой-Або ўрдусининг мағлубияти ҳижрий 569 йил, зулҳижжа ойининг 9-сида содир бўлди. (1174 йил, 11 июл).

Туркон хотун ва Султоншоҳ (Каспий денгизининг шарқий соҳилидаги) Деҳистон шаҳрига қочдилар. Аммо, у ерга етиб борган Такиш шаҳарни қамал қилди ва эгаллади. Султоншоҳ қочишга муваффақ бўлди. Туркон хотун асир олинди ва қатл этилди. (Бу Гурганжни мўғул истилочиларидан ҳимоя қилган малика Туркон хотун эмас — М.М.).

Муаййид Ой-Або ўлимидан сўнг Нишопурда унинг ўғли Тўғоншоҳ Абу Бакр (1174—1185, ҳукмдорлик йиллари) отаси тахтига ўтирган эди. Султоншоҳ шу ерда

бошпана топди. Хоразмшоҳ бу воқеалардан сўнг Гурганжга қайтди (Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин, Ибн Ҳолдун, В. В. Бартольд).

Хуросон қўшинларининг бир қисми ҳалокатга учраб, бир қисми тарқалиб кетгани учун Тўғоншоҳ хоразмшоҳнинг укаси Султоншоҳга ёрдам беролмади. Шундан сўнг Султоншоҳ Ғўр султонлари Ғиёсиддин ва Шаҳобиддин ҳузурига бошпана сўраб борди. Улар уни иззат-ҳурмат билан кутиб олдилар.

Хуросонда олий ҳокимият учун курашаётган Ғиёсиддин Ғўрий хоразмшоҳ Отсизнинг ўғли Султоншоҳнинг келишидан фойдаланиб, Хоразм ишларига аралашуви мумкин эди. Аммо у ўша пайтдаги сиёсий вазиятни чамалаб, Мовароуннаҳрдаги вазиятнинг ўзгаришини кутиб туришни афзал кўрди. Чунки бу пайт Такиш билан қорахитойлар ўртасида низо-жанжаллар бошланган эди. (Қорахитойлар 12-чи аср бошларида Ляо Си-Ғарбий Ляо давлатини тузган, шу пайтда улар қорахонийлар пойтахти Боласоғунни ва Хитой давлатини тузган, шу пайтда улар қорахонийлар пойтахти Боласоғунни ва Хитой давлатини ҳам эгаллаб олган туркий қидон уруғлари — М.М.).

Алоиддин Такишга Хоразм тожу тахтини эгаллашига ёрдам берган қорахитойлар эндиликда «Хоразм бизнинг итоатгўй вилоятимиз бўлади» деб Гурганжга, истаган пайтларида ўлпон тўплаб келишга турли мансабдорларини юбора бошлади. Қорахитойларнинг бу вакиллари Хоразмда ҳаддан ташқари калондимоғлик, сурбетлик, дағаллик билан турли номаъқулчиликлар қилар эдилар. Улар ҳатто хоразмшоҳ Такишнинг ҳукмдорлигини ҳам тан олмай, ўзбошимчалик билан хўжайинлик қила бошладилар. Бундан ғазабланган хоразмшоҳнинг сабр-тоқати тугади. У ҳузурига келиб, «Шу заҳоти ўлпон тўплаб берасан» деб туриб олган қорахитой ҳукмдорларининг бир қариндошини қўполлиги учун бошини узиб ташлади. Хоразмшоҳ бошқа барча мансабдорларига ҳам, қорахитойларни, сурбетлик қилса аямангланг, деб фармон берди. Ҳар биригиз биттадан қорахитой амалдорини ўлдиринг, деб кўрсатма берди. (Жувайний, Рашидиддин, ибн Ҳолдун).

Турган гап, бу аҳволда Хоразм билан қорахитойлар ораси бузилди. Шу вазиятдан фойдаланган Султоншоҳга Хуросон подшоҳи Ғиёсиддин Ғурий барча сўраган ёрдамини берди. (Отлиқ жангчилар, қуролярог, йўл озиғи ва б).

Султоншоҳ қорахитойлар пойтахт қилиб олган Боласоғун (Баланд Соғун)га келиб, қорахитойларга «Хоразм халқи ва қўшинлари менинг томонимда, улар менинг боришимга тайёр турибдилар. Фақат малика жаноби олиялари мадад берсалар бўлди, — деб мурожаат қилди. Қорахитойлар Хоразмни қўлга киритиш учун яна ўша лашкарбоши Фумани катта қўшин билан юборди. (Фақат бу гал улар сафида Султоншоҳга қарши Такиш эмас, балки Такишга қарши Султоншоҳ бирга бораётган эди). Бундан хабар топган Хоразмшоҳ қорахитойларнинг ҳужумини қайтариш учун яхши тайёргарлик кўрди. У аввало Амударёнинг тўғон йўлларини очиб, Урганчга кириш йўлларини сувга ботирди. Шаҳар қалъаси ҳам анча мустаҳкамланган эди.

Қорахитойлар (Қидонлар) қўмондони Фума Хоразмшоҳга хужум қилса ўз лашкарлари ҳалокатга учрашини, Хоразм халқи ва қўшинлари Султоншоҳ тарафида эмаслигини, унинг гапи ёлғон эканлигини тушунди. Шунинг учун у ўз қўшинларига Хоразмдан кетишга буйруқ берди.

Султоншоҳ Хоразм тожу-тахтини қўлга киритиш ҳозир имконсиз эканини тушуниб, Хуросонда бирор шаҳар ёки мулкларни эгаллаш учун Фумадан қўшинларининг бир қисмини беришни илтимос қилди. Фума рози бўлди. Ундан бир қисм қорахитой лашкарларини олиб, Султоншоҳ жанубга қараб юрди ва ўғузлар қўлидаги Сарахсга ҳужум бошлади. У Сарахсни олиб (576 / 1180), Марвга қараб юрди. Марвни эгаллаб, уни ўзига қароргаҳ қилди. Шундан сўнг Султоншоҳ қорахитой лашкарларини ватанига қайтариб юборди. Сўнг (ўз кучлари билан) Тус, Жом, Нисо ва Обивардни ишғол қилди (Ибн ал-Асир, 9-том).

Хуросон ерларини эгаллашда Султоншоҳ учун асосий душман Ой Абонинг ўғли Тўғоншоҳ Абу Бакир эди. Ҳижрий 576 йил, зулҳижжа ойининг 26-сонида (1181 йил, 13 май) иккала томон лашкари жангга киришди. Тўғоншоҳ қўшинлари мағлубиятга учради ва унинг мулк ерлари ва хазинаси Султоншоҳ қўлига тушди. Тўғоншоҳ бир қисм лашкари билан қочди.

Тарихчи ёзишича: «Султоншоҳ бахт-иқбол юлдузи ботиб кетганидан сўнг яна порлаб чиқди, чунки у Тўғоншоҳдан фарқли, уд ва соз ишқибози эмас, балки, жанг майдонида жавлон урувчи эди». (Жувайний, Жузжоний, Рашидиддин).

Султоншоҳ бир неча йил давомида Хуросон шаҳар-

ларига тинимсиз ҳужумлар қилиб, Тўғоншоҳни қийин аҳволда қолдирди. У Тўғоншоҳнинг кўпчилик амирларини ўз томонига оғдирди. Тўғоншоҳ (оғир) вазиятдан қутулиш учун хоразмшоҳ Такишдан ва Ғўр ҳукмдори Ғиёсиддиндан ёрдам сўради. Аммо, бу иккала ҳукмдор воқеанинг оқибатини кутиб туришни афзал кўрди.

(Ғам-ташвишда қолган) Тўғоншоҳ ҳижрий 581 йил, муҳаррам ойининг 12 сида (милодий 1185 йил, 15-апрель) вафот этди. Нишопур тахтига унинг ўғли Санжаршоҳ (1185—1198) ўтирди. Аммо, унинг давлатида асосий иш юритувчи отабек Менгли-Тагин эди. Бу вазир жуда қаттиққўл ва шафқатсиз эди. Унинг аҳолига жабр-зулми, солиқларнинг оширилиши, амирларнинг хўрланиши ва баъзиларининг қатл этилиши оқибатида Санжаршоҳнинг кўпчилик амирлари ўз жангчилари билан Султоншоҳ хизматига ўтиб кетдилар.

Хоразмшоҳ Такиш (ўз одамлари орқали) Султоншоҳнинг кучайиб кетганлигини, Менгли-Тагин Хоразмга итоатсизлик ва ўзбошимчалик қилаётганини билгач, бу воқеаларга аралашиш зарур деб ҳисоблади. Хоразмшоҳ Такиш асосий қўшинлари билан Хуросонга кетганини эшитган Султоншоҳ яна бир марта бахтини синаб кўриш учун Хоразмни эгаллашга интилди. Аммо, Хоразмга бораётганида Султоншоҳ эшитдики, Такиш унинг пойтахти Марвга қараб йўл олибди. (Бу мулкидан ҳам ажралиб қолишдан) ҳавотирланган (Султоншоҳ асосий қўшинини Омулда қолдириб, ўзи бир қисм лашкари билан Хоразмшоҳ қўшинлари орасини ёриб ўтиб, Марвга кириб, уни мудофаага ҳозирлади. Такиш эса қўшинларини Марв йўлидан бошқа ёққа буриб, Нишопур томон юрди. Ва ҳижрий 582 йил, рабиул аввал ойида (1186 йил, май) Санжаршоҳ ибн Тўғоншоҳни пойтахти Нишопурни қамал қилди. Икки ой давом этган қамалдан сўнг Менгли-Тагин ва Санжаршоҳ Хоразмга бўйсуниб, унинг хирож тўлашга доир шартларини қабул қилишга мажбур бўлдилар. Такиш сулҳ шартларини тузиш учун Нишопурда ўз вакилларини: ҳожиби бузург Шаҳобиддин Маъсудни, хонсалор Сайфиддин Мардоншерни ва Баҳоуддин Муҳаммад ал Бағдодийни қолдирди. Аммо, Хоразмшоҳ (қўшинлари) Нишопурдан кетиши билан Менгли-Тагин Нишопурда бўлиб турган Абдул-Азиз ибн Фахриддин Абдул Азиз ал-Куфийни, атоқли дин арбоби қози ва шайхул-ислом Бурҳониддинни ҳибсга олди ва ўлдиришга фармон берди. (Жувайний. Рашиддиддин).

Хоразмшоҳ ўзининг давлат арбобларига нисбатан қилинган бу қотилликни уруш эълон қилиш, деб тушунди. Ва ҳижрий 583 йил муҳаррам ойининг 14-куни (1187 йил, 27 март) Нишопурни яна муҳосара қилиб, шаҳарни манжанақлардан ўққа тута бошлади.

Қирқ кун давом этган қамалдан сўнг Менгли-Тагин Хоразмшоҳ Такиш ҳузурига имомлар ва сайидларни чақириб, шафқат сўради. Шаҳар таслим бўлди (1187 йил, 27 май) Хоразмшоҳ қўшинлари билан Нишопурга кириб, адолат ва раҳм-шафқат палосларини ёйди, шаҳарни нафрат ва зўравонлик ахлати ва чақар тошларидан тозалади. Менгли-Тагин кимдан нималарни жабр-зулм билан тортиб олган бўлса, эгаларига қайтарилди. Менгли-Тагинни тутиб Хоразмшоҳ ҳузурига келтиришди. Такиш уни имомлар ихтиёрига берди. Имомлар золим амирни мақтул имом Бурҳониддиннинг отаси қози Фахриддин ихтиёрига топширилсин, деб фатво чиқардилар. Қози Фахриддин талаби билан Менгли-Тагин қатл этилди.

Нишопур ва унинг атрофлари Хоразм давлати ҳудудларига кирди. Хоразмшоҳ илгари Жанд вилоятида ноиб бўлиб турган ва 1187 йил сентябрда Гурганжга қайтган ўғли Носириддин Малик-шоҳни Нишопурга волий қилиб тайинлади. Хоразмшоҳ Санжаршоҳни (аср сифатида Гурганжга ўзи билан олиб кетди (кейин Санжаршоҳ кечирилган шекилли — М.М). Санжаршоҳ яширин равишда ўз бойликларини Нишопурга юбора бошлади, (у ерга қайтиш умидида шундай қилган). Аммо, бу иш фош бўлиб, кўзи кўр қилинди ва умрининг охиригача Хоразмда қолиб кетди. (Кўр қилингандан сўнг у яна 10 йил яшади, 1198 гача).

Хуросоннинг анчагина қисми Хоразм давлатига қўшилган бўлса ҳам, Марв ва унинг атрофларида, Сабзаворда Султоншоҳ ҳукмронлик қилар эди. Хоразмшоҳ Такиш қўшинларини Нишопурдан олиб чиқиб кетиш билан Султоншоҳ яна Нишопурга ҳужум бошлади. У шаҳар деворларининг анча жойларини вайрон қилди. Аммо, хоразмшоҳнинг ўғли Маликшоҳ отасига чопар юборди ва шаҳарни қаттиқ ҳимоя қилиб, душманни киритмади. Бу орада хоразмшоҳ ёрдамга етиб келди. Султоншоҳ акасининг қўшинлари яқинлашганини билиб, Марвга чекинди. Такиш Нишопур шаҳар қалъа деворларини тиклашга фармон берди. Шундан сўнг қўшинлари билан Мозандаронга йўл олди.

1188 йилнинг баҳорида Хуросоннинг азиз кишилари

ва таниқли амирлари воситачилигида ака-укалар Султоншоҳ билан Такиш ўртасида сулҳ битими тузилди. Такишнинг ҳарбий қудрати ва обрўси шундай ошиб кетган эдики, Султоншоҳ хоразмшоҳнинг барча шартларини сўзсиз қабул қилишга мажбур эди. Султоншоҳ деярли қўшинсиз қолган, Такишнинг ҳарбий ва сиёсий ғалабалари туфайли шу вақтгача иккиланиб турган барча хуросонлик амирлар унинг тарафига ўтган эдилар. Такиш сулҳ битимига кўра, Султоншоҳга Жом, Боҳарз ва Зирипул вилоятларини ҳадя қилди. Бунинг эвазига Султоншоҳ хоразмшоҳнинг асирликдаги уч асирини озод қилди.

Шундан сўнг, хоразмшоҳ Такиш ўзини чинакам подшоҳ деб эълон қилди. Ҳижрий 585 йил, жумадул-аввалнинг 18-куни (1189, 4 июлда) Родекон (Родгон) шаҳрида хоразмшоҳнинг султонлик тахтига чиқиш маросими бўлди. Такишнинг султонлик тахтига чиқишига бағишлаб, кўпчилик шоирлар мадҳия ва қасидалар ёздилар. Шоир Имомиддин Завзоний султон Такишни бундай мисраларда мадҳ этди. (сўзма-сўз таржимаси):

«Мағрибу машриқни жаҳонгир Такишга ишониб топширган Ҳақ таолога ҳамду санолар бўлсин! Буюк лашкарбоши, жумлаи жаҳон ҳукмдори, подшоҳлик нишонларини зафар билан қўлга киритган жаҳонгир Такишхон ибн Эл-Арслон ибн Отсиз, Одам Ато замонидан бери ҳукмронлик жиловини қўлга киритган ота ўғлига шон-шарафлар бўлсин! Қуёш феруза осмон тахтига чиққанидек, султон Такиш ҳам бир нафасда музаффарият тахтига чиқди».

Етти кеча-кундуз тантанавор байрамлар бўлиб ўтганидан сўнг, 1189 йилнинг кузида султон Такиш Гурганжга қайтиб кетди.

Аммо, «ёвуз мижозли ва қайсар табиатли» Султоншоҳ, акаси султон Такишга бўйсунишни хаёлига ҳам келтирмасди. У, акасига қарши курашда Ғўр ҳукмдорларини ўзига иттифоқчи қилиб олди.

Хоразмшоҳ Такишнинг куч-қудрати ва шон-шуҳрати ортиб бораётганини ғўрийлар ўз мулкларига таҳдид солиши мумкин деб ўйлаб, Султоншоҳга яхши муомала қилдилар. Унга ён бериб, хоразмшоҳнинг энг кучли рақибини ўз ҳузурларида сақлашни фойдали деб билдилар. Аммо, Султоншоҳ бу яхши муомалани бошқача тушунди: у, ғўрийлар мендан қўрқаяпди деб ўйлаб, улардан Ҳирот, Бўшанж, Бодғис ва унинг атрофларини беришларини талаб қилди. Султон Ғиёсиддин Ғўрий

акаси Шаҳобиддинни бу шартга, мазкур шаҳарларни Султоншоҳга беришга кўндирмоқчи бўлиб турганида Ғўрийлар давлати олий мартабали дин арбоби, ҳазрат Али наслидан Мажидиддин Алавий ҳамда Ғиёсиддиннинг жияни Ал-Ғози норозилик билдириб, бу ишга аралашдилар.

Мажидиддин, Султоншоҳнинг элчисига бундай деди: «Эй фалончи! Султонтшоҳга айтиб қўйгин», «Сен билан Ғиёсиддин номидан ва Шаҳобиддин номидан сулҳ битими тузилди. Аммо, мен, Алавий айтаманки: Мен билан Али Ғозий сенинг душманларингизмиз, сен билан бизнинг ўртамизда ишни қилич ҳал қилади!»

Шундан сўнг Мажидиддин Алавий, Ғиёсиддин Ғурийга қараб бундай деди: «Султоншоҳни ўз акаси ҳайдаб юборган, у ёлғиз бир қувғинди. Нима учун биз ўғиз туркларидан ва султон Санжарнинг амирларидан қилич кучи билан олган мулкларимизни шу қувғиндига бермоқчисан? Агар бу ишни унинг акаси (хоразмшоҳ Такиш) эшитса, у сендан бу шаҳарларни ҳам, Ҳиндистонни ҳам, қўлингдаги барча мулкларни ҳам тортиб олади-ку!» (Ибн ал-Асир, Ибн Холдун).

Хуллас, Султоншоҳнинг элчиси қуруқ қайтиб кетди. Шундан сўнг Султоншоҳ Ғўрийларга қарши куч ишлатишга қарор қилди. Аммо, унинг қўшини Марв яқинидаги жангда ғўрийлар томонидан тор-мор қилинди (ҳижрий 586, мил. 1190). Лашкарининг кўп қисми асир олинди. Ўзи эса фақат 1600 жангчиси билан Марвга қайтди. Қўшинсиз қолган Султоншоҳ яна (мадад сўраш учун) қорахитойлар ҳузурига боришга қарор қилди. Аммо, бу воқеалардан хабар топган хоразмшоҳ Такиш укасининг шарққа юриш йўлини тўсиб қўйди. Айни вақтда жанубга қўшин юбориб, Сарахс қалъасини эгаллади, шу заҳоти унинг деворларини йиқитди.

Такишдан қочиб, Султоншоҳ яна Ғўрийлар ҳузурига ҳимоя сўраб борди. Ғўрийлар уни азиз меҳмондай кутиб олиб (кечириб) яна лутф-марҳамат кўрсатдилар. Хоразмшоҳ султон Ғиёсиддин Ғўрийга мактуб юбориб, унда Султоншоҳнинг мамлакатда қилган вайронгарчилик ишларини, Хоразмга қарши юришларини эслатди ва уни тутиб беришларини талаб қилди. Аммо, Ғиёсиддин хоразмшоҳнинг элчисига бундай деди: «Алоиддин Такишга бориб айтгинки, сен Султоншоҳни мамлакатни вайрон қилди ва давлатни эгалламоқчи бўлди деб ёзибсан. Ҳаётим билан онт ичиб, айтаманки, у ҳукмдорнинг ўғли, ўзи ҳам ҳукмдордир. Султоншоҳнинг

олий ниятлари бор, у давлат ишларини бошқаришга муносибдир. У мендан ҳимоят сўраган ва мен уни ҳимоя қиламан. Аслида сен унга отасидан қолган мулкларини ва хазинасини қайтариб беришинг ва мамлакатдан чиқиб кетишинг керак». Шундан сўнг Ғиёсиддин мана бу сўзларни қўшимча қилди: «Сен агар Хоразмда менинг номимни хутбада ўқитсанг ва синглингни укам Шаҳобиддинга турмушга узатсанг, мен иккалангизга меҳр-муҳаббатли дўст бўлишга қасамёд қилурман!»

Хоразмшоҳ табиийки, Ғиёсиддин Ғурийнинг бундай жавобидан ғазабланиб, унга уруш эълон қилмақчи эканини айтиб, жаҳл билан ёзилган мактуб юборди. (Мактубни олган султон) Ғиёсиддин жияни Али Ғози ва Сижистон ҳокими Хожиддин Ҳасан қўмондонлигида қўшинларни қуроллантириб, Султоншоҳни иккаласига бош қўмондон қилиб, Хоразмга жўнатди. Хоразмшоҳ Такиш ҳам қўшинлари билан буларга яқинлашди. Аммо, Султоншоҳ уруш бошлашга журъат қилмай, орқасига қайтди. Хоразмшоҳ ҳам Гурганжга қайтиб, бутун қиш давомида Султоншоҳнинг ҳужуми эҳтимолига қарши қўшинларни жангга тайёрлади.

Ҳижрий 588 йилда (1192) хоразмшоҳ Такиш Форс Ироқида ҳарбий кучларини ташлаб Рой шаҳрига яқинлашди. Аммо қиш қаттиқ келиб, шароит оғирлашиб, қўшинларининг бир қисми ҳалокатга учради. Такиш Хоразмга қайтишга мажбур бўлди. Йўлда хабар эшитдики, унинг йўқлигидан фойдаланиб, укаси Султоншоҳ Хоразмга бостириб кириб, Гурганжни қамал қилибди. Сўнг акаси қайтаётганини эшитиб, Марвга қайтиб кетибди.

Ҳижрий 589 йилнинг баҳорида (1193 йил, март) хоразмшоҳ Такиш яна Султоншоҳга қарши юриш бошлади, исёнкор укасини батамом бўйсундиришга қарор қилди. Хоразмшоҳ қўшинлари Обивардга етганида икки томон вакиллари (уламо ва дин арбоблари) ака-укани яна яраштиришга уриндилар. Музокаралар чўзилиб, вақт ўтаверди. Шунда Сарахс қалъасининг мустаҳфизи (қалъанинг ҳарбий бошлиғи) Бадриддин Чақир хоразмшоҳ томонга ўтиб кетди (ниятини вакиллар орқали билдириш билан) султон Такиш тез қалъага яқинлашди ва Бадриддин қалъа калитларини, Султоншоҳнинг хазина-дафиналарини Хоразмшоҳга топширди. Бу воқеа ака-укалар ўртасида узоқ йиллар давом этган низоларга якун ясади. Султоншоҳ бу хабарларни эшитгач, ёруғ дунё кўзига қоронғу бўлиб кетди. Султоншоҳ

ўзининг тожу-тахтини қўлга киритиш ёки акасидан мустақил кучли бир давлат тузиш ҳақидаги орзу-ниятлари пучга чиққанлигини англади. Сарахс қалъасининг Хоразмшоҳга топширилиши унинг дилини вайрон қилди. Орадан 2 кун ўтгач, ҳижрий 589 йил, рамазон ойининг охирги куни (1189 йил, 19 сентябрь) Жалолиддин Маҳмуд Султоншоҳ (кўнгли куйиб кетганидан — М.М) вафот этди. (Ибн ал-Асир. Жувайний, Рашидиддин).

Хоразмшоҳ Эл-Арслоннинг икки ўғли ўртасида 20 йил давом этган кураш шундай тамом бўлди. Такишнинг Хоразмшоҳлар тожу тахтини укаси олиб қўяди деган ташвишларига чек қўйилди. Энди унинг дили равшанлашиб, ўз давлатини кенгайтиришни бемалол ўйлайдиган бўлди. Хуросоннинг Толиқон-Марвируд-Ҳирот йўналишидаги тамом ерлари Такиш қўлига ўтди. Ҳижрий 589 йилнинг зулҳижжа ойида (1193 йил, декабрь) султон Такиш Марв ва унинг атрофларини катта ўғли Носируддин Маликшоҳга топширди. Нишопурга эса бошқа ўғли — Қутбиддин Муҳаммад II ни волий (ҳоким) қилиб тайинлади. (Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин, Ибн Ҳолдун).

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ЮКСАЛИШИ

590 (1193) йил Хоразмшоҳлар давлатининг астасекин юксалиш ва кучайишининг бошланиш йили бўлди. Мусулмон олами Шарқида мураккаб сиёсий вазиятларда давлатнинг мустаҳкамланишига маъмурий бошқарув ва қўшинни аниқ ташкил қилиш йўли билан эришилди. Кўп ўтмай бу давлат Ўрта Осиё ва Эрон давлатлари орасида энг қудратли давлатга айланди.

Хоразмшоҳ Такиш ўлкасига қарши олиб борган кўп йиллик кураш давомида ўз давлатининг шарқий ҳудудига яқин жойлардаги сиёсий воқеалар ривожини диққат билан кузатиб борди. Юқорида қайд қилинганидек, қорахитойлар билан муносабатларнинг узилиши Хоразмнинг уларга қарамлигига барҳам берди. Энг муҳими, Такиш «куффор» қорахитойларга қарши курашда кейин ҳам уларнинг жиддий ҳужумларига дуч келмади. Бироқ қорахитой ҳукмдорлари кўчманчи қипчоқ қабилаларини шарқдан Хоразмшоҳлар ерига, биринчи навбатда Жанд ҳудуди ва атрофларига бостириб киришга гиж-гижлаб, қутқу солдилар.

Хоразмшоҳ Такиш валиаҳд шаҳзода пайтидаёқ Жанд

шаҳри валийси эди. Мамлакат тахтига ўтиргач, эса, ўзининг «энг севимли ўғли» Носириддин Малик шоҳни бу ерга волий қилиб тайинлади. Хоразмшоҳ Такиш девон ал-иншосининг бошлиғи Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бағдодий битган фармонда Хоразмшоҳлар давлати учун Жанднинг аҳамияти ёрқин акс эттирилган. Унда Жанд «Ислом заминининг энг муҳим қисмларидан ва «ғолибона давлатимизнинг асоси ва ибтидоси» эканлигини таъкидлаб, Хоразмшоҳ Хоразмнинг ўзига қандай аҳамият берса, Жандга ҳам шундай аҳамият бериши уқтирилади. Фармонда Жанд аҳолисининг «ислом султонлиги» чегараси ҳимоячилари сифатидаги хизматлари алоҳида таъкидланиб, «Куффорлар»нинг ҳар қандай ҳужумини даф қилишга қодир бўлган қўрқмас ва тажрибали аскарларни ҳарбий хизматга жалб қилиш вазифаси юклатилади.

Бироқ Жанднинг аҳамияти яна шундаки, шаҳар шарқдан Хоразмга ўтадиган асосий савдо йўлининг марказида жойлашган эди. Шунинг учун фармонда амалдорларга хоразмликми, бегонами, туркми, хорижликми — кимлигидан қатъий назар, ҳаммага бир хил адолатли муносабатда бўлиш, савдо-сотиқ ишларига тўсқинлик қилмаслик, йўлларда хавфсизликни таъминлаш, савдогарларнинг мол ва ҳаётини турли тажовуз ва суиқасдлардан ҳимоя қилиш топширилган эди.

Бундай фармон фақат Жанд учун махсус чиқарилган, чунки Хоразмшоҳлар бу вилоятнинг иқтисодий аҳволига, уни одамлар билан таъминлашга алоҳида эътибор билан қараганлар. Хоразмшоҳ Такиш Жанд учун бошқалардан кўра кўпроқ жон куйдирди.

Сайҳуннинг ўнг қирғоғидаги муҳим истеҳкомлардан яна бири Барчинлиғкент эди. Такиш уни ўз тасарруфидаги мулкка қўшиб олиш учун ҳамма имкониятини ишга солди. Такишнинг ўз ўғли Тожиддин Алишоҳни Барчинлиғкент волийси қилиб тайинлаш тўғрисидаги фармони бор. Фармонда Барчинлиғкент билан бирга Работи Тўғон шаҳри Хоразмга қўшиб олингани тўғрисида гап боради. Агар душман томонидан ҳужум хавфи туғилса, бу ердан шарқнинг узоқ жойларига айғоқчилар юбориш назарда тутилади.

Хоразмшоҳ Такиш «Куффор»ларга қарши жиҳод қилиш ва уларни ислом динига киритишни ўзининг энг асосий ва шарафли вазифаси деб эълон қилган. Унинг бу ҳаракати ҳижрий 576 йил, рамазон ойида (1181 йил, январ) ёзилган ва Ғўр ҳокимига юборилган хатида ёр-

қин ифодаланган. Хатда Хоразм қўшинлари ўз мамлакати билан чегарадаги Қипчоқлар ерига қадар бориш, улар олдига қўйилган вазифани шак-шубҳасиз бажарилиши уқтирилади. Ҳижрий 577 йил муҳаррам ойида (1181, май). Ўша Ғўр ҳокими номига ёзилган бошқа бир мактубда Хоразм ва қипчоқ қўшинларининг қорахитойларга қарши ҳамкорликда ҳужум қилиш ҳақида гап боради.

Бу мактуб мазмунидан кўриниб турибдики, Уроний турк қабилалари йўлбошчиси Алп Қора бошчилигида ҳадсиз-ҳисобсиз қипчоқлар Жанд чегарасига келганлар ва Хоразмшоҳга хизмат қилиш истагини билдирганлар. Алп Қора катта ўғли Қиронни, Ўғур уруғи беклари— ўғлонлари бўлинмаси билан Гурганжга юборади ва бутун уруғ-аймоғи билан хоразмшоҳ қаерда жанг қил деса, ўша ерда жанг қилишга тайёрлигини билдиради.

Такиш вакилларни ҳурмат-иззат билан қабул қилади, қимматбаҳо чопонлар ва совға-саломлар билан сийлайди. Қипчоқларни ўзининг ўнта лашкарбошиси билан Жандга, ўғли Носириддин Маликшоҳ ихтиёрига юборади. Хоразмшоҳ ўғлига Жандда унинг қўл остида бўлган қўшинни қуроллантириб, Алп Қора жангчилари билан бирга лаънати қорахитойлар ерларини босиб олишга, «куффорлар»ни эгаллаб турган ерларидан ҳайдаб юборишга ёки қириб ташлашга буйруқ берди.

Шу билан бир вақтда ҳижрий 577 йил жумадил охир (1181 йил, октябрь) ойида Хоразмшоҳ Такиш Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдори Отабек Жаҳон Паҳлавонга мактуб юбориб, унда шу маълумотларни баён этади ва қорахитойларга қарши курашга юборилган қўшинлар Тарозга етиб борганини, Жаҳон Паҳлавоннинг қариндоши бўлган Қирон унинг лашкарбошилари сафида эканини қўшимча қилади.

Ғиёсиддин ал-Ғурий номига ёзилган учинчи хатда Сарахс қўрғонини қамал қилиш учун қўшин юборган шаҳарлар қаторида хоразмшоҳ Қанд шаҳрини тилга олади. (Бу шаҳар Туркистоннинг хоразмшоҳ тасарруфидаги шаҳарлардан биридир. — З. Б.)

Кўриниб турибдики, 1180 йилдан бошлаб хоразмшоҳ қўшинлари қорахитойлар пойтахти Боласоғун атрофларига эмас, (Сиғноқ малики қўшинлари билан ҳамкорликда) ичкарироққа, қорахитой мамлакати ичкарисига кириб борганлар.

Худди шу вақтда, ҳижрий 578 йил 12 жумадул охир

(1182 йил 14 октябрь)да хоразмшоҳ Мовароуннаҳр устига юриш қилади ва Бухорони босиб олади. Шаҳарни олиш учун бўлган жанг ҳақида унинг зафар ёрлиғи—фатҳномаси дарак бериб турибди. Бу ёрлиқда Бухоронинг босиб олиниши, «улуғ жиҳод» (жиҳоди аъзам) деб баҳоланади. Ёрлиқда айтиладики, «оловдай даҳшатли, шамолдай учқур» Хоразм қўшини бир лаҳзада Жайҳундан ўтдилар ва Бухоро заминига босиб кирдилар. Бухорода Хоразмшоҳ Такиш номига хутба ўқилади ва танга зарб қилина бошланди. Хоразмшоҳ бу ерда иккита фармон эълон қилди. Уларда Бухорони босиб олишда ёрдам кўрсатгани учун саййидлардан бирига миннатдорлик изҳор қилади. Бу саййид вазифасидан олинган Бухоро хатиби ва муфтийси Бадриддин ўрнига тайинланади. Хоразмшоҳ унга шаҳарда хутба ўқитишга, Ҳалифа номидан кейин Такиш номини қўшиб айтишга буйруқ берди.

Бухорони олиш Такиш учун осон иш бўлмади. Шаҳар аҳолиси таслим бўлишни истамас, ҳатто Хоразмшоҳни масхара қилиб, устидан куларди. Улар бир кўзли итни олиб келдилар (Такишнинг бир кўзи кўр эди) чакмон ва калонсув кийдириб, қалъа девори тепасига чиқариб қўйдилар ва «Мана сизнинг хоразмшоҳингиз», деб манжанақдан ўққа тутдилар. Хоразмликлар эса «Эй куффор лашкарлари» Йо ажнад ул-куфр, Сиз ислом динидан қайтгансиз, шу қайсар феълингизда давом этмоқдасиз», деб жавоб қайтардилар. Аммо, Бухоро қўлга киргандан кейин Хоразмшоҳ шафқатли эканини кўрсатди, уларни қўрслиги учун жазога тортмади.

Хоразмшоҳ Такиш Султоншоҳга қарши кураш олиб борган даврда қўшни давлатларнинг бошлиқлари билан яхши муносабатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Хоразмшоҳ девон ал-иншо маҳкамаси бошлиғи Баҳоуддин ал-Бағдодий тузган «Ат-тавосил ила-т-тарассул» расмий ҳужжатлар тўплами Такишнинг бу даврдаги дипломатик фаолияти билан танишиш имконини беради.

Хуросон билан боғлиқ масалаларда Хоразмшоҳнинг асосий рақиби Ғўр ҳокими султон Ғиёсиддин ал-Ғурий эди. Бироқ Такиш укасига қарши курашиб юрган пайтларда Ғиёсиддин билан яхши муносабатни сақлашга интилди, ҳар бир рақиб ўз мактубида бошқасини «биродарим» деб мурожаат қиларди. Хоразмшоҳнинг Ғиёсиддинга ёзган энг дастлабки мактубига 576 ҳижрий йил, рамазон (1181 йил, январ) санаси

қўйилган. Шундан бир ой аввал Ғиёсиддин Хоразмга ўз амири Ҳумомиддинни элчи қилиб жўнатган, у зиммасига юкланган вазифани шараф билан бажарган, томонлар тинч-тотув муносабат ҳақида шартлашиб олган эдилар. Ўз навбатида Хоразмшоҳ ҳам Ғиёсиддин саройига Ҳумомиддин билан бирга элчи қилиб саййид ал-умаро ва-н-нуввоб Фахриддинни жўнатган эди.

Фахриддин олиб келган мактуб Хоразмшоҳ нойби бўлган Нишопур ҳокими Тўғоншоҳ ерларига Султоншоҳнинг дахл қилиши муаммосига бағишланган эди. Такишнинг ўз укаси Султоншоҳ билан рақобатида Ғиёсиддин ал-Ғурийнинг бетараф бўлишига эришиш муҳим эди. Хоразмшоҳ бунга муваффақ бўлди. Шундан кейин «энг қадрдон укаси» Султоншоҳни «хоразмшоҳларнинг хос мулки деб эълон қилинган Тўғоншоҳ ҳокимлик қилиб турган ерларга дахл қилинмасин» деб огоҳлантирди. Унга Тўғоншоҳ билан дўстона муносабатга киришиш ва унга қарши хатти-ҳаракат фикрида бўлмасликни уқтирди. Такиш кўрган чораларга Ғиёсиддин қаршилик кўрсатмаганидан унинг мавқеи баландлиги сезилиб турибди.

Аммо, Ҳуросондаги бундай ҳолат Хоразмшоҳнинг ўзини қаноатлантирмасди. Султоншоҳ томонидан доимий хавф-хатар борлиги Такишнинг қўлини боғлаб турарди. У эса Хуросон ерларини босиб олиш билан боғлиқ мураккаб масалаларни ҳал қилишга интиларди.

Хоразмшоҳ дўстлик ҳақида ваъдалар бериб Ғиёсиддинни хотиржам қилгач, Султоншоҳ билан бўлган ярашни бузиб, Сарахс устига қўшин тортди. Бу сафар Хоразмшоҳ қўшинлари таркибида Жанд, Барчинлиғ-кент ва Мангқишлоқ аскарлари бор эди. Уларга йўлда Журжон, Деҳистон, Обивард, Нисо ва Нишопур аскарлари келиб қўшилиши керак эди.

Такиш Сарахс устига қўшин тортганини маълум қилиб, ҳижрий 578 йил муҳаррам ойида (1182 йил, май) Ғиёсиддинга мактуб йўллади. Мактубни иккала мамлакатга тинчлик омонлик тилашдан бошлаган хоразмшоҳ Ғиёсиддинга ўзаро тузган шартномаларини эслатиб, Ғўр ҳокимини Сарахс ҳужумида иштирок этишга таклиф қилади. Агар Ғиёсиддиннинг ўзи қатнашиш имконига эга бўлмаса, чегара вилоятлари қўшинларини юборишини писанда қилади. Ғиёсиддинга шу юришда шахсан иштирок этишини такрорлаб, хо-

размшоҳ ўртасидаги дўстликка суяниб, қўшинларни жўнатишни кечиктирмасликка чақиради.

Шундай қилиб, хоразмшоҳ Такиш қўшинлари бир йўла икки йўналишда ҳаракат бошлайди. Сирдарёнинг ўнг соҳилида Алп Қора ўғли Қирон қўл остидаги қипчоқлар билан ҳамкор қўшинлар ва Хуросондаги қўшинлар Сарахс босиб олингандан кейин Такиш Мовароуннаҳр ишларига тўғридан тўғри аралаша бошлаши керак эди.

Бу сафар кутилган ёрдамни ололмаган хоразмшоҳ Сарахс қамалини бир йилга кечиктирди. Бу вақтда Хуросондаги вазият ҳам мураккаблашиб кетди. Амирларнинг турли бўлинма гуруҳлари, Султоншоҳнинг қўшинлари ҳам Хоразм ерларигагина эмас, Ғўрийлар заминига ҳам бостириб кира бошладилар. Шу сабабли Ғиёсиддиннинг ўзи ҳужумга ўтди, унинг қўшинлари Сарахс ва Хайарон вилоятлари ерларига бостириб кирди. Ғиёсиддин атрофдаги қалъалар ҳокимларини тор-мор келтириб, бу ерларда осойишталик ўрнатиб, хоразмшоҳга хабар юборди.

Такиш ҳам шу мақсадда 10 минг кишилик илғор қўшинни Хуросон устига отлантирган эди. Аммо Ғиёсиддин ал-Ғурий элчиларидан Хуросонда тартиб ўрнатилганлиги хабарини эшитиб, ўз қўшинларини орқага қайтарди. Бунинг устига қаттиқ қиш ва озиқ-овқатнинг камлиги қўшинга катта талафот етказиши мумкин эди.

Баҳор келиши билан хоразмшоҳ Сарахс устига янги юришга тайёрлана бошлади ва яна Ғиёсиддин ал-Ғурийга ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Хоразмшоҳнинг ҳижрий 578 йил рамазон (1183, январ) санасидаги мактубидан кўриниб турибдики, бу гал Сарахсни қамал қилишга ҳаракат бўлмаган, хоразмшоҳ қўшини унинг ҳудудига яқин бормаган. Хоразмшоҳ ўз ниятини ўзгартириб, қўшинни Мовароуннаҳр томонга буради, аввал хабар берилгандай, Бухорони босиб олади. Бу ишни Такиш ўзи учун фойдалироқ деб билади. Ғиёсиддинга ўз олдига қўйган вазифани бажарганлигини ёзиб, Хуросонга эмас, Хоразмга қараб обрў билан қайтади. Чунки, отлар ҳаддан ортиқ толиққан, совуқ ва тинимсиз ёмғирли қиш кириб келган эди.

Хоразмшоҳ энди асосий эътиборни Қорахитойлар ва Мовароуннаҳрга қаратишни ўзи учун энг муҳим масала деб билади. То Мовароуннаҳрда унинг таъсир

доираси кучайгунча, Хуросонга нисбатан сабр қилиш, кутиш йўлини тутди. Хоразмшоҳнинг Ғиёсиддин ал-Ғурийга ёзган хатлари қанча устомонлик, фасоҳат билан ёзилган бўлмасин, унда дўстлик ва ҳамкорлик қилишга ҳар қандай уринишга ваъдалар берилмасин, Такиш Хоразмнинг шарқий ва жанубий чегаралари масаласида ўз олдига қўйган вазифаларга содиқ турарди. Аммо, Хуросон ишларига, ундан кейин Ироқи Ажам ишларига ҳам аралашиш, Салжуқийлар билан кураш — булар ҳаммаси бир бўлиб хоразмшоҳ учун ўзига хос программа максимум эди. Ҳозирча унинг бутун эътибори фақат Мовароуннаҳрга қаратилган эди.

Ҳижрий 579 йил рабиал охир ойи (1183 йил, август) санасида Обиварддан Ғиёсиддин ал-Ғурийга юборилган мактубда айтиладики, хоразмшоҳнинг вазифаси «аллақачон унинг ҳимоясига ўтган. Тўғоншоҳ ўғли» тасарруфидаги ерларни мудофаа қилишдир. Хоразмшоҳга қарашли 50 минг турк ҳимоячиси Хуросонга келгандан бери унинг ноибига дахл қилганларини тор-мор қилиш билан шуғулланади.

1185 йил апрелда Тўғоншоҳ вафот этгандан кейин унинг ўғли Санжаршоҳ Нишопур ҳокими бўлиб қолди. Унинг даврида (ёки аниқроғи отабек Менгли-Тегин амалда ҳокимлик қилган даврда) Хуросондаги аҳвол шу даражага етган эдики, хоразмшоҳ Такиш охир-оқибатда бу мулкларни Хоразмга қўшиб олди.

Бу даврда Хоразмшоҳ Такиш билан Мозандарон ва Ғилон ҳокими испаҳбод Ҳусайн ад-Давла Ардашер (1171—1205) ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Икки ҳукмдор мунтазам равишда бир-бирига элчилар алмашиб, совға-салом юбориб турдилар. Уларнинг дўстлик муносабатлари хоразмшоҳ қизи Шоҳ хотунни Ардашерга эрга бергандан кейин яна ҳам мустаҳкамланди. Хоразмшоҳ Менгли-Тегинни тор-мор қилиш учун жанг олиб бораётганда испаҳбод Ардашер унга ёрдам тариқасида икки минг кишилик қўшин юборди. Шу муносабат билан Хоразмшоҳнинг испаҳбод Ардашерга юборган мактуби испаҳбоднинг қарам ноиб (испаҳбод муаззам фарзанд) эканлигидан дарак беради.

Хоразмшоҳ талаб қилинган ёрдамни Нисо ҳокими (Малик) Имодиддин Муҳаммад ибн Умардан ҳам олиб турган.

Хоразмшоҳнинг Ироқ Салжуқийлари билан ёки

аниқроғи Ироқи Ажам ҳокимиятини амалда идора қилган Озарбайжон отабеклари билан ўзаро муносабатлари турлича кечган.

Муҳаммад Жаҳон Паҳлавон (1175—1186) Озарбайжон отабеги бўлгандан кейин Такиш билан унинг ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилади. Хоразмшоҳ отабекка мактуб юборади, унда ўзининг дўстлик ва самимиятини изҳор этади. Отабекнинг ҳаёти давомида Хоразмшоҳ билан унинг ўртасида дўстлик ва рози-ризолик алоқалари давом эттирилган.

Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бағдодий томонидан тузилган расмий ҳужжатлар тўпламида хоразмшоҳнинг «буюк отабек Шамсуд-Давла ваддин Ироқ Паҳлавонига ёзилган тўрт мактуби сақланиб қолган. Тўрт мактуб ҳам дўстпарварлик руҳи билан суғорилган, уларда Такишнинг отабек билан тинч-тотув муносабатда бўлишдан манфаатдорлиги сезилади. Хоразмшоҳ отабекка «олийнасаб қардош» (биродари ҳумойун) деб мурожаат қилади.

577 йил муҳаррам (1181 йил, май) санаси қўйилган мактубда ўзаро элчилар алмашиб туришнинг фойдаси ва 1181 йил мартда хоразмшоҳнинг Хуросонга бостириб киришга мажбур қилган сабаблар тушунтирилади. Такиш отабекдан узр сўрайди ва ёзади: Бундай тушунмовчилик ва норозиликларга сабаб бўладиган воқеалар бундан кейин такрорланмайди.

Хоразмшоҳ ҳижрий 577 йил рабиул охир (1181, август) ойида отабек элчига амири Рашидиддин орқали юборилган иккинчи мактубда бундай дейди: элчи отабекнинг мактубини Хоразмшоҳга келтириб топширди, у танишиб чиқди ва узоқ вақт унинг мазмуни таассуроти билан яшади. Хоразмшоҳ отабекка совға сифатида ваъда қилинган ов лочини элчи Рашидиддин орқали бериб юборилганлигини хабар қилади. Такиш яна «олийнасаб жаноб» (зоти ҳумоюн) элчилари камайгани муносабати билан афсус билдиради. «Юксак доирада мактуб алмашиш» (муҳотабате бузургвори) тўхтаб қолгани муносабати билан безовталигини изҳор қилади, ўзи билан отабек ўртасида камида бир учрашув бўлиши керак, деган истак билдиради.

Ҳижрий 577 йил жумадул охир (1181 йил, октябрь) ойида юборилган учинчи мактубда Хоразмшоҳ отабек Жаҳон Паҳлавон пойтахти билан Хоразм орасн узоқ бўлгани учун, мунтазам хат бериб, хат олиб туриш қийинлигидан шикоят қилади. Бироқ, хоразмшоҳ ота-

бекнинг олий йиғинларида юз бераётган воқеалардан доим хабардор эканлигини маълум қилади. Мамлакатлар орасидаги чегаралар осойишталигини, отабек давлатидаги мушкулотлар аста-секин бартараф этилаётганини мамнуният билан таъкидлайди. Хоразмшоҳ ораларидаги бирлик ва саховатли амир Салоҳиддин олиб келган мактуб учун отабекка миннатдорлик изҳор қилади. Лекин, элчини узоқ тутиб қолгани сабаби элчининг ширинсуханлиги ва донолиги ўзини гоят мамнун этганлигини, чунки, элчи шахсан уни юборган отабекнинг ҳақиқатан дўст эканлигидан дарак беришини айтади. Салоҳиддин қипчоқларнинг хоразмшоҳга хизмат қилиши учун Жанд сарҳадларига келган беҳисоб қўшинларини ўз кўзи билан кўрди. Шундан кейин улар Барчинлиғ-кент, Шаҳр(и) кент, Работ ва бошқа жойлардан келган қўшинлар билан бирга Хоразмга қўшни ҳудудлардаги куффор ва худосизларни қириш билан машғул бўладилар. Хоразмшоҳ ўзи ва отабек атроф-дунёда юз бераётган воқеалардан бир-бирларини хабардор қилиб туришлари истагини билдиради.

Ҳижрий 578 йил ражаб ойи (1182 йил, ноябр)да отабекка ёзилган тўртинчи мактубда хоразмшоҳ яна мактуб ёзиб, элчи юбориш камайиб қолгани учун узр сўрайди. Лекин бундан улар ўртасидаги дўстлик зиён кўрмайди, аксинча яна ҳам мустаҳкамланади, деб Хоразмшоҳ, юборган совғаларни қабул қилишини сўрайди, чунки, улар чин юракдан эканлигини, ўртада ҳамиша «қувонч йўли очиқ, ишончсизлик йўли ёпиқ»лигига умид билдиради. Хоразмшоҳ Хуросон ва унга туташ барча ерлар тўла ўз тасарруфига ўтганини отабекка билдириб, Туркистоннинг ҳамма томонидаги беҳисоб қипчоқ бўлинмалари унинг учун хизмат қилишидан хабар беради.

Ҳижрий 587 йил 20 рабиал охир (1182 йил 23 август) санасида хоразмшоҳ Ширвоншоҳ III га мактуб жўнатди. Унда тез кунларда учрашиш ва ўзаро дўстона муносабатлар мустаҳкамланишига астойдил умид билдиради. Хоразмшоҳ унинг элчиси, амир Фаридиддин билан бўлган суҳбатлардан қониқиш ҳосил қилганлигини изҳор этиб, Хуросоннинг эзилган халқини озод қилиш учун ўн минглик қўшин билан юриш бошлаганини элчи орқали хабар қилади. Фаридиддин билан бирга Ширвонга ўз элчиси Жамолиддинни, у орқали энг яхши тилакларини юбораётганини, элчи эса Хора-

змда содир бўлган ҳамма воқеалардан хабардор қилинишини, Сиғноқ ҳокими бутун қўшини билан унинг хизматига ўтганини, у бўлса, мамлакат сарҳадидаги бутун «куффор»ларни йўқ қилишга буйруқ берганини билдиради.

Хоразмшоҳ Такиш отабек Жаҳон Паҳлавоннинг вориси отабек Қизил Арслон (1186—1191) билан ҳам яхши муносабатларни қўллаб-қувватлади.

Бироқ Қизил Арслон ўлдирилганидан кейин Озарбайжон отабеклар давлати отабек Жаҳон Паҳлавоннинг тўрт ўғли ўртасида майда-майда ҳокимликларга бўлиниб кетди. Ҳамадон ва Ажам Ироқининг қўшни вилоятлари отабекнинг Рой ҳокими бўлган қизи Инонч хотундан бўлган ўғиллари: Қутлуғ Инонч, Амир Амирон Маҳмуд томонидан босиб олинди. Инонч хотуннинг ўзи Ройда қолди.

Шундай қилиб, Озарбайжон отабеклар давлати парчаланиб кетди. Лекин, буни узил-кесил парчаланиб кетди деб бўлмайди. Янги ўзаро жанглар бошланиб кетиши мумкин эди. Бунинг устига ҳижрий 588 йил рабиал охир (1192 йил, апрел-май)да Қизил Арслон томонидан зиндонбанд қилинган сўнгги салжуқ султони Тўғрул III қамоқдан қутулиб чиқди. (Ибн ал-Асир).

Султон Тўғрул III тез орада ўз тарафдорларидан қўшин тўплади ва ҳижрий 588 йил 15 жумадул охир (1192 йил 22 июн)да Қазвин яқинида бўлган жангда Қутлуғ Инонч қўшинини тор-мор қилди. Қутлуғ Инонч қочди, қўшинининг катта қисми Тўғрул III тарафига ўтиб кетди. Шу ғалабадан кейин Тўғрул III тантана билан Хамадонга келди ва яна хонлик тахтини эгаллади. Қутлуғ Инонч бўлса, онаси ёнига келиб, Ройда бекиниб олди ва шу ердан Тўғрул III Ироқ Ажамини босиб олди, деб хоразмшоҳ Такишга элчи юборди. Шу билан бирга Қутлуғ Инонч Хоразмшоҳдан Тўғрул III га қарши курашда ёрдам беришини сўради. Ироқдаги аҳволнинг чалкашлигидан фойдаланиб, бу келишмовчиликка аралашиш вақти етди деган қарорга келиб, ҳижрий 589 йил бошида (1193 йил, январ) Ироқи Ажамни забт этиш учун ўз қўшинини йўллади.

Хоразмшоҳ қўшини Рой ва Таборак қалъасини эгаллади, кўп ўлжани қўлга киритди ва мамлакатда хўжайинлик қила бошлади. Қутлуғ Инонч ва онаси хоразмшоҳ қудратидан ваҳимага тушиб, Саржаҳон

қалъасига бекиниб олди. Бундан фойдаланган Тўғрул III Такишга мўл-кўл совға-саломлар юбориб, Қутлуғ Иноичга қарши курашда хоразмшоҳнинг ҳомийлиги ва ёрдамини сўради. Тўғрул III қизини Такишнинг ўғли Юнусхонга берди, Ироқ султонлигида хоразмшоҳ номига танга зарб қилиш ва хутба ўқитишга ваъда қилди. Бу салжуқ султони хоразмшоҳга қарамлигини тан олганини билдирар эди. Тўғрул III ва хоразмшоҳ ўртасида тузилган шартномага кўра, Рой хоразмшоҳ ҳукмида қолди.

Шу пайтда хоразмшоҳ укаси Султоншоҳ қўшинлари Хоразмга бостириб келгани ҳақида хабар олди. Шу сабабли Такиш босиб олинган ерлардан хирож йиғиб, амир Тамғоч бошчилигида Рой ва Таборакда хоразмликлар бўлинмасини қолдириб, шошилинч равишда Хоразмга қайтди.

Хоразмшоҳнинг кетганидан фойдаланиб, султон Тўғрул III биринчи бўлиб шартномани бузди ва ҳижрий 598 йил баҳорида (1193 йил, март-апрел) хоразмшоҳ қолдирган бўлинмага ҳужум қилди, қириб ташлади, Рой ва Таборакни эгаллади. Ўлдирилган амир Тамғочнинг бошини Хоразмга жўнатди. Қутлуғ Иноич Зандон томонга қочди ва у ердан хоразмшоҳга мактуб юбориб, султон Тўғрул III га қарши курашда ёрдам беришни сўради.

Худди шу маҳалда Аббосий халифа ан-Носир (1180—1225) Такишга мактуб билан мурожаат қилди. У ҳам султон Тўғрул III халифа тасарруфидаги вилоятларга ҳужум қилганидан шикоят қилганди. Халифа мактуб билан барча Тўғрул III қўл остидаги ерлар хоразмшоҳга иқто сифатида ҳадя қилинганлиги ҳақида фармон (маншур) ҳам юборган эди.

Ироқ султонлигидаги ўзаро курашларда иштирок этишдан келадиган фойдани олдиндан сезган хоразмшоҳ шу заҳотиёқ (ҳижрий 590—1193) қўшини билан Хоразмдан йўлга чиқди, Симнонда унинг қўшини қаторига Қутлуғ Иноич ва тарафдорлари, султон Тўғрул III дан юз ўгирган амирлар келиб қўшилди. (Ибн ал-Асар).

Қутлуғ Иноич Хоразмшоҳ тахти олдига келиб, «ер ўпди, ўз аҳволи ва бошига қандай фалокатлар тушганини сўзлаб берди. Хоразмшоҳ Алоиддин Такиш уни меҳрибонлик билан қабул қилди, илтифот кўрсатди, очиққўл бўлди ва ёрдам беражагини ваъда қилди.

Инонч ва унинг ҳамроҳларини серҳашам либослар билан сийлашга буйруқ берди. (Ҳусайний).

Хоразмшоҳнинг жангга отланганидан хабар топган Тўғрул III ўз қўшини билан шошилинч равишда Рой томонга қараб йўл олди. Жанг бошланиши олдидан Тўғрул III Хоразмшоҳнинг катта ҳожиби Шихобиддин Маъсуддан мактуб олди, хатда у султонни Такиш билан жанг қилмасликка, талабига ён беришга кўндирмоқчи бўлади. Катта ҳожиб ёзади: «Мен султон Алоуддин Такишнинг мамлуки бўлсамда, унинг мурувватн ва илтифотидан тарбия кўрган, унинг қўлидаги ўйинчоқман. Бу ҳолат менинг сенга яхши маслаҳат беришимга монелик қилмайди. Бошида калонсуволик бирор жангчи йўқки, ҳукмдорликка бўлган ҳуқуқинг туфайли сенга бўйсунмаган бўлсин. Ахир сенинг аждодларинг — султонлар ва султонларнинг фарзандлари эди. Уларнинг ҳокимиятлари кўп мамлакатларга ёйилган, улар ҳамма ерларни эгаллаган, жуда кўп ерлар уларнинг хизматида эди. Сенга Ройдан Совага чекинишни ва ўша ерда қолишни, султон Алоуддин Такиш билан сулҳ тузишни маслаҳат бераман. Биз эса сен билан унинг ўртасида воситачилик қиламиз. Унинг энг катта талаби сенинг Ройдан чиқиб кетишингдир. Бу шунинг учун керакки, кофир ҳукмдорлар (мулук ал-куффор) назарида ўз мамлакатида унинг нуфузи ва шарафи барқарорлигини одамлар билан Рой унга тегишли эканлигини улар билади, лекин шаҳардан унинг одамлари қувиб чиқарилган ва бошқалар эгаллаб турибди. Унинг шундан бошқа ҳеч қандай, мақсади йўқ, агар унинг фойдасига Ройдан воз кечсангиз, у қаноат ҳосил қилиб, Ройда ўғлини қолдириб, яна Хоразмга қайтиб кетади. Агар унинг ўғли Ройда қолса, сенинг ҳукмингда бўлади, буйруғингга бўйсунади, тақиқланган ишларингни қилмайди. Демак, Султон қон тўкмасдан, ўз ихтиёри билан қайтгандай бўлади, ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолади».

Султон Тўғрул III бу мактубни олгач, амирлари билан маслаҳатлашади. Амир Нуриддин Қора эса султонга шундай дейди: «Бу тўғри фикр, биз шундай қилишимиз, Совага отланишимиз, Исфаҳон ва Занжондан қўшинларимиз етиб келгунча ўша ерда қолишимиз керак, Агар хоразмшоҳ Алоиддин Такиш бизни таъқиб қилса, Сова билан Мушкуйа орасидаги тор дара рўпарасида унинг олдини тўсиб чиқамиз ва унга қаршилик кўрсатамиз. Агар бу ҳам бўлмаса, Исфаҳон томонга

кетамиз. Агар у бизга Исфаҳонда ҳам ҳужум қилса, Ҳамадонга қайтиб келамиз. У ўз мамлакатини ташлаб кетолмайди ва орқамиздан шаҳарма-шаҳар эргашиб юролмайди. Шунда биз мусулмонлар фойдасига улар билан сулҳ тузишимиз мумкин». (Ҳусайний).

Султон Тўғрул III бу таклифларни рад қилди ва деди: «Бу яхши фикр! О, агар қалбим шундай ҳаракат қилишга, одамлар нима дейишини ўйламасликка, гўё мен қўрқоқлик қилиб у одамдан қочди дейишларига рози бўлсайди! Бундан ташқари, хоразмликлар Ройга кириб, одамлар устида ҳукм юритади. Бу одамлар эса мени севади ва ихлос билан қарайди. Хоразмликлар у ерда ҳукмронлик қилади, зулм ўтказади, ранжитади. Шунинг учун мен бунга рози бўлмайман».

Султон Тўғрул III ўзининг асосий қўшинлари етиб келишини кутмасдан, ҳижрий 590 йил, 9-рабиал аввал (1194 йил, 4 март) да хоразмшоҳга қарши жанг бошлаш қарорига келди ва бошида Қутлуғ Инонч турган Хоразм қўшинининг илғор қисмига ҳужум қилди. Султон Тўғрул III 60 ғуломи билан шу авангард бўлимга ташланди ва жанг тўқнашувида кўзидан яраланиб, отдан йиқилди. Қутлуғ Инонч отда унинг ёнига келди. Тўғрул III унга қараб: «О, Маҳмуд! Мени кўтар ва бу ердан олиб кет. Шундай қилсанг, сенга ҳам, менга ҳам яхши бўлади», деди. Аммо, Қутлуғ Инонч Маҳмуд. султон Тўғрул III нинг бошини кесди ва хоразмшоҳга олиб борди. Бироқ Такиш оғизда бўлса ҳам, Қутлуғ Инончнинг бу ишини маъқулламади ва «Уни тирик тутиб келганингда, мен учун кўнгилли ва яхши иш бўларди. Афсус! Унга қисмат бошқача ҳукм чиқарган экан», деди. Хоразмшоҳ султон Тўғрул III бошини Бағдодга жўнатди, бу ерда у бир неча кун давомида Нубийлар дарвозаси ёнида намойиш қилинди. Султоннинг жасади эса Рой шаҳри бозорида дорга осиб қўйилди.

«Султон Тўғрул III — сўнгги Салжуқ ҳукмдори ўлдирилганда Салжуқлар наслининг қип-қизил чўғга айланган кўмиридан ёлғиз кул қолди, уни ҳам шамол кўкка совурди», — деб ёзганди тарихчи Садриддин ал-Ҳусайний.

Тўғрул III ўлимидан кейин ҳижрий 590 йил 4-ражаб (1194 йил, 25 июн)да хоразмшоҳ Такиш Ҳамадонни ва Ироқ Ажамининг кўп қисмини эгаллади ва босиб олинган ерларни ўз амирларига бўлиб берди. Исфаҳонни Қутлуғ Инончга, Ҳамадонни амир Қоракўзга, Рой-

ни эса ўғли Йўнусхонга топширди, унга отабек қилиб амир Майочуқни тайинлади. Хоразмшоҳ Ироқ амирларини камситиб, ҳар қандай ҳарбий ҳаракатни тўхтатишга мажбур қилди ва Ироқ Ажамининг бутун хазинасини қўлга киритди. У барча амалдорларни ишдан бўшатиб, девондаги вазифаларга янги одамларни тайинлади, иқтоъ ерларини аввалги эгаларидан тортиб олиб, ўз одамларига берди. Ҳамадондаги дабдабали маросимлардан кейин Хоразмшоҳ Гурганжга қайтиб келди.

Халифа ан-Носир хоразмшоҳ Такиш Ироқ Ажамида пайтида босиб олинган Тўғрул III ерларидан бир қисмини ўз ихтиёрига беради, деб ўйлаган эди. Чунки, вазир Ибн ал-Қассоб бошчилиги остидаги халифа жангчилари, султонга қарши жангларда иштирок этганди. Бироқ хоразмшоҳ халифага бирон бир вилоятни таклиф қилмади. Шунда халифа ўзининг саховатпешалигини таъкидлаш мақсадида султон Тўғрул III ерларини хоразмшоҳ тасарруфига ўтганлигини тасдиқловчи ёрлиқни топшириш ва ҳашамдор султон либоси кийдиришни вазирга топширди. Вазир ибн ал-Қассобни ёрлиқ ва совға-саломлар билан жўнатар экан, уни кузатиб боришга курд ва бадавий араблардан иборат 10 минг кишилик қўшин жўнатди.

Вазир Асадобод довонига келиб тушди ва хоразмшоҳга қуйидаги сўзларни айтиб юборди: «Халифалик Олий девони томонидан сенга шараф либоси ва давлатга эгалик ёрлиғи топшириш лозим кўрилди. Давлат вазири бу муҳим вазифани бажариш учун шу ерга келди ва бу мурувват шукронаси учун султон Такиш кам аскар билан унинг ҳузурига бош эгиб елдай учиб келиши ва вазир оти жиловини тутиб, пиёда юриши керак». Бироқ, хоразмшоҳ ўзини тузоққа туширмоқчилар деб гумон қилди ва вазир қўшинлари қароргоҳига ҳужум қилишга буйруқ берди. Вазир қочиб қутулди, лекин, Такиш сипоҳийлари уни Динобод яқинига қадар таъқиб қилиб бордилар ва кўп ўлжа олдилар.

Шу воқеадан кейин хоразмшоҳ Такиш билан халифат ўртасидаги муносабатлар бутунлай бузилди. Хоразмшоҳ билан халифа ўртасидаги душманлик Такиш «Халифа унинг ҳукмронлигини тан олиши Бағдоддаги султон саройини Салжуқийлар замонидаги ҳолда тиклашни талаб қилгандан кейин» яна ҳам кескин тус олди. Халифа ан-Носир хоразмшоҳ талабини рад қилди. Шундан кейин хоразмшоҳ ва халифа ан-Носир

ўртасидаги душманлик кучая бошлади, бу душманлик мўғулларнинг бостириб кириши ва хоразмшоҳлар давлатининг қулаши билан тугади.

Ҳалифа ан-Носир хоразмшоҳнинг Ироқи Ажам ерларини босиб олишига сира ҳам рози бўлолмасди. Такиш Хоразмга қайтиб келишга улгурмай туриб, халифанинг қутқуси билан Ироқда ўзаро урушлар бошланиб кетди. Исфаҳон ҳокими Қутлуғ Инонч халифа томонга ўтди ва Такишнинг ўғли Йунусхон ва унинг отабеги Майочуқ билан иттифоқ ҳақидаги шартномани бузиб, уларга қарши очиқ жанг бошлади. Занжон ёнидаги жангда Майочуқ қўшинлари Қутлуғ Инончни тор-мор келтирди. У омон қолган аскарлари билан халифа вазири Ибн ал-Қассобнинг Ҳулван дараси ёнидаги қароргоҳига келди. Вазир Қутлуғ Инончни шараф либоси билан тақдирлаб, қўл остидаги бутун сипоҳий қўшинини унинг ихтиёрига топширди. Қутлуғ Инонч ва вазир қўмондонлиги остида қўшин Кирмоншоҳон орқали Ҳамадонга қараб йўл олди. Ҳижрий 591 йил шаввал (1195 йил сентябр)да қисқа муддатли жангдан кейин Йунусхон ва Майочуқ Ҳамадондан қувиб чиқарилди. Қутлуғ Инонч ва Ибн ал-Қассоб Ҳамадон атрофидаги ерларни қўлга киритиб, Ройга яқинлашдилар. Бу ерда Хоразм қўшинлари яна мағлубиятга учради, Бистон ва Журжонга чекинди. Кўп ўтмай бутун Ироқи Ажам Хоразм қўшинларидан тозаланди.

Бироқ орадан бир ой ҳам ўтмай, Қутлуғ Инонч ва Ироқ амирлари билдики, вазир Ибн ал-Қассоб фақат Халифат манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва унинг асосий мақсади мамлакатни эгаллашдир. Қутлуғ Инонч Ибн ал-Қассоб аскарлари бебошлигига қарши норозилик билдирганда, араблар унга ҳужум қилди ва у қочишга мажбур бўлди. Вазир Қутлуғ Инончни Қараж шаҳрида қувиб етади ва бутунлай тор-мор қилди. Қутлуғ Инонч зўрға қочиб қутулди.

Шундан кейин вазир Ибн ал-Қассоб Ҳамадонга қайтиб келди. Бир неча ойдан кейин унинг олдига хоразмшоҳ элчиси ташриф буюрди. Ҳалифа қўшинлари хатти-ҳаракатидан норозилик билдириб, уларни Ироқи Ажамдан олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Бироқ вазир бу талабни бажаришдан бош тортди. Хоразмшоҳ эса Ҳамадонга ўз қўшинларини юборди. Такишга Ибн ал-Қассоб билан учрашиш насиб қилмади, чунки, у ҳижрий 592 йил шаввал (1196 йил, июл)да вафот этган эди. Унинг қўшини орасида саросима бошланди.

Хоразмшоҳ бундан фойдаланиб, халифа қўшинини тормор келтиради. Жуда кўп ўлжаларни қўлга киритиб, Ҳамадонни эгаллайди. Шу ерда у Ибн ал-Қассоб жасадини қабрдан олиб чиқишни ва ёқишни буюради.

Шу воқеалардан кейин Майочуқ ва хоразмшоҳнинг бир неча амирлари Қутлуғ Инонч билан тинч музокара бошладилар ва унинг қароргоҳига боришга рухсат беришини сўрадилар. Бу Қутлуғ Инонч томонидан ўлдирилган султон Тўғрул III қизининг ўйлаб топган ҳийласи эди. У Йунусхонга турмушга чиққан ва отаси учун қасос олмоқчи эди. Майочуқ ва унинг шериклари Қутлуғ Инончни алдаб тузоққа туширди ва ўлдирди.

Хоразмшоҳнинг йўқлигидан фойдаланиб, халифа ан-Носир Исфаҳон шофийлари бошлиғи Садриддин ал-Хўжандий талабига биноан Сайфиддин Тўғрул қўмондонлиги остида шаҳарни босиб олиш учун қўшин юборди. Хоразм қўшини бўлинмаси қамалга бардош беролмади шаҳарни топшириб, Хуросонга жўнаб кетди. Исфаҳон ҳижрий 591 (1195) йили яна халифа ан-Носир қўлига ўтди.

Хоразмшоҳ Ироқи Ажамдан кетар чоғида уни бошқаришни отабек Жаҳон Паҳлавоннинг бошқа бир ўғли Абу Бакир ихтиёрига топширишга қарор қилди. Такиш унга ёзади: «Биз ўғлимиз Абу Бакирга саломлар йўллаймиз ва унинг соғлиғи ва аҳволини сўраймиз. У Хоразмда бизнинг зарур ишларимиз кўплигини билса керак. Биз Ҳамадонни ўғлимиз ғамхўрлигига қолдиришни зарур деб ҳисоблаймиз у бунда ҳукм юритиши керак». Бироқ отабек Абу Бакр Грузия чегарасидаги ишлар билан бандлигини баҳона қилиб, хоразмшоҳ ҳузурига келишдан бош тортди ва ўз ўрнига укаси Ўзбекни юборди.

Ўзбек Ҳамадонга келди, Хоразмшоҳ Такиш уни иззат-ҳурмат билан қабул қилди ва Ироқи Ажамни бошқаришни топширди. Ўзбекнинг иш бошқарувчиси (мудаббири) қилиб Жамолиддин Ой-Або тайинланди, У бутун бошқарув ишларини ўз назоратига олди.

Ҳижрий 591 (1195) йили хоразмшоҳ юртига жўнаб кетгандан кейин отабек Жаҳон Паҳлавоннинг мамлуклари Ироқнинг баъзи амирлари билан тил бириктириб ва хоразмшоҳга қарши курашга бел боғлади. Бу иттифоқнинг бошида мамлук амир Иззиддин Гўкча турарди. Унинг тарафдорлари Ройни эгаллаб, Исфаҳонга йўл олдилар. У ердаги хоразмликлар бўлинмасини қувиб чиқармоқчи эдилар. Бироқ, шаҳарга яқин келиб

билдиларки, Сайфиддин Тўғрул қўмондонлиги остидаги халифа ан-Носир қўшинлари томонидан хоразмликлар қувиб юборилган. Гўкча билан Тўғрул биргаликда ҳаракат қилишга шартлашиб, хоразмликларни таъқиб қила бошладилар ва тез орада бутун Ироқи Ажам улар томонидан забт этилди. Рой бутун вилояти билан, Сова, Қум ва Кашон Гўкча ҳуқуқига ўтди. Исфаҳон, Ҳамадон, Занжон ва Қазвин эса халифа ан-Носир мулклари қаторига ўтди. Халифа Гўкчага босиб олинган ерлар уники эканлигини тасдиқловчи маншур юборди. Унда бир шарт қўйилган эди. Бу шартга биноан ўша вилоятлар расман Гўкчага қарашли бўлса ҳам, ундан олинган солиқлар халифа хазинасига тушади.

592 (1196) йилда хоразмшоҳ ва халифа қўшинлари ўртасида яна шафқатсиз жанг бўлди, бунинг натижасида халифа қўшини тор-мор қилинди ва Ҳамадон, Рой ва Исфаҳонда яна хоразмшоҳ ҳукмронлиги ўрнатилди. Хоразмшоҳ аскарлари Ҳамадонни қамал қилганда амир Майочуқ шаҳар аҳолиси ва халифа бўлинмасини Хоразм қўшинига қаршилик кўрсатмасликка, агар қаршилик кўрсатсалар, шаҳар ва унинг атрофи остин-устун қилинади, деб огоҳлантирди. Ҳамадон аҳолиси хоразмшоҳнинг ўзини кўрмагунча шаҳарни топширмаймиз, деб хабар қилди. Майочуқ шаҳарни қуршаб, ноҳиядаги бутун қорамолни мусодара қилди ва Такишга хабар берди. Ҳижрий 592 йил 12 шаъбон (1196 йил, 18 июл) да хоразмшоҳ Ҳамадонга келди ва ким ўзи билан учрашмоқчи бўлса, қабул этишини маълум қилди. Шаҳарга ўз вакилини юбориб, қуйидаги гапни айтишни топширди: «Агар ишонмасангиз, ўз ишончли одамларингизни юборинг, улар мени кўрсин ва шаҳарни топширсин. Акс ҳолда, шаҳарни куч билан оламан ва ҳаммаёқни остин-устин қиламан.»

Шаҳар аҳолиси орасидан бир неча ҳурматли вакил чиқиб, бу ҳақиқатан Хоразмшоҳ Такиш экан, деб ишонтирмагунча бу таклифга жавоб беришга ҳеч ким журъат қилолмади. Улар хоразмшоҳ қўлини ўпиб туриб, шаҳарни топширмаганларининг сабаби, Майочуқ хоразмшоҳга хиёнат қилган бўлса керак, деган хавотирда эдик, дедилар. Хоразмшоҳ Ҳамадон вакилларига деди: «Ҳеч ким ҳеч кимдан қарз эмас. Агар аскарларимиздан кимдир нолойиқ иш қилса биз уни ўлдиришга ижозат берамиз». Шаҳар таслим бўлди ва Бағдод қўшини асир олинди. Хоразмшоҳ гарнизоннинг таниқли амирларига қимматли чопонлар совға қилди

ва деди: «Биз ҳам мусулмонлар амирининг қулларимиз. Истасангиз шу ерда қолинг, истамасангиз кетаверинг». Бироқ Такиш фармойиш берди: бирор араб аскари Хоразм телпагини кийиб юрса, тўхтовсиз унинг боши олиниши керак. Бу араб аскарларининг хоразмликлар қиёфасида Ҳамадон аҳолисини талашига қарши кўрилган чора эди.

Ҳалифа ан-Носир Ироқи Ажамни босиб олиш учун қилган ҳаракати зое кетганини англаган заҳоти, хоразмшоҳга қарши кураш усулини ўзгартирди. Такиш Ҳамадонда турган пайтда Бағдоддан халифанинг элчиси Мужириддин Маҳмуд ал-Бағдодий етиб келди. Элчининг саройгача босиб ўтадиган йўлига бир неча қаватдан иборат атлас ва парча поёндозлар тўшалди ва кўп олтин тангалар сочилди. Элчини қутлаб, ҳатто хоразмшоҳ ҳам тахтдан тушди.

Мужириддин деди: «Мусулмонлар амири сизнинг соғлиғингиз ва аҳволингизни сўраб юборди». Элчи халифа номини тилга олганда Такиш ўрнидан туриб халифага ҳурмат ва эҳтиромини изҳор қилди. Мужириддин деди: «Мусулмонлар амири айтадиларки: «Сенинг отанг ҳам, бобонг ҳам яшаш учун зарур воситаларни биздан оларди. Энди биз уларни сенга топширамиз, улар билан тежамли муносабатда бўл ва бемаъни ишларни қилишга уринма. Акс ҳолда сенга қарши қўшин тўплайман, сенга қарши жангга ҳамма мамлакатларни оёққа турғизаман, қон тўкилади».

Хоразмшоҳ жавоб қилди: «Ҳокимият мусулмонлар амирига тегишли, мен эса унинг шихналаридан бириман. Менинг душманларим жуда кўп, лекин, мен ҳам уларнинг баридан кучлиман. Бироқ мен қўшинсиз қололмайман. Ҳарбий девон бошлиғининг айтишича, бизда 170 минг отлиқ аскар бор, халифа таклиф қилган шарт бўйича бунча қўшинни таъминлаш мумкин эмас. Агар халифа мурувват кўрсатса ва Ҳузистонни бизга совға қилса, бизнинг эҳтиёжларимизни таъминлаш мумкин».

Мужириддин жўнаб кетди ва эртаси куни ўзи ҳобхонасида бандаликни бажо келтирди. Хоразмшоҳ халифанинг одамларини Бағдодга жўнатди, улар билан бирга Ҳалифот пойтахтига хоразмшоҳ элчиси Шихобиддин Маъсуд ал-Хоразмий ҳам жўнаб кетди.

Тарихчи Равондий ёзишича, «Мусулмонлар амири ўзининг бу тахлит чоралари билан фақат ўзига зиён келтирди. Хоразмшоҳ сиёсий аҳволни жуда яхши анг-

лар ва халифа ан-Носирнинг заиф томонларини кўриб турарди. Шунинг учун ҳам у элчиси орқали Халифот пойтахтида ўз номига хутба ўқитилишини ва унинг учун Бағдодда салжуқ султонлари саройини тиклашни талаб қилди. Халифа хоразмшоҳ талабларини жавобсиз қолдирди ва Такиш элчиси ҳеч нарсага эришолмай қайтиб келди.

Халифа ан-Носир хоразмшоҳ таҳдидларини қайтариш усулларини излай бошлади. У Такишнинг Ироқ Ажамидаги ноиби Майочуқни ўз томонига оғдириб олишга қарор қилди. Халифа Майочуққа назокатли мактуб йўллади: «Султон хоразмшоҳ-ҳукмдор, бироқ, дунёнинг ҳақиқий ва чинакам ҳукмдори, коинот Паҳлавони, Рустами Соний, Фотиҳ, давлат чегаралари таянчи ва мусулмонлар амирининг ноиби фақат Шамсиддин Майочуқдир».

Майочуқ халифа таклифини қабул қилишга мойиллик кўрсатди, ҳатто Ҳамадонга қараб қўшин тортди, шаҳар аҳолиси гапига учиб, унга шаҳарни топширмоқчи бўлди. Бироқ ҳижрий 594 йил 20 ражаб (1197 йил 8 июн)да Ҳамадонга хоразмшоҳ Такиш элчиси фармон олиб келди, унда: «Ҳақиқатгўй ҳукмдор, зафаросо истилочи, буюк ҳожиб, Шарқ ва Ғарб амирлари малики Шамсиддин, улуғ ҳожиб, ғози, кири сипоҳсолар Майочуқ, мусулмонлар амирининг ноиби бизнинг қулимиздир, унинг одиллиги бизга маълум. Биз қарор қилдик, бутун Ироқда бизнинг ноибимиз бўлиб турганда барча фармойишларимизни бажаради. У раис, қози ва бошқа мансаб эгаларининг паноҳидир».

Узоқ Хоразмда турган шоҳдан шундай фармон олган Майочуқ ўз-ўзини жуда эркин ҳис қилиб, мамлакатда талон-торож ва ўғирликларга кенг йўл қўйди. Унинг аскарлари бутун Ироқи Ажамда-Ҳамадондан Абҳар ва Занжонгача бўлган барча ерларда бебошлик қила бошлади. «Улар қичқиришга журъат қилган товуқ, хўрозларни ўлдириб, деҳқонларнинг иш хўкизларини тортиб олишар, одамларни ғам-қайғуга солиб, хўрлашар, уларга шундай шеърларни ўқишарди:

Агар ҳеч нарсага бўлмасанг эга,
Ўрганиб ол бирор нарсага.
Бой бўлади, кимнинг қалбида
Жасорат ва саховат тўла.
Шунинг учун ўйлагин фақат,
Пул йиғишни ўйлагин фақат.

Неки, мавжуд бўлса инсонда,
Бари кетар нафс-жиғилдонга.
Қўлим пулсиз қолгандан буён
Юрак-бағрим эзилар ёмон.

Майочуқ ҳаддидан ошиб, Ироқи Ажамдаги иқтоъ ерларини ўнгга ва чапга совуриб, бўлиб бера бошлади ва султон унвонига эга бўлишни ўйларди. Чунки бутун Ироқ унинг қўлида эди. Равондий ёзади: «унинг аскарлари дилида мусулмонларга раҳм-шафқат йўқ эди, улар одам қонини сувдай тўкарди. Улар мадраса ва масжидларга бостириб кирар, талар ва масжид, мадраса ва олимларга жарима солишарди.»

Хоразмшоҳ Такиш Майочуқ ва унинг қўшини қилаётган ишлардан хабар топгач, уларни йўқотишга қарор қилди. У ўз қўшинларини Ироқи Ажамга ташлади, ўз ҳаракатлари учун қасос олинишидан қўрққан Майочуқ, хоразмшоҳ таъқибидан қоча бошлади. Ниҳоят, хоразмшоҳ Рой яқинидаги Ардахи қалъасида Майочуққа етиб олди. Қўшинсиз қолган Майочуқ қалъадан чиққанда тутиб олинди. Унинг барча сафдошлари қатл қилинди. Такиш Хоразмга қайтиб келгач, Майочуққа ҳомийлик қилган вазирни қатл қилдирди. Майочуқнинг ўзини эса оёғидан остирди.

Такишга қарши курашда халифа ан-Носирнинг Майочуқ ёрдамида қилган ҳаракатлари муваффақиятсизликка учрагач, у янги иттифоқдошни ўзига қаратмоқчи бўлди. Ғўр ҳокими Ғиёсиддин ал-Ғурийга мактуб юбориб, Такишнинг Ироқни босиб олиш хавфидан чалғитиш учун уни Хоразмга ҳужум қилишга гиж-гижлади. Агар Ғиёсиддин шу чоққача хоразмшоҳга қарши курашишга журъат қилолмаган бўлса, энди у Такишни огоҳлантириб, дўқ-пўписа билан мактуб ёзади, агар у Ироқ ишларига аралашишни бас қилмаса, унинг қўшинлари тезлик билан Хоразмга бостириб киришини айтади.

Хавф-хатарни сезган хоразмшоҳ ҳарбий ёрдам сўраб қорахитойларга мурожаат қилади, ўзи эса Тус орқали Ҳиротга қўшин тортади ва уни қамал қилади. Ҳижрий 594 йил жумадил охир (1198 йил, апрел) да қорахитойларнинг беҳисоб қўшинлари Хуросонга бостириб кирди, мамлакатни буткул хароб қилди. Аммо. Ғиёсиддин ал-Ғурий қорахитойларни тор-мор қилишга ва Амударёга суриб ташлашга муваффақ бўлди.

Қорахитойларнинг тор-мор қилингани ҳақидаги ха-

бар уларнинг ҳукмдорига етиб боргач, Хоразмшоҳдан ўлдирилган 12 минг қорахитойнинг ҳар бири учун 10 минг динордан тўлашни талаб қилди. Такиш бош тортди ва маслаҳат сўраб Ғиёсиддин ал Ғурийга мурожаат қилди. У бир шарт билан бу пулни тўлашга рози бўлди. Хоразмшоҳ Халифа ан-Носирга қарши душманлик ҳаракатларидан воз кечиши, унга бўйсуниши ва қорахитойлар босиб олган мусулмон ерларини қайтариб беришга мажбур қилиши керак, деди.

Хоразмшоҳ бу шартларга рози бўлди ва халифа ан-Носир билан ўзаро муносабатларини яхшилади. Халифа Такишга ва унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадга шараф либоси ва хоразмшоҳ Хуросон, Туркистон ва Ироқ Ажами султони эканлигини тасдиқловчи маншур жўнатди. Шундай қилиб, халифа хоразмшоҳнинг бу мамлакатлар устидан мустақил ҳукмрон эканлигини тасдиқлади.

Такиш билан халифа ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳижрий 595 йил муҳаррам (1198 йил ноябр) да хоразмшоҳнинг жияни, амир Сайфиддин бошлиқ элчиларнинг Бағдодга келиши билан яна ҳам мустаҳкамланди. У Такиш номидан халифага итоаткорлик изҳор қилди ва аввал Халифот пойтахтида унинг номини хутбага қўшиб ўқишни талаб қилгани учун узр сўради. Халифа амир Сайфиддинга шараф либоси кийдирди ва элчи келганлигидан қониқиш ҳосил қилганлигини билдирди. Халифа элчини ноғора ва байроқ билан тақдирлаб, ватанига қайтишига ижозат берди. (Ибн ас-Соъий, Ал-Жомеъ ал-Мухтасар).

Бу даврда хоразмшоҳ Такиш диққатини Кирмонда юз бераётган воқеалар жалб қилган эди. Ҳижрий 591 йил (1195) да Кирмон ҳокими Диноз вафотидан кейин унинг ўғли Фаррухшоҳ ҳукмронлик қилаётган бу мамлакатда аҳвол жуда нотинч бўлиб қолганди. Бурдашир қалъаси аҳолиси бу ердаги марказий ҳокимият вакилларини ҳайдаб юбордилар ва қўшин юбориб, ёрдам беришини сўраб хоразмшоҳга мурожаат қилдилар. Бу ерда Такиш номига хутба ўқитиб, танга зарб қила бошладилар. Хоразмшоҳга шундай талаб билан Қубнат қалъаси аҳолиси ҳам мурожаат қилган эди.

Хоразмшоҳ Кирмонга амир Нусратиддин Ўнар қўмондонлиги остида қўшин юборди, у Бурдаширга кирди ва бу ерда катта обрўга эга бўлган маҳаллий руҳоний Рукниддин бошчилигида ҳукумат тузди. Бироқ Кирмонда шихна вазифасини бажаришга юборилган

ҳожиб Ҳусомиддин Умар қобилиятсиз ва жоҳил ҳоким бўлиб чиқди. Кўп ўтмай, унинг халққа жабр-зулми шу даражага етдики, натижада Кирмонда ҳокимият Шабанқар уруғи вакиллари қўлига ўтди.

Такиш умрининг сўнгги йилларини Исмонийлар билан курашда ўтказди. Унинг қўшинлари тўрт ойлик қамалдан кейин Исмонийлар пойтахти Аламутдан кейинги иккинчи мустаҳкам қалъа Қоҳира (Арслон Кушони)ни забт этди. Тўғри, қалъа аҳолисига зўравонлик қилинмайди, деган шарт билан. Сўнгра Такиш Аламут қалъасини қамал қилмоқчи эди, Қалъадаги «кофирлар» катта зарар кўрган бўлса ҳам, хоразмшоҳ қамални бекор қилди. Ўз ўғли Тожиддин Алишоҳни Ироққа ноиб тайинлаган хоразмшоҳ Такиш ҳижрий 596 йил 10 жумадул охир (1200 йил 29 март)да Гурганжга қайтиб келди.

Исмоилийлар Султон Такишни вазир Низомул-мулк Маъсуд ибн Али уларга қарши гиж-гижлаган деб ҳисоблайдилар ва шу ойда уни ўлдиришни ташкил қилдилар. Хоразмшоҳ Исмоилийлардан қаттиқ ғазабланди ва уларга қарши, ўз ўғли Қутбиддин Муҳаммад бошчилигида жазо бўлинмасини юборди. Қутбиддин Туршиз қалъасини қамал қилди. Тўрт ойлик қамалдан кейин Исмоилликлар сулҳ таклиф қилди, улардан 100 минг динор олиб, Қутбиддин Муҳаммад ярашув шартномасини имзолади ва қўшинини олиб кетди (отасининг касаллиги хабарини эшитиб, шундай қилган кўринади.)

Хоразмшоҳ Такиш исмоилийлар устидан қозонган ғалабасидан кейин янги қўшин тўплади ва Бағдод устига юриш ниятида Хуросонга йўл олди. Халифа ан-Носир билан унинг муносабатлари яна ёмонлашган эди, у Ироқи Араб ва Халифат пойтахтини босиб олишга қарор қилди. Аммо, бу юриш вақтида касалланиб, ҳижрий 596 йил 19 рамазон (1200 йил 3 июл)да ярим йўлда Хоразм билан Нишопур орасидаги Шаҳристон шаҳрида вафот этди. Султон Алоиддин Такишнинг жасади Гурганжга келтирилиб, ўзи қурдирган катта мадраса қошидаги мақбарага дафн қилинди. (Ибн ал-Асар. Аз-Захабий).

Шоир Заҳириддин Фарйобий хоразмшоҳ Такишнинг Бағдодга юришига (киноя билан) шундай муносабат билдиради:

О шоҳ! Фармонинг-ла Ироқи Ажам босиб олинган заҳот
Қўшинингни йўлла Пайғамбар хоки ётган шаҳарга.
Сўнгра Каъбани буз, ёпқичин куйдир оловда,
Кулдай совур муқаддас замин тупроғин.
Каъбага баҳмал не керак! Хазинангга қўй уни.
Ибодатгоҳга эса икки-учта ортиқча намат юбор.
Ўтда ёндир мусулмонлар азобини,
(Кофир) Олимларни кўтар тоғ чўққиси қадар.
Ўзинг бутунлай кофир бўлганингдан сўнг
Балхга йўл ол, шундан кейин
Халифа бошин жўнат қорахитойларга.
(Фарйобий. «Девон»).

Аммо Ўрта аср муаллифларининг ёзишларича хоразмшоҳ Такиш ўз фуқароларига нисбатан адолатли бўлган, одатдан ташқари қобилиятга эга, буюк дипломат ва лашкарбоши эди. Ҳарбий кучдан ўринли фойдаланиб ва сиёсий аҳволни тўғри баҳолаб, Такиш ўз мулки қаторига Мозандарон ва Ироқи Ажамни қўшиб олди. Унинг мусиқани севиши алоҳида эсга олинади. Ҳеч ким удни унингчалик қойил қилиб чалолмаган. Тарихчи Ибн ал-Жавзий шу муносабат билан қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади: «Айтишларича, Исмоилийлар хоразмшоҳни ўлдириш учун бир кишини юборадилар. Шу пайтда у удда машқ қилиб, қўшиқ айтади. Унда шундай сўзлар бор эди: «Мен сени танидим, қоч, ўз жонингни асра». Исмоилий қўрқиб кетади, бекиниб, қочади. Лекин тутиб, хоразмшоҳ ҳузурига келтирилади ва қатл қилинади.

Такиш ҳозиржавоблиги, чечанлиги билан ҳам ажралиб турарди. Бир куни қандайдир киши унга хат ёзади. «Мусулмон сифатида мен сенинг биродарингман! Хазинангдан бир қисмини менга ҳадя қил!» Такиш унга ўн олтин динор беришни буюради. Ўша одам динорларни олгандан кейин шундай хат ёзади: «Мен сенинг биродарингман. Агар сен элга берадиган хазина ўн динордан иборат бўлса, мени қаноатланди, деб ҳисобла». Такиш унга шундай жавоб берибди: «Агар менинг бошқа биродарларим ҳам ўз ҳақларини талаб қилсалар сенга бу ҳам тегмайди».

Хоразмшоҳ Такиш қипчоқлар билан иттифоққа кириб, қипчоқ хони Жонкиши қизи Туркон хотунга уйланади. Баёт уруғидан бўлган Туркон Хотун ўзи билан

бирга Хоразмга турк қабилалари (манбалар уранийлар, қорлуқлар, уғроқлар, халаж қабилаларини) олиб келади ва вақт келиб уларнинг қудратли ҳомийсига айланади. Туркон Хотун уларга таяниб катта ҳокимиятга эга бўлди. Ўғли Алоиддин Муҳаммад ҳукмронлиги даврида ўз ҳомийлигидаги одамларнинг юқори ҳарбий лавозимларга кўтарилишини таъминлади. Натижада бу алоҳида турк ҳарбий-феодал табақаси пайдо бўлишига олиб келди ва амалда хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокатига сабабчи бўлди.

Туркон хотун ҳокимона феъл-атворга эга бўлган қасоскор ва рашкчи аёл эди. Тарихчи Жузжоний ҳикоя қилади: Туркон хотун эри, султон Такишнинг ҳовузда канизаклар билан чўмилиб вақт ўтказаётганидан дарғазаб бўлади ва бир куни ҳовуз эшигини маҳкамлаб қўяди. Такишнинг иссиқдан нафаси бўғилиб, ўлишига сал қолади, фақат сарой аъёнларининг аралашуви хоразмшоҳни ўлимдан қутқаради. (Жузжоний).

Хоразмшоҳлар давлатининг бир қадар кучайиши Алоуддин Такиш фаолиятининг натижаси бўлди. Бу эса узоқ давом этган оғир жанглар натижасида, шунингдек якка ҳокимлик учун курашларда қўлга киритилди: Такиш мамлакат тахтига даъвогар биродари Султоншоҳга қарши йигирма йилга яқин кураш олиб борди. Такиш йилдан-йилга аста-секинлик билан ўз мамлакат ҳудудини кенгайтириб, сарҳади халифа ан-Носир мулкига бориб тақалган йирик империя барпо қилмагунича кураш олиб борди. Манбаларнинг хабар беришича, Хоразмшоҳ қаерда бўлмасин, ўша ер аҳолиси унинг идора усули ва кўрган маъмурий чораларидан мамнун бўлган. Такиш давридаги ҳокимият марказлашуви ўлпон тўлайдиган халқ аҳволини анча енгиллаштирган кўринади.

Такиш даврида давлат маъмурий идора бошқаруви қатъиятлиги ва тартиб-интизоми билан ажралиб туради. Давлат қўшини қанғли, қипчоқ, уроний ва бошқа қабилалардан иборат сара турк қўшини бир неча марта кучли ва жанговар тажрибага эга эканлигини кўрсатди. Жанг пайтларида кўпинча Такишнинг ўзи раҳбарлик қиларди: «Жангда ҳукмдорнинг ўзи бошчилик қилмаса у мамлакатни бошқаришга қодир эмас, аёлга ўхшаб қолади», дерди у.

Султон Такиш жон берар чоғида, ўғли Қутбиддин Муҳаммадга бирлашган мустаҳкам давлат ва ташки-

лий жиҳатдан қудратли қўшинни мерос қолдираётганидан мамнун эди.

Ҳижрий 596 йил 20 шаввол (1200 йил 3 август)да Гурганж аҳолиси, давлат аъёнлари ва амирлари иштирокида хоразмшоҳлар давлати тахтига Такиш ва Туркон хотун ўғли Қутбиддин Муҳаммад ўтирди. Отасининг Алоиддин лақабини қабул қилди. Кейинроқ эса Санжар иккинчи номини олди.



3-боб

10988-D31
1 8988-

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ҳукмронлиги бошланишида жиддий мушкулликларга дуч келди. Булар — сулола ворисларининг тожу тахт учун курашлари ва ғурийлар Хоразмга қарашли ерларга ҳужум қилиб туришлари билан боғлиқ чигалликлар эди. Худди шу туғилган мушкулликдан фойдаланишга уринган Мозандарон испаҳбоди Ҳусомиддин Ардашер хоразмийлар қалъаларни то Астрободгача, бирин-кетин эгаллай бошлади, бу қалъалардан хоразмийлар аскарий қисмларини (гарнизонини) ҳайдаб чиқаради. (Ибн Исфандиёр 2-том). Шунингдек Ажам (Форс) Ироқидаги вилоятлари ҳам Хоразмнинг қўлидан кетиши хавфи туғилди.

Хоразмшоҳ Алоиддин бу вақтда салтанат пойтахти Гурганжда бўлиб, вилоятларнинг маъмурий назоратини кучайтириш учун ноиблик мансабларига ўзининг ишончли одамларини қўйишга қарор қилди. У акаси Тожиддин Али-шоҳни Исфаҳондан (Форс Ироқидан) чақириб олиб, Хуросон ноиблигига тайинлади ва Нишопурга йўборди (Ҳирот эса, хурийларнинг иккинчи пойтахти эди. Биринчиси — Фирузкўҳ — М. М.).

Тожиддин Форс Ироқидан кетиши билан у ердаги маҳаллий ҳукмдорлар (Хоразмдан ажралиб мустақил бўлиш учун) фаол ҳаракат қила бошладилар. Изиддин Кўкча (Форс Ироқига ҳукмдорлиги эътироф этилган) халифа маншурини (ёрлиғини) олиб, Ироқ отабеги (Хоразмшоҳ тайинлаб кетган) Абу Бакрни менсимай, «Мен ҳеч қанақа отабекни билмайман!» деб, ўзини катта тута бошлади. Кўкча қатъий ва жусур эди, отабеклар Абу Бакир ва Ўзбек (Жаҳон Паҳлавонинг ўғиллари — М.М). отасининг мамлуки (жангчи қули) бўлган Кўкча бебош-

ликларига чек қўя олмас эдилар. Кўкча бир куни ҳатто бундай деди: «Салжуқ авлодлари Тўғрул ва Санжар қўлида ҳокимият қолмади, тақдир уларнинг мулкларини хоразмшоҳга берди. Шу каби, (отабек) Эл-Денгиз авлодлари қўлидан ҳам ҳокимият кетиши ажабланарли эмас. Агар бу (отабек) қиличим кучи билан олган ерларимни ўзимга қолдирсалар, ажойиб иш бўлур эди, менга бундан зиёдаси керак ҳам эмас. Агар (отабек) бунга рози бўлмасалар, уларнинг бошига шундай балоларни ёғдирайки, у ёғи нима бўлса бўлсин!» (Равандий, I-том).

Ҳижрий 600 (милодий 1203) йилда (марҳум) отабек Жаҳон Паҳлавоннинг бошқа бир мамлуки—Шамсиддин Ойтуғмиш мамлук Кўкчага қарши жанг бошлади. Икки ўртадаги жангда Кўкча ўлиб кетди. Рой, Ҳамадон ва бутун Форс Ироқини Ойтуғмуш эгаллади (Ибнал-Асир, 2-том. Равандий. Ибн Исфандиёр).

Мана шу воқеалар туфайли хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ўз давлатининг тақдирини ўйлаб, ташвишга тушди. Султон Такиш даврида Нишопур волийси бўлиб турган Ҳинду-хон (Насириддин Малик шоҳнинг ўғли) ўзбошимчалиги учун мансабидан олинган эди. Аммо, у ўз жонини асраб, Гурганжга келмай, Нишопур қалъасида яширинмоқчи эди. Аммо, бу ерга янги волий Тожиддин Али-шоҳ келгани учун, Ҳинду-хон Марвга бориб, лашкар тўплай бошлади. Султон Алоиддин Муҳаммад унга қарши амир Чақир ат-Туркий қўмондонлигида қўшин йуборди. Амир Чақир Марвга яқинлашганида Ҳинду-хон шаҳардан қочди. Амир Чақир Марвни эгаллаб Ҳинду-хоннинг онасини ва болаларини ушлаб, Гурганжга, султон ҳузурига йуборди. Ҳинду-хон эса хоразмшоҳнинг доимий ва кучли рақиби Ғур султони Ғиёсиддин Ғурий ҳузурида паноҳ топди. Султон Ғиёсиддин Хоразмдаги ўзаро урушлардан фойдаланиш учун, Ҳинду-хонни иззат-хурмат билан кутиб олди ва унга иқтоъ мулклар совға қилди. Ғиёсиддин қўл остидаги Толиқон ҳокими Муҳаммад Жорбек (Ёрбек)ка қўшини билан йўлга чиқиб, Марвни эгаллашни буйурди. Амир Жорбек Марвга яқинлашиб, амир Чақир ат-Туркийга шаҳарда султон Ғиёсиддин номига хутба ўқитиб, унинг номидан тангалар зарб этгин ва ё Марвдан чиқиб кетгин, деб қатъий талабнома (ультиматум) топширди. Амир Чақир ўзига омонлик берилиши шарти билан Марвни топшириб, султон Ғиёсиддин хизматига ўтишга розилик билдирди. Агар Марв ишғол қилинса, султон Ғиёсиддин Ғурий

хоразмшоҳнинг қаршилик кўрсатишга етарли кучлари йўқлигини билиб, Хуросондаги бошқа вилоятларни ҳам эгаллаш учун имкониятга эга бўлур эди.

Султон Ғиёсиддин шу ниятда жуда катта қўшин тўплаб, ҳижрий 597 йил, жумадул-аввал (1201-йил, февраль) ойида Толақонга қараб йурди. Ғиёсиддин лашкари Марвга яқинлашганида, аввалроқ ғурийларга хизматга ўтмоқчи бўлиб турган амир Чақир шаҳар мудофаачилари билан биргаликда қаттиқ қаршилик кўрсатди (у, хоразмшоҳ олдидаги ноиблик бурчини ҳам оқлаш ниятида шундай қилган кўринади — М. М). Аммо, султон Ғиёсиддин жанговар филларини ишга солса аҳвол чатоқлашади, деб, марв аҳолиси омонлик сўради. Марвга кирган султон Ғиёсиддин амир Чақирни афв этди ва уни Ҳиротга жўнатди. Ғиёсиддин Марвни Ҳиндухонга топшириб, шаҳар аҳолисидан янги ҳокимга бўйсуниши ҳақида ваъда олди.

Шундан ғурийлар лашкари жанг қилмасданоқ, Сарахсни, Нисо ва Обивард (Қизилсув)ни эгаллади, бу вилоятларни султон Ғиёсиддин ўгай укаси амир Занги ибн Масъудга иқтоъ қилиб берди. Тус шаҳри ғурийларга уч кун қаршилик кўрсатгач, таслим бўлди. Кўп ўтмай, Хуросоннинг асосий маркази — Нишопур ғурийлар лашкари томонидан қамал қилинди. Султон Ғиёсиддин хоразмшоҳнинг ноиби (ва акаси) Тожиддин Али-шоҳга Нишопурни ташлаб чиқиб кетиш ҳақида талабнома йуборди. Етарли кучи бўлган Али-шоҳ бу талабномага бўйсунмади, шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш учун атрофидаги биноларни бузиб, дарахтларни кестирди.

Ҳижрий 597 йил, ражаб ойида (1201, йил, апрель) ғурийлар лашкари Нишопурни тўла қуршаб олдилар. Кучлар тенгсиз эди, шаҳар таслим бўлди. Ғурийлар лашкари шаҳарга босиб кириб, аҳолини талай бошлаётганида Ғиёсиддин талончиликни манъ этди. Буни кўрган Нишопур аҳолиси Ғиёсиддинга хайриҳоҳ бўлдилар. Аҳоли шаҳарда қолган хоразмликларни тутиб, ғурийларга топшира бошлади. Ғиёсиддин Ғурий ҳузурига асир олинган Тожиддин Алишоҳни олиб келганларида, султон уни иззат-ҳурмат қилиб, қўлидан ушлаб, ўз тахтидан жой бериб ўтказди. Сўнг Алишоҳ ва бошқа (хоразмлик аъёнларни) мансабдорларни Ҳиротга жўнатди. Шундан сўнг, Ғиёсиддин Хуросонда ишғол қилинган вилоят ва шаҳарларга ўз ноибларини тайинлаб, ўзи лашкари билан Ғазононга қайтди.

Бу орада Хоразмда Алоиддин Муҳаммад ўз мавқеъи-

ни мустаҳкамлаб олди, етарли лашкарлар тўпладн ва ғурийларга қарши йуришга тайёрланди. Алоиддин йуриш бошлаш олдидан Ғур султони Ғиёсиддинга қуйидаги мазмунда мактуб йуборди.

«Мен сизни отам ўрнида кўриб эдим ва сиз қорахитойларга қарши курашда бизга мадад берасиз ва уларни менинг мамлакатимдан қувиб чиқарасиз, деб умид қилган эдим. Аммо бундай иш қилмадингиз, ҳеч бўлмаса менга қарашли вилоятларни босиб олиб, зарар (Хоразмга) етказишни бас қилинг. Сиздан тортиб олинган (вилоят ва шаҳарларни) қайтариб беришингизни кутмоқдаман. Акс ҳолда қорахитойлар ва бошқа турклар ёрдамида сизни тор-мор келтираман, сиз эса қариб қолдингиз, энди менинг давлатимни босиб ололмайсиз. Биз ҳозир отамиз таъзиялари билан ва мамлакат ишларини тартибга солиш билан машғул бўлиб, сизнинг ишларингизга қаршилик қилолмаган эдик. Энди биз заиф эмасмиз ва сизнинг мамлакатингизни ва бошқа вилоятларни босиб олишга кучимиз етажак!» (Ибн ал-Асир. 9-том. Рашидиддин. 1-том, Ибн Холдун).

Султон Ғиёсиддин Ғурий чиндан ҳам кексайиб қолган ва касал эди. У хоразмшоҳнинг мактубига жавоб беришни чўзиб турди, чунки, Ҳиндистондан укаси Шаҳобиддин Ғурийнинг келишини кутаётган эди.

Хоразмшоҳ воқеаларнинг қандай ривожланишини кутиб ўтирмай, ўзи фаол ҳаракатларини бошлаб юборди. 597 йилнинг зулқаъда ойида (1201 йил, август) хоразмшоҳ қўшинлари Ҳиротни қуршаб олди. Аммо, султон Ғиёсиддин шаҳар мудофасига яхши тайёрланган ва Ҳиндистондан укаси Шаҳобиддин ва лашкарларини чақирган эди. У, ўз жияни Алп Ғозий қўмондонлигида бир лашкарни хоразмийларга қарши жангга солди. Алп Ғозий лашкари хоразмийларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ғурийлар амири Муҳаммад Жорбек бошчилигида бошқа бир лашкар озиқ-овқат олиб келишга бораётган хоразмийларни қува бошлади. Хоразм лашкарлари Ҳиротни 40 кун қамал қилди, аммо шаҳар таслим бўлмади. Шундан сўнг хоразмшоҳ шаҳар мудофаачиларидан ҳирож олиш билан қаноатланиб, қўшинларини олиб кетди. Аммо, Марврyд дарёси қирғоғида Ҳиндистондан етиб келган Шаҳобиддин Ғурийнинг лашкарига дуч келди. Қизғин жанг бўлиб, ҳар икки тараф катта талафот кўрди. Ғурийлар лашкари Хоразмга интилаётганини кўрган Алоиддин Муҳаммад дарё кўприкларини бузиб, Марвга йўл олди.

Алоиддин Муҳаммад Марвдан туриб, ғурийларнинг Нишопурдаги ноиби Зиёвуддин Ғурийга мактуб йўллаб, шаҳар аҳолиси хоразмийларга хайриҳоҳлигини айтиб, унинг шаҳардан чиқиб кетишини талаб қилди. Мактубига жавоб олмагач, Алоиддин 597 йил, зулҳижжа ойи (1201 йил, сентябрь)да қўшинларини Нишопурга бошлади. Хоразмшоҳ лашкарлари Марвга етганида, у ерда турган жияни Ҳинду-шоҳ шаҳарни ташлаб, Феруз-қўҳга, султон Ғиёсиддин ҳузурига борди. Хоразмшоҳ Марвни ишғол қилди ва 17 зулҳижжа куни (18 сентябрда) Нишопур тарафга йуриб, уни қамал қилди.

Нишопур икки ой қамал қилингач, оғир жанглардан сўнг Зиёвуддин Ғурий шаҳарни иззатли шартлар билан хоразмшоҳга топширди. Бу шартларга кўра, ғурийлар ҳарбий қисми (горнизони) бемалол шаҳардан чиқиб кетадиган бўлди. Яна хоразмшоҳ Зиёвуддиндан султон Ғиёсиддин билан тинч музокарада ўртада воситачилик қилишни сўради. Зиёвуддин бу шартларга рози бўлиб, Ҳиротга қайтиб кетди, аммо, бу соҳада ҳеч қандай тадбир кўрмади (ёки кўролмади).

Шундан сўнг хоразмшоҳ ғурийлар амири Зангий волийлик қилиб турган Сарахс томон йурди. Шаҳар 40 кун қамал қилиниб, аҳоли оч қолди. Шунда Зангий ҳарбий ҳийла ишлатди. У хоразмшоҳдан «Лашкарларингизни узоқроққа олиб кетиб туринг, биз шаҳарни ташлаб чиқиб кетамиз» — деб таклиф этди. Хоразмшоҳ шундай қилди. Лекин амир Зангий жангчилари қалъадан чиқиб, тезлик билан озиқ-овқат тўплаб, яна қалъага кириб кетдилар. Алоиддин шундан сўнг (лашкарларини асраш учунми) қамалдан кечиб, қўшини билан Хоразмга қайтиб кетди. Амир Зангий жангчиларини Марврудга бошлаб борди, ғурий амири Муҳаммад Жорбек лашкарига қўшилди. Буларга қарши,. хоразмшоҳ йуборган уч мингли лашкарни қириб ташладилар, хоразмийлар уғруқи (обози, куч-қудратлари) ғурийлар қўлига тушди. Аммо, Сарахс қалъасини хоразмшоҳ лашкарлари эгаллашди.

Алоиддин Муҳаммад Сарахсга етганида унинг қароргоҳига султон Ғиёсиддининг элчилари етиб келди. Элчилар Ғур султонига хоразмшоҳнинг талабларини етказдилар: хоразмшоҳ Хуросоннинг (ғурийларга тегишли) қисмидан воз кечсин ва унинг лашкарлари етказган зарарни қоплаш учун фалон минг динор тўласин. Аммо, хоразмшоҳ бу талабларни бажаришдан бош тортди. Ғурийларнинг лашкарлари хоразмшоҳ изидан тушдилар. Аммо, ғурийлар Тусдан у ёғига ўтолмадилар. Чунки, бу

вақтда изғирин совуқ тушди, ғурийларнинг суворийлари отларига ем-хашак етишмай қолди. Улар Тус аҳолисини талаб, отларига ем-хашак ва ўзларига озиқ-овқат ундирдилар.

599 йил, жумадул — аввал ойида (1203 йил январ) султон Ғиёсиддин Ғурий (касалликдан) вафот этди. Укаси Шаҳобиддин Тусда амир Жорбекни қолдириб, ўзи Ҳиротга қайтди. Шаҳобиддин аввалроқ шимолга, Хоразмга йуриш қилмоқчи бўлиб турган эди, аммо, акасининг ўлими унинг режасини ўзгартирди.

Султон Ғиёсиддин вафот этгани ва Ҳиротда тожу тахт учун кураш бошлангани хабари хоразмшоҳнинг қулоғига етгач, Алоиддин зудлик билан Хуросонга йуриш бошлаш ҳақида қўшинларига фармон берди. Хоразмийлар лашкарларининг илғор фавжлари Марвга яқинлашганида, шаҳардан 10 фарсаҳ масофада амир Жорбек кучли қўшинига дуч келдилар. Бу гал ғурликлар мағлубиятга учради, амир Жорбек озгина новкарлари билан Марв қалъасига чекинди. Хоразмийлар Марвни 15 кун қамал қилдилар. Шаҳар девори бузилгандан кейингина у ишғол қилинди. Тирик қолган ғурийлар асир олинди. Амир Жорбек қатл этилиб, боши Хоразмга йуборилди. (Ибн ал-Асир. 9-том. Жувайний, 1-том).

Бу ғалабадан руҳланган Алоиддин Муҳаммад ҳ. 600 йили жумадил-аввал (1204 йил, январь) ойида яхши қуролланган сара лашкарлари билан Ҳиротга яқинлашди.

Ражаб (март) ойида Ҳирот қамали бошланди. Бир ой давомида хоразмликлар Ҳирот истеҳкомлари ва уй-жойларини манжанақ билан вайрон қилди. Кунлар ўтиши билан Ҳиротдаги қурбонлар ва вайронагарчиликлар ортиб бораверди. Шаҳобиддин ал-Ғурий эса бу вақтда Боҳурдаги ғурийларга қарши ғалаёнларни бостириш билан овора эди, унинг Ҳиротдаги ҳокими Алп-Ғозий эса хоразмшоҳ ҳузурига чиқиши ва таслим бўлиш шартларини: мағлуб бўлгани учун уруш ҳаражатларини тўлаш, хоразмшоҳга қарашли ерларга ҳужум қилмаслик ҳамда Шаҳобиддин ал-Ғурий билан Хоразм шоҳи ўртасида тинчлик музокаралари олиб боришда воситачи бўлиш шартларини қабул қилишга мажбур эди. Ҳирот забт этилган бўлса ҳам хоразмшоҳ шаҳар халқи талабига кўра, ҳарбий хирож олиш фикридан қайтди.

Шундан кейин хоразмшоҳ лашкарлари билан Бодис вилоятига бостириб кириб катта ўлжаларни қўлга киритди ва Марвга йўл олди. Шу вақтда Шаҳобиддин ал-Ғо-

зийнинг тўсатдан қазо қилиши ва ғурийларнинг кўзга кўринган амири Жорбекнинг жазоланиши султон Шаҳобиддинни ғазаблантирди. У хоразмликларни тор-мор этишга қарор қилди ва Хоразмга қўшин тортиб чиқди. Буни эшитган хоразмшоҳ ғурийлар султонига бундай мактуб юборди: «Уруш бошламаслигингни сўрайман, акс ҳолда, биз қайта Ҳиротга борамиз ва у ердан пойтахтинг бўлмиш Ғазнага йўл соламиз». Шаҳобиддин хоразмшоҳга «сени тор-мор қиламан», деб пўписа билан жавоб берди. Алоиддин эса ўз йўлидаги ҳамма ем-хашакни йўқ қилиб, орқага чекинди. Алоиддин Хоразмга қайтиб келиб, бутун аҳолини истеҳкомлар қуришга сафарбар қилди, дамбалар очиб ғурийларнинг пойтахтга келиш йўлларини беркитди. Жуда катта жойни сув босиб, ғурийлар олға юролмай қолдилар. Ғурийлар бир ойдан кўпроқ кутдилар, ерлар қуригандан кейин қарама-қарши томонлар Аму дарёдан ажралган Қора сув анҳори олдида учрашди. Бу қонли жангда иккала томон ҳам кўп талафот кўрди. Хоразмшоҳ мағлуб бўлди, унинг кўпгина қўшини асирга тушди. Шаҳобиддин ал-Ғурий уларнинг ҳаммасини қириб ташлашга буйруқ берди.

Ва ниҳоят Ғиёсиддиннинг қўшинлари Гурганжни қуршаб олди. Пойтахтнинг забт қилиниши ва унинг аҳолисининг қириб ташланиши хавфи туғилгач — халқ бир ёқадан бош чиқариб, шаҳар ҳимоясига отланди. «Диннинг устуни ва давлатнинг таянчи», Хоразм шофийларининг раҳбари Шаҳобиддин ал-Ҳевоқий қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг руҳий қуввати бўлди, унинг таълим ва тарғиботлари халқни даҳшатли хавфга қарши бирлаштирди. Имом ал-Ҳевоқий бутун мол-мулкини мудофаа учун сарфлади, ундан намуна олган халқ ўз пулларини, қуролларини ва барча қимматбаҳо нарсаларини шаҳар мудофаси учун берди. Хоразм шоҳи мамлакатнинг ҳамма жойларига пиёда ва отлиқ аскарлар йиғиб келиш учун чопарлар юборди. Пойтахтни мудофаа қилиш ҳаракатида хоразм шоҳининг онаси Туркон хотун фаол қатнашди. У бутун шаҳар аҳолисини қуроллантириш тўғрисида фармон чиқарди ва тез орада Гурганчда 70 минг халқ мудофаачилари ҳозир бўлди.

Шу вақтнинг ўзида Хоразм шоҳи қорахитойлар ҳокими Ҳуюрхондан ёрдам сўраб мурожаат қилди, ҳамда султон Шаҳобиддин Гурганжга ҳужум қилиш учун анҳордан ўтаётганида қорахитойлар лашкарига дуч келади. Бу қўшинга Ўтрор ҳокими қорахоний Тожиддин Билгихон, унинг (?), Самарқанд ҳокими, султонлар султони,

қорахоний Усмон ибн Иброҳим ҳамда қорахитойдан бўлмиш Тароз ҳокими Тайангулар бошчилик қилар эдилар, булар «ўз қўшинлари ва қарахитой тўдаларини оёққа турғазиб Андҳудда Шаҳобиддин ал-Ғурийга тўсатдан ҳужум қилдилар.

Улар орасидаги жанг ҳижрий 601 сафар ойининг (1204 йил, октябрь) бошларида бўлди, Шаҳобиддин ал-Ғурийнинг қўшинлари жанг майдонидан шармандаларча қочиб кетишди. Шаҳобиддиннинг кўп амирлари ва қўшинлари асирга тушди, қолганларидан эса 4 та жанговар фил ўлдирилган, иккитасини қорахитойлар ушлаб олган эдилар.

Хоразмшоҳ кўп ўлжа билан Гурганжга қайтиб келди. Қорахитойлар ғурийларнинг орқасидан қувлаб юриб, 2 кун ичида 20 минг аскарни қириб ташлади. Шаҳобиддин ал-Ғурий озгина қўшин билан Андҳуд қалъасига беркиниб олди, лекин қалъани қуршаб олишгандан кейин иложсиз аҳволга тушиб қолди. Шу вақтда Самарқанд ҳокими Усмон уни қутқариб қолди, чунки, Усмон мусулмон ҳокимининг кофир қорахитойлар қўлида ўлишига йўл қўймас эди, Усмон улар орасида сулҳ тузишга эришди. Ғурийларнинг бойликлари, мол-мулки ва юклари қорахитойларга берилди, шунинг билан султон Шаҳобиддин ал-Ғурийнинг жони омон қолди.

Шаҳобиддин ал-Ғурий ўз мамлакатига қайтиб бу ерда парокандалик ва тартибсизликлар устидан чиқди, чунки, мамлакатда унинг ўлдирилганлиги ҳақида мишмишлар тарқалган эди. Султон хазинаси талон-торож қилинган, унга қарам мамлакатлар ва вилоятларнинг ҳукуматлари ўзларини мустақил деб эълон қилган эдилар. Давлатда тартиб ва ҳокимиятни тиклаш учун Шаҳобиддинга анча вақт керак эди. Шу сабабдан у Хоразм шоҳининг сулҳ тузиш ҳақидаги таклифини жон деб қабул қилди. Алоиддин Муҳаммадга ҳам жангларда йўқотган кучини тиклаш ва қўшинлар сонини тўлдириш учун вақт зарур эди. Ҳижрий 601-йилнинг жумодил аввалида (1205 й, январь) тинчлик шартномаси имзоланди, ҳамда Шаҳобиддин ал-Ғурий Хоразм шоҳининг талабига биноан унга қўшинлар билан ёрдам бериб туриш мажбуриятини олди. Мазкур шартномага кўра Марвирудни ўз ичига олган Хуросоннинг бир қисми Хоразм шоҳига қайтарилди.

Аммо ҳали икки ой ҳам ўтмай Хоразм шоҳи Ғур амирлари билан кураш олиб боришга мажбур бўлди. Ҳижрийнинг 601 йили, шаъбонда (1205 й. апрель) Тожиддин

Зангий қўмондонлигидаги гуруҳлар Марвирудга ҳужум қилиб, у ердаги Хоразм шоҳининг омилини ўлдирди ва аҳолини талай бошлади. Хоразмшоҳи буларга қарши Сарахс волийси амир Чоқирни ва Обнварддаги акаси Тожиддин Али-шоҳни юборди. Амир Зангий қўшинлари тор-мор этилди, ўзи ўнта лашкар боиіси билан асирга тушди. Асирларни қатл қилдилар, уларнинг каллалари эса бир неча кун Марвда кўргазма қилинди.

Шу вантда Ғазнадан ҳижрий 602 йил шаъбоннинг биринчи кечасида (1206 й. 13 март) султон Шаҳобиддин ал-Ғурий ўлдирилганлиги ҳақида хабар келди.

Тарихчи Жувайнийнинг ёзишича Ғур султонининг ўлими Хоразм шоҳни — Аловиддин Муҳаммадни бахтиёр этди. Ғурийлар давлати емирилди. Деҳлини амир Қутбиддин Ойбек, Лоҳур ва Мўлтонни Насриддин Қубачи, Забулистон ва Ғазнани Тожиддин Илдиз, Ҳирот ва Ферузкўҳни эса султон Ғиёсиддиннинг ўғли Маҳмуд идора қила бошлади.

Ҳижрий 602 йилнинг рамазон ойида (1206 й. апрель) Маҳмуд ўзини султон деб эълон қилганда, унинг номи билан Ферузкўҳда хутба ўқилганди, буни Маҳмуд мактуб билан Ғурийларнинг Ҳиротдаги беги Иззиддин Ҳусайн ибн Ҳурмилга хабар қилди. Аммо, Маҳмуднинг мактуби етиб келмасданоқ, Ҳурмил Хоразм шоҳига элчилар юбориб, улар орқали жўнатган мактубида ўзининг унга бўйсунганини маълум қилган ва ундан Ҳиротни эгаллаш учун қўшин юборишини сўраган эди. Хоразм шоҳи, ҳаракат қилиш кераклигини тушуниб, Иззиддин Ҳусайндан ўғлини гаровга юборишни талаб қилди. Султон Маҳмуд бирор чора кўришга кучи етмай қолди ва тез орада Хоразм шоҳи қўшинлари Ҳиротни эгаллади. Хоразм шоҳи буйруқ чиқариб Иззиддин Ҳусайннинг ўзини Ҳирот ҳокими этиб тайинлади ҳамда унга ўз қўшинларининг бир қисмини берди.

Бу воқеалардан сўнг Хоразм шоҳи Муҳаммаднинг олдидаги энг катта ташвиш унга қўшни бўлган қорахитойлар ҳукмронлиги билан боғлиқ масалалар бўлиб қолди. Уни қорахитойлар билан чегарадош бўлган Балҳ ва унинг вилоятларининг тақдири хавотирга солар эди. Энди ғурийларнинг қудрати камайиб, қорахитойлар бу ерларни унча катта бўлмаган куч билан босиб олиши мумкин эди. Шунинг учун Хоразм шоҳи Ҳиротдаги ишларини тамомлаши билан ўз қўшинларини Балхга қараб юритди. Балҳ йўлидаги ғурийларнинг барча қалъалари таслим бўлдилар, бунга Ҳирот ҳокимининг Хоразм шоҳи

томонига ихтиёрий ўтиши сабаб бўлди. Лекин Балҳ амири Хоразм шоҳининг акаси Тожиддин Алишоҳ қўмондонлик қилган илғор қўшин қисмига қаршилик кўрсатди. Имомиддин Хоразм қўшинларининг Балҳни олишга қилган барча уринишларини қайтарди ва қалъага кириб олиб Бамёндан ёрдам кутди.

Ҳирот амирларига Имомиддин Умарнинг қаршилиги баҳона бўлиб, Хоразм шоҳига бўйсунишдан бош тортдилар ва султон Маҳмудни ёрдамга чақирдилар. Иззаддин Ҳусайн Хоразм шоҳини бундан хабардор қилди. Бу ерга етиб келган хоразмликлар фитначилар бошчиси бўлмиш Фаҳиҳ Ибни Зиёд ва қози Саидларни қамоққа олди. Уларнинг бирини кўр қилдилар, иккинчисини эса Ҳиротдан ҳайдаб чиқардилар.

Балҳ волийси Имомиддин Умар кутган ёрдами келмагандан сўнг қалъани Хоразм шоҳига топширди. Балҳда Алоиддин Муҳаммад номига хутба ўқилди ва танга зарб қилинди. Кўп ўтмай Хоразм шоҳи томонидан афв этилган Имомиддин Умар шоҳга хиёнат қилди ва ушлаб олиниб Гурганжга жўнатилди. Балҳ ва унинг вилоятлари амир Чақирнинг бошқарувига берилди.

Шундай қилиб, Хоразм шоҳи Алоиддин Муҳаммад бир вақтлар кучли бўлган Ғурийларни тор-мор келтирди, аммо Ғурийлар давлатини бутунлай йўқотиб юбориш иши ҳали олдинда эди, Ҳирот, Балҳ ва бошқа шаҳарлар билан Хуросон Хоразмшоҳлар давлатига қўшиб олинди.

Жувайнийнинг маълум қилишича Ҳирот, Балҳ ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси Хоразм шоҳи қўшинларини мамнуният билан қаршилади. Бу шаҳарларнинг эътиборли кишилари Алоиддин Муҳаммадга ўзларининг содиқлигини билдирдилар ҳамда барча шаҳарларда уни дабдаба билан кутиб олдилар.

Хоразм шоҳи Балҳни олгандан кейин қўшинлари билан Балҳга қараб йўл олди, бу ерда эса Имомиддин Умарнинг ўғли Баҳром шоҳ ҳоким эди.

Баҳром шоҳ Хоразм қўшинларига қаршилик кўрсатмоқчи бўлди-ю, бироқ отасининг ҳиммати ва Ғурийларнинг мағлубиятини билиб, омонлик тилаб қалъадан чиқди. Хоразм шоҳи Термизни Самарқанд султони Усмонга топширди. Усмоннинг Қорахонийлар ичида «тенглар ўртасида биринчи» ҳамда мусулмон бўлишига қарамасдан Термиз халқи ўз шаҳрининг қорахитойлар гумаштасига топширилганига норози бўлди. Халқ ўз норозилигини Усмон гуруҳларидан орқада қолган аскарларни калтаклаш билан ошкора билдирди.

Термиздан кейин Хоразм шоҳи Толиқон амири Севинчни бўйсундирди ва улар атрофидаги вилоятларни ўз ерларига қўшиб олди. Сўнгра ўз элчиси аллома ал-Қирмонийни Ғур султони Маҳмудга юборib хоразмшоҳнинг олий ҳукуматини тан олишни таклиф қилади.

Маҳмуд бу талабга итоат қилиб Алоиддин Муҳаммад номи билан хутба ўқитди ва танга зарб қилдирди, ўзи эса Ферузкўҳда муовини султон (нонб) бўлиб қолди. У Хоразм шоҳига битта оқ фил ва Ғурийлар хазинасидан энг қимматбаҳо нарсалар юборди.

Ҳижрий 603 й. сафар ойида (1206 й. сентябрь) Хоразм шоҳининг Ҳиротдаги ҳокими Иззаддин Ҳусайн ибн Ҳурмил Исфизор қалъасини қуршаб олди, унинг аҳолини қирib ташлайман деб, қўрқитиши натижасида қалъа бир ойдан кейин таслим бўлди. Хоразм шоҳи Иззаддинни тақдирлаб, унга 250 минг динор даромад берадиган иқтоъ ерларини ажратиб берди. Бундан кейин Хоразм шоҳига Сижистон ҳокими Тожиддин Ҳарб ибни Муҳаммад итоат қилди ва бу ерда ҳам Хоразм шоҳи номи билан хутба ўқий бошладилар ва танга зарб қилдилар. Шу йили Хоразм шоҳи Мозандаронни ўз ҳокимияти остига олди ва бу ерда ҳам унинг номи билан хутба ўқила бошлади. Мозандароннинг Волийи этиб шоҳнинг акаси Тожиддин Алишоҳ тайинланди.

604 (1207 й.) Хоразм шоҳи Алоиддин Муҳаммад Мовароуннаҳрни ўз ерларига қўшиб олиш мақсадида ҳаракат бошлади. Аммо, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларга юриш қилишдан аввал Хоразм шоҳи Хуросон ва яқиндагина Ғурийлардан тортиб олган ерларда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олмоқчи бўлди. Нишопурга ҳоким қилиб амир Казаликхонни тайинлади, унга султон қўшинларининг бир қисми ажратиб берилди. Жом шаҳрига амир Иззаддин Жилдоқни, Завзон шаҳрига амир Аминиддин Абу Бакрни тайинлади. Хоразм шоҳи Марв, Сарахс ва бошқа шаҳарларда ҳам ўз доимий қўшинларини қолдирди.

Аммо, шоҳ ишончини қозониб енгил тортган амирлар деярли бир вақтда Хоразмдан ажралишга қарор қилишди. Биринчи бўлиб Ҳирот волийси Иззаддин ибни Ҳурмил Хоразм шоҳига итоат қилмаслигини билдирди. Маҳаллий халққа жабр қилғани, мол-мулкини талагани учун кўпгина Хоразм аскарларини шаҳар волийси қамоққа олганини Хоразм шоҳи билиб қолди. Гарчанд, Ҳусайн ибни Ҳурмид бу ишларни адолат юзасидан қилганини билса ҳам, Хоразм шоҳининг ундан кўнгли совиди ва

ундан қамоққа олинганларни Хоразмга юборишни талаб қилди, амир Жилдоққа эса Ҳусайн ибни Ҳурмилнинг ўзини ушлаб Гурганжга олиб келишни буюрди.

Бошқа бир ривоятга кўра, Ҳусайн ибни Ҳурмил Хоразм шоҳининг Мовароуннаҳр юришига тайёрланиш ҳолатидан фойдаланиб, ундан ажралиб чиқиш, ҳамда Ғурийлар билан тил бириктириб ўзининг мустақиллигини эълон қилмоқчи бўлади. Ҳусайн ибни Ҳурмил буни Ғурийлар султони Маҳмудга маълум қилади, Хоразм шоҳига содиқ кишиларни қамоққа олади. Хоразм шоҳи номи билан хутба ўқиш ва танга зарб қилишни манъ қилиб, султон Маҳмуд номи билан хутба ўқиш ва танга зарб қилишга буйруқ беради. Лекин, тез орада Хоразм шоҳининг Гурганжга қайтиб келгани, ҳамда Ҳусайн ибни Ҳурмилнинг унга мактуб юбориб, ўйламай қилган ишлари учун кечирим сўраганини султон Маҳмуд билиб қолади. Ҳусайн ибни Ҳурмилнинг бу тутган йўли Ғурийларнинг унга қаршилигини қайта вужудга келтирди, ҳамда улар Ҳирот ҳокимини йўқотиш чораларини қидира бошлади. Ҳусайн ибни Ҳурмил Хоразм шоҳидан ёрдамчи қўшин юборишини сўради ва хоразмликлар ёрдамида Ғурийларнинг ҳужумини қайтарди.

Ҳусайн ибни Ҳурмилнинг ҳаракатлари Хоразм шоҳида шубҳа туғдирди, шоҳ ва унинг кишилари Ҳирот ҳокимига ишонмай қўйди. Хоразм шоҳининг яқин кишилари Ҳусайн ибни Ҳурмилни сўзлашар экан, унга нисбатан қатъий чоралар кўришни шоҳга маслаҳат беришди. Хоразм шоҳи Ҳусайн ибни Ҳурмилни қатл этишга буюрди.

Бу вазифа амир Жилдоққа топширилди, у икки минг отлиқ аскар билан Ҳиротга жўнади. Ҳусайн ибни Ҳурмилнинг вазири Саъдиддин Риндий (Ҳожа ас-Соҳиб) унга амир Жилдоқ ҳузурига чиқмасликни маслаҳат берди. Лекин, Ҳусайн ибни Ҳурмил маслаҳатга қулоқ солмай расмиятга риоя қилди, натижада Жилдоқнинг одамлари томонидан ушланиб Салумид қалъасига олиб келинди. Бир неча кундан кейин Ҳусайн ибни Ҳурмилнинг боши Салумиддан Гурганжга олиб келинди.

Ибни Ҳурмилнинг асирга тушганини эшитган вазир Саъдиддин Риндий Ҳиротни беркитиб олиб, уни Жилдоққа топширишдан бош тортди ва деди: «Мен қалъани сенга ҳам, хоин ибни Ҳурмилга ҳам бермайман: Қалъа Ғурийларникидир!». Жилдоқ буни Хоразм шоҳига хабар қилди, шоҳ эса Нишопур волийси Кезликхон ва Завзон волийси Аминиддин Абу Бакрга қўшин тортиб бориб Ҳи-

ротни қуршаб олишни буюрди. Амирлар 10 минг аскар билан қуршаб олишга келдилар. Улар вазирга таслим бўлишни таклиф қилишди. Вазир: «Ҳиротдай шаҳарни сизларга топширишга ҳеч қандай асосим йўқ. Аммо, Хоразм шоҳининг ўзи келса, шаҳарни унинг ўзига топшираман» деб жавоб берди.

Шаҳарни бир ҳамла билан олишга қилинган ҳаракат натижа бермади — Ҳусайн ибни Ҳурмил шаҳар атрофига тўрт қават қалин девор қурдирган, чуқур зовур кавлатиб, уни сувга тўлдириб қўйган эди. Ҳирот яқинидаги бу аҳволни Хоразм шоҳига хабар қилиб, ундан жавоб кутиб турдилар. Аммо, жавоб келмади, чунки, Мовароуннаҳрда шундай воқеалар юз бердики, улар сал бўлмаса давлат тақдирини хавф остида қолдираёзди.

Гап шундаки, мана шу вақтда (1207 й.) Самарқанд ва Бухоро ҳукмдори султонлар султони (хонлар хони) Усмон ва бошқа Мовароуннаҳрнинг эътиборли кишилари Хоразм шоҳига мурожаат қилиб қорахитойларга қарши ёрдам сўраган эди. Мовароуннаҳрнинг ҳар бир шаҳрида қорахитойларнинг беклари бўлиб, улар қўл остидагиларга жабр қилар, аҳолини талар ва тўплаган бойлигини Ўзганд, Болосоғун ва Қашқарга жўнатар эди.

Усмон Хоразм шоҳига бундай ёзган эди: «Аллоҳу таоло сенга нимаики ато этган бўлса, У сенинг ҳукмдорлигингни тасдиқ этди. Сенинг қўшинларингни У шунинг учун ҳам кўпайтирдики, улар мусулмонлар ва уларнинг юртини кофирлар ҳукмронлигидан ҳалос этсинлар, мусулмонлар ва уларнинг мол-мулкини талаганлардан қутқарсинлар. Қорахитойларга қарши урушда биз сенга иттифоқчи бўламиз, қорахитойларга нимаики бераётган бўлсак, уни сенга берамиз. Биз сенинг номинг билан хутба ўқиймиз ва тангалар зарб қилдирамиз».

Хоразм шоҳи Усмоннинг илтимосига кўнди ва дарҳол Мовароуннаҳрга қўшин юборди. Лекин, қорахитойларга қарши ҳаракат бошлашдан аввал Бухородаги қўзғолонни тинчитиш зарур эди. Бу ернинг беги қорахитойлардан бўлса ҳам асл ҳокимият Бурҳон уруғидан чиққан кишиларнинг қўлида эди, бу кишилар айни вақтнинг ўзида шаҳарнинг хотиблари, ранслари бўлиб садри жаҳон унвонига эга эди. Қорахитойлар бурҳонийларнинг диний ва маъмурий мавқеини қувватлар ва ўз кишиларини уларнинг маслаҳатларига қулоқ солишга мажбур қилар эди.

Хоразм шоҳининг Мовароуннаҳрга юриши бошланиши билан Бухородаги ҳокимиятни ўзи қалқон савдоси

билан шуғулланувчи савдогарнинг ўғли бўлган Санжар исмли киши бошчилигидаги халқ исёнчилари қўлга киритди. Санжар шаҳарнинг «эътиборли кишилари» (асҳоби ҳурмат)ни таъқиб қилиб, Бухородан садр ва унинг яқинларини ҳайдаб чиқарди ва мол-мулкини мусодара қилди. Исёнчилар раҳнамоси ўзини малик деб атай бошлади. Бир шоир бу ҳақда бундай шеър ёзган эди:

Подшолик бебаҳо мансабдир, аммо —
Бир савдогар уни текинга олди.
Чайқовчига тож-тахт ярашмас, чунки,
Отаси бозорда сотарди қалқон.
(Хондамир. Шеър мазмуни берилди.)

Бурҳонийларнинг қорахитойлар ёрдамида исёнинг олдини олишга қилган уринишлари натижа бермади (бурҳонийлар қорахитойлар ҳокимига шикоят қилди, ҳоким малик Санжар номига бир қанча буйруқлар юборди, лекин, малик у буйруқларни назар-писанд қилмади). Шундан сўнг садрлар Хоразм шоҳига ёрдам сўраб мурожаат қилишди, шоҳ эса 1207 йилнинг баҳорида Бухоро томон қўшин тортиб чиқди. Шаҳар киборларининг ҳамкорлиги билан Хоразм шоҳи Бухорони эгаллади. Исён бостирилди, малик Санжарни ушлаб Гурганжга юборишди, у ерда малик 27 та асирга олинган ҳокимлар ва беклар билан бирга Хоразм шоҳи Муҳаммад шарафига ўтказилган науба Зулқарнайнда иштирок этди.

Бухоронинг олиниши Хоразм шоҳи Алоиддин Муҳаммаднинг Мовароуннаҳрдаги мавқеини мустаҳкамлади, маҳаллий ҳокимлар шоҳ томонга ўта бошлади. Султонлар султони, Самарқанднинг қорахоний ҳокими Хоразм шоҳининг элчиси амир Дорт-Абони ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилди ҳамда қора хитойларга қарши биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олишди.

Самарқанднинг қўлдан кетишига қорахитойлар ҳеч ҳам парво қилмади. Улар Хоразм шоҳи билан бўладиган урушга шоҳдан кўра жиддийроқ тайёрланди. Ундан ташқари ҳукмрон илгари Хоразм шоҳига хизмат қилган испаҳбод Рукниддин Кобуд Жомани (унинг тоғаси (?) эди) ҳамда шоҳ Самарқандга шихна қилиб тайинлаган Нусратиддинни Хоразм шоҳи бир вақтлар қатл қилган амир Дорт Абони сотиб олиб шоҳга қарши оёққа турғазди. Қабул қилинган келишувга кўра, Ҳуюрхон агар Хоразм шоҳи мағлуб бўлса Хуросон испаҳбоди Қобуд Жомага, Хоразм эса амир Дорт Абога бериладиган бўлди.

Хоразм шоҳи ва қора хитойлар қўшинлари ўртасида жанг бошланганда, испаҳбод ва Дорт Або Хоразм шоҳига хоинлик қилиб ўз қўшинлари билан жанг майдонини тарк этдилар. Хоразм шоҳининг қўшинлари қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, улар тор-мор бўлдилар, кўп Хоразм жангчилари жанг майдонида ҳалок бўлдилар, кўплари асир олиндилар. Алоиддин Муҳаммаднинг ўзи ҳам асирга тушиб қолди. У билан бирга унинг энг кўзга кўринган амирларидан бири Фулон ибни Шаҳобиддин Масъуд ҳам қўлга тушган эди.

Хоразм шоҳи қўшинларининг қолган қисми Хоразмга қайтди, аммо, шоҳ ҳақида ҳеч нима дея олмадилар. Шоҳ яраланган, йўқолиб қолган, ҳатто ўлдирилган деган миш-мишлар тарқалди. Ана шу вақтнинг ўзида Нишопур амири Казликхон ва Завзан волийи амир Аминиддин Абу Бакр Хиротни қамал қилиб Хоразм шоҳидан қандай йўл-йўриқ келишини кутиб туришган эди.

Казликхоннинг опаси унга қорахитойлар билан бўлган жангда Хоразм шоҳи йўқолиб қолганининг хабарини келтириши билан Казликхон ўз қўшинларини Ҳиротдан Нишопурга олиб кетди, чунки, Нишопур уруш ҳолати юз берганда зарур бўладиган кучли истеҳкомлар, жуда кўп қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат жамғармасига эга шаҳар эди. Казликхон Хуросонни олиш ва мустақилликка эришиш йўлларини ўйлар эди.

Хоразм шоҳининг йўқолиб қолгани ҳақидаги гап-сўзлар Табористон беги унинг укаси Тожиддин Али-Шоҳга ҳам етиб келди. У ўзини султон эълон қилиб, Алоиддин Муҳаммад номи билан хутба ўқишни тўхтатди.

Мана шу вақтнинг ўзида Хоразм шоҳи асирликдан қочиб кетишга муваффақ бўлди. Жувайнийнинг ривоятига кўра, урушларда Хоразм шоҳининг душман аскарлари кийимини кийиб оладиган одати бўлгани ва шу туфайли у қорахитойлар қўлига тушганда уни ҳеч ким танимаган ва оқибатда асирдан қочиб кетган. Ибн ал-Асир Хоразм шоҳининг асирдан қочганини қуйидагича тасвирлайди: «Асирликдаги Ибни Масъуд Хоразм шоҳига ўзини ибни Масъуднинг хизматкориман дейишни таклиф қилди, шоҳ буни қабул қилди ва Ибни Масъуднинг хизматини қила бошлади, унга овқат келтирди, кирларини ювди, иззат-ҳурмат кўрсатди. Бир куни Хоразм шоҳи ва амирни асирга олган қорахитой буни кўриб Ибни Масъуддан сўради: «Кўриб турибманки бу одам сени жуда улуғлаяпти. Сен ўзинг кимсан?» Амир деди: «Мен — фалонман, бу эса менинг ғуломим (қулим)».

Шунда қорахитой Ибни Масъудга ҳурмат билан муомала қилиб шундай деди: «Сенинг одаминг сени менинг олдимда шунчалар иззат қилаётган экан, мен сени қўйиб юбормайман!» Шундан кейин қорахитой бир неча кун уларнинг олдига келмади. Бир куни у келганда Ибни Масъуд унга бундай деди: «Қочиб қутулган аскарлар Хоразмга қайтиб борганда, менинг қариндошларим улар орасида менинг йўқлигимни кўргач, мени ўлдирилган деб ўйлашади ва менга мотам тутишади деб қўрқаман. Шундан кейин улар менинг мол-мулким ва пулларимни бўлиб олади ва пулларим йўқолиб кетади. Мен эса пулларнинг маълум қисмини олиб сенга келтириб берсам дейман». Улар тўлов миқдорини келишиб олишди, ҳамда Ибни Масъуд деди: «Мен бир ақлли киши орқали оиламга мактуб юборишни истардим, у мактубни топширгач, оиламга менинг ҳаёт ва саломат эканимни айтсин, ҳамда улардан олган пулларни сенга олиб келсин». Кейин яна қўшиб қўйди: «Сени дўстларинг менинг оиламни билмайди, бу қулим эса уларни танийди ва улар ҳам бунга ишонади.» Қорахитой Хоразм шоҳини битта суворий отлиқ аскар билан бирга жўнатишга қарор қилди. Улар жўнаб кетишди, Хоразм шоҳи эсон-омон Хоразмга етиб келди, халқ шоҳни хушҳол-ҳуррамлик билан қаршилади. Қазликхоннинг Нишопурда, Тожиддиннинг Табористондаги қилмишлари ҳақида Хоразм шоҳини хабардор қилишди.

Энди хоинларни шафқатсиз жазо кутарди, Қазликхон шоҳга хоинлик қилиб, султон хазинасига қўл урган, давлат девонхонаси амалдорларининг мулкини мусодара қилган эди. Ғазабланган Хоразм шоҳи шу заҳотиёқ Қазликхонга қарши қўшин тайёрлади. Буни эшитган Қазликхон Нишопурдаги хазинани олиб, Ироққа қочиб кетди. Оқибат натижада Қазликхон ва унинг ўғли ушланди ва Туркон Хотуннинг орага тушишига қарамасдан уларнинг бошлари кесилди.

Тожиддин Алишоҳга келса, у акасининг ўч олишидан қўрқиб Ферузкўҳдаги Ғўр султони Маҳмуднинг олдига қочиб борди, султон эса уни ҳурмат билан қарши олди ва пойтахтда қолдирди.

Нишопурни душман тарафдорларидан тозалаб бўлган хоразмшоҳ ҳали ҳам Қазликхон аскарлари қамал қилиб турган Ҳиротга қараб йўл олди. У Ҳирот вазири Саъдиддин Риндийни музокарага чақирди ва унга Ҳиротни хоразмшоҳнинг ўзига топшираман, деган ваъдасини эслатди. Аммо, вазир унга рад жавобини берди

ва шаҳарни Маҳмуд султонга топширажагини айтди. Ғазабланган хоразмшоҳ қалъага ҳужум қилишга буйруқ берди, аммо, қалъани ололмади. Бир йилдан ортиқ қамалда бўлган Ҳиротда очлик бошланиб, аҳоли хоразмшоҳга таслим бўлишга келишмоқда эдилар. Аҳоли иккита минорани бузиб, хоразмшоҳ аскарларига шаҳарни эгаллашига имконият туғдириб бердилар. Ҳижрий 605-йилнинг шаъбон ойида шаҳар олинди. Вазир ушланди ва қатл қилинди. Ҳиротнинг волийси ва муқтъоси этиб хоразмшоҳ ўз тоғаси Амир Маликни тайинлади ва у, бу лавозимларда хоразмшоҳлар давлати қулагунича турди.

Хуросонни бўйсундириб, Ҳиротни олгандан кейин хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад Гурганжга қараб йўл олди ҳамда Амир Маликка Ғурийларга қарши қўшин билан отланиб, уларнинг пойтахти Ферузкўҳни эгаллаш, Маҳмуд султонни ва унинг ҳимоятидаги Тожиддин Алишоҳни ушлашга буйруқ берди. Бундан хабардор бўлган Маҳмуд султон хоразмшоҳга итоат қилишини Амир Маликка маълум қилиб, таслим бўлди. Амир Малик Маҳмуд султонни ва Тожиддин Алишоҳни ҳибсга олиб, Хоразмга жўнатди ва у ерда улар қатл қилиндилар. Ғурийлар давлати шу билан тамом бўлди (кейинроқ улар Хуросонни яна эгаллайдилар — М. М.).

Шундай қилиб, 605/1208) йилга келиб, бутун Хуросон хоразмшоҳ тобеълигига ўтди. Энди Алоиддин Муҳаммад — қорахитойларга қарши ҳаракатларни қайтадан бошлаш имкониятига эга бўлди. Хоразмшоҳнинг сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи, қорахитой ғурхони вакилларининг Хоразмда Отсиз давридан бошлаб, ҳар йили тўланиб келаётган навбатдаги ўлпонни ундириш вақтида қилган қўпол ҳаракатлари бўлди.

605 (1209) йили шу мақсад билан Гурганжга келган ғурхон вакили Туғчининг одобсизлик қилиб, сурбетларча хоразмшоҳ тахти ёнига келиб, у билан бир қаторда ўтириши шоҳ сабри-тоқатини тамом қилди. У Туғчининг танасини тилка-пора қилишни, ҳамроҳларини ҳам қириб, жасадларини Жайҳунга ташлаб юборишни буюрди. Ғурхон бу воқеадан хабар топиб, бўйин эгмас хоразмшоҳга қарши чоралар кўргунга қадар, хоразмшоҳ қорахитойларга қарши юришга чиқди. Самарқанд хони Усмон ва хоразмшоҳ ҳуфияларининг хизматлари туфайли Мовароуннаҳр шаҳарларининг аҳолисида «кофир» қорахитойларга нисбатан нафрат уйғотилди ва Алоиддин

Муҳаммад аскарлари аҳоли томонидан ҳалоскорлар сифатида кутиб олинди.

Хоразмшоҳ бўлинмалари Сирдарёни кечиб ўтиб, Иламиш саҳросида тажрибали қўмондон Тайангу бошчилигидаги қорахитой армияси билан тўқнашдилар. Ҳижрий 607 йилнинг раббиул-аввал ойида (сентябрь, 1210 й.) бўлиб ўтган шафқатсиз жанглар натижасида қорахитойлар мағлуб бўлдилар. Кўп сонли қорахитойлар, жумладан Тайангу ҳам асирга тушдилар. Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқлари (то Ўзкентгача) хоразмшоҳнинг беклари ва шихналари (комендантлари) тайинланди. Хоразмшоҳ ўз қизи Хонсултонни Самарқанд султони Усмонга узатди ҳамда уни ўз ўрнида қолдириш билан бирга, унга ёрдамчи этиб ўз шихнаси амир Дорт-Абони қўйди. Хоразмшоҳ султон Усмоннинг амакиваччаси (тоғаваччаси) бўлмиш Ўтрор ҳокими Тожиддин Билгахонни Нисога сургун қилди ва икки йил ўтгач у, шоҳ буйруғи билан қатл қилинди.

Қорахитой лашкарларининг тор-мор қилингани ҳақидаги хабар тезда ҳамма жойларга тарқалди. Тартибсиз равишда чекинган қорахитойлар ўз йўлида учраган жойларни вайрон қилди ва аҳолини талон-торож этди. Чекинган аскар тўдалари қорахитойлар пойтахти Боласоғунга (Чу дарёси бўйида) етиб келганларида, шаҳар халқи «хоразмшоҳ лашкарлари бу ерга ҳам етиб келибди», деб ўйлаб, шаҳар дарвозаларини беркитиб олдилар ва қочоқларнинг ёлворишларига кўнмадилар. Хоразмшоҳ эса Боласоғунга юриш қилиш тўғрисида ўйламади ҳам, у Гурганжга қайтиб кетди. Қорахитойлар ўз пойтахтини ўн беш кун қамал қилиб, кейин шаҳарга кирди. Қорахитойлар шаҳарга киргандан кейин уч кеча-кундуз давомида аҳолини қирғин қилди. Манбаларга кўра, шаҳарнинг фақатгина таниқли ва обрў-эътиборли одамларининг ўзидан 47 минг киши ҳалок бўлган.

Қорахитойлар давлатининг ҳали икки йил умри бўлишига қарамай, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг қорахитойлар устидан қозонган ғалабаси исломнинг «кофирлар» устидан ғалабаси сифатида баҳоланди. Бу ғалаба хоразмшоҳлар давлати ташқи сиёсатининг энг катта ютуғи бўлиб қолди.

Давлат хазинасига жуда катта бойлик ва қимматбаҳо буюмлар келиб тушди, аскарлар катта ўлжаларга эга бўлдилар. Лекин, ғалабанинг энг муҳим аҳамияти шу бўлдики, хоразмшоҳ бунинг натижасида тўлиқ мустақилликка эришди: мазкур ҳудуддаги биронта давлат

Хоразм устидан ҳукмронлик қилишга даъво қилолмайдиган бўлди; энди хоразмшоҳнинг ўзи бошқа давлатлар ва халқларнинг тақдирини ҳал қиладиган даври келган эди.

Алоиддин Муҳаммад Гурганжга қайтиб келганида, мусулмон оламининг барча томонларига хоразмшоҳнинг ғалабаси ҳақидаги хушхабар билан чопарлар жўнатилди. Барча шаҳар ва қишлоқлар безатилди, масжидларда буюк султон Алоиддин Муҳаммаднинг номини таърифлаб, шарафлаб, байрамона хутба, ваъзлар бўлди. Шу тантаналар вақтида қорахитой аскарларининг асирга тушган қўмондони Тайангу Амударёга чўктириб юборилди.

Хоразмшоҳ сарой расм-русмларини ўзгартирди ва уларни янада тантанавор қилди. Шоҳ Искандари Соний лақабини олиш билан бирга саройда Зулқарнайн («Иккинчи Искандар») навбасини (шоҳ кириши шарафига мусиқий мадҳия) жорий этди ва уни ижро қилиш учун асирга тушган ҳокимларни тайинлади. Бу навба қуёш чиқар ва ботар пайтларида чўплари қимматбаҳо тошлар билан безатилган 27 та олтин ноғораларда ижро қилинар эди.

Шоирлар хоразмшоҳни Искандари Соний номи билан мадҳ этаётган бўлсалар-да, шоҳнинг ўзига бу ҳам камдай кўринди. У, буюк салжуқ султони Санжарнинг узоқ йиллар ҳукмронлик қилганига ҳаваси келиб, ўзига «Санжар султон») деб ёзилган муҳр тайёрлашга буйруқ берди. Хоразмшоҳнинг янги номи унинг ўғилларининг унвонларида ҳам аксини топди; хоразмшоҳлар тахтининг вориси Қутбиддин Ўзлуғшоҳ «Султон Абул-Музаффар Ўзлуғшоҳ ибн Санжар султон, мўминлар амирининг ёрдамчиси» деб номланган эди. Султон Жалолиддин Мангбўрний халифага йўллаган мактубларига «Итоатгўй хизматкорингиз Мангбўрний ибн Санжар султондан» деб имзо чекар эди.

Хоразмшоҳ билан бирга унинг куёви, Самарқанд ҳокими, хонлар хони Усмон Гурганжга келди ва пойтахтда бир йил қолди. У Самарқандга қайтиб кетмоқчи бўлди, аммо, Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун уни ўз ҳузурида ушлаб турди, сабаби — туркий одатларга кўра, ёш куёв ўз уйига фақат бир йил ўтгандан кейингина кетиши мумкин эди.

Бу вақт ичида Муҳаммад ибн Такиш қорахитойларга қарши янги юриш қилишни ўйлаб қолди. Хоразмшоҳнинг сафардаги аъёнлари орасида ўзларининг ҳукмдори

Усмонхоннинг йўқлигини билиб қолган самарқандликлар аҳвол яхши эканлигига шубҳа қила бошладилар. Хоразмшоҳ ва унинг одамларига очиқдан-очиқ душманлик билдира бошладилар. Самарқандда аҳвол кескинлашиб кетди ва хоразмшоҳ Гурганжга Усмон ва унинг хотини Хонсултонни олиб келиш учун одамларини юборди.

Аммо, хонлар хонининг Самарқандга қайтиб келиши хоразмшоҳ фойдасига хизмат қилмади. Султон Усмон шаҳарда йўқлигида хоразмшоҳнинг шихнаси Дўрт-Або ҳамда унинг одамлари ножўя ишлар қилдилар ва халққа жабр-зулм қилдилар. Усмон шаҳарга қайтиб келиши билан тезда хоразмликларни қириб ташлашни буюрди; Самарқанд халқининг уларга бўлган нафрати шу қадар кучли эдики, улар хоразмийларнинг жасадларини тилкапора қилиб, кўча ва бозорларда михга осиб қўйдилар. Усмон ўзи ва хотини билан бирга келган ҳамма хоразмликларни қириб ташлади ва ёш хотинини қорахитой гурхонининг қизи бўлмиш бошқа хотинига хизмат қилишга буюрди ва мажбур қилди. Аммо, Хонсултон Самарқанд ичидаги қалъага кириб олиб, у ерда хоразмшоҳ аскарлари келгунга қадар ўтирди. Хонсултоннинг канизлари, эҳтимол баъзи самарқандликлар ҳам хоразмшоҳ қизига содиқ бўлиб қолган бўлсалар керак.

Хонлар хони Усмон хоразмликлардан воз кечиб, қорахитойларга Самарқандни топширишга тайёр эканлигини маълум қилиб, Ғўрхонга элчилар юборди.

Хоразмшоҳнинг қаҳру-ғазаби ҳаддан ошди. Усмоннинг Самарқанддаги ҳаракатларини билиши билан шоҳ жаҳл-ғазаб устида, Гурганждаги барча бошқа юртликларни ўлдиришга буйруқ берди, аммо, хоразмшоҳнинг онаси уни пухта ўйлаб иш тутишга чақирди, бундай иш уни уятга қолдириши, бутун мусулмон олами уни айблашини уқтирди. Алоиддин Муҳаммад жуда катта аскар тўплаб, Самарқандга йўл олди.

Жуда қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, шаҳар хоразмликлар қўлига ўтди, хоразмликлар уч кун давомида Самарқанд халқини жазоладилар. Жувайнийнинг ёзишича, 10 мингга яқин одам ўлдирилган. Асирга тушган хонлар хони Усмонни хоразмшоҳ авф этмоқчи бўлса ҳам, Хонсултоннинг талаби билан 609 (1212)-йилда қатл қилди. Усмоннинг барча қариндошлари ва яқинлари қатл қилинди. Самарқанд хонларининг уруғ-аймоқлари ҳамда қорахонийлар сулоласининг барча вакиллари йўқ қилиб ташланди.

Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга киришининг ол-

дини олиш учун хоразмшоҳ 10 минг кишилик аскарий кучини Исфижобга (Сайрамга) юборди.

Қорахитойлар давлати ўз умрининг сўнгги кунларини кечирмоқда эди. Чингизхондан қочиб келган найманлар ҳокими Қушлухон қорахитой Ғурхони ҳузурида бошпана топган ва ҳатто унинг қизига уйланган эди. Қушлухон мўғуллардан қочган найманларни тўплаб, қорахитойларнинг ерларига ҳужум қила бошлади, чунки, қорахитой аскарларининг асосий қисми хоразмшоҳ томонидан тор-мор қилинган эди. Иламиш чўлидаги воқеалар ва Боласоғун қамалидан кейин тез орада Қушлухон Ғурхоннинг деярли барча ерларини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Расман Ғўрхон тахтда қолган бўлса ҳам, амалда ҳокимиятни Қушлухон бошқарди (қорахитой ҳукмдорининг маслаҳатчиси сифатида).

Хоразмшоҳ Қушлухондан Ғўрхонни ва унинг хазинасини беришини талаб қилди. Аммо, Қушлухон бу талабни рад этди ва султонга қорахитойлар тасарруфидаги ерларни бўлиб олиш таклифини қўйди. Бу ишларнинг оқибатида Ғўрхоннинг ўлимидан кейин Қушлухон қорахитойларга қарашли ерларнинг ҳукмдори бўлди ва бу 612 (1215) йили мўғуллар бостириб киргунга қадар давом этди.

Қорахитойлар давлатининг тор-мор қилиниши хоразмшоҳга ўз ерларини шарққа қараб кенгайтиришга имкон берди. Мовароуннаҳр ерларини қўлга киритган хоразмшоҳ бу ўлканинг кўпгина шаҳарларини бузиб ташлашга буйруқ берди, (жумладан, Шошда ва Шимолий Фарғонада) ва буни мўғулларнинг бостириб киришига қарши тадбир деб асослади. Бир қанча ўрта аср тарихчилари Алоиддин Муҳаммаднинг қорахитойлар давлатини йўқ қилиб юборишини катта хато деб ҳисоблайдилар, чунки, қорахитойлар ислом мамлакатлари билан «кофир» мўғуллар орасидаги тўсиқ вазифасини ўтар эди. Хоразмшоҳнинг бу ўйламай қилган ишларининг кўпгина ислом мамлакатлари учун ачинарли оқибати тез орада маълум бўлди. Мўғуллар учун ғарбга томон йўли очилиб қолган эди (Ибн ал-Асир, 9-том, с. 330.).

Қорахитойлар давлати йўқ қилингандан кейин, шарқий чегараларидан хотиржам бўлган Хоразмшоҳ ғарбга, Хуросон билан туташ ерларга ўз эътиборини қаратди.

Аввал эслатиб ўтилганидай, 600 (1203) йили Форс Ироқида ҳокимиятни Озарбойжон отабеги Жаҳон-Паҳлавоннинг мамлуги Шамсиддин Ойтуғмиш ўз қўлига

олди. Бу киши Равандийнинг айтишича «мамлакатда адолат ўрнатди ва давлат ишларини тартибга солиш йўлида қайғурди» (Равандий. Абул-Фидо).

602 (1205)-йили Озарбайжон отабеги Абу Бакрга қарши унинг қўл остидаги Мароға ҳокими Кўрпа - Арслон исён кўтарди. Отабек Форс Ироқидаги Ойтуғмишдан ёрдам сўради. Ойтуғмиш ўз қўшинлари билан Озарбойжонга отланди. Баъзи Хоразм амирлари бундан фойдаландилар ва 10 минг кишилик отлиқ Хоразм аскарлари оила ва кўч-кўлони билан Форс Ироқига бостириб кирди. Хоразмликлар Занжонгача етиб бордилар. Бу ерда Ойтуғмиш етиб келиб, уларни тор-мор қилди, оила ва мол-мулкини асирга олди (Ибн ал-Асир, 9-том, с. 305).

Бу ғалабадан сўнг Ойтуғмишнинг ҳокимияти Форс Ироқида мустаҳкамланди ҳамда халифа Ан-Носир Ойтуғмишга «Буюк ҳоқон, Улуғ подшоҳ, давлат ва дин қуёши, ислом ва мусулмонларнинг ҳомийси, шарқ ва ғарб ҳукмдорлари ҳукмдори» деган дабдабали лақаблар берди.

607 (1210—11) йилларда Озарбойжон отабеги Абу Бакр вафот этди ва унга қарашли ерлар, жумладан, Форс Ироқини бошқарув унинг укаси отабек Ўзбек қўлига ўтди. Шу вақтда Форс Ироқида вазият ўзгарди: Ойтуғмишнинг тарафдорларидан бир гуруҳи мамлук Насриддин Менгли бошчилигида унинг ўзига қарши бош кўтарди. Биринчи жанглардаёқ 608-ҳижрий йилининг шаъбон ойида (январь, 1212 й.) Ойтуғмиш мағлубиятга учради ва Бағдодга қочиб кетди. Менгли Ҳамадон, Исфаҳон, Рой ва бошқа вилоятларни ишғол қилгандан кейин ўз номига хутба ўқитди ва тангалар зарб эттирди.

Ойтуғмиш Бағдоддан Ивоий номли туркман қабиласини бўйсундириш учун йўл олди, аммо, 610 ҳижрий йилининг муҳаррам ойида (июнь, 1213 йил) Менглининг одамлари томонидан ўлдирилди. Менгли халифага кескин оҳангда мактуб ёзиб, Ойтуғмишнинг ўлдирилганини маълум қилиш билан бирга халифанинг Форс Ироқи ишларига аралашмаслигини талаб қилди. Менгли ўзини мустақил ҳукмдордай тута бошлади, ундан ҳатто унинг подшоси Озарбойжон ҳукмдори Ўзбек ҳам қўрқиб қолган эди.

Мана шу вақтда Мозандаронда ўзаро уруш-жанжал бошланди, бунга Менгли ҳам аралашди. Мозандаронинг Бовандийлар уруғидан бўлмиш сўнгги ҳукмдори Шоҳ Ғози Рустам ибн Шаҳриёр ўз сарханги Абу Ризо

Ҳусайний қўлида ўйинчоқ бўлиб қолган эди. Абу Ризо Шоҳ Ғозининг синглисига уйланди ва Ғози Рустамни ўлдириб, 606-ҳижрий йили ўзини Мозандароннинг ҳукмдори деб эълон қилди. Аммо, унинг хотини ундан акаси учун қасос олди ва Абу Ризо Ҳусайнни қийнаб қатл этдилар.

Бундан хабардор бўлган Менгли Бовандийлар тахтини эгаллашга қарор қилди ва Шоҳ Ғозининг синглисига ўзига турмушга чиқишни таклиф қилди. Аёл эса бу таклифни рад этди ва Гурганжга мактуб юбориб, унда хоразмшоҳга турмушга чиқиш истаги борлиги ҳамда келин сифатида Мозандаронни беражагини маълум қилди. Хоразмшоҳ ўз одамларини тез орада совчиликка юборди ва тез орада Шоҳ Ғози Рустамнинг синглиси Гурганжга келтирилди. Аммо Хоразмшоҳ уни дарҳол ўз амирларидан бирига узатди (?). Мозандарон эса ҳеч қандай уруш ҳаракатларисиз султон тасарруфига ўтди.

Менглига келсак, Озарбойжон отабеги Ўзбек, халифа Ан-Носир ва Олам Ўтдаги исмоилийлар ҳукмдори (буларнинг ерларини Менгли тортиб олмоқчи бўлган эди) Жалолиддин Ҳасан иттифоқ тузиб, унга қарши ҳаракат бошлади. Халифа Ан-Носир Менгли эгаллаб турган Форс Ироқини учга бўлиб, бир қисмини ўзи олиб, қолган қисмини Ўзбекка ва исмоилийларга беришни ваъда қилган эди.

Ҳижрий 642 йил жумадул аввал (1215 йил сентябрь) ойининг биринчи куни Менгли кучлари тор-мор қилинди, ўзини ушлаб бошини кесдилар. Форс Ироқининг ерлари юқорида айтилгандай бўлинди. Отабек Ўзбекка теккан ерларнинг бети қилиб Менглига қарши урушда кўп хизмат қилган мамлук Сайфиддин Ўғулмиш тайинланди.

Шу нарсани эслаш зарурки, бу воқеаларга қадар хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад хизматида узоқ вақт хизматда бўлган Сайфуддин Ўғулмиш отабек Ўзбекнинг розилигини олиб, хоразмшоҳнинг номини хутбага қўшиб ўқита бошлади. Тарихчи ан-Насавий Сайфуддин Ўғулмишни «хоразмшоҳнинг Ироқдаги ноиби» деб атайди.

612 (1215) йили хоразмшоҳлар мулкига Қирмон ҳам қўшилди. Бу иш хоразмшоҳнинг Завзондаги беги Аминиддин Абу Бакрнинг ёрдами билан қилинди. Шу вақтга қадар Қирмонга ҳокимлик қилиб келган Ҳарб ибн Муҳаммад ибн Абул Фазл хоразмшоҳнинг Аминиддин Абу Бакр ихтиёрига юборган аскарларига қарши дош бера олмаган эди.

Хоразмшоҳ ўрдуси (армияси) Кирмонни олгандан кейин шарққа қараб бурилди ва Белужистон ва Мукронни эгаллади. Кейин қўшинлар Ўрмуз бўғози қирғоғига чиқдилар ва Ўрмуз ҳокими Мақиқни бўйсундирдилар, шундан кейин Мақиқ хоразмшоҳга ўлпон тўлаб, унинг номини хутбага қўшиб ўқита бошлади. Ибн ал-Асирнинг хабар қилишича, Алоиддин Муҳаммаднинг номини ҳатто Уммонда ҳам хутбада ўқий бошлаганлар.

Сайфуддин Ўғулмиш Форс Ироқида хоразмшоҳ номи билан хутба ўқиганда халифа ан-Носир ҳам, Отабек Ўзбек ҳам норозилик билдиришмади. Аммо, халифа бу нарсани ўзининг обрўсига путур етказадиган иш деб билиб хоразмшоҳнинг Ироқдаги расмий вакили бўлмиш Сайфуддинни орадан кўтариш чораларини ҳам кўра бошлади. Исмоилийлар бошлиғи Жалолиддин Ҳасан билан келишган ҳолда, халифа, Ўғулмиш томонга (махфий) фидоий юборди ва у ҳаждан қайтганларни кутиб олиш пайтида Ўғулмишни ўлдирди.

Сайфуддин Ўғулмиш ўлдирилгандан кейин Форс Ироқида хоразмшоҳнинг номи билан хутба ўқиш тўхтади. Шу муносабат билан, хоразмшоҳ Форс Ироқида аҳволни тартибга солибгина қолмай, бу мамлакат устидан ҳукмронликни ўз қўлига олишга қарор қилди. Бундай қилиш яна шунинг учун ҳам зарур эдики, Озарбойжон ҳокими отабек Ўзбек ва унинг қўл остидаги ҳоким Форс отабеги Саъд ибн Занги (ҳар бири алоҳида) Сайфуддин Ўғулмишнинг ўлимидан фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар. Иккаласи ҳам Форс Ироқига қўшин юбордилар. Ўзбек Исфаҳонни қўлга олди, Ҳамадонга етиб борди. Саъд ибн Занги эса Рой, Қазвин, Ҳувор ва Симнон билан унинг ноҳияларини эгаллади.

Ан-Насавийнинг ёзишича, иккала отабек ҳам қулай пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди: «Бу ерда ҳеч ким йўқ эди-да, Ироқни ким ҳимоя қилиши мумкин эди? Улар султоннинг бу ердан йироқда эканини билар эдилар. Хоразмшоҳ Туркlар мамлакатига шўнғиб кетган, у ерда юксак мақсад чўққиларига кўтарилиб, «кофирларга» даҳшат солиш билан банд» дер эдилар.

Султон Алоиддин Самарқандда турганида Ўзбек ва Саъд ибн Зангининг ишларидан хабардор бўлди. У дарҳол «энг жасур йигитлар, энг ғайратли паҳлавонлардан» 100 мингга яқин суворийларни танлади, қўшинини Мовароуннаҳр вилоятлари ва чегара жойлардаги туркларнинг донғи кетган амирлари ва беклари билан кучайтирди.

Қумисда хоразмшоҳ лашкарларини иккинчи марта кўздан кечирди, ҳамда 12 минг енгил суворийлар бўлуги билан тез фурсатда Рой яқинидаги Ҳайли Бузург деган жойга етиб келди. Шу вақтда бу ерга Форс отабеги Саъд ибн Зангининг қўшинлари ҳам етиб келган эди, у шоҳ қўшинларини отабек Ўзбек қўшинлари деб ўйлаб унга ҳужум қилди. Аммо жанг-тўзон орасида хоразмшоҳ чодирини кўриб қолиб, ютқизганини тушунди ва жангни тўхтатди. Унинг қўшинлари қочиб кетди, ўзи эса «бош эгиб, ер ўпишга шошилди». Саъдни асирга олдилар ва хоразмшоҳ олдига олиб келдилар. Шоҳ аввалига уни қатл этмоқчи бўлди, кейин қўл-оёғини боғлаб Ҳамадонга жўнатишга буюрди.

Саъднинг мағлубияти ва асирга тушганини отабек Ўзбек Исфаҳонда эшитди ва саросимага тушиб нима қилишини билмай қолди: янги ерларни забт этиш учун Шарққа қараб юриш керакми ёки Хоразмшоҳнинг даҳшатли кучи олдида чекиниш керакми? Ўзбекнинг вазири Рабибиддин Дандон унга олиб бўлмас Фаррозин қалъасига кириб олишни маслаҳат берди, лекин Ўзбек бунга кўнмади. У ўзининг қўл остидаги ҳоким Аҳор Нусратиддин Пештегинга бутун қўшин ва мол-мулкини олиб, Табризга қараб чекинишни буюрди, ўзи эса икки юзта ғуломи билан Озарбойжоннинг чиқиб бўлмас тоғларида яширинди. Аммо, хоразмшоҳ суворийлари Маяниж атрофида Нусратиддинни қувиб етди ва уни енгиб, отабек Ўзбекнинг ҳамма мол-мулкини ўлжага олди, Нусратиддин билан вазир Дандон асир тушди.

Хоразмшоҳ қочиб кетган Ўзбек ҳузурига ўз элчиси Насриддин Давлатёрни юбориб, отабекдан тобе бўлишни, хоразмшоҳ Алоиддин номи билан танга зарб қилишни ва хутба ўқишни талаб қилди. Ўзбек бу талабни қабул қилди. Аррон ва Озарбойжондан тортиб, то Дарбанд ва Ширвонгача бўлган жойларнинг минбарларида султон шарафига хутба ўқитди. Ундан ташқари Ўзбек «итоатгўйлик белгиси» сифатида хоразмшоҳга Фаррозин қалъасини топширди. Ўзбекнинг ҳамма хазинаси хоразмшоҳ қўлига ўтганини ҳисобга олиб, у отабекни ўлпон тўлашдан озод қилди.

Шундан кейин отабек Ўзбек унинг ерларига гуржийлар ҳужум қилаётгани ҳақида хоразмшоҳга арз қилди, хоразмшоҳ Гуржистон қиролига элчи юбориб, уни «Ўзбекнинг мамлакатига ҳужум қилишдан ўзини тийиши кераклигини, бу мамлакат хоразмшоҳнинг мулкига айланганлиги ва бу ернинг минбарларида унинг номи би-

лаш хутба ўқилиши ва тангалар зарб этилганини» маълум қилди. Шу вақтнинг ўзида хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад Гуржистонга юриш қилиш учун 50 минг сувориини ажратди. Аммо Бағдодга юришга тайёрланиш муносабати билан Гуржистонга қарши қўшин юбора олмади. Султон элчиси Гуржистондан қайтиб келди, у билан бирга гуржи қиролининг «у юртнинг ғаройиб нарсаларидан» хоразмшоҳга аталган совғаларини олиб, гуржи элчилари ҳам етиб келган эди (Бу вақтда Гуржистонда Довуд Бинокор ва малика Тамарнинг ўғли Георгий IV Лаша подшоҳ эди — М. М.).

Форс отабеги Саъд ибн Зангини хоразмшоҳ авф этган эди, у билан шуғулланишга шоҳнинг фурсати етмасди, у халифалик пойтахтига юришга тайёрланарди. Шунинг учун Саъдга озодлик берилган эди. Бунинг эвазига у хоразмшоҳга икки олиб бўлмас қалъа: Истахр ва Ашканаванларни берди. Ундан ташқари хоразмшоҳ Саъд ибн Зангини ўз қариндошларидан бир қизга уйлантирди ва унга «мамлакати ҳирожининг учдан бирини ҳар йили султон хазинасига бериб туриш» мажбуриятини юклади.

Шундай қилиб, 614 (1217) йилга келиб, хоразмшоҳ нафақат Форс Ироқини, балки Мозандарон, Аррон, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Қирмон, Миқрон, Мангқишлоқ, Қеш, Сижистон, Ғур, Ғазна, Бомиёнларни забт этиб, Ҳиндистон чегараларигача етиб борди.

Тарихчининг ёзишича, хоразмшоҳ «бу мамлакатларни куч ишлатмасдан, курашмасдан, зўравонликсиз, вайронгарчиликсиз, фақат сиёсат, дипломатия йўли билан қўлга киритди. У қорахитойларни (қўрқитиш йўли билан) Мовароуннаҳрнинг бошқа турк ҳокимлари ва амалдорларининг ерларини эгаллаб олди — баъзиларини йўқотди, яширинганларини эса Хитойнинг узоқ ва чекка жойларида бошпана излашга мажбур қилди. Хоразмшоҳ 400 га яқин шаҳарни ўз давлатига қўшиб олди. Бошқа подшоҳнинг бундай музаффариятга кучи етмас эди. Бу ғалабаларга ўз «ақл-заковати билан эришди ва бу ғалабалар билан у ўзини зийнатлади».

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад эндиликда ўзини бутун оламнинг ҳукмдори деб билар эди, чунки Озарбайжон; Ширвон ва Арронни бўйсундирган, энди 50 минг кишилик қўшин тайёрлаб Грузияга юриш қилмоқчи, уни олгандан сўнг ўз қўшинларини Онадўлу ва Сурия томон юбориб, охирида Мисрга бостириб кирмоқчи эди.

Хоразмшоҳ бу ниятини амалга оширишга шошилмади, аммо, ҳарбий юриш ҳақидаги миш-мишлар Сурия

ва Кичик Осиё ҳукмронларини кўп беҳаловат қилди. Ғарбда Ироқ, Шарқда Ҳиндистонгача, Шимолда Орол денгизи ва Мангқишлоқдан, жанубда Ҳинд уммонигача бўлган ерларни ўз ичига олган энг буюк давлатнинг ҳукмдори бўлган хоразмшоҳ халифа Носирни ўзини бутун мусулмон дунёси ҳукмдори деб тан олишга ва халифалик пойтахти Бағдодда ўз номи билан хутба ўқишга мажбур қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Биринчи ўн йил хоразмшоҳ ва халифа ўртасидаги муносабатлар жиддий зиддиятларсиз ўтди, чунки бу даврда султон Алоиддин Муҳаммад давлат ичидаги қийинчиликларни ҳал қилиш ва чегараларини кенгайтириш ишлари билан машғул бўлди. Иккала зоти олий (халифа ва хоразмшоҳ) ҳукумат ва «Девони олий» ўртасида бўладиган алоқалар билан чекландилар. Хоразмшоҳнинг элчиларидан бири, билимдонлиги ва адабий фаолияти билан машҳур, халифалик пойтахтида бир неча бор бўлган вазир ва мунший Ибн ас-Сибоий эди (600) 1204 йилда вафот этган). «Уни Бағдодда иззат-икром билан қабул қилар эдилар ва у халифанинг мукофотларига сазовор бўлган». Ўз навбатида халифа Носир ҳижрий 601 йилнинг муҳаррам ойида (1204 йил, сентябрида) Бағдоддан Низомия мадрасасининг мударриси Фахриддин ибн аш-шайх Мажиддин Яҳё ибн ар-Робиани элчи қилиб, Гурганжга юборди. 603 (1206) йилда халифа Хоразмга иккинчи элчиси Наср ибн-Асъад ал-Хайрафийни юборди, у киши Ибн ал-Асл номи билан ҳам машҳур бўлиб, халифалик қўшинлари девонининг бошлиғи эди.

602 ҳижрий йилининг рамазон ойида (1206 йил, апрель) хоразмшоҳнинг элчиси Низомиддин Муҳаммад ибн Абдулкарим ас-Самъоний Бағдодга келди. Уни ҳурмат ва иззат билан қарши олдилар. Элчи халифа саройига кирганда удумга кўра, улуғ остонани ўпиши лозим эди. Лекин ас-Саъмоний «султоннинг юқори мартабали амалдори» ва Алоиддин Муҳаммаднинг энг яқин маслаҳатчиси бўлгани учун, ҳамма мусулмонларга шаърий бўлган бу расмиятни такаббурлик қилиб бажармади. Лекин уни барибир бу расмиятни бажаришга мажбур қилдилар, шундан кейингина халифага атаб дуои фотиҳа қилишга ижозат бердилар.

605 (1208) йилда халифа Носир Хоразмга элчи қилиб шоир Имодиддин Жаброил ибн Сарм ибн Аҳмад ас-Саъдий ал-Мисрийни юборди. Ал-Мисрий Хоразмга қандай топшириқ билан юборилганлиги номаълум. У

ҳижрий 605 йилнинг 19-рабиал охирида (1октябр 1208 йил) Бағдодга қайтиб келди.

Шу йили Бағдодга хоразмшоҳнинг навбатдаги элчиси келди ва у халифа (соқчилари) эскорти билан кутиб олинди. Жумадул аввалнинг иккинчи куни (12 октябрь, 1208 йил) элчини халифанинг вазири Фахриддин Муҳаммад қабул қилди. Жумадул аввалнинг 10-куни (22 октябрь) халифа элчига тўн кийгизди ва Хоразмга қайтиб кетишига ижозат берди.

Алоиддин Муҳаммаднинг элчилари Бағдодга қандай хизмат билан борганлиги ҳақида ҳеч бир манбада маълум қилинган эмас, фақат Насафий бу элчиликларнинг замирида нима ётганини қуйидагича изоҳлаб ёзади: «Султоннинг обрўси ошиб, унинг ишлари буюклаша бошлади... султон Бағдоддан Салжуқ сулоласидагидек катта ҳокимиятни қаттиқроқ талаб қила бошлади. Султон ана шундай вазифа билан бир неча бор элчилар юборди, аммо, розилик ололмади. Аммо, хоразмшоҳ ниятидан воз кечмади. У «шундай вақт келадики, узоқдан бери кутилган мақсад ва орзуни амалга ошириш учун қулай шароит туғилади» деди.

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад отаси Такиш эришса олмаган мақсадга етишиш учун, ўзини барча мусулмонларнинг султони эканлигини халифага тан олдиришни аҳд қилган эди. Хоразмшоҳ ўз талабларини қонуний, уларга эътироз билдиришга асос йўқ, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам хоразмшоҳ қорахитойларни тор-мор қилгандан кейин халифа Носирга мактуб юбориб, бундай деган: «Сендан аввалги халифалар Алп Арслон, Маликшоҳ ва яқингинада ўтган Санжар каби салжуқ султонлари билан қандай муносабатда бўлган бўлсанг, мен билан ҳам шундай муносабатда бўлгил. Бағдод ва Ироқда бўладиган ишлар менинг измимда бўлиши лозим, менинг номим билан хутба ўқишдан бошқа сенинг чоранг йўқ».

Халифа Носир хоразмшоҳнинг бу талабини ғазаб билан рад этди. Шунинг учун султон халифани четлатиш ёки унинг ҳокимиятини йўқотиш йўлларини қидира бошлади.

601 (1204) йилда халифа Носир халифалик вориси, ўз ўғли Абу Наср Муҳаммадни давлат ишларини эплай олмаганлиги учун номини хутбадан чиқариб ташлашга буйруқ берди. Ана шунда Алоиддин Муҳаммад биринчи марта халифага очиқдан-очиқ қарши чиқди. Тахт ворисининг исми барча мусулмон дунёсида ҳутбадан

чиқариб ташланди, фақат хоразмшоҳгина бу фармонни бажаришдан бош тортди ва ҳатто Форс Ироқига қўшин юбориб, (у ердаги подшоҳларни) ворис номи билан хутба ўқишга мажбур қилди.

Шундан кейин халифа билан хоразмшоҳнинг ўзаро адоватини кескинлаштирадиган яна бир баҳона топилди. Али ибн Абу Толибнинг авлодларидан бўлган Макка шаҳри ҳокимининг ўзбошимчалигига жаҳли чиққан халифа уни ўлдириш учун ҳуфиёна одамларини (исмоилийлардан) юборди. Аммо улар адашиб, ҳокимнинг акасини ўлдириб қўйдилар. Бу нарса хоразмшоҳнинг имомларга мурожаат қилишига сабаб бўлди. Султон ўз мурожаатида, «Халифанинг бундай қилиши уни тахтдан тушириш учун асос бўлади, ундан ташқари аббосийлар Али ибн Абу Толиб авлодининг халифаликка бўлган ҳуқуқларини тортиб олди» деди. Хоразмшоҳ адолат ўрнатиш учун халифа Носир ва умуман, аббосийларга қарши муқаддас уруш (жиҳод) эълон этишни имомлардан талаб қилди.

Хоразмшоҳнинг Бағдоддаги сўнгги элчиси қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмий халифалик пойтахтига хоразмшоҳ вазифаси билан бир неча бор қатнади. У охирги марта Бағдодга борганида олий девондан «Султон ҳокимиятини Бағдодда тан олиш»ни талаб қилди. Халифа вазирлари элчига хоразмшоҳнинг номи билан ҳеч қачон хутба ўқишга розилик бўлмаслигини, хоразмшоҳга ўзининг ерлари етарли эканлигини ва Бағдодда шоҳга қиладиган иш йўқлигини айтдилар.

Мужириддин Хоразмга қайтаётганида унинг Бағдод сафарига жавоб тариқасида халифалик унга Бағдод сўфийларининг бошлиғи, шайхлар шайхи Шаҳобиддин Суҳровардий (1145—1234)ни элчи қилиб қўшиб жўнатди. У ўз насиҳатлари билан хоразмшоҳни (ножўя) талабларидан қайтариши керак эди. Хоразмшоҳ Шаҳобиддинни ҳурмат билан кутиб олди. Шайхлар шайхи суҳбатдан олдин ҳадис айтиб, аббосийларни хафа қилишдан огоҳлантирганда, хоразмшоҳ: «Ваҳоланки, араб тилидан маълумотим кам бўлса ҳам, айтилган ҳадиснинг маъносига тушундим. Мен Аббос авлодининг бирортасига ҳам ёмонлик қилмадим ва ёмонлик қилишни ўйламаганман ҳам. Аммо, эшитишимча мўъминлар амирининг қамоқхоналарида пайғамбар авлодларидан баъзилари узоқ йиллар азобланадилар, улар қамоқларда бола-чақа қилиб, кўпаядилар. Агар шайх бу ҳадисни

мўъминлар амири ҳузурида қайтарганларида тўғри ва фойдалироқ бўлур эди», деди.

Шаҳобиддин Суҳровардий халифанинг тутган йўлини оқлай бошлади. Аммо, хоразмшоҳ бу гапларни эшитишни истамади. Халифанинг элчиси Бағдодга қайтиб борди, «ҳусумат аввалгидай давом этаверди» (Шаҳобиддин Насавий). Аммо, хоразмшоҳга қарашли мамлакатлардан Маккан-мукаррамга ҳажга бораётган зиёратчиларга, исмоилийларга нисбатан ҳам ёмонроқ муомала қилинаётгани хабарини эшитгандан сўнг, хоразмшоҳнинг сабр-косаси тўлиб-тошди. У барча хутбадан ва тангалардан халифа Носирнинг номини олиб ташлаш ҳақида фармон берди. Сўнг ҳижрий 609 (милодий 1212 йил) йилда Хоразм (мамлакатларидаги) уламолар ва имомлар анжуманини ўтказиб, улардан аббосийлар халифасини тахтдан тушириш ва ҳазрат Али Ибн Абу Толиб авлодидан Алоъул-Мулк ат-Термизийни халифа қилиб кўтариш ҳақида фатво чиқариб олди (Насавий),

Хоразмшоҳнинг ғазабини ошириб, уни Бағдодга қарши юриш қилишга ундаган воқеалардан охиргиси шу бўлдики, хоразмийлар Ғазнонни ишғол қилганларида, ғурий султонларининг дафтархонасидан халифа Носирнинг султонга қарши мактублари топилди. Халифа ғурийларга ёзган мактубида уларни хоразмшоҳлар давлатига ҳужум бошлашга қайраган (Алоиддин Жувайний, 1-том, 391-саҳифа). Халифанинг қорахитой амирларига юборган худди шу мазмундаги мактублари ҳам топилди. (Ибн ал-Асир, 9-том, 241-саҳифа).

Хоразмшоҳ қўшинлари Бағдодга қарши юриш бошлаб, (аванғори) Ҳамадонга етгани хабарини эшитган халифа Носир музокаралар йўли билан бу ишни тўхтатишга жазм қилди ва хоразмшоҳ ҳузурига яна шайх Шаҳобиддин Суҳровардийни элчи қилиб юборди. Аммо, бу сафар Алоиддин шайх Суҳровардийга лозим даражада иззат-ҳурмат кўрсатмади. Шайх Суҳровардий ўзининг бу элчилиги ҳақида бундай деб ёзади:

«Каминани (султон ҳузурига) таклиф этишди. Аввал каттакон шоҳона хайма (чодир) нинг даҳлизига кирдик, атласу парчалар билан безатилган бундай ҳашаматли чодирнинг дунёда ўхшаши йўқ эди. Бу даҳлизда мулуки (Ажам подшоҳлари) Ҳамадон, Исфаҳон, Рой ва бошқа вилоятларнинг маликлари (подшоҳлари) мартабаларига қараб, саф тортиб туришарди. Бу ердан бошқа бир шойи чодирга ўтдик — у ерда Хуросон, Марв, Нишопур, Балх ва бошқа (юртларнинг) маликлари саф тортиб

туришарди. Кейин жуда катта тилларанг чодир ҳиргоҳга кирдик. Ҳиргоҳ олдида жавоҳирлар қадалган сижофпарда тортилган эди. Хоразмшоҳ ҳали ёш, соқолли бўлиб, оддий тахт устида ўтирар эди. Султоннинг эгнида беш дирҳамли бухорий қабо (оддий чопон), бошида бир дирҳамли мўйна телпак бор эди. Камина султонга (халифанинг) дуои саломларини айтдим. Аммо, хоразмшоҳ индамади, каминага ўтиришни ҳам таклиф этмади. (Яна) ўзимни таништириб, аббосий халифалар наслнасабини зикр этдим ва халифа Носирни сабр-қаноатли, оққўнгил, адолатли ва тақводор одам эканлигини айтдим. Гапимни тугатгач, хоразмшоҳ таржимонга қараб деди: «Элчига айтгинки, у тавсиф қилган фазилатлар эгаси ҳозир Бағдодда эмас, яқинда биз Бағдодга борганимизда (халифалик тахтида) ўшандай (фазилатлар эгаси бўлади». Сибт ибнул Жавзий, аз-Заҳабий, Ибн ал-Касир, Ибн Тангриберди).

Демак, халифа Носирнинг ишончли вакили, мусулмон оламида машҳур сўфий Шаҳобиддин Суҳровардийнинг иккала сафарги элчилиги ҳам муваффақиятли чиқмади. Шундан сўнг 1217 йилнинг кузида Алоиддин Муҳаммад ўз қўшинларини Бағдодга юборди. «Бу қўшин шу қадар сон-саноқсиз эдики, дашту саҳролар хоразмийларга тўлиб кетди, шу қадар кенг жойлар ҳам бу қўшинларга торлиқ қилиб қолди». Ўрта асрларнинг тарихчилари бу қўшин миқдорини турлича кўрсатадилар. Сибт ибнул Жавзий бу қўшинни 400 000 ёки 600 000 жангчидан иборат, дейди. Насавий эса бу қўшинда 400 000 отлиқ, шу жумладан, 70 000 қорахитой жангчилари борлигини айтади. Кейинги давр тарихчилари бу қўшин миқдорини 300 000 жангчидан иборат эди, деб ёзадилар (Мирхонд, 3-том, Хондамир, «Ҳабиб ас-сиёр»).

Хоразмшоҳ Бағдодни эгаллаб, халифани тахтдан ағдаришга шу қадар ишонган эдики, у халифалик ерларини бўлғуси ҳокимлар, подшоҳларга алоҳида-алоҳида иқтоъ қилиб, бўлиб берган ва шу ҳақда тавқ-ёрлиқлар ёзиб, муҳр босган эди. Хоразмшоҳ лашкарининг 15 мингли олдинги қисми амирига Ҳулвон вилояти иқтоъ қилиб берилди. Бу амир тез орада Хулвонга етиб борди. Сўнг хоразмшоҳ бошқа бир амирни Бағдодга янада яқинроқ жойга юборди. Шундан кейин хоразмшоҳнинг ўзи асосий кучлари билан йўлга чиқди.

Аммо, хоразмшоҳ қўшинлари Хулвон яқинидаги Асадобод довонига етганида қалин қор ёғиб, изғирин совуқ тушди. «Уч кечаю уч кундуз тинимсиз қор ёғиб, ёпиқ-

лар ва чодирларни қор босди. Қордан оппоқ бўлган ерлар изғирин совуқ (қор, бўрон)дан ўлган сон-саноқсиз жангчиларнинг жасадлари билан яна қорайиб кетди. Туяларга ҳам қирон келди. Жангчилардан баъзиларининг қўлини, баъзиларининг оёғини совуқ уриб кетди. Бу фалокатдан қайғуга тушган султон (Алоиддин Муҳаммад) Бағдодни олиш ниятидан қайтди ва ўзининг қилмишидан пушаймон еди. Чекинаётган хоразмликларнинг кўпчилиги (арабларнинг) Парчам ва курдларнинг Хаккар қабиласига мансуб кўчманчилар тарафидан қириб ташланди. (Ибнул Асир, Жувайний, Рашидиддин).

Халифа Носирнинг элчиси Шаҳобиддин Суҳровардий хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг мағлубиятига шоҳид бўлди. Хоразмшоҳ бу элчини куч-қудратимни кўрсин, Бағдодни олишимга шоҳид бўлсин, деб ўзи билан олиб юрган эди. Фалокатга учраганидан сўнг хоразмшоҳ элчи Шаҳобиддинни мактуб билан Бағдодга қайтариб юборди. Насавий ёзишича, мактубида султон Алоиддин «Ҳар бир иймони бутун ва ақли соғ мусулмон учун лозим бўлган уят-андишани йўқотгани ва адолат қонунларини поймол қилгани учун афсусланиб, тавба қилаётганини билдирди». (Насавий. «Сийрат...»).

Аммо (яна қандайдир сабаб билан, эҳтимол халифанинг Чингизхонга мактуби топилганидан сўнг) султон яна халифанинг номини ва обрўйини тўка бошлади. Ҳижрий 614-йилнинг зул-қаъда ойида (1218 йил, февралида) хоразмшоҳ Ниншопурга келиб, масжидларда, жумъа намозларда «Халифа ўлган, унинг номини хутбадан ўчиринглар», деб фармон берди. Шу йилнинг муҳаррам ойида (1218 йил, мартда) эса, султон аввал Марвда, сўнг Балх, Бухоро ва Сарахсда халифанинг номини хутбадан олдириб ташлади. Аммо, нима учундир, Самарқанд, Ҳирот ва Хоразмнинг ўзида (имомлар) султоннинг бу фармонига амал қилмадилар. (Ибнул-Асир. В. В. Бартольд фикрича, Самарқанд, Ҳирот ва Хоразмда малика Туркон кўрсатмаси билан Бағдод халифасининг номи хутбада ўқилаверган. Бу фикр ҳақиқатга яқин. Чунки, султоннинг онаси Туркон хотун анча оқила бўлиб, узоқни кўзлаб иш тутган кўринади. — М. М.)

Яна ажабланарлиси шундаки, хоразмшоҳ эҳтимол, уялганидан Туркон хотун ҳукм суриб турган Гурганжга қайтмасдан, Самарқандга келган ва шу ерни пойтахтга айлантирган. Бунинг устига, Шарқ (Хитой) ва Мўғулистондан даҳшатли хавф ёпирилиб келаётгани ҳақидаги хабар тобора яқинлашиб, ташвишли тус олаётган эди...

4-боб

ХОРАЗМ ШОҲЛАРИ ДАВЛАТИНИНГ ҲАРБИЙ ТУЗУМИ

Салжуқийларга қарам яшашдан қутулиш учун олиб борилган курашнинг дастлабки пайтларидан то ўз давлатининг инқирозига қадар Хоразм шоҳлари ўзининг доимий қўшинларига эга эди, қўшинларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш ва уларнинг сонини тўлдириб туриш шоҳларнинг энг катта ташвиши бўлиб келган. Хоразм шоҳлари армияси яхши ўқиган, ҳар хил қуроллар билан қуролланган, унинг қўмондонлари жангларда бир неча бор жасорат ва тадбиркорлик кўрсатган эди.

Хоразм шоҳлари ўз давлатини тузган вақтда унинг армияси турк аскарларидан тузилган эди, қўшин бўлинмалари ва қисмлар қабилавий асосда ташкил қилинар эди. Ҳатто давлатнинг энг гуллаб яшнаган, аскарликка бошқа халқ ва қабила йигитлари олинган вақтларда ҳам туркlар қўшиннинг асосий ва жанговар қисмини ташкил қилар эди.

Манбалардан олинган маълумотларга кўра, Хоразм шоҳлари ўз давлатида мажбурий умумхалқ ҳарбий таълим тизимини жорий қилган.

Закария ал-Қазвиний давлат пойтахти Гурганж шаҳри ҳақида бундай деб ёзади: «Жуда кўп аҳолига эга бўлган бу улкан шаҳарнинг барча аҳолиси аскарлардир, ҳатто баққол, қассоб, нонвой ва бўзчилари ҳам аскардирлар. Айтишларича, қорахитойлар билан бўлган жангларнинг бирида султон Муҳаммад ибни Такиш енгилиб, шаҳарда беркиниб олган. Султон унга кўп бўлмаган одамлари билан қочган. Буни ҳеч кимга билдирмаслик учун у шаҳарга кечаси кирган. Тонг отган-

да у шаҳардан 30 минг отлиқ аскар билан чиқиб душманга қарши йўл олган».

Бошқа бир манба Ҳазорасп қалъаси Хоразмнинг энг бақувват деворларидан бири эканлигини эслатиб бундай деди: «унинг аҳолиси осмонга тонг юлдузи чиққанда туғилган ҳамда найза ва қилич сутини эмиб улғайган».

Давлатдаги қўшинлар сони Хоразм шоҳларининг ҳарбий юришларининг кўламига қараб ўзгариб борган. Масалан, 1195 йили ҳарбий девонхонанинг девоналарзи дафтарларида қайд қилинишича, Хоразм шоҳи Такишнинг қўшинида 170 минг суворий (отлиқ аскар) бўлган. Хоразм шоҳи Алоиддин Муҳаммад ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида бир неча кун ичида 70 мингга яқин отлиқ аскарни намойиш қилиши мумкин. 1214 йилда Форс Ироқига бостириб кирган Озарбайжон ва Форс ҳокимлари отабек Ўзбек ва отабек Саъдга қарши урушга отланганда Алоиддин Муҳаммад «100 мингга яқин энг мард ўғлонлар ва энг жасур баҳодирлардан иборат чавандозларни саралаб олган эди». Отабек Ўзбек ўзини Хоразм шоҳининг тобеълигига ўтгандан кейин, у шоҳдан грузинларга қарши урушга ҳарбий ёрдам беришини сўради. Муҳаммад эса «энг сараланган қўшиндан 50 минг чавандозни ажратиб, унга грузинларга қарши ҳужум қилишга буйруқ берди».

Хоразм шоҳи Алоиддин Муҳаммаднинг бошқарувида қўшинлар сони шу қадар ортиб кетган эдики, «У бамисоли қумдай бўлиб унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам номаълум эди». 1217 йилнинг кузида Хоразм шоҳи Бағдодга юриш қилганда «олдига шу қадар кўп қўшин солиб юрдики, уларни йўлларидаги жуда кенг йўл ва саҳролар ҳам сиғдиролмади».

615 (1218 йил) Хоразм шоҳи ялпи қўшинлар кўриги ўтказди, унда «150 минггга яқин отлиқ, 100 минг пиёда аскар қатнашди». Ҳар хил манбаларнинг берган бу маълумотлари йилномалар муаллифларининг муболағасидай кўриниши мумкин. Лекин, бу ерда келтирилган рақамлар ўз хизмати юзасидан рост гапириши лозим бўлган кишилар берган маълумотлар билан бир хилдир. Масалан, Ирбил ҳокимининг элчиси Музаффариддин Кўк-Бўри (1190—1233) Хоразмдан қайтиб келгач ўз ҳукмдорига «Хоразм шоҳининг бевосита қарамоғида 350 минг аскар бор» деб хабар беради. 1211 ва 1212 йилларда қорахитойлар билан бўлган жангларда

Хоразм шоҳи Алоиддин Муҳаммад фақат отлиқ аскарнинг ўзидан 400 минг кишини ишлатган. Бу маълумотларни Хоразм шоҳининг ҳарбий девонхона дафтарида қайд қилинган ёзувлар тасдиқлайди, уларга кўра Бағдодга юриш қилинганда 400 минг от ва туяли суворий қатнашган.

Ўрта Осиёга мўғулларнинг бостириб кириши арафасида Хоразмшоҳлар давлатининг қушинлари тақрибан, Туркистон ва Мовароуннаҳрда 400 минг отлиқ. Ўтрорда 20 минг, Бинокет вилоятида 10 минг ва Самарқандда 110 минг кишига етган эди. Ундан ташқари қўшинларнинг анчагина қисми Сижистон, Балҳ, Жанд, Ҳутталон, Қундуз ва Ёркентда эди. Ҳатто давлат инқирозга юз тутган давр Хоразм шоҳи Жалолиддин Мангбўрний замонасида ҳам, Ҳиндистонда 90 минг суворий, Кавказ ерларига ҳужум қилган пайтларда 200 минг суворий, Исфаҳон атрофида мўғуллар билан олиб борилган жангларда эса отлиқ ва пиёда бўлиб 100 минг аскар бўлган.

Шубҳасизки, оғир, енгил ва туяли суворийлар, ҳамда пиёдалар ва халқ лашкарларидан таркиб топган бундай катта ва қудратли қўшинлар тўпланишига, уни қурол-аслаҳа, кийим-кечак, озиқ-овқат, пул ва ем-хашак билан таъминловчи жуда катта ёрдамчи куч керак эди.

Хоразм шоҳлари доимий қисмлардан ташқари шахсий муҳофаза қўшини (харас)га ҳам эга бўлиб, улар мамлуклар (қул аскар)дан тузилган эди. Бундай қўшинни дастлаб Хоразмшоҳ Такиш тузган. Алоиддин Муҳаммаднинг шахсий қўшинида 10 минг киши бор эди.

Жанглар бошланишидан аввал Хоразм шоҳлари аҳолини ва халқ лашкарларини сафарбар қилар эди, ҳарбий юришлар вақтида халқ лашкарлари ҳақ олмас ва талон-торож ҳисобига яшар эдилар.

Давлатнинг энг олий ҳарбий бошқарув идораси девонал арз (ёки девонал жайш) бўлиб, унинг бошлиғи соҳиб девон-ал арз (ёки соҳиби девон-ал жайш, ёки ариз-ал жайш) ҳисобланар эди. Бир манбада айтилишича, давлатнинг энг олий ҳарбий бошқарув идораси девони арз дар жумлаий мамолик (мамлакат) дейилади.

Девом-арз ҳарбийларга қарашли ер-сувлар (иқтоъ), ҳарбийларга бериладиган маош ва ҳар хил тўловлар, шунингдек аскарларни рўйхатга олиш, уларни

ва уларнинг қўлидаги қуролларни текшириб туриш ишлари билан шуғулланар эди. Девон-ал арз ҳамма ҳарбийларга, уларга (мутажаннида) белгиланган маошларини (маважиб, арзак) ҳамиша маълум вақтда бериб турар, уларга зарур бўлган ҳамма нарсани берар ва ҳарбий бошлиқнинг (амалдорнинг) маошни ўз қўл остидагиларга тўғри тақсимлашини назорат қилар эди.

Баъзи катта вилоятларда маҳаллий ҳарбий бошқармалар бор эди.

Хоразмшоҳлар қўшинидаги иккинчи лавозим ҳарбий инспектор (нозириал жайш) бўлиб, у ҳарбий девонхона бошлиғининг назорати остида фаолият кўрсатар эди.

Хоразмшоҳлар лашкарларининг қўмондонига қоъид ёки муқаддам деган унвон берилар ва бунга машҳур ва энг қобилиятли амирлар кўрсатилар эди. Масалан, Хоразмшоҳ Эл-Арслон «ҳарбий қўмондон (ал-муқаддам ал-асокир) қилиб, қорлуқ амирларидан бири бўлган Шамсул Мулк ибни Ҳусайн Айёрбекни тайинлади». Шоҳ унга синглисини узатди ва ўз қўшинига қўмондон (қоъид жойшихий) қилиб олди». Алоидин Муҳаммад I нинг ҳокимияти вақтида Рой ўлкасининг беги ва ҳарбий қўмондон этиб шаҳзода Абул Фатҳ Юсуф тайинланган бўлиб, унинг унвони амир исфаҳсолар эди. Ўлкалардаги ҳарбий қўмондонларга соҳибал жойш унвони берилар эди.

Хоразм шоҳлари янги забт этилган ўлка ёки вилоят ерларини амирларга иқтоъ тариқасида тақсимлаб берар ва маҳаллий амирлар орасидан энг кўзга кўринганини уларга бошлиқ қилиб тайинлар ва унга амирал умаро (амирлар амири) номини берар эди.

10 минг кишилик суворийлар гуруҳига қўмондонлик қилган кишилар малик унвонига эга бўлар эди. Камдан-кам ҳоллардагина бундай унвонлар паст табақадан чиққанларга берилар эди. Масалан, шоҳ Алоиддин Муҳаммад даврида султон таштдори Аёз «малик даражасигача кўтарилди». Оддий халқ орасидан чиққан Муаййидал Мулк Қавамиддин ҳам малик унвонини олган, буни ан-Насавий «жуда қийин эришилган ютуқ» деб баҳолаган.

Жангларда алоҳида ўзини кўрсатган маликларга хон унвони берилар эди.

Хоразм шоҳлари қўшинидаги чопарларга човуш унвони, уларнинг бошлиғига эса муқаддам човушия деган ном берилар эди. Махсус хуфия ва айғоқчилар

бўлинмалари мавжуд эди (жосусия). Жосуслар «душманнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб турар, уларнинг ҳаракатини кузатиб борар, бу ўта муҳим иш эди».

Хоразм шоҳлари армиясида бош диний ҳакам (қозий ҳашам ва лашкарий ҳазрат ёки қозиял асокир) мавжуд эди.

Одатдаги уруш қуроллари — қиличлар, найзалар ўқ-ёйлар, ўралар ва дўнликлардан ташқари — Хоразм шоҳлари қўшинлари палаҳмонлар (манжаниқ), қамал қилиш машиналари (даббабат), «тошбақалар», яъни юрадиган миноралар (матарис), девор бузувчи мосламалар (жамалуқат) ҳамда ҳужум вақтида ишлатиладиган нарвонларга (салалим) эга эди.

Хоразм шоҳлари шаҳар қалъалари ва деворларини мустаҳкамлаш ва қурилишига катта эътибор берар эди. Ан-Насавийнинг езишига кўра Истаҳр ва Ашканаван қалъалари — «буларнинг олиб бўлмас эканлиги тўғрисида мақоллар тўқилган»; Илол қалъаси «энг мустаҳкам олиб бўлмас қалъалардан бири эди»; Ҳурондиз энг яхши қалъалардан бири бўлиб, «ҳавоза бургут каби бўлиб, унга яқинлашишнинг иложи йўқ эди»; Қоҳира — «унинг соқчи чироқлари қалъанинг баландлиги туфайли юлдузларга ўхшаб кўринар эди»; Устунаванд — «жуда бақувват қалъа бўлиб, бургутлар унинг баландлигига тенглашиб учолмас, мустаҳкамлигидан унга деворнинг ҳожати ҳам қолмас эди»; Ардахм — «ер юзидаги энг мустаҳкам қалъаларнинг бири бўлиб, ҳатто бургутлар ҳам ундан қанотларини қайириб ўтар ва қалъадаги кишилар қушларни фақат тепадан кўрар эдилар»; Фарразин — «ер юзида маълум бўлган энг забт этиб бўлмас қалъалардан бири эди».

Қалъалардаги гарнизонларга мустаҳфизлар қўмондонлик қилар эди.

Хоразм шоҳлари давлатида аҳоли тинчлигини сақлаш ва жазолаш ишлари билан шихналар ўз одамлари ёрдамида шуғулланарди. Одатда шихна лавозимига туркий ҳарбий бошлиқлар — амирлар тайинланар эди. Ҳукуматга хавфли бўлган барча ишларга шихна аралашар, аҳолини тузумга қарши қўювчилар ортидан қаттиқ кузатув олиб борар эдилар.

Хоразм шоҳлари босиб олинган барча вилоятлар, шаҳарлар ва қишлоқларга ўз шихналарини қўярди. 1165 йилда Хоразм шоҳи Эл-Арслон Деҳистонни босиб олиши билан у ерга ўз шихнасини қўйди. 1193 йилда шоҳ Такиш ўз укаси ва душмани Султоншоҳнинг

вафотини эшитиб, дарҳол Сарахс ва Марв шаҳарларини босиб олиб, уларга ўз шихналарини қўйди. Султон кейин амир Йиғон Сунқурни Исфаҳонга, Нусратиддин Жалолиддин Манкбурний Хуросонга амир Қулихонни, Муҳаммадни Озарбайжонга, амир Бадриддин Тутоқни, Ҳамадонга амир Сарир Маликни шихна қилиб тайинлади.

Хоразм шоҳларининг ҳужум қилувчи ва мудофаа қилувчи қўшинларини жанг вақтидаги ҳаракат тартиби қуйидагича бўлган: олдинги қисм — ўнг қанот — марказ — чап қанот — ортки қисм (аръергард) ва ўраб олувчи қисм (муқаддама ёки ёзоқ — маймана — қалб — майсара — муаххара ва ҳафия). Ҳар 10 минг кишилик гуруҳ кетидан аскарларнинг оилалари юрар эди, чунки кўп жангларда аёллар (хотинлар) қурол-аслаҳа тақиб қатнашар эдилар.

Уруш бошланишидан аввал ёки уруш эълон қилинган вақтда Хоразм шоҳлари ҳарбий кенгаш чақирар ва унда олдинда турган вазифалар муҳокама қилинарди, кенгашга йирик ҳарбий арбоблар, уламолар, фақиҳлар ва мунажжимлар таклиф қилинар эди. Аммо, бу кенгашлар нотўғри бўлса шоҳ шахсан ўзи қабул қилган қарорни маъқуллаш билан якунланар эди.

5-боб

ДАВЛАТ ВА САРОЙДАГИ АСОСИЙ ЛАВОЗИМЛАР

ХОРАЗМ ШОҲИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Хоразм шоҳлари давлатида марказий давлат идорасининг раҳбари (ал мажлисал олий ал-фахрияттожи) энг юқори мартабали мансабдор бўлиб, у вазир деб аталар эди. Вазир давлат раҳбарининг биринчи маслаҳатчиси бўлиб, у фақат шоҳнинг ўзигагина бўйсунар эди. Вазир шоҳ номидан расмий маросимлар, давлатлараро алоқалар, мустамлакалар билан олиб бориладиган музокараларда шоҳ номидан қатнашар, давлат раҳбари ва фуқаролар ўртасида воситачилик қилар, барча давлат амалдорлари, жумладан беклар ва ҳарбий бошлиқлар ҳам бўйсунар эдилар. Вазир девонхоналар амалдорларининг бошлиғи бўлиб (асҳобаддававин), уларни мансабга тайинлаш ва алмаштириш, нафақалар (арзак), моддий ёрдамлар (маважиб) жорий этиш ишларини бошқарар, ҳамда хазина ва божхона фаолиятини тафтиш қилиб турарди.

Вазирлик лавозими давлатда катта ҳурматга эга бўлиб, у ҳақда султон Санжарнинг бир мактубида шундай дейилади: «энг юксак маҳкама — вазорат (вазирлик) бўлиб, барча жамоат ишлари ҳамда одамлар ҳаётининг тўғри йўлдан бориши у билан алоқадордир, бунинг натижасида мамлакатнинг чиройи ва маҳобати ортади, давлатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилади. Ҳукмронлик навбати бизга келиб, бизнинг ҳокимият қуёшимиз ер юзи мамлакатларини ёритгандан буён, биз давлатимизга — Оллоҳ ўзи унинг қудратини оширсин!—ишончли, оқил ва қобилиятли вазир (дастур) топиб бериш фикру-хаёлида бўлдик; вазир — идора қилиш қонунларини биладиган, тўғри, давлат келажагини биладиган, ҳаётий тажрибага бой, яхши ишларга

бизни ундовчи, шон-шуҳрат ва ютуқларга етакловчи, фуқаролар аҳволидан бизни рўйи-рост хабардор қилиб турадиган, мусулмонлар фаолиятидан хабар бериб турадиган, қандай буйруқлар чиқаришимизни айтиб турадиган, кўрсатмаларига тўла равишда ишониш мумкин бўлган киши бўлиши лозим...»

Вазирларга садр, дастур, ҳожаий бузрук деган унвонлар берилар эди, вазир лавозимидаги киши ўзининг сиёҳдони (довот) ва маълум хил мовутдан ўралган салласи (дастор) билан ажралиб турарди. Вазир ташқарига чиққанда унинг олдида дастаси тилла билан қопланган тўртта найзалиқ киши юриб борар эди.

Хоразм шоҳларининг вазирлари ҳар доим, араб-форс мансабдорлари (Хоразм шоҳлари рўйхатида турк исмлари топилмайди) муҳитига мансуб кишилар бўлган. Вазир танлашда мазкур кишининг араб ва форс тилларини билиши, маъмурий ишлардаги лаёқати, сарой тартиб-қоидаларини билиши ҳал қилувчи шарт бўлган, кимнинг уруғ-авлоди эканлиги ҳисобга олинмаган.

Хоразм шоҳлари ўзларининг қабул вақтларида вазирни ўнг томонга ўтқизганлар. Вазир девонхонада қора курсида (даст) ўтирар; Низомул-Мулк унвонига эга бўлган вазир девонхонага кирган киши билан (ҳатто у шаҳзода бўлса ҳам) курсидан турмасдан саломлашар эди.

Хоразм шоҳлари салтанатида вазир лавозими дастлаб султон Отсиз ҳукуматида пайдо бўлган. Бизга унинг тўртта вазирининг исмлари маълум:

1. **Шамсиддин Абул Фатҳ** Муҳаммад ибни **Али** ибни Мусо. У 550 (1155) йилда дин йўлида ҳалок бўлган (шаҳид). Сарой шоири Фахрал Афодил Абу Ҳафс Умар ибни Муҳаммад ибни Умар ал-Хоразмий ал-Қудоий унга атаб қуйидаги марсияни ёзган:

Шамс (қуёш) қорайди Шамсиддин жудо бўлиб сендин,
Мозоринг мунаввар бўлди сенинг нурингдин.
Сенинг хотиранг бу дунёда ўчмас ва яшар,
Намозларинг соя бўлиб кетмас жисмингдан.

Таъна қилманг бизга, унинг ҳалокатидан
куйганимиз учун,

Чунки, унинг ўлимига инсон ҳам, жинлар ҳам мотам тутмоқда.
Токи Шарқда ва Ғарбда унинг хизматларини ёд этаркан, араблар, турклар ва форслар ундан фахрланар
замонлар, ер йўлбарслари ҳайратланар,
Сенинг фикрларинг моҳиятини билишга уринар.

2. **Абул Музаффар Саид** ибни Муҳаммад ибни Абдуллоҳ **ал-Фалакий ан-Нишопурий.** «У Хоразм ҳукмдорининг вазири эди, аммо, кейинчалик у шоҳдан қўрқадиган бўлиб қолиб, 533 (1138) йилда Хоразмни тарк этган. У ҳижрий 560 йилнинг шаввал ойида (август, 1165 й.) Дамашқда вафот этган».

3. **Баҳовуддин ал-Исфаҳоний** — машҳур Имомиддин ал-Исфаҳонийнинг амакиси.

4. **Имом Мажидиддин Абу Муҳаммад** Соҳиб ибни Муҳаммад **ал-Бухорий.**

Хоразм шоҳи Эл-Арслоннинг вазирлари: Қавомиддин Абу Нажм Суҳайл Ибни Абдул-Азиз ибни Абдул-Ғани ал-Хоразмий; Абул-Музаффар Саъид ибни Суҳл ал Амуқий ан-Нишопурий, 560 (1165) йилда вафот қилган. Рашидиддин Ватвотнинг ёзишича, яна бир вазир бўлган. Унга юборилган мактубларнинг бирида бундай ёзилган: «Мавлоно, ер юзининг ҳукмдори, ғалабалар соҳиби, бахтиёр, бутун олам садри, машриқ ва мағриб вазирларининг ҳожасига». Аммо, бу вазирнинг исми нималиги, у Хоразм шоҳларининг (Отсизгами ёки Эл-Арслонгами) қайси бирига хизмат қилгани номаълум.

Манбаларга кўра, Хоразм шоҳи Такишнинг вазири Низомул-Мулк Шамсиддин Масъуд ибни Али ал-Ҳаравий атоқли шахс бўлиб, у киши ўзидан кейин жуда яхши ном қолдирган.

Шамсиддин Масъуд Марвда шофийлар учун ажойиб бир масжид, Гурганжда эса катта мадраса, масжид ва қўлёзмалар сақланадиган хазина қуриб берган. Бу вазир ҳижрий 590 йилнинг жумодил-охир ойида (1200) исмоилий қули билан ўлдирилган.

Бу вазирдан бир ёш ўғил қолган эди, ёшлигига ва норозилигига қарамай, хоразмшоҳ Такиш уни отасининг ўрнига вазир қилиб тайинлади. Вояга етгунича ёрдам беришади деб, (тажрибали) амирларни унинг ихтиёрига берди. Ёш вазир ўз вазифаларини бажаришга киришди, атрофидаги аъёнлар ва фуқаро унинг иши-

дан мамнун эдилар. Аммо, бу ёш вазир хоразмшоҳ Такишдан сал аввалроқ вафот этди.

Хоразмшоҳ Такишнинг яна **Имомдул-мулк ас-Совий** ва **Қавомул-Мулк** ал-Амид Абул-Фатҳ Али ибн Абдулмалик **ал-Балхий** (бошқа манбаъда: Муаййид ал-Мулк Қавомид-давла вад-дин Тожул-ислом вал-муслимин ифтихор акобири Хоразм ва Хуросон) исмли вазирлари бор эди.

Низомул-Мулк Муҳаммад ибн Низомул-Мулк Баҳовуддин Масъуд **ал-Хиравий** хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг вазири эди. Аммо, хоразмшоҳ уни ишдан бўшатди ва онасининг маслаҳати билан ўрнига Низомул-Мулк Насириддин Муҳаммад ибн Солиҳни вазир қилиб тайинлади. Хоразмшоҳ онаси ва қипчоқ уруғидан бўлган баланд мартабали амирлар ҳурмати учун бу қобилиятсиз ва порахўр вазирни 7 йилгача мансабидан бўшатолмади. Манбалар гувоҳлик беришича, унинг «кибру ҳаво ҳамда исрофгарчиликдан бошқа хислати йўқ» эди. (Насавий).

Бу вазир мансабидан бўшаганидан кейин ҳам номаъқул ишлар қилаверганидан сўнг тоқати тоқ бўлган Алоиддин уни Хоразмга, «Ҳимоятпаноҳинг қошига бор!» деб Гурганжга юборди. Бундан хабар топган Туркон хотун пойтахт аҳолисини кўчага чиқариб, вазирни тантанали кутиб олди. Сўнг Насириддинни ўзига вазир қилиб олди. Туркон хотуннинг мулклари ҳисобланган Хоразм, Хуросон ва Мозандаронда шу вазирнинг фармонлари бажарилар эди. Бу вазир хоразмшоҳ ҳузурида эканида унинг олди-орқасида 4 найзабардор юрса, Туркон хотун фармони билан энди 8 найзабардор уни кузатиб юрадиган бўлишди.

Насавий ёзишича, «Жаҳон фотиҳи, ҳатто Хусравзодаларни ҳам бўйсундирган хоразмшоҳ Алоиддин онасидан чўчиб (тўғриси, ҳурмат қилиб) ўзининг биттагина хизматкорига жаҳл қилолмас эди.

Алоиддин Муҳаммад яна бир вазири — арабий ва форсийда бемалол шеър ёзадиган маърифати билан машҳур **Алоул-Мулк ал-Алавий** эди. Хоразмшоҳ мўғуллардан енгилиб, мамлакатни ташлаб кетганида Алоул-Мулк Чингизхон хизматига борди ва буюк ҳоқон уни иззат-ҳурмат қилиб, яқин аъёнлари сафига қўшди (Ибн Аби Усайбиа).

Мўғуллар ҳужуми арафасида Алоиддин Муҳаммад вазирлар хизматидан воз кечди ҳамда «вазирлик ишларини 6 вакилдор ҳал этсинлар» деб фармон чиқар-

ди. (Хоразмшоҳ вазирларининг садоқатига ишонмаганидан шундай қилгандир. Аммо, унинг бу иши ҳам давлатга зиёнли бўлиб чиқди — М. М.) Вакилдорлик хоразмшоҳ ҳузуридаги кенгаш (кичик парламент) бўлиб, шоҳ маслаҳатига мувофиқ, шу 6 вакилдор подшоҳнинг фармонини маъқуллаганидан кейингина бу фармон эълон қилинар эди. Қотибул-иншо Низомиддин, Мужирул-Мулк Тожиддин, Абул-Қосим Умар ал-Бистомий, амир Зиёвуддин ал-Бнёбонагий, Шамсиддин Қулободий (ёки Ғулободий), Тожиддин ибн Карим аш-Шарқ аш-Нишопурий ва Шариф Мажиддин Муҳаммад Насавий шу кенгаш аъзолари эдилар.

Аммо, хоразмшоҳ ўйлаб топган бу янгилик ўзини оқламади, вакилдорлар кенгаши бирор ишни (мустақил) ҳал этолмадилар.

Вилоятларни бошқарувчи вазирлар ҳам давлатнинг катта амалдорлари эдилар. Бундай вазирлар фақат хоразмшоҳлар давлатида учрайди (Бу фикр мунозарали — М. М.). Бу лавозимга обрўли, юксак мартабали одамлар қўйилганига қараб, улар ё хоразмшоҳларни ўзига қарашли ерларни, ёки сиёсий жиҳатдан муҳим мавқеъ тутган вилоят ва шаҳарларни бошқарганлар.

Хоразмшоҳ Отсиз даврида Мозандарон вазири **Мажидиддин Шарафул-ислом бўлган**. Алоиддин Муҳаммаднинг Нисо шаҳрида **Заҳириддин Масъуд ибн Мунаввар Шоший** исмли вазири бўлиб, у шаҳар истеҳкомлари учун жавобгар эди. Султоннинг Деҳистон ва Мозандарондаги вазири **Алоиддин Деҳистоний** бўлиб, у исмоилийлар чегараларига кўз-қулоқ бўлиб турарди. **Сафиуддин ал-Акро** Туркlар мамлакатида, Ўтрорда вазир эди, у Хоразм давлатининг шарқий чегараларида юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиб турар эди. Султоннинг Жанд шаҳридаги вазирлари — Нажибиддин Шаҳризўрий, сўнг унинг ўғли Баҳоул-Мулк Ҳожа, кейин Фахриддин Али ибн Абул-Қосим Жандий (келгусида султон Жалолиддин вазири) эдилар.

Бир вақт Исмоилийлар билан чегарадош бўлган Жарбозокон вилоятида вазир бўлиб турган Имодул-Мулк Муҳаммад ибн Шадид ас-Совий оқил ва фозил одам эди. Мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳ уни Форс Ироқида ҳукмдор бўлиб турган ўғли Рукниддин Ғурсанчтига вазир қилиб йуборган эди.

Султоннинг Нишопурдаги вазирлари ҳожа Шарафул-Мулк ва Мужирул-Мулк Кофийиддин Умар ар-Руҳҳий эдилар.

Султон Алоиддин Муҳаммад ўғли Жалолиддинга Ғазнон, Бомйон, Ғўр, Буст, Тагинобод, Заминдевор ҳамда Ҳиндистонга чегарадош вилоятларни (иқтоъ қилиб) берганида унга «саҳоватда, камтаринликда ва мўъминликда беқиёс, ҳукмдорга муносиб барча фазилатлар кони» Шамсул-Мулк Шаҳобиддин Ҳиравийни вазирликка тайин қилган эди. Бу вазир султон Жалолиддин Ҳиндистондан чекинаётганида жангда ўлди (Султон Жалолиддин Ҳиндистонни эгалламаган, у ерда Шамсиддин Элтутмиш подшоҳ эди. Султон у билан жанг қилишга чоғландию, аммо Элтутмишнинг мактубларидаги доно фикрларни ўқиб, уришмай кетиб қолган эди — М. М.).

Султон Алоиддин (бошқа ўғли) Ғиёсиддин Пиршоҳга Кирмон, Қош, Миқрон вилоятларини мулк қилиб берганида (вакилдорлардан бири) Тожиддин ибн Карим Нишопурийни вазирликка тайин қилди. Ғиёсиддин Пиршоҳ бу вазирини Бағдод халифаси Зоҳир (1225—1226) саройига вакил қилиб юборган. У халифадан Ажам Ироқини Ғиёсиддинга бағишлашни ва султон Жалолиддинга қарши курашига ёрдам беришни илтимос қилган. Халифа Носирнинг (ака-ука султонларни уруштириш сиёсатини давом эттирган халифа Зоҳир бу илтимосга рози бўлиб, Ғиёсиддинга ёрдам учун 30 минг динор маблағ берган эди.

Ғиёсиддин Пиршоҳ 1224 йилда Озарбойжонга босиб кириб, отабек Ўзбекнинг мамлакатини, жумладан, Нахичевонни тортиб олганида у мана шу муҳим чегара вилоятни ўз ҳожиби Садрул-милла вад-дин Абул-Баракот Усмонийга топширган эди. Бу ҳақда Ғиёсиддиннинг фармони сақланиб қолган.

«Биз яқинда Нахичевон вазирлигини ҳазрат Усмон ибн Аффон наслидан бўлмиш Садрул-милла вад-дин Абул-Баракот Усмонийга топширдик, токи у (ўша ерда) кофирлар ҳукмронлиги даврида вайрон бўлган жойларни қайта тиклаш, адолат ўрнатиш ва мусулмонлар ва мушриклар аҳволини яхшиласин, ҳар кимни хизматига яраша тақдирлаб, азалдан олинаётан солиқларни: мусулмонлардан ҳирож ва зиммийлардан жизйа ундириш билан шуғулласин.

Агар аҳли қалъадан бирор одам кофирликдан кечиб, мусулмонлар ҳимоятига ўтса, ундай одамни жизяни тўламагани учун жавобгарликка тортилмасин. Вазир масиҳийларга ўз черковларини қуриш ва таъмирлаш ишларига, уларнинг жамоаларига, йиғинларига

қаршилиқ кўрсатмасин. Айни вақтда вазир аҳдоси муқдасга (жиддий бидъатларга) йўл қўймаслиги керак. Бундан ташқари, масиҳийлар қуёш ёки юқори табақадан бўлишидан қатъий назар мусулмонлардан алоҳида яшашлари, от минмасликлари ва қурол тутмасликлари учун зарур тадбирлар кўрсин.

Садриддин йўлларни қўриқлаш ва зиммийлар аҳлидан бирор кимса дорул-исломдан дорул-куфр тарафга қочиб ўтмаслигининг чорасини кўрсин. Бирорта (мусулмон) савдогар кофирлар ерига қурол билан, қуллари ва моллари билан кирмасин. Агар дорул-куфрдан бирор кимса дорул-исломга ўтишни ихтиёр қилса, ундай одамларни Садриддин иззат-ҳурмат билан кутиб олсин. Аммо, у шундай тадбир қилсинки, улар (дорул исломга ўтувчилар) керагидан зиёда ҳам бўлмасин (Бу вақтинча исломга ўтиб, қурол олиб, исён қилмасликлари учун эҳтиёт чораси бўлса керак — М. М.)...

Ҳиндистонда (Шимолий Ҳиндистондадир?) вазир **Шаҳобиддин Алп Ҳиравий** шаҳид бўлганидан сўнг султон Жалолиддин у ерга вазирлар бошлиғи қилиб, **Фахриддин Али Жандийни** юборди. Насавий ёзишича. «Толе унга (Фахриддин Алига) шундай мадад бердики, ул зот энг атоқли, насл-насаби. энг асл одамларга ҳам насиб этмаган юксак мартабаларга эришди. Шоншуҳрати (турли мамлакатларга ёйилган ва Хуросон ва Ироқнинг буюк эрлари тан олган зотлар ҳам бундай иззат-икромларга камдан-кам эришадилар».

Аммо, бу вазир (Фахриддин Али Жандий) «ҳужжатлар тузишни билмас, одоби ҳам етарли эмас, ҳисобкитобга, вазирлар билиши лозим кўп билимларга уқуви йўқ эди» (Насавий). Алал-оқибат бу вазир ўз султонига хиёнат қилди, шул сабабдан Жалолиддин уни қатл этишга фармон берди.

Жалолиддин султонлик қилган даврда ҳар бир шаҳарни бошқариш учун алоҳида вазир бор эди. Исфаҳон вазири **Низомиддин,** (Нисо вазири) **(Зиёул-Мулк Насавий,** Ширвон, Шака ва Қабало (Қарбало?) вазири **Сафиуддин Туғорий** эди. Сафиуддин бўшатилганидан кейин бу шаҳарларга — **Тожиддин Муҳаммад Балхий** вазир бўлди. Султон Жалолиддин Табриздаги вазири Шамсиддин Туғроий «Табриз аҳолисининг фақат молларига эмас, балки жонларига ҳам эгалик қилар эди». (Насавий). Туғроийдан кейин Табризга турк милатидан **Баҳовуддин Муҳаммад ибн Башир Ёрбек** вазир бўлди. Ва ниҳоят, Султон Жалолиддиннинг Нисо

шаҳридаги вазири «Сийрат султон Жалолиддин Мангуберди» асарининг муаллифи **Шаҳобиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Насавий** эди.

Бош ҳожиб ёки улуғ ҳожиб — хоразмшоҳлар давлатидаги юксак мансаблардан эди. Одатда ҳожиблар турк миллатидан бўлар эди. Ҳожиб хоразмшоҳга шахсий топшириқлари қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот берар, қабул маросимларини ташкил этар эди. Хоразмшоҳнинг бир неча ҳожиблари буларди. Улар доимо султонга ҳамроҳ бўлиб туришар, унинг энг муҳим топшириқларини бажарар эдилар.

Султон Алоиддин Такишнинг катта ҳожиби (ҳожибул-кабир) Шаҳобиддин **Масъуд ибн Ал-Ҳусайн** махфий равишда салжуқ султони Тўғрул-III ҳузурига бориб, ўртада мусулмонлар қони тўкилмаслиги **учун** у Ройни ташлаб чиқиб кетишини таклиф-илтимос қилган эди.

Султон Алоиддин Муҳаммаднинг ҳожиби **Эрбос ибн Саъдиддин** Саҳм ал-Ҳашам вазир Низомул-Мулк ҳузурига уни ноҳақ, ножўя ишлардан тўхтатиш учун юборилган эди. У вазирлик девони дафтарларини, рўйхатларини, архиви (маҳзан)ни, котиблари, молия амалдорлари (мутасаррифлар) ишини текширишга вакил қилинган эди.

Султон Жалолиддиннинг хос ҳожиби **Хонберди Сарухон Насавий** билан бирга султон номидан Ганжа исёнкорлари етакчиси Банддор билан музокарага юборилган. (Бу ҳожиб кейинчалик Кўниё султони Алоиддин Қайқубод хизматига ўтган). Султон Жалолиддиннинг яна бир хос ҳожиби Бадриддин Тутоқ ибн Инонч-хон исмоилийлар билан музокара олиб борган. У, 1225 йилда султон Жалолиддинга тобеълик билдириб келган Арзирум ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Тўғрулшоҳни қабул қилган. Бошқа бир вақтда Хонберди Сарухон халифа ал-Мустансирнинг элчисини султон Жалолиддин номидан қабул қилган ва кузатиб турган эди.

Манбаларда хоразмшоҳлар саройидаги турли мансаблар ҳақида қизиқарли маълумотлар сақланиб қолган.

Устоздор — хоразмшоҳлар саройида хизматкорларга бош бўлиб, отхоналар, емакхоналар, нонвойхоналар, шаробхоналар хўжалигини бошқарар эди. Султоннинг биринчи чорлашидаёқ устоздор етиб келиб, султон топшириқларини бошқа хизматкорларга етказар эди. Сарой

мансабдорларининг барча харажатлари унинг зиммасида эди.

Султон Жалолиддин 1223 йилда Жамолиддин аз-Заррodни устоздор қилиб тайинлаб, унга Ихтиёриддин лақабини берган. Тарихчи, мунший Насавий устоздорнинг вазифаларини бундай таърифлайди: «Устоздор хоразмшоҳдан олган ваколатига кўра, мамлакат хазиналаридаги даромадларнинг бир қисмини нонвойхоналарга, емаккоиаларга, отхоналарга, сарой хизматкорлари маоши ва бошқа эҳтиёжларига сарфлар эди. У, вазирга муставфийга, мушрифа, нозирларга ва уларнинг ноибларига берган маблағлари учун улардан имзо ва муҳр билан тасдиқланган тилхатлар олар эди. Унинг қўлида йирик мансабдорлардан ўн иккитасининг муҳри босилган тилхатлар бор эди».

1224 йилда султон Ироқни (Ажам Ироқини — М. М.:) қўлга киритганидан сўнг устоздор Жамолиддин Заррод хазинадан керакли маблағларни ола бошлади. Замона нотинч бўлиб, султон Жалолиддин у юртдан бу юртга кўчиб тургани учун устоздордан ҳисобот сўрамас эди. Шу боисдан Жамолиддин Заррод мансабини суиистеъмол қилиб, хазина маблағларини совурди. Аммо, бир куни султон ундан ҳисобот сўради. Текширувда ундан 150 минг динор камомад чиқди. Султон устоздорни ҳибсга олдириб, шу маблағларни талаб қилди. У, табиийки, совурган маблағини топиб беролмади. Шундан сўнг султон уни вазифасидан четлаштирди (камоматни ундириб олиш шарти билан бўлса керак). Ўрнига хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад вазирининг ўғли Шаҳобиддин Масъуд ибн Низомул-Мулк устоздор қилиб тайинланди.

Шаҳобиддин ҳалол, пок устоздор бўлиб, порахўрларга қаршилик қилди, хушомад ва лаганбардорларга «саховат» кўрсатмади. 1227 йилда бу мансабни олган Шаҳобиддин хоразмшоҳлар давлати охирига етгунича (1231 йил, август ўрталари) хизмат қилди.

Амир-оҳур (мирохўр) — сайисчи, султон отхоналари бошлиғи. Султон Алоиддин Муҳаммаднинг мирохўри. Ихтиёриддин Қушлу ихтиёрида 30 минг от бор эди. Бу султоннинг яна бир мирохўри Қўвчидоқ эди. Султон Жалолиддиннинг мирохўри «энг айёр мулозимлардан бири» Одоқ-хон эди, у султоннинг барча жангларида ёнида туриб қатнашган эди.

Амири шикор — султон овларини ташкил этувчи,

Султон Жалолиддиннинг шикор амири Сайфиддин Тўрт Або эди.

Таштдор — султон ҳаммомлари ва ҳовузларининг бошлиғи. Унинг қўл остида бир неча ғулом бўлган. Таштдорлар султонга жуда яқин одамлар эдилар. Алоиддин Муҳаммад таштдори Айозни малик (подшоҳ) даражасига кўтариб, ихтиёрига 10 минг отлиқ лашкар берган. Айозга яна «Бошларни танидан жудо қилувчи ва жонларни олувчи» (яъни, жаллодлик) хизматини ҳам берган эдилар. Султон Жалолиддин ҳам таштдори Жамолиддин Фарруҳга малик унвонини берган, у яна султоннинг шахсий элчиси вазифасини бажарар эди.

Шаробдор — султон шаробхонасининг бошлиғи. Шаробхонада ширин ичимликларни тайёрлаш учун шакар ҳам сақланар эди. Одатда амирлардан бири шаробдор бўлиб, унинг қўл остида бу ишга моҳир ғуломлари бор эди. Султон Жалолиддиннинг шаробдори амир Саъдиддин Али эди.

Қиссадор — бир ҳафта давомида султон номига ёзилган ариза ва илтимосномаларни йиғиб пайшанбадан жумага ўтар кечаси султонга топширар, эртасига султоннинг жавобларини ариза эгаларига топширар эди. Хоразмшоҳлар саройида қиссадор энг обрўли мансаблардан бири эди.

Султон Алоиддин Муҳаммаднинг қиссадори Нажибиддин Шаҳризўрий ҳукмдори ҳали султон Санжар даврида Хуросонда қўшин бошлиғи (соҳибул-жайш) бўлган вақтидан буён ёнида, шу вазифада эди. Бу мансаб анча обрўли бўлиб, урушлар бўлмаган, тинчлик пайтларида эгасига кўп даромад келтирган.

Чошнигир — у дастурхон ёзилганида султон таомлардан заҳарланмаслиги учун ўзи биринчи бўлиб татиб кўрар эди. Султон Жалолиддининг чошнигири Сайфиддин Тўғрул эди.

Фаррош — султон ўрин-тўшаклари сақланадиган фаррошхона бошлиғи. Унинг ихтиёрида гиламлар, чодирлар; кўрпа-тўшаклар бўларди. Фаррош ва махсус ўргатилган ғуломлар султон атрофида доимо ҳозир турар эдилар. Султон Алоиддин ва Жалолиддинларнинг бош фарроши Муқаррабиддин Муҳаммад ибн Иброҳим Паҳлавон Хоразмий эди. У, давлатнинг энг обрўли амирларидан бўлиб, Жалолиддин уни кўп хурмат қиларди.

Амирул-аълам (аъламдор) — султон байроқдори. Султон Алоиддин Муҳаммаднинг аъламдори Шамсиддин эди.

6-боб

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДАГИ ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАР

Тарих ва тарихий топография олимлари Хоразмшоҳлар давлати таркибига кирувчи бир қанча шаҳарларни (масалан, Бухоро, Самарқанд, Марв, Нисо ва бошқалар) ёзма манбалар, археологик ва этнографик тадқиқотлар асосида қиёсий ўрганиб, асосли хулосаларга келганлар. Археологлар турли ҳунармандчилик устахоналарини, бутун маҳаллаларни, айрим биноларни, кўҳна шаҳар деворларини ва бошқа жойларни қидириб топиб, шаҳарлар тарихини ва шаҳар ҳунармандчилигини ўрганиш учун етарли манбаларни тўпладилар.

Мазкур бобда буларнинг ҳаммасини бирлаштириш ва таҳлил этиш имконияти йўқ. Қизиққан ўқувчилар тегишли манбаларга мурожаат қилсинлар. Биз бу ерда XIII—XIV асрларга оид арабий ва форсий манбалар (Нисавий, Жувайний, Ибнул Асир ва бошқалар) асосида баъзи шаҳарлар тарихига оид маълумотларни тўплаб, ойдинлаштиришни мақсад қилдик.

Мўғуллар истилоси арафасида ва ундан кейин Хоразм давлатига кирувчи шаҳарларнинг қиёфаси қандай эди. Закариё Қазвиний ёзишича: ҳар бир шаҳар ўртасида яна бир кичик шаҳар бўлган. Кичик шаҳарнинг ўртаси кўҳандиз аталган. Марказдаги кичик шаҳарларни шаҳристон ёки арабча мадинатус-суғро (кичик шаҳар) деб атаганлар. Унинг атрофи девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳристон атрофида катта шаҳар (мадинатул-кубро) бўлиб, у ҳам девор билан ўралган ва бир қанча дарвозалари бўлган. Катта шаҳар атрофларида эса узумзорлар ва мевали боғлар, уларнинг теварагида — экинзор далалар бор эди.

Ёқут Ҳамавий фикрича, Мовароуннаҳр ва Хуросон

аҳолиси тилида кўҳандиз асли кўҳна диз, яъни, эски қалъа маъносини англатган. Самарқанд, Бухоро, Балх, Марв каби шаҳарларнинг ўртасидаги баландликда кўҳандизлар, эски қалъалар қад кўтарган.

Хоразмшоҳлар давлатининг маркази — Гурганж шаҳри эди. Закариё Қазвиний ёзишича, Гурганж — Жайҳун дарёси бўйидаги жуда катта шаҳар, аҳолиси жуда кўп.

Гурганжда мўғуллар истилоси арафасида 616(1219) йилда бўлган Ёқуб Ҳамавий: «Мен Гурганж каби буюк, бой ва гўзал шаҳарни кўрмадим», деб ёзади. Қазвиний эса Гурганж ҳақида бу гўзал шаҳарни «Жаннатдаги шаҳарни ва чимилдиқдаги келинчакни қўриқлагандай, фаришталар қўриқлайди», деб ёзган эди. Шаҳар ободончилиги Хоразмшоҳлар давлатининг гуллаб-яшнаши билан боғлиқ эди. Гурганж, айниқса, султон Такиш ва Алоиддин Муҳаммад даврларида юксалди. Хоразмшоҳлар ўз пойтахтини обод ва фаровон бўлиши учун ғамхўрлик қилганлар.

Гурганжда ўша замонлардаги барча касб-ҳунарлар тараққий этган эди. (Бир манбада 50 хил касб-ҳунар кўрсатилган). Закариё Қазвиний ёзишича, Гурганжда моҳир усталар, айниқса, темирчилар, дурадгорлар ва бошқа ҳунар эгалари ўз касбида баркамол эдилар. Гурганж наққошлари фил суягидан ва сандал дарахтидан ажойиб нақшлар ясар эдилар. Гурганж аёллари чеварликда моҳир эдилар, ипакчилар табиий ипакнинг олий навини етиштирган. Бинокор қурувчилар тол оғочидан шундай енгил (синчли) бинолар қурур эдиларки, бу ерда тез-тез бўлиб турадиган зилзила пайтида тош ва ғиштин уйлар қуласа ҳам, синчли уйларга зиён етмас эди.

Оддий ва карвон йўллари яхши қўриқлангани учун ички ва ташқи савдо жуда ривожланган. Закариё Қазвиний бир савдогар тилидан бундай ёзади: «Гурганждан катта савдо карвони йўлга чиқди. Гурганждан анча узоқлашиб кетганимизда мамлукларимиз (ёлланма соқчилар) исён бошладилар. Савдогарларга нисбатан мамлуклар кўп эди. Улар ўзаро тил бириктириб, бизга (камонларидан) ўқ ота бошладилар. Биз улардан «Мақсадларингиз нима?» деб сўрадик. Улар «Биз сизларни ўлдириб, молларингизни тортиб оламиз, молларни сотиб, ўзимизга от ва қурол-яроғ харид қиламиз ва султон Алоиддин Муҳаммаднинг хизматига кирамиз». Савдогарлар айтдилар: «Бу қизил матоҳларни сизлар

сотолмайсизлар, яхшиси бизга қолдиринглар, биз сизларга пул берамиз, бир одамимиз сизлар билан Гурганжга бориб, отлар ва қурол-яроғ олиб беради. Сўнг орангизда биттангиз амир бўласиз ва султоннинг хизматига кирасизлар». Мамлуклар рози бўлдилар. Гурганжга борган одамимиз шаҳар шихнасига (миршаблар бошлиғига) воқеани билдирди. Бир неча кундан сўнг шихна миршаблар билан бирга келиб, мамлукларни ҳибсга олдилар. Карвон Гурганжга қайтди. Ибрат учун халқ олдида мамлукларни дорга осдилар.

Гурганж савдогарлари ноёб молларини Бағдодга ва ҳатто олис Андалусга олиб бориб сотар эдилар. Рашидиддин Ватвотнинг Ироқдаги Хоразм ноибига мактубида Усмон ибн Исмоил Хоразмий исмли савдогарга ғамхўрлик қилиши сўралган (Р. Ватвот. Расоил.) Абул-Фатҳ Наср ибн Ҳасан Шоший исмли савдогар Самарқанддан карвон билан Андалусга бориб, савдо қилган.

Амударёнинг иккала соҳилига жойлашган Гурганж шаҳри, чамаси дарёдан тўғон билан ажратилган. Мўғуллар келгач, тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостирган. Етти ой давом этган қамал вақтида ҳам шаҳар анча вайрон бўлган, албатта. Сув босганида ва урушқирғинлардан фақат шайх Нажмиддин Кубро билан султон Такиш мақбаралари, шунингдек, Алоиддин Муҳаммаднинг қизи, Кўшки Оҳжуқ (қасри) ва бозорнинг бир қисми омон қолган (П. Карпини ва Г. Рубрук. Жувайний. Рашидиддин).

Мўғуллар истилосига қадар Гурганж жуда обод, аҳолиси жуда гавжум, зич эди. З. Қазвиний ёзишича, Гурганжда аҳоли кўплигидан кўчалар, бозорларда одамлар бир-бирига урилар, ўтиш қийин эди. Танура ва Майдон маҳаллалари, Қобилон дарвозаси номлари манбаларда эсга олинади.

Шаҳарда бозорлар гавжум бўлиб, савдо-сотиқни муҳтасиб назорат қилар эди. Муҳтасиб молларнинг сифатини, қоп, қанор ва идишлар тозалигини, мевалари янги узилганлигини, тош-тарозуларнинг тўғрилигини текширар, муттаҳамларни тарозудан уриб қолувчиларни жазолар эди. Муҳтасиблик лавозимига шончли одамлар ёки имомлар қўйиларди.

Гурганжнинг ва бутун Хоразмнинг (ўша замондаги) сўнгги муҳтасиби Абу Али Алоиддин Садид ибн Муҳаммад Хоразмийни илм ва амалда баркамоллиги учун султон Алоиддин Муҳаммад ҳурмат қиларди.

Хоразм вилояти туманлари (ноҳиялари)дан Тоҳирия, Қордор ва Мароҳард манбаларда эсга олинади (Юқоридаги бобларда ғўрийлар, қорахитойлар, ўғузлар ва хоразмийлар ўртасидаги жанглар муносабати билан бошқа ноҳия ва қишлоқлар ҳам тилга олинган — таржимон.)

Манбаларда Хоразм вилояти шаҳарлари ҳақида кўп маълумотлар сақланиб қолган:

Ардахушмисан (ёки Хушмисан) бозорлари гавжум ва аҳолиси фаровон катта шаҳар. Ёқут Ҳамавий бу шаҳарда 616 йил шаввол ойида (1219 йил, декабрь) яъни мўғул истилочилари келишидан бир йил аввал бўлган эди (тўғриси, 6—8 ой аввал — таржимон). Ўша қишда қаттиқ совуқ бўлиб, дарё музлаб, сайёҳлар тушган кема юролмай қолган эди.

Хевақ (Хева) — Гурганждан 15 фарсақ олисдаги қалъа шаҳар. Хоразм давлатининг барча бошқа шаҳарларида ислом аҳли ҳанафия мазҳабига амал қилса, фақат Хевақда шофийа мазҳабига амал қилар эдилар.

Дарғон (Дарғом) — чўлга яқин баландликдаги шаҳар. Ёқут Ҳамавий Марвдан Гурганжга келаётганида, бу ерда 616 йил рамазон ойида (1219 йил, ноябрида) бўлган эди.

Мавакон — Хазорасп ва Хушмисан оралиғидаги шаҳарча. Катта бозори ва жомеъ масжиди бор эди. Ёқут Ҳамавий бу ерда 617 (1220) йилда бўлган.

Говшфанж — Гурганждан 20 фарсаҳ олисдаги чиройли, гавжум шаҳар. Ёқут Ҳамавий бу ерда 616 (1219) йилда бўлган.

Қос (ёки Қиёс, Қиёт) — Гурганждан 20 фарсаҳ олисдаги катта шаҳар. Ёқут Ҳамавий бу ерда ҳам 1219 йилда бўлган.

Нузкат — Гурганж яқинидаги шаҳарча.

Ҳазорасп — мустаҳкам қалъа ва гўзал шаҳар. Бозорлари ва расталари кўп. Ёқут бу ерда ҳам 1219 йилда бўлган.

Сайёҳ олим Ёқут Ҳамавий бундан ташқари ўша вақтда Хоразмга қарашли Субурна (Сув бурни), Сарақуста, Мангқишлоқ шаҳарларини эслаб ўтади.

Манбаларга кўра, охирги икки хоразмшоҳ (Такиш ва Муҳаммад) даврида қишлоқлар ва ноҳияларда экинзорлар кўп эди. Бу жойларда пахта, қовун-тарвуз, турли мевалар етиштириларди. Мўғуллар истилоси арафасида бу ерларга келган Ёқут Ҳамавий «Хоразмдан

кўра гўзалроқ гуллаб-яшнаган ерларни кўрмадим», деб ёзган эди.

Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Хоразм вилоятида сув кам, атроф чўллар билан ўралгани учун ҳар қарич ерга экин экилар эди. Ер ости, сизот сувлар кўплигига қарамай, Амударёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб ям-яшил экинзордан иборат қишлоқлар бир-бирига туташиб кетган эди.

Хоразм воҳасининг ҳар бир қишлоғида бозор бор эди. Бозорсиз қишлоқ кам топиларди. Дарёга яқин бўлгани учун ҳар бир экинзор сув тошқини хавфининг олди олиниб, дарахтлар ва буталар аралаш девортўсиқлардан иборат тўғон билан тўсилган эди. Сув ҳар йили тошганида, ҳар йили бу тўғонлар ҳашар йўли билан янгиланар эди. Хоразмнинг кўпгина ерлари Амударёнинг Гавҳаре наҳри (канали) суви билан суғориларди. Наҳр чуқур бўлиб, унда кемалар қатнарди.

Манбаларда Хоразм вилоятидаги қишлоқлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Ёқут Ҳамавий фақат баъзи қишлоқларни санаб ўтади: Ҳарур, Газниз, Муборак, Навбоғ, Фарнифасон, Боф, Замаҳшар (машҳур аллома Абул-Қосим Маҳмуд Замаҳшарий Жоруллоҳ туғилган қишлоқ).

Манбаларда Бухоро «энг улуғ, энг катта, энг машҳур тенги йўқ гўзал шаҳар» деб таърифланади (Маҳмуд ибн Вали Бухорони — Моваройуннаҳрнинг пойтахти, деб ёзади (Баҳрул-асрор», 76-бет.)

Хоразм давлатидаги энг йирик шаҳарлардан бири — Бухорон шариф эди. Ўша замондаги бошқа шаҳарлар каби, Бухоро ҳам, ичкарисидаги кичик шаҳар Қўҳандиз ҳам мустаҳкам деворлар билан ўралган эди. Ташқи деворлар кўп марта қайта қурилган. Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад Бухорони олганидан сўнг ҳам деворларини қайта тиклашга фармон берган.

Манбага кўра, Бухорода ҳунармандчилик, айниқса, тўқимачилик юксак ривожланган. Айниқса, зарбоф, зандонийча, қирбос (сурп) газламалари машҳур бўлиб, бу матоларнинг олис мамлакатда ҳам харидори кўп эди.

Манбаларга кўра, Бухоро вилоятида Бомижкат, Тавовис, Бойканд (ёки Пойканд), Кармана, Маймурғ шаҳарлари, Агарун, Афсавон (Афшона?), Анисун, Боб, Бардиз, Биноб, Баракат, Байрами, Бобокат, Бошкашр, Тоза, Тараҳа, Хоражар, Ҳархор, Ҳурмисан (Хормайсан), Ҳардувон, Ҳаканжа, Хумҳисор, Зомин, Ромисан (Роми-

тан), Заръайна, Даҳфанд, Забағдувон, Сабзайун, Сурмарв, Сайёра, Шавакон, Шарафдон, Шакан, Ширвон; Тараб, Тус, Турнавоз, Ойшан, Фарахша (Варахша), Гудашфард, Кашкон, Қешакан, Наҳл, Нужобод, Навфар, Вардана, Варзан, Варкон, Варкот, Йувҳасун ва бошқалар.

Сўғд вилояти — серҳосил ерлари ва обод шаҳарлари билан машҳур эди. Самарқанд Сўғди манбаларда Ер юзидаги тўртинчи жаннат деб аталади (учтаси: Дамашқдаги Ғута, Форсдаги Шуъуб Бовванд, Басрадаги Убулла (З. Қазвиний). Сўғднинг барча шаҳарларида кўҳандиз ички қалъалари бор эди.

Сўғд вилоятининг маъмурий маркази — Самарқанд Ер юзидаги энг гўзал ва бой шаҳар деб таърифи кетган эди (Амир Темур замонигача ҳам). Ички қалъа девори ва шаҳар атрофидаги деворлар ўртасида серҳосил экинзори бўлган қишлоқлар, ер-мулклар бор эди. Шаҳарга тўртта дарвоза орқали кириларди. Ички шаҳарда қўрғошин қувурлар орқали уйлар, ҳовлиларга сув ўтказилганди. Шаҳар боғларга бурканганидан биноларнинг ҳатто марказдаги тепаликдан ҳам кўринмасди.

Самарқанд шаҳри дарвозаларининг исмлари сақланиб қолган: Боби Достон, Боби Кўҳак (ҳозир Улуғбек расадхонаси жойлашган — тарж.), Боби Тоқ, Намозгоҳ. Манбаларда баъзи маҳаллаларнинг номлари ҳам тилга олинади: Уштабезак, Бандилахон, Жокардиза (Чакардиза), Заъримас, Санж-азиза ва бошқалар.

Самарқанд ҳунармандлари, айниқса қоғоз усталари оламга машҳур эди. Самарқанд қоғозига сифат жиҳатидан фақат хитой қоғози тенг келарди.

Хитой сайёҳи Елйўй Чу Сой 1218 йилда Самарқандга келиб азим шаҳар шарафига шеър битган:

Кўзаларни очсангиз,
Хушбўй шароб оқади,
Дарёга тўр солсангиз,
Ширин балиқ чиқади.
Ҳирож тўламаслар боғбонлар,
Деҳқонлр ҳам солиқ тўламас.
Уруш хавфи келганда фақат —
Боғбон, деҳқон тинмай бир нафас,
Баланд тўғон тиклашар,
Евлар билан бўйлашар...

(Бу донишманд сайёҳ, Чингизхон илтимосидан кейин ҳоқон чақириғи билан Тибетдан келиб, ўлимнинг чораси йўқлигини бемор ҳоқонга айтган—тарж.)

Манбаларда яна хоразмшоҳлар давлатига қарашли қуйидаги шаҳарлар тилга олинади, Қаш (Шаҳрисабз), Шош (Чоч, Тошканд), Алоиддин Муҳаммад билан қорахитойлар орасидаги жанглар вақтида Сайҳун (Сирдарё) бўйидаги бу шаҳар вайрон бўлган. Мўғуллар истилосига қадар ҳам бу жойлар вайрона эди (Мана, худога шукр, XXI аср бўсағасида Тошканд ғоят гўзал шаҳарга айланмоқда — тарж.). Тароз (Тироз, Талас, Жамбул) — ислом ерларининг охири, нариёғи кўчманчи қорлуқлар ўлкаси. Хўжанд — Сирдарё бўйидаги бу шаҳарни султон Жалолиддиннинг сафдоши Темур Малик қаҳрамонларча мудофаа қилган.

Тирмиз (Термиз) — Жайҳун дарёсининг шарқий соҳилида жойлашган. Мустаҳкам қалъа деворлари бор. Аҳсикат (Аҳсикент)—Фарғона вилоятидаги шаҳар. Кўҳандизи ва уч фарсаҳли рабоди бор. Мадина — шаҳарқалъага тўрт дарвозадан кирилади .

Исфижоб (Сайрам) — катта шаҳар. Алоиддин Муҳаммад қорахитойлар билан урушган вақтда бузилган, аҳолиси кўчириб юборилган эди (ҳозир яна обод шаҳар).

Ўзканд (Ўзганд)—Фарғона вилоятидаги шаҳар. Қалъа деворлари, кўҳандизи (ички қалъаси), бир неча дарвозалари бор. Ўш катта шаҳар, унинг ҳам кўҳандизи, тўртта дарвозаси бор.

Насаф (Нахшаб, Қарши) — Самарқанд ва Амударё оралиғида, Қашқадарё ёқасидаги шаҳар. Кўҳандизи (ички қалъаси), работи, тўрт дарвозаси бор.

Банокат (Бинокат) — Мовароуннаҳрдаги катта шаҳар. Бу шаҳар илгари Фанокат аталиб, мустаҳкам қалъа эди, мўғул истилочилари вайрон қилган. Амир Темур даврида қайта тикланиб, Шоҳруҳия деб аталган (Маҳмуд ибн Вали. Б. Аҳмедов).

Неса, Нисо — дарё ва анҳори, қишлоқлари сероб шаҳар (ҳозир Туркманистон республикаси ҳудудида).

Хоразмшоҳ давлатига қарашли шаҳарлардан яна бири, буюк султон Санжарнинг пойтахти бўлган Марв (бу шаҳар Хорун ар Рашид ва ал-Маъмун ибн Хорун даврида халифаликнинг ҳам Шарқдаги пойтахти эди. Марв шоҳи Жаҳон деб ҳам аталарди.). Мўғуллар истилоси вақтида Марв ер билан яксон қилинди, аҳолиси қириб ташланди.

Хоразмшоҳлар давлатига бундан ташқари яна Балх, Вахш, Жандруд, Жанд, Қундуз, Ҳутталон каби вилоятлар ва шаҳарлар ҳам тобеъ эдилар. Хоразм давлати энг гуллаб-яшнаган даврда Хуросон, Мозандарон, Ғазна, Ғўр, Буст, Такинаобод, Заминдевор, Қирмон, Синд, Каш, Миқрон вилоятлари ва улардаги шаҳар, қишлоқларни ҳам ўз ичига олган эди.

7-боб

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДА ТАНГА ЗАРБХОНАЛАРИ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ

Хоразмшоҳларнинг ҳарбий-сиёсий ғалабалари (айниқса султон Такиш ва Алоиддин Муҳаммад даврида) давлатнинг иқтисодий қудратига асосланган эди. Бу давлатнинг иқтисодий қудратини марказдаги ҳамда унга тобе мамлакатлардаги пул хўжалиги, танга зарбхоналари, пул муомаласини назарга олиб, ўрганиш керак бўлади.

Хоразмшоҳлар номидан қайси шаҳарларда танга зарб қилинган? Бу саволга жавоб топсак, қолган масалалар ҳам ойдинлашади. Қўлёзма манбаларда шу ҳақда айрим маълумотлар учрайди.

Расмий ҳужжатга кўра, биринчи бўлиб хоразмшоҳ Отсиз ўз номидан танга зарб эттира бошлайди. 536 йилнинг шаввол (1142 йил, май) ойида султон Отсиз Марвни забт этиб, Нишопурни эгаллаш учун юриш бошлади. У, Нишопурга яқинлашганида шаҳарнинг обрўли вакиллари подшоҳни кутиб олишга чиқдилар ва агар султон аҳолига омонлик берса, талон-торожга йўл қўймаса, шаҳарни ҳазрати олийларига топширамиз, деб ваъда бердилар. Отсиз бу шартларга рози бўлди ва Нишопур аҳолисига мурожаат қилиб, (ҳокимиятга) бундай шартларини қўйди: «Мазкур мурожаат халққа ўқиб эшиттирилганидан кейин, Нишопурда бизнинг номимизга хутба ўқилиши, танга зарб этилиши ва тироз (султон исми, унвонлари нақш этилган, қимматбаҳо газлама) тўқилиши керак». Мурожаатда бу тангалар олтинми, кумушми, мисми — айтилмаган. (уччала хил танга кўзда тутилса керак — тарж.)

Бу ерда хоразмшоҳ Отсиз тангалардан ўз ҳомийси буюк султон Санжарнинг номини ёздирмай, ўз номидан

танга зарб қилишни кўзда тутган. Бунинг боиси — 536 йил сафар ойининг 5-куни султон Санжар Қатавон чўлида қорахитойлардан енгилиб, оғир аҳволда қолган ва тобеълигидаги Отсизнинг бу исёнига қарши чора кўришдан ожиз эди. Ҳар ҳолда хоразмшоҳ Отсиз номидан танга зарб этиш бу гал 5 ойгина давом этди, бу вақтдаги Нишопур тангаларида султон Санжар номи тилга олинмади.[1]

1167 йилда хоразмшоҳ Эл-Арслон (ибн Отсиз) Нишопурни фатҳ этганида ҳам, унинг вассали — тобеси Музайид Ой Або қўл остидаги ўлкаларда Эл-Арслон номи билан олтин динорлар ва кумуш дирҳамлар зарб қилинган.

Хоразмшоҳларга тобе бўлган кўпгина мамлакатларда ҳамда вилоятларда хоразмшоҳ номига хутба ўқилиб, тангалар зарб қилинган. 591 (1195) йилда Кирмон хоразмшоҳларга ўтганида султон Такиш номига тангалар зарб этилган.

Балх ҳокими Имодиддин ҳам 603 (1206) йилда, Ҳирот ҳокими Ғиёсиддин Ғўрий, Бамиён ҳокими Алоиддин, 606 (1209) йилда Мозандарон ҳокими (номи айтилмаган), шу йили Самарқанд подшоҳи султон Усмон ибн Иброҳим хоразмшоҳ номига тангалар зарб этишган.

Форс ва Озарбайжон отабеклари Саъд ибн Зангий ва Ўзбек 619 (1217) йилда Алоиддин Муҳаммаддан енгилгач, унинг номига хутба ўқитиб, тангалар зарб қилдилар. Султон Алоиддин Муҳаммад шарафига Аррон ва Озарбайжондан, то Дарбанд ва Ширвонгача масжидларнинг минбарларидан хутба ўқилган (Насавий, Ибнул Асир).

Хоразмшоҳ Жалолиддин 619 (1222) йилда мўғуллардан чекиниб, Ҳиндистонга борганида маҳаллий ҳукмдорлар Носириддин Қубочи (1205—1227) ва Шамсиддин Элтутмиш Муъизий (1211—1236), ражпутлар ва ҳаккарлар ўз имкониятидан келиб чиқиб, султон Жалолиддин номига кумуш ва мис тангалар зарб этди. (Султон Элтутмиш енгилмаган, у султон Жалолиддин-

[1] Бизнингча, бу жангда султон Санжар қорахитойлар томонидан мағлубиятга учраганида унинг омон қолганига хоразмшоҳ Отсиз ишонмаган кўринади. Акс ҳолда султон Санжардан кўп яхшилик кўрган хоразмшоҳ бундай қилмаган бўлур эди. Беш ойдан сўнг хоразмшоҳ султон Санжардан узр сўраб, яна тобеълик изҳор қилган — тарж.

га иттифоқчи бўлишни таклиф этган эди, султон бунга жавоб ҳам бермай, Гуржистонни эгаллашга кетиб қолди — М. М.)

Тарихий манбаларда хоразмшоҳлар номига танга зарб этилган барча шаҳарлар кўрсатилмаган. Аммо, топилган тангаларнинг ўзидаги ёзувлардан келиб чиқиб, қуйидаги шаҳарларда хоразмшоҳлар номига тангалар зарб қилинганини билиб оламиз: Мовароуннаҳрда — Самарқанд, Бухоро, Бароб (Фороб, Ўтрор), Хўжанд (Ўзганд), Термиз, Чағониён, Вахшда, салжуқлар ва ғўрийларнинг вилоятларида — Балх, Бомиён, Ғазнон, Ғўр, Гурузувон, Заминдовар, Йовмур, Қундуз, Марв, Нисо, Нишопур, Пешовар, Толақон, Фарвоон (Парвон), Шофуркон ва бошқа ҳаммаси бўлиб, 30 га яқин вилоят шаҳарларида хоразмшоҳлар номига тангалар зарб этилган. Айниқса, Такиш ўғли Алоиддин Муҳаммад даврида бундай тангаларнинг жуғрофий ҳудудлари кенгайган.

Султон Жалолиддин 623 (1226) йилда Тифлис ҳамда Шарқий Гуржистонни фатҳ этганида бу ерларда ўз номидан тангалар зарб эта бошлади. Тифлис шаҳри олинган вақтда малика Русудан хазинаси султон Жалолиддин қўлига тушгач, у малика Тамар, Георгий Лаша ва Русудан номларига чиқарилган тангаларга ўз номини ёздириб, қайтадан чиқарди.

Сомонийлар давридан бошлаб, кўпгина Шарқ мамлакатларида (доимий урушлар, вайронликлар ва бошқа сабаблар туфайли) олтин тангалар бозорларда камайиб, сифатсиз кумуш тангалар ва мис тангалар кўпайди. Олимлар фикрича, бунга кумуш конларида заҳираларнинг камайиб кетгани ҳам таъсир қилган...

Буюк салжуқлар давлатида олтин динорлар зарб қилинар эди. Ғазнавийлар каби, салжуқлар ҳам олтин динор оғирлигини турли мисқолларда чиқарар, аҳоли буни билар эди. Динорлар оғир, енгиллигига қараб, турлича аталарди. Салжуқлар замонида асосий зарбхона Нишопурда эди. Нишопур (Найсабур) динорлари анча юқори сифатли (92—98 фоиз соф олтиндан) эди.. Салжуқларга тобе бошқа баъзи йирик шаҳарларда ҳам юқори сифатли динорлар чиқариларди. Қизиғи шундаки, юқори сифатли олтин динорлар билан соф кумуш аралаш олтин динорлар бирдай муомалада бўлар, аммо, соф динорлар қимматбаҳо молларни олишга сарфланарди.

Дирҳамлар эса аввалларидек кумуш ва мис аралашма-

сидан тайёрланарди, кейинчалик (кумуш етишмай қолган вақтларда) миснинг ўзидан зарб этила бошлади. Султон Санжар давлатининг заифлашган иккинчи даврида сифатсиз кумуш ва олтин суви югуртирилган динорлар ва мис дирҳамлар зарб этилган.

Ғўрийлар юқори сифатли олтин динорлар зарб қилар эдилар. Алоиддин Муҳаммад ибн Такиш ғўрийлар хазинасини қўлга киритганида соф олтин динорлар бор эди. Ғўрийларнинг энг сўнгги динорларида ҳам олтин 98—99 фоизни ташкил этарди. Рукниддин чиқарган соф олтин динорлар рукний, Ғиёсиддин чиқарган динорлар ғиёси-ғўрий деб аталарди (Ғиёсиддин Муҳаммад б. Сом ва унинг ўғли Ғиёсиддин Маҳмуд шундай динорлар зарб этишган). Ғўрийлар олтин, кумуш, биллоний ва мис тангалар зарб қилганлар.

Алоиддин Муҳаммад ибн Такишга қорахонийлардан қолган хазинада олтин динорлар, кумушланган мис дирҳамлар ва фалслар бор эди. XII асрнинг II ярмида кумуш тахчил бўлиб қолган вақтларда кумушланган мис дирҳамлар қимматини давлат мажбурий белгилаб қўйган эди. Алоиддин Муҳаммад б. Такиш даврида ҳам шундай тангалар муомалада эди.

Ҳижрий 610 (мил. 1213—14) йилдан бошлаб, Самарқандда Муҳаммад б. Такиш номи билан кумушланган мис дирҳамлар зарб этилди. 610—612 (1213—1218) йилларда Бухорода ҳам султон Муҳаммад номига шундай тангалар зарб этилган. Тилло ва кумуш танга пуллар муомаласида султон Муҳаммад аввалдан қолган анъанага қараб иш тутди. Ҳатто тангаларда сосонийлар давридаги тож ва отлиқ шакли сақланди. Кумушланган мис дирҳамлар икки хил қийматда чиқарилиши савдо ишларида қулайлик туғдирган эди. 1219—20 йилларда Термиз ва Чағониёнда ҳам шундай, икки хил қимматдаги тангалар зарб этилган.

Ўша замонларда ҳам кумушланган мис тангаларни керагидан кўп чиқариб юборилиши инфляцияни — пул қадрсизланишини келтириб чиқарган.

Хоразмшоҳ ўз давлатини кенгайтирган вақтларида аввалги ҳукмдорларни сулолалари зарб этган динор ва дирҳамларни ҳам муомалада қолдирди. Сақланиб қолган хазиналардаги олтин тангалар таркиби шундан далолат беради. Бу хазиналарда хоразмшоҳларнинг тангалари билан бирга ғўрийлар, қорахонийлар, салжуқлар султонларининг тангалари ҳам учрайди. Яна бир қизиқ маълумот: Алоиддин Муҳаммад даврида бутун олтин

тангалар билан бирга яримта тангалар ҳам учраши — иқтисодий сиёсатда олтин оғирлиги, қиммати ўзгариб турганини кўрсатади.

Мўғуллар истилоси даврида, табиийки, бадавлат одамлар, ҳокимлар, вазирлар тилла тангалардан иборат хазиналарини барча шаҳарлар ва қишлоқларда кўмиб, яширганлар. Мўғул босқинчилари яширилган хазиналарнинг кўпчилигини топиб олганлар (Марв шаҳри олинганида мўғуллар тилла ва ёқут жавоҳирни яшириш учун ютиб юборган савдогарни қилич билан қорнини ёриб олган. Сўнг бошқа кўп бегуноҳ одамларни ҳам ичидан тилла чиқармикан деб, ўлдириб ёриб кўрганлар. Аммо, анча-мунча хазиналар асрлар давомида топилмай кўмилганича қолиб кетган. (Махсус илмий экспедициялар уларни излаш билан шуғулланган.) Бундай хазиналарнинг топилиши XII—XIII асрлардаги иқтисодий ҳаётни ўрганиш учун қимматли маълумотлар беради.

Баъзи хазиналарда илгари зарб этилган олтин тангаларнинг мўғуллар даврида чиқарилган олтин тангалар билан бирга топилиши — мўғул ҳукмдорлари ҳам аввалги подшоҳлар зарб этган тангаларни бекор қилмай, муомалага киритганидан далолат беради.

8-боб

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Хоразмшоҳлар давлатида, айниқса султон Такиш ва Алоиддин Муҳаммад даврларида маданий ҳаёт равнақ топган. Айниқса, қасидагўй ва достончи шоирлар ижоди гуллаб-яшнаган. Хоразм шеърият мактабининг деярли барча вакиллари сарой шоирлари эдилар.

Шулардан сўнг кўзга кўрингани шоир ва олим Рашиддиддин Муҳаммад ал-Умарий (1115—1182) эди. У паст бўйли, калбош, кўримсиз бўлгани учун Ватвот—жажжи қуш лақабини олган эди. У, Балхда туғилган ва Хоразм мадрасаларида таълим-тарбия олган. Мактублар ёзишда юксак маҳоратга эришгани учун юқори мартабаларга эришиб, уч ҳукмдор — Отсиз, Эл-Арслон, ва Такиш султонлар саройида котибул-иншо вазифасини бажарган. Арабий ва форсийда номалар битишга моҳирлигидан Хоразм султонларининг арзандаси бўлиб яшади.

Имом Рашиддиддин Ватвот мактубларини турли бадиий воситалар, ташбеҳлар, гўзал ўхшатишлар, нозик ва ўткир фикрлар билан безатиб, қофияли наср — сажъ усулида ёзарди. У, бошқа истеъдодли шоирларга ғамхўрлик қилар, шоирлар ҳам унинг етакчилиги, раҳнамолигини тан олар эдилар. У, (озар шоири Афзалиддин) Ҳоқоний билан яқин дўст эди, аммо, кейинроқ Ҳоқоний уни хоразмшоҳлар хонадонига қасидагўйлигини масхара қилиб, ижодини буюк султон Санжар хонадони қасидагўйи адиб Собир Термизийнинг ижодидан паст қўядиган бўлгач, буларнинг ораси бузилди. Султон Санжар ўзига тобе хоразмшоҳ Отсиз саройига доимий элчи-вакил қилиб юборган эди. Аслида адиб Собир Хоразмшоҳнинг қалтисроқ ишларидан султон

Санжарни огоҳлантириб, мактублар юбориб туриши керак эди. Аммо, Отсиз шоир адиб Собирни султон Санжарга барча гап-сўзларни етказиб турувчи жосус деб ўйлаб, дарёга чўктириб юборди. Бу гумонни хоразмшоҳга Рашидиддин Ватвот айтган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Рашидиддин Ватвот ўзининг шеърият нафосати ҳақидаги «Ҳадойи-қус-сеҳр фи дақойиқи аш-шеър» («Шеър санъатининг сеҳрли боғлари» китобини хоразмшоҳ Отсиз га бағишлади. У, кўпчилик қасидаларини Табаристон испаҳбоди (чегара вилоят ҳокими) Нусратиддин Абул-Фатҳ Рустамга бағишлар эди. Испаҳбод эса шоирга ҳар йили 500 динор олтин пул, ипак дастор, жубба ва ясатиғли от ҳадя қилар эди.

Ватвотнинг «Расоиъил» («Номалар») тўплами жуда қимматли. «Номалар» икки қисмдан иборат: 1. Халифалар, ҳукмдорлар (подшоҳлар), султонлар, вазирлар, амирлар, валийлар, қозилар ва муфтийларга битилган номалар. 2. Уламолар, шайхлар, машҳур кишилар, шоирлар, дўстлар ва бошқаларга ёзилган мактублар. Бу эса даврнинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ўрганишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдураззоқ ва унинг ўғли **Камолиддин Исмоил Исфаҳоний** — Исфаҳон шеърият мактабининг атоқли вакилларидир. Жамолиддин асли камбағал оиладан чиққан, сўнг меҳнатсеварлиги, қобилиятлари билан заргар, наққош, мўъжаз тасвирлар мусаввири (миниатюрачи) бўлиб етишди. Ўсмирлигидан бошлаб, шеър ёзарди. У, шеърларини яқин дўстларига, ҳукмдорларнинг яқин одамларига бағишлардию, ўзи сарой хизматига кирмаган эди. Жамолиддин Озарбойжонда, Ганжада бўлиб, Низомий-Ганжавий билан суҳбатлашди. Мозандаронда бўлди. Ватанига (Исфаҳонга) қайтиб келиб, ўз уйида яшаб, меҳнат қилди ва 588 (1192) йили вафот этди.

Жамолиддин асосан қасида ва ғазаллар ёзарди. Унинг айниқса исфаҳонлик Саъд ва Хўжандий хонадонларига атаган қасидалари машҳур. Ҳоқоний, Анварий, Ватвот каби буюк шоирлар ижоди Жамолиддинга таъсир қилган. Жамолиддин Исфаҳоний ижоди ғазалчилик равнақида муҳим ўрин тутади.

Жамолиддиннинг ўғли — **Камолиддин Исмоил** (1172—1232) — атоқли қасидагўй шоир. У, арабий ва форсийда ғазаллар битган. Камолиддин отаси каби шофийа мазҳабида бўлиб, тариқатга кирган, сўфий эди. Аммо,

сўфийлиги унинг нард ўйнашига ва шароб ичишига ҳалал бермас эди.

Камолиддин болалик чоғларидан шеър ёза бошлади. У, 20 ёшида отасининг ўлимига бағишланган машҳур марсиясини ёзди. Саъид хонадони Камолиддинга шон-шуҳрат келтирди. Аммо, унинг шуҳрати ошганини кўролмаган ҳасадгўйлар сабабли ҳаёти оғирлашди.

Гўзал маъноларни очгани учун Камолиддин «Ҳаллоқи маоний» («Маънолар яратувчи, ижодкор») лақабини олган. У, хоразмшоҳлардан Такишга, Алоиддин Муҳаммадга, Жалолиддин Мангубердига, Ғиёсиддин Пиршоҳга, Форс отабеги Саъд ибн Зангий ва унинг ўғли Абу Бакрга атаб қасидалар ёзди. Кейинчалик Камолиддин машҳур шайх авлиё Шаҳобиддин Умар ибн Муҳаммад Суҳравардийнинг таъсирига тушди ва шу руҳда тасаввуфий шеърлар ёзди.

Мўғуллар Исфаҳонга босиб келганида (1237 йил, 21 декабрь) бир мўғул хазина излаб, шоир Камолиддинни ўлдирди. У, сўнгги рубойисини ўз қони билан ёзди. (Бу вақтда султон Жалолиддин оламдан ўтган, мўғуллар зулми авжига чиққан эди).

Маликул-калом **Ҳожа Заҳириддин Тоҳир ибн Муҳаммад Фарйобий** (1160—1202) истеъдодли шоир эди. У бир вақт Нишопурда, Муаййид Ой-Абонинг ўғли Тўғоншоҳ саройида яшаб, ижод қилди. Сўнг Исфаҳонга кўчиб борди ва Хўжандийлар хонадонига мансуб Исфаҳон садрлари ҳимоятида ижод қилди. Заҳириддин Фарйобий бу ерда ота-ўғил Жамолиддин ва Камолиддин Исфаҳонийлар билан танишди ва дўстлашди. Кейинроқ Заҳириддин Мозандарон ҳокими Ардашер ибн Ҳасан саройидан ҳимоят топди. Ҳоким шоирга камбағалликдан қутулиб, бемалол ижод қилиш учун шароит яратиб берди.

Кўп ўтмай, кўпчилик атоқли шоирлар қатори Заҳириддин Фарйобий ҳам Табризга, Озарбойжон отабеги Қизил Арслон саройига яшашга таклиф этилди. Бу ерда у Ҳоқоний билан танишдива унга эргашиб қасидалар ёзди. Заҳириддин Фарйобий Табризда вафот этди. Сарҳобдаги Шоирлар мозорида Афзалиддин Ҳоқоний ёнида дафн этилди.

Асириддин Аҳсикатий (ваф. 1184) — хоразмшоҳлар замонасидаги атоқли шоир ва уламолардан бири. «Султонулфузало» («Фозиллар султони»). Асириддин Абулфазл Муҳаммад ибн Тоҳир Аҳсикатий асли Фарғона вилоятининг Аҳсикат шаҳридан эди. У, ғазални қадр-

ловчи ҳомийларни Озарбойжондан топди. Бу ерда Ҳоқоний билан танишди, унга эргашиб қасидалар ёзди (Давлатшоҳ Самарқандий бу шоир ҳақида ёзади: «Донишманд ва фозил киши эрмиш. Ширинсуханликда олий мартаба ҳосил қилган эрди. Асли туркистонлик. Аммо, Ироқи Ажам ва Озарбойжон шаҳарларида сокин эди. Ҳалҳол (Ғилонда) Мўғул ҳокими уни ҳузурига таклиф этди ва (шоир) умрининг охирини ўша диёрда ўтказди. Отабек Элденгиз Асириддин суҳбатига муштоқ эди, лекин учрашиш ва суҳбат унга муяссар бўлмади.

Аҳсикатийнинг дунёнинг олди-берди ишларидан воз кечишига тамом майли бор эди. Анварийга жавобан бир қасида ёзди ва нафсни қаноатга бўйсундириш, дунёни тарк этиш борасида бир неча байтни қасида сўнгига илова қилди:

Сен муриду, нафс сенга пешвоми, эй кўркам ақл,
Чунки, гоҳ Тўғрул, гоҳ Тўғон эшигинда сен мудом?
Тамаъгирлик феълини қувгил хаёлингдан Асир,
Айла пок ҳулқингни мадҳ айтмоқ балосидан тамом.

... Фазл эгалари Асириддиннинг шоирлигига тан берган эдилар. Баъзилар унинг сўзлари Анварий ва Ҳоқоний сўзларидан афзалроқ эканлигини айтганлар. Бошқалар бу фикрни қабул этмадилар. Инсоф билан айтганда мазкур учала фозилнинг ўзига хос бир шеваси бор. Асириддин сўзни донишмандона, Анварий завқ билан айтар эдилар. Ҳоқоний сўзга безагу оройиш беришда барчадан мумтоз эди... Хуллас; улар учаласи ҳам маънилар денгизининг ғаввослари эдилар ва ҳар бири ўша денгиздан кучи етганча дурлар олиб чиққандир» (Форсчадан Бўрибой Аҳмедов таржимаси).

Хоразмшоҳлар султон Такиш ва Эл-Арслон замонларида Бухорода яшаб ижод қилган Малик аш-шуаро ва малик ал-фузало мавлоно **Сайфиддин Исфарангий** ҳам Асириддин Аҳсикатийга эргашиб, ғазаллар ва қасидалар ёзган. (Давлатшоҳ Самарқандий бу ҳақда ёзади: «Сайфиддин толиби илм ва аҳли дил эди. Хушсуханликда олий мартаба топган. Девони машҳурдир. Уламо ва фузало унинг девонини Улуғбек кўрагон мажлисларида ўқир, унинг сўзларини Асириддин Аҳсикатий сўзларидан ортиқ кўрар эдилар. Лекин бундай дейиш ўта кибрланиш, далилсиз даъво бўлур эди. Мавлоно Сайфиддин Бухородан Хоразмга борди. Хоразм-

шоҳ Эл-Арслон унга иззат-ҳурмат кўрсатди ҳамда Хоқонийнинг бир қасидасига жавоб айтишни буюрди... Мавлоно Сайфиддиннинг девони 12 минг байтдан иборат. У, лафзгўйликда Бадриддин Шошийга эргашган...)

Хоразмшоҳлар замонидаги атоқли шоирлардан яна бири **Ғиёсиддин** Абул-Мажид Муҳаммад ибн Ҳасан ибн **Иброҳим ал-Жандий** эди. Тарихчи Ибнул-Фувотий ёзишича, Ғиёсиддин Жандий «энг гўзал ёзувчи шоирлардан бири, шеърлари ажойибдир. Мана унинг шеърларидан бир мисол (сўзма-сўз таржима):

Эҳтиросга берилиш — ақл қочганда
вужудни қизитувчи бир дарддир.
Севги — булоғин суви
ичаверсанг ширинлир,
ичаверсанг — аччиқдир.
Севгининг бошланиши — ташвиш,
охири — манфаатдир.
Яширин ишқ — ичингни ёндириб кул
қилур,
Ошкора ишқдан кўнгиллар бўлур нопок.
Севги азобин тортиш — нақадар оғир,
Қани энди бу азобга чидаёлсам.
Аммо, севги шабадаси
дилга роҳат келтирар,
Эҳтимол, фақат унинг ҳуш исидан
шифо топарман...

Хоразмнинг ўша замондаги машҳур шоир ва адибларидан яна **Фахрул-машойих Абул-Қосим** Али ибн Муҳаммад ибн Али **Адиб ал-Хоразмий** (ваф. 1165), **Фахрул-афозал Абу Ҳафз** Умар ибн **Муҳаммад ибн Умар Хоразмий, Камолиддин Абул-Фараж Йусуф** ибн Маҳмуд ибн Аҳмад **Самарқандий, Муайяниуд-дин Абу Саъд Иброҳим** ибн Форис ибн Рустам **Хоразмий ва бошқаларнинг** номларини келтирамиз.

Хоразмшоҳлар давлатида бундан ташқари, фан ва маданият, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ёрқин из қолдирган буюк алломалар яшагани манбалардан маълум. Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз;

1. **Ал-Ҳаким Али ибн Муҳаммад ал-Ҳижозий ал-Қоъиний** атоқли шифокор, тиббий илмларнинг кони, ақл бовар қилган барча илмларнинг билимдони эди. Унинг тиб илми ва амалига оид номалари бор (расоъил).

«Энг буюк султон Санжар шарафига у «Китоб мафоҳирул-атрок» («Туркларнинг фахрли ишлари ҳақида китоб») ёзган. Ҳаким Али Ҳижозий «Китоб-фил-ҳикмат» асарини адолатли жаҳонгир хоразмшоҳ Отсиз ибн Муҳаммад шарафига битган. Ҳижозий 90 йил умр кўриб, 546 (1151) йилда оламдан ўтди. У, Умар ал-Ҳайёмийнинг муносиб шогирди эди.

2. Файласуф олим **Баҳовуддин** Абу Муҳаммад Абдул-Жаббор ибн Муҳаммад Собит ибн **Хорогий** — «Марв донишмандларидан бири, астрономия ва мантиққа доир асарлар муаллифи. Адолатли жаҳонгир хоразмшоҳ (Отсиз) 536 йилнинг рабиул-аввали (1141 йил, октябр) ойида Баҳовуддин Хорогий илмини қадрлаб, Хоразмга чақириб олди. Бу олимнинг тарихга оид китоблари ҳам бор (Байҳақий. Татиммат).

3. **Абул-Мафоҳир Муҳаммад** ибн Муҳаммад ибн Абдул-Жалил Умарий котиб **ал-Бухорий ал-Хоразмшоҳий.** Лақабига кўра, Муҳаммад Умарий хоразмшоҳ (Отсиз) саройида котиблик қилган. Абул-Ҳасан Байҳақий бу ҳақда ёзади: «У имоми бузург ва амири кабир саъдуддавла ваддин, соҳиби усул ва фузул, ҳайрул-ислом ва муслимийн, аржуманди ҳукамо ва салотин, афсаҳулоламийн... Хоразм ва Хуросоннинг уламои киромларининг етакчиси эди, алҳамдулиллоҳ!»

4. Амир саййид **имом Зайниддин Исмоил ибн Ҳасан табиб.** «У нодир асарлари билан тиб ва бошқа илмларга жон киритди. Қамина (Байҳақий) уни (Зайниддин табибни) 531 (1136) йилда Сарахсда кўрдим. Ёши ўтиб қолган эди. Адолатли жаҳонгир хоразмшоҳ Алоиддин Отсиз узоқ йиллар давомида унга иззат-ҳурмат кўрсатди. Хоразмда имом Зайниддин қуйидаги асарларини ёзди: «Ат-Тиб ал-мулукий» («Шоҳлар учун тиб китоби»), «Китобул-ағроз» («Ниятлар китоби»), «Китоб фи раддул-фалосифа» («Файласуфларга раддия»), «Китоб тадбир йавм ва лайла» («Кеча-кундуз тадбири»), «Китоб васфнома» ва б.

5. **Абул-Ҳасан Али** ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад **Марвон ал-Хоразмий** — адиб, лақаби — Ҳужжатул-афозил саййидул-удабо ва фахрул-машоих (фозиллар ҳужжати, адиблар ҳожати ва шайхлар фахри- Маҳмуд ибн Умар Жориллоҳ Замаҳшарийга адаб илмидан дарс берган. Шоир сифатида ҳам танилган, Ёқут Ҳамавий унинг бир қасидасини келтиради. ваф. 560 (1164).

6. **Абу Муҳаммад Маҳмуд** ибн Муҳаммад ибн Аббос ибн Арслон **Хоразмий** (1099—1172) — илоҳиётчи ва та-

рихчи олим. «Қофийул-фиқҳ» ва «Тарихи Хоразм» китобларининг муаллифи.

7. **Ал-Ҳаким Абу Жаъфар** ибн Муҳаммад **Бухорий** (ваф. 1156) —қадимги донишмандларнинг илмларини (Афлотун, Арасту, Батлимус асарларини) яхши билган.

8. **Абул-Вафо Муҳаммад** ибн Муҳаммад ибн Қосим **Аҳсикентий** — адиб ва шоир, имом ва тил, тарих олими. (Ваф. 1126).

9. **Аҳмад** ибн Муҳаммад ибн Қосим **Аҳсикентий** — Муҳаммад Аҳсикентийнинг укаси. Адиб ва шоир.

10. **Фахриддин Муҳаммад** ибн Умар ибн Ҳусайн **ар-Розий** (1148—1210) — хоразмшоҳ Такиш шарафига «Жавомеул-улуш» (Илмлар йиғиндиси) қомусий асарини ёзган.

11. **Шамсиддин Муҳаммад** ибн Ашраф ибн Ҳусайн **Самарқандий** (ваф. 1204 — «Рисола фи адабул баҳс» (Баҳс одоби ҳақида рисола) муаллифи.

12. **Маҳмуд ибн Умар** ибн Холид Муҳаммад **ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий** — фалакиёт, астрономия олими. «Ал-Мулаххас филҳайъат» («Астрономиядан мухтасар китоб») муаллифи. Бу асарида Чағминий сайёраларнинг фазо ва замондаги ҳаракати, Қуёш ва Ой тутилиши, Ер қимирлаши сабаблари, фаслларнинг алмашуви, кеча ва кундуз тенглиги, қутблар, экватор, меридиан чизиқларини аниқлайди.

13. Маликул-уламо **Абул-Музаффар Масъуд** ибн Муҳаммад ибн Садид **Хўжандий** — таниқли адиб ва лашкарбоши.

14. **Минҳожиддин Абу Бакр** Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакир **ал-Марғилоний** — фиқҳ олими.

15. **Минҳожиддин Муҳаммад** ибн Умар ибн Абул-фатх **Бухорий** — котиб, муаррих.

16. **Фахрул-Хоразм** ал-Аллома Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад **Хоразмий аз-Замаҳшарий** (467, 27 ражаб) 1075, 18 март — 538, 9 зулҳижжа (1144, 13 июнь) — наҳв-грамматика ва луғат илмларида арабу ажам олимларига устозлиги учун ан-Наҳавий ва ал-Луғавий лақабларини ҳам олган. Риторика, стилистика, астрономия ва бошқа фанларга оид жуда кўп асарлар муаллифи.

Абул-Қосим Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Муқаддиматул-адаб», «Асос ал-балоға» («Бадият асослари»), «Фоиқ ал-луғот», («Луғатларнинг яхшиси»), «Атвоқ аззаҳаб» («Олтин шода») ва айниқса Қуръони каримнинг

чуқур тафсири бўлган «Ал-Кашшоф» асарлари жаҳон маданияти равнақига қўшилган дурдона асарлардир.

Ёқут Ҳамавий ўзининг машҳур «Муъжамул-булдон» («Мамлакатлар, шаҳарлар қомуси») асарини Замахшарийнинг «Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб» асаридан фойдаланиб ёзган. «Атвоқуз-заҳаб фил мавоъиз вал-ҳутаб» («Насиҳат ва хутбаларнинг олтин шодаси») китоби ҳикматли сўзлар, ҳикоят, масаллар ва мақоллар тўпламидир. Замахшарийнинг «Мақомат»лари маънавий камолот йўлларини кўрсатади.

17. **Абул-Муаййид** Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий, Ахтоби Хоразм, яъни Хоразмнинг энг гўзал сўз устаси ва Садрул аимма, яъни, имомлар бошлиғи, Хоразмнинг энг кучли мударрисларидан бири, араб тилининг беқиёс билимдони, Замахшарийнинг энг етук шогирди, адиб, шоир, ислом тарихидан кўпгина асарлар муаллифи.

18. *Абу* **Мадор** ад-Даббий **Хоразмий,** Машҳури кулли фан, ал-устоз ал-афозил, фарид ал-аср (барча фанлардан машҳур, фозиллар устози, асрининг ягонаси).

19. **Малик Нусратиддин Ҳамза ибн** Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза **ан-Насавий** замонасининг энг маърифатли зотларидан бири, Нисо шаҳрининг ҳокими. У «фазилатлар мўъжизаси, саховатлар денгизи эди. Абул-Аъло ал-Маррийнинг «Сақт аз-Занд» («Чақмоқтош учқуни»), ал-Утбийнинг «Тарихи Ямиий», Фахриддин Розийнинг «ал-Мулаххас», шайхул-раис Ибн Синонинг «Ишорат» асарларини ёд билар эди. Арабий ва форсий шеърларидан девонлар тузган. Унинг мактуботи эса— сеҳри мубоҳ — рухсат берилган сеҳр, булоқнинг тиниқ суви, гуллар атри, сарин елларни эслатади. У қадимгиларнинг илмларини билишдан ташқари бошқа кўп фазилатлар соҳиби эди. 18 йил Хоразмда яшаганида ана шу илмларни ўрганди. Илми нужумда шундай моҳир эдики, юлдузлардан айтган башоратида деярли хато қилмаган эди.

20. **Сирожиддин Яъқуб Саккокий,** садрул-аллома, Шаҳобиддин Насавий ёзишича, у илми ҳайъат, фалакиёт, яъни астрономияни шу қадар чуқур билганки, шоирона айтганда у бир нафаси билан юлдузларни сеҳрлаб, дарё сувларини оқизмай қўяр эди. Илм-фаннинг барча соҳаларидан асарлар ёзган. Султон Алоиддин Муҳаммад ва унинг онаси Туркон хотун Саккокийга юксак ҳурмат кўрсатганлар.

21. **Абдул-Карим** ибн Муҳаммад ибн Мансур **Абу**

Саъид ибн Абул-Музаффар **ал-Марвозий ас-Самъоний** (ваф. 1167) — Марвнинг машҳур уламоларидан. Адиб ва тарихчи. Кўп мамлакатларни кезган. Азиз авлиёлар ва подшоҳлар тарихидан машҳур. «Китобул-ансоб» («Насаблар тарихи») ва «Хайли тарихи Бағдод» асарлари муаллифи.

22. **Шамсиддин Муҳаммад** ибн Қайс **ар-Розий** — адиб ва олим. «Ал-Муъжам фил-маъосиф ашъорул Ажам», «Тибён», «Луғат ат-турки ала лисон Қангли» асарлари муаллифи. Алоиддин Муҳаммад саройида султоннинг яқинларидан эди.

23. **Заҳириддин Муҳаммад** ибн Умар ибн Муҳаммад **Бухорий-Нужободий.** Илоҳиётчи олим. Бағдод мадрасаларида дарс берган. Бағдоддаги «Ал-Мустансирия» кутубхонасида Заҳириддин Нужободийнинг «Қашфул-ибҳом ли дафъ-ул авҳом» («Ваҳималарни даф этиш йўлларини кашф этувчи китоб») асари сақланади.

24. **Таҳо ибн Иброҳим** ибн Аҳмад ибн Исҳоқ шайх, ёки Фақиҳул-аълам имом Зайниддин Абу Бакр **ал-Бухорий** (ваф. 1252) фақиҳ ва адабиётчи олим. Юқоридаги Ал-Мустансирия кутубхонасида унинг 20 жилдга яқин асарлари сақланади. Унинг ўзи «Китоб фил-адабиёт» асарини шу кутубхонага тақдим этган. Бу китобдан адиб ҳикоялари, мактублари, шеърлари ўрин олган.

25 **Қосим Абу Муҳаммад Бухорий** (1160 йилда туғилган). Узоқ йиллар Бухорода яшаб, ижод қилган. Ёқут Ҳамавий ёзишича, уни муътазила мазҳабида деб айблашган, у эса барча бухороликлар каби, ҳанафия мазҳабида эканлигини ёзган. Жуда кўп асар, жумладан Абул-Аъло ал-Марриийнинг «Сақт аз-занд», Утбийнинг «Тарихи Аминий» асарларига шарҳлар ёзган.

26. **Мажиддин Насавий.** Бу олим ва шоирни Муҳаммад Авфий 600 (1204) йилда Нисо шаҳрида кўрганлигини ёзган. Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммадга бағишлаб, форс тилида «Шаҳоншоҳнома» достонини ёзган.

27. **Шаҳобиддин Насавий** — шоир, тарихчи, давлат арбоби. Хоразмшоҳ султон Жалолиддин девонида муншийлик вазифасида хизмат қилган. Баъзи вақтларда султон Жалолиддиннинг элчиси сифатида бошқа мамлакатларга давлат ишларини ҳал этиш учун борган. Султоннинг подшоҳлар ва маликларга юборадиган мактублари ва бошқа ҳужжатларни тузган. «Сийрати султон Жалолиддин» асарини муаллифи. (Зиё Бунёдов мазкур Хоразмшоҳлар тарихини ёзишда шу асардан унумли фойдаланган).

28. **Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон** — жуғрофийун олим. Султон Алоиддин Муҳаммад учун жаҳон харитасини тузган ва унга «Жаҳоннома» деб аталган шарҳлар ёзган.

Мадрасаларнинг имомлари ва мударрислари султон ёки унинг ноиби томонидан тайинланган (Бу фикр унчалик тўғри эмас, имом ва мударрислар танлов-конкурсда ғолиб чиққан уламолардан сайланган, султон ўз ноибларига ўзи яхши билган уламоларни тавсия этган). Масалан, хоразмшоҳ Эл-Арслон 557 йил, рамазон (1162 йил, сентябрь) ойида Туркистон ҳоқони Абул-Музаффар Тамғоч Буғрохон зиммасига бошқа ишлар билан бирга, мадрасаларга муносиб мударрислар тайинлаш вазифасини ҳам юклаган. Хоразмшоҳ Отсизнинг бир фармонида «Фалончининг отаси узоқ йиллар Марвдаги мадрасанинг мударриси эди, бизнинг хонадонга яқин киши эди. Фалончи отасининг вафотидан сўнг саройга таклиф этилиб, Олий мажлисга (аъзо қилиб) сайланган. Энди бу киши отасининг мактабига дарсларга раҳбарлик қилиш (тадрис) учун тайинланади. Мадрасанинг барча вақфлари шу кишининг тасаррufига берилади, бу киши вақф даромадларидан муносиб ишларга, иморатлар қуриш, зироат (экин экиш) учун сарфлайди. Мадрасанинг барча илоҳиётчи, фақих, уламолари, талабалари бу кишини иззат-ҳурмат қилишлари, унинг йиғинларига қатнашлари зарур».

Хоразмшоҳ Такиш дин уламоси Бадриддин номига бундай фармон чиқарган. «Саройда катта ҳурматга сазовор бўлган Бадриддин яхши хизматлари учун фалон йирик вилоятлардаги мадрасанинг мударриси, имомхатиби этиб тайинланди. Бадриддин ўз вазифаларини тақводорлик билан, Қуръони мажидга, ҳадиси шарифга пайғамбар суннатига ва имомлар ибратига мувофиқ ҳолда бажарсин. У, жумъа ва ҳайит намозларида (имомлик қилиб), ваъз, ҳутбалар ўқишни, Аллоҳга, пайғамбарга, халифалар ва хоразмшоҳларга ҳамду сано айтсин, диний бинолар, иншоотларни таъмирлаш, вақф даромадларини кўпайтириш учун ғамхўрлик қилсин, одамларга сўзда ва амалда ибрат кўрсатсин, ўзига муносиб ўринбосарлар тайинласин».

Баъзи мадрасаларга бутун бошли қишлоқлар вақф қилиб берилар эди. Хоразмшоҳ Такишнинг вазир Насириддин номига чиқарган фармонида мазкур вақфнинг аввалги мутаваллийси лаёқатсиз одам бўлиб чиққанлиги, вақф ерлари даромад келтирмай, зиён келтира-

ётгани, кўрсатилган. Вазир Насриддин ана шу мадраса вақф ерларидан келган зарарни қоплаши, янги мутавалли тайинлаши, бўлажак мударрисларни ўқитиш ишларини назорат қилиши зарурлиги айтилган.

Султон Алоиддин Муҳаммад давридаги хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбобларидан Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Ҳевақий машҳур фақиҳ, Шофиия мазҳабининг муфтийси эди. Энг зукко ва зийрак одамлар ҳам унга хизматкорликка ярар эди. Султон жуда муҳим ишларда у билан маслаҳатлашарди. Унинг остонасида подшолар, вазирлар, амирлар навбат кутиб туришар, ул зот эса ўша пайтда имомларга таълим берар эди. Шаҳобиддин Хоразмнинг бешта мадрасасида дарс ўқир, фақат дарслари тамом бўлганидан кейин у султоннинг ҳожиблари билан турли ишлар ҳақида гаплашар эди. У, Хоразмдаги Шофиия масжиди қошида шундай ажойиб кутубхона очганки, аввал ҳам, кейин ҳам унга тенг келадигани бўлмаган.

Бухоронинг машҳур мударрисларидан яна бири Муҳаммад Умар ибн Муҳаммад Қутбиддин ибн Умар ал-Ансорий-ал-Ақлий ал-Бухорий эди (ваф. 1200). Ал-Ақлий ал-Бухорийнинг устозлари Қосим ибн Али ибн ал-Асокир ва Бадриддин Абул-Хайр ибн ал-Муъаммар ат-Табризий эдилар. У, Бухородаги энг обрўли шайх-мударрислардан эди.

Мадраса мударрислиги обрўли мансаб бўлиб, баъзан истеъфога чиққан юқори мартабали амалдорлар мударрис бўлиб ишлар эдилар.

Султон янги мадрасалар қурилишини одатда таниқли дин арбобларига топширар эди. Масалан, Хуросондаги бир мадраса қурилиши — муфтий ва имом Азизиддин Али Балхийга, Нишопурдаги бир мадраса қурилиши — муфтий ва мударрис имом Фахриддин Абу Собит Абдулазиз ибн Абдул-Жаббор Куфийга топширилган.

Хоразмшоҳ Жалолиддин таниқли маърифатпарвар олим Муқаррабиддин Муҳаммад ибн Иброҳим Паҳлавон ал-Хоразмий (ваф. 1228) га Исфаҳонда отаси султон Алоиддин Муҳаммад хотираси учун катта мадраса қуришни топширган ва бу ишга 30 минг динор маблағ ажратган. Бу маблағдан ташқари яна Ироқдан келадиган ҳирожлардан бир қисми «мадраса қурилишини тамомлаш (ва зарур ашёлар, дарсликлар учув) қўшимча маблағлар берилган. (Кўзалар ва шамдонлар ҳам тилладан бўлган.) Муқаррабиддин Исфахонга бориб, мад-

раса қурилишини бошлади. «Камина (Шаҳобиддин Насавий) тўрт ойдан кейин Исфаҳонга борганимда мадраса деворлари одам бўйи кўтарилган экан».

Хоразмшоҳлар даврида Бухоронинг Деҳқон туманида Хизонатул-кутуб Дорул-фуқаро — халқ кутубхонаси очилган бўлиб, бу ерда нодир қўлёзмалар сақланар эди.

9-боб

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатида ўзига хос диархия — иккиҳокимлик тузуми юзага келди: мутлақ ҳукмдор деб хоразмшоҳ султон Алоиддин Муҳаммад ҳисобланарди, аслида ўз онаси Туркон хотуннинг тўла итоатида эди. Туркон хотун эса давлатнинг ички ва ташқи ишларида иккинчи ҳукмдор эди, дейиш мумкин, айрим масалаларда ҳатто ўғлига муҳолиф эди ҳам. Султоннинг буйруқ ва фармонлари кўпинча қудратли Туркон хотун томонидан бекор қилинар ва ҳеч қандай кучга эга бўлмай қоларди. У ҳар қандай масалаларни ўзи ҳал қила оларди ва ўз номидан фармонлар эълон қиларди.

Ан-Насавий бундай ёзади: «Агар маликадан ва султондан бир иш ҳақида иккита кўрсатма келса, у ҳолда уларнинг санасига қарар эдилар ва барча мамлакатларда кейинги санага амал қилардилар». Хоразмшоҳ эса ҳеч қачон онасига қарши чиқмас эди, «кичик ишларда ҳам, катта ишларда ҳам, жиддийларида ҳам, аҳамиятсизларида ҳам. Бу иш икки сабабга кўра эди: биринчидан, онасининг унга бўлган меҳрини қадрлаши ва, иккинчидан, мамлакатнинг барча амирлари онасининг уруғидан эканлигидан».

Туркон хотун «Жаҳоннинг ҳокими» деган лақабга эга эди, унинг фармонларидаги шахсий муҳри — туғросида: «Исмат уд-Дунё вад-Дин Улуғ Туркон малика нисо ал-оламийн» (Дунё ва унинг покдомони, Улуғ Туркон, олам аёлларининг маликаси) деб битилган эди. Унинг шиори: «Иътасамту биллаҳи» («Фақат Аллоҳдан ҳимоя кутаман») дейилган эди. Булар шунчалик усталик билан ишланган эдики, уларни сохта-

лаштириб бўлмасди ва у ўз шиорини ўғли шиорининг ёнига қўяр эди.

Туркон хотун Гурганжда муқим тураради, чунки, хоразмшоҳ Самарқандга кўчгандан сўнг, бу шаҳар унинг пойтахтига айланиб қолган эди, унинг ўз саройи ва ўз иқтоъ мулки бор эди. Бу мулклар ниҳоятда улкан эди, чунки, хоразмшоҳ бирор мамлакатни босиб олиши билан дарҳол онаси ва унинг атрофидагиларга бой ўлкаларни ажратиб берарди. Туркон хотун фақат султонга ҳукмини ўтказибгина қолмай, балки молия ишларини ҳам бошқарарди, амирлар ва амалдорларга ҳам фармон берарди. Бу ҳолат мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатидаги аҳволнинг барқарорлигини бирмунча йўқотди. Мамлакат пойдеворининг янада сусайишига олиб келган сабаблардан яна бири шу эдики, Туркон хотун ҳам, унинг ўғли хоразмшоҳ ҳам Гурганжда гаров сифатида турган кишиларни ёки Хоразмшоҳлар давлатига қўшиб олинган мамлакат ва ўлка ҳокимларини қатл қилиб турардилар.

Тарихчининг ёзишича, мўғуллар ҳеч қандай қаршиликка учрамай хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг ерларига кириб бордилар, чунки, уларга қаршилик кўрсатадиган тўсиқлар йўқ эди, зеро «хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатларни забт этиб, уларнинг ҳокимларини қатл қилган ва йўқ қилган эди. Ана шунинг учун у бутун мамлакатларнинг бирдан-бир сўққабош султони бўлиб қолди. Унинг ўзи мўғуллардан чекинганда уларга тўсиқ бўла оладиган ҳеч кимса қолмаган эди».

Туркон хотун аралашган муҳим давлат фармонларидан бири, салтанат тахтига валийаҳднинг тайинланиши бўлди. Ан-Насавийнинг ёзишича, хоразмшоҳ онасининг қистови билан тахт вориси этиб, катта ўғиллари Жалолиддин Манкбурни ва Рукниддин Гурсанчтиларни эмас, кенжа ўғли Қутбиддин Ўзлағшоҳни тайинлади. Ўзлағшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг қабила ва уруғидан бўлиб, Жалолиддиннинг онаси Ой Чечакни ёқтирмас эди. Шунга кўра мўғуллар истилосининг олдидан хоразмшоҳ мамлакатнинг маъмурий ишларини тартибга келтираётиб, ерларини ўғиллари ўртасида тўртта улкан мулкка бўлганда Хоразм, Хуросон ва Мозандаронга, яъни Туркон хотуннинг назорати остидаги ерларга ҳокимлик қилиш ҳуқуқи валийаҳд Қутбиддин Ўзлағшоҳга берилди. Унинг учун мана бундай тўғро ҳам танланди: «Султон Абул Музаффар Ўзлағшоҳ ибн султон Санжар Ғиёс амир ал-мўъминин».

Хоразмшоҳнинг кўрган чоралари, улкан лашкари ва такомиллашган жазо чораларининг мавжудлигига қарамай, давлатнинг қудрати хаёлий бир нарса бўлиб қолган эди, ўз давлатининг ички муаммоларини ҳал қилишда эса Алоиддин Муҳаммад ўзининг бутунлай лаёқатсизлигини кўрсатди.

Ғурхоннинг бўйсунгани ва унинг хазинасини Қушлухон тортиб олганини эшитиб, хоразмшоҳ Қушлухонга мактуб йўллаб, унинг ғурхонга нисбатан қилган ҳаракатларини кескин қоралади, чунки, ғурхон, унинг айтишича, енгилиб, поймол этилган ва ҳар қандай босқинчига ўлжа бўлиб қолган эди. Бир пайтлар ғўрхон ўз қизи Туғая хотунни хоразмшоҳга хотинликка бермоқчи бўлганлигини эслаб, энди Алоиддин Муҳаммад Қушлухондан ғурхон билан унинг қизини ва бутун қимматбаҳо нарсаларини унинг олдига юборилишини талаб қилди. «Акс ҳолда, — деб ёзди хоразмшоҳ, — мен сенинг бошингга шундай бир нарсани келтирайки, бундан сени на қиличинг тиғи ва на аҳволингни барқарорлиги қутқаролсин».

Қушлухон хоразмшоҳга «итоаткорона ва ўзини паст олиб жавоб берди» ва унга қимматбаҳо ҳадялар юборди, лекин ғурхонни беришдан бош тортди, чунки, ғурхоннинг ўзи хоразмшоҳнинг қасосидан ва қорахитойлар ерларини босиб олишидан қўрқиб, бу ҳақда фақирларча сўраган эди.

610/1213) йили ғурхон Жулҳу ўлади, шунда қорахитойлар Қушлухонни таназзулга учраган давлатни қутқара оладиган биргина одам деб билдилар ва унинг ғурхон бўла олиш ҳуқуқини тан олдилар. Шундан сўнг Қушлухон ўзини хоразмшоҳга нисбатан анча мустақил тута бошлади, хоразмшоҳнинг 1217 йили Бағдодга муваффақиятсиз юришидан кейин эса хоразмшоҳнинг қорахитойлардан босиб олган ерларини қайтариб беришини талаб қилди, акс ҳолда бу ерларни зўрлик билан олиб қўяжагини билдирди. Қушлухон ҳатто олдига султон номидан талаблар билан келган Хоразм элчиси амир Муҳаммад ибн Қора Қосим Насавийни асир қилиб, занжирга солиб қўйди.

Хоразмшоҳ Қушлухонга қарши бир неча аскар гуруҳларини юборди, улар қорахитойларнинг ерларига ҳужум қилдилар. Бундан Қушлухон хоразмшоҳга кескин оҳангда мактуб юборишга мажбур бўлди. Мактубда айтилган эдики, «бундай ишларни ҳокимлар эмас, балки босқинчи ва қароқчилар қилади ва агар сен ҳақи-

қатан ҳам айтганингдек, султон бўлсанг, ўзинг юришга чиқишинг керак ва агар сен мени енгсанг, шунда менинг қўл остимдаги ерларнинг ҳокими бўласан».

Қушлухоннинг аҳволи бу пайтга келиб мустаҳкамланиб қолди ва у қорахитойларнинг мулкига туташ ерларни қўлга ола бошлади. Қушлухон ўз хотини, ғурхон қизининг таъсири остида насронийлик динидан қайтиб, будпараст бўлди ва тез орада ўзига қарам ерларда насроний ва мусулмонларни қувғин остига олиб, уларни буддавийликни қабул этишга зўрлай бошлади. Айниқса, Қошғар ва Хўтан мусулмонлари катта мусибат кўрдилар, у ерларда Қушлухоннинг буйруғига кўра, Қуръондаги фарз бўлган намоз ва азон, мусулмонча либослар манъ этилди, барча мадрасалар ёпилди. Мусулмонларни қорахитойча кийим ва қалпоқ кийишга мажбур этишарди. Шундан сўнг Қушлухон ўз ерларида ислом динига яна бир зарба бермоқчи бўлди ва мусулмон динининг асосларини яксон қилиш мақсадида барча уламоларни тўплашни буюрди. Имом, фақиҳ ва дарвешлардан уч мингдан ортиқи тўпланган эди, уларга ислом динининг ҳақ эканлигини исботлаш вазифаси қўйилди. Аввалига ҳеч ким Қушлухонга эътироз билдиришга ботина олмади. Шунда атоқли имом, шайх Алоиддин Муҳаммад ал-Ҳўтаний туриб, Қушлухоннинг олдига келди ва унинг далолатларини дадиллик билан рад этди. Иш жанжалга айланаётган эди. Лаънати Қушлухон пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат этишга журъат этганда, шайх чидаб туролмадида хитоб билан: «Оғзингга тезак, эй Аллоҳнинг душмани, малъун Қушлухон!» деди.

Қушлухоннинг буйруғи билан шайх Аловуддин тутиб ечинтирилди ва зиндонга ташланди, у зиндонда бир неча кун овқатсаз ва сувсиз қолди. Қушлухон шайхдан тавба сўзларини эшитолмагач, унинг ўзи Ҳўтанда қурган мадрасасининг дарвозасига михлашни буюрди.

Шу воқеалар давомида хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг мавқеи ажабланарли эди. У энг буюк мусулмон давлатининг бошлиғи бўлатуриб ва халифа ан-Носир билан кураш олиб бораётиб, худди кўзининг олдида жабр кўраётган мусулмонларга ёрдам бериш учун бирор чора кўрмади. Яна шуниси ажабланарлики, буддапараст Қушлухон томонидан эзилаётган Қошғар ва Ҳўтан мусулмонларининг ҳимоячиси сифатида шарқдан Чингизхон бошчилигидаги буддапараст мўғуллар келган эди.

Чингизхон 1217 йил охирида Хитойга юришини якунлаганидан сўнг яна найманларни қира бошлади. Чингизхон аскарларн ғарбга юришини давом эттириб, қорлуқлар ва уйғурларни бўйсундирди ва Қушлухон тасарруфидаги ерларга яқинлашиб келди. Қушлухонга қарши мўғулларнинг қўшини Жеба нўён бошчилигида ҳаракат қилаётган эди. Мусулмонларнинг Қушлухон томонидан таъқиб қилинаётганидан усталик билан фойдаланди ва Чингизхонни мусулмонларнинг иттифоқдоши ва ҳалоскори қилиб кўрсатди.

Мўғул аскарларининг Қушлухонга қарам ерларга кириб бориши билан ҳеч ким динига кўра таъқиб этилмаслигини ва аҳолига ҳеч қандай зарар етказилмаслигини эълон қилиб, Жеба нўён бу сўзларини амалда аскарлари орасида темирдек мустаҳкам интизом ўрнатиш билан исботлади. Натижада Қошғар ва Ҳўтаннинг аҳолиси мўғулларни ўзларининг ҳалоскорларидек кутиб олдилар ва бир вақтнинг ўзида ҳамма ерларда золим Қушлухонга қарши қўзғолдилар. Қушлухон Қошғарда мўғул қўшинларига қаршилик кўрсатмоқчи бўлган бўлса ҳам, бу унинг қўлидан келмади. Мўғуллар томонидан қувғин қилиниб, Бадахшон чегараларигача қочиб борди ва Дарайи Дерози жарлигига бекинмоқчи бўлди, лекин Сариғ Чўпон деган жойда маҳаллий чўпонлар уни тутиб олиб, мўғулларга топширдилар. Улар эса Қушлухоннинг бошини танасидан жудо қилиб, ўзлари билан олиб кетдилар. Бу воқеа ҳижрий 614 йил зулқаъда (мелодий 1218 йил) да бошланган йўлбарс йилида содир бўлган эди.

Қошғар ва Ҳўтанни босиб олгандан сўнг мўғул аскарлари хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммадга қарам ерларга яқинлашиб келдилар. Бироқ, хоразмшоҳнинг одамлари мўғуллар билан анча илгариёқ бевосита муносабатда бўлган эдилар. Бу муносабатлар, юқорида айтилганидек, хоразм шоҳнинг Ироқи Ажам ва Мовароуннаҳрни ўз салтанатига қўшиб олганидан сўнг жаҳонгирлик юришларини шарққа — Мўғулистон ва Хитойга давом эттириш режалари билан боғлиқ эди.

Султон Алоиддин Муҳаммадда бундай фикр илк бор ҳижрий 611 йил ёки 612 йили, савдогарлардан шарқдаги ерларнинг бойлиги ҳақидаги хабарларни эшитганида туғилди. Жузжонийнинг ёзишича, унга хоразмшоҳнинг дабири Имодалмулк Тожиддин Жомий 617 (1220) йили Тулоқ қалъасида айтганки, хоразмшоҳнинг кўнглига Хитой ерларини босиб олиш ҳақидаги бир шуҳ-

ратпарастлик фикри келиб, у Хитойдан ва Туркистон ташқарисидан келган кишилардан у ерлар ҳақида сўрайверарди. Имодалмулк айтади: «Бизлар, унинг хизматкорлари ва сарой ходимлари, хоразмшоҳни бу миясига ўтириб қолган фикрдан қайтаришга ҳаракат қилдик, чунки масофалар узоқ ва йўл машаққатли ҳамда бошқа тўсиқлар ҳам бор, дедик. Лекин хоразмшоҳ ўз айтганида туриб олди. Чингизхон Хитойни босиб олгани ҳақида эшитганида эса бу хабарнинг ростлигини билмоқчи бўлди ва Хитойга жаноби саййид Баҳовуддин ар-Розий бошчилигида элчи юборди».

Хоразмшоҳнинг элчилари Пекинга 1215 йил июнида, Чингизхон аскарлари шаҳарни босиб олиши биланоқ келдилар. Чингизхон Баҳовуддин ар-Розийни катта эҳтиром ва хушмуомалалик билан кутиб олди. Элчилар Хоразмга қайтаётганларида эса Чингизхон хоразмшоҳга атаб кўплаб нодир ҳадялар ва туҳфалар берди ҳамда элчига деди: «Хоразмшоҳга айт, мен — Шарқнинг ҳокимимен, сен — Ғарбнинг ҳокимисен! Иккимиз ўртамизда дўстлик ва сулҳ ҳақида қатъий битим бўлсин. Икки тарафнинг савдогарлари ва карвонлари омон бориб, омон қайтсин ва менинг ерларимдаги қимматбаҳо буюмлар ва оддий матоларни улар сенинг тарафингга олиб келсинлар».

Афтидан, Чингизхон бу пайтларда хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммадга қарам ерларга ҳужум қилмоқчи бўлмаган кўринади, аксинча у савдо муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилган ва ғарбга олиб борувчи бош йўлларга, карвонлар юришидаги хавфсизликни сақлаш учун қароқчилар (қўриқчилар) қўйишни буюради.*

Чингизхон томонидан хоразмшоҳга юборилган ҳадя ва туҳфалар орасида Хитой тоғларидан келтирилган,

---

* Биз Зиё оғанинг бу ерда айтилган фикрига тўла қўшила олмаймиз. Рашиддиддин «Жомиъ ут-таворих» китобида ёзишича, Чингизхон ўта айёр, маккор ва мунофиқ шахс бўлган. У ўз ҳарбий режаларини усталик билан ниқоблай олган. Унинг элчиларга айтган сўзларини ана шундай ниқоб деб англаш керак. Аслида у хоразмшоҳ давлатидаги ички аҳвол ҳақида мусулмон савдогарларидан ва хоразмшоҳнинг қочқин, муҳолифларидан тўла маълумот олган ва ғарбга юришни аллақачон режалаштириб қўйган. Ундан ташқари Чингизнинг Алоиддин Муҳаммадга юборган мактуби ҳам у хоразмшоҳ давлати ҳақида ўз айғоқчиларидан тўла маълумот тўплаб, ғарбга юришга тайёргарчилик қилиб олганлигини кўрсатади (А.А.).

туя ўркачидек келадиган бир соф олтин бор эди, уни алоҳида аравада келтирилди. Чингизхон Баҳовуддин ар-Розий билан бирга 500 туялик карвон билан ўз савдогарларини юборди. Улар олтин, кумуш, хитой шойиси, енгил шойи мато, сувсар, қундуз ва бошқа нодир, қимматбаҳо матоларни олиб борди.

Хоразмшоҳ Чингизхоннинг элчиларини ва мўғулларнинг савдо карвонини Бухорода кутиб олиб, у ҳам 1218 йил баҳорида Чингизхоннинг қароргоҳига карвон билан савдогарлардан амир Ҳусайннинг ўғли Аҳмад Хўжандий ва Аҳмад Балхийни юборди, улар Хитойга қимматбаҳо матолар: зарбофт, зандоначи, қирбас матолар ва олтин асбоблар ва қимматбаҳо кийимлар келтирди.

Шундай қилиб, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг ўзи ҳам аввалига Чингизхон салтанати билан савдо муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилган, лекин тез орада унинг ўзи ривожланаётган муносабатларни бузди, кейинчалик хоразмшоҳ ва яқинларининг айби билан улар бутунлай узилди.*

Кўп ўтмай Хоразмга Чингизхондан яна элчилар келади, улар Маҳмуд ал-Хоразмий, Алихўжа ал-Бухорий ва Йўсуф Канка ал-Ўтрорийлардан иборат эди. Улар Чингизхондан яна ҳадялар келтирдилар: қимматбаҳо маъданлар қуйилмалари, балиқ тиши, мушкли халтачалар, йашмлар ва ҳар бири 50 динор ва ундан ортиқ келадиган оқ туя жунидан ясалган чакмонлар. Чингизхон савдогарларга яна хоразмшоҳ билан «сулҳ, дўстлик ва қўшничилик муносабатларини» ўрнатиш вазифаларини ҳам юклаган эди. Хоразмшоҳга Чингизхоннинг шахсий мактуби ҳам берилади, унда бундай дейилган эди: «Сенинг ишинг қандай улканлиги менга яширин эмас, сен ўз ҳукмингда нимага эришганинг ҳам ва сенинг фармонларинг ердаги кўп мамлакатларда менга маълум. Мен билдимки, сенинг мулкларинг кенг бажо келтирилади. Сен билан тотувликни сақлашни

---

* Бизнингча Зиё оғанинг бу фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди. Афтидан, аслида хоразмшоҳ Чингизхоннинг усталик билан қўйган тузоқларига илинди ва пировардида халифат билан Чингизхон ўртасида олиб борилган катта халқаро сиёсий ўйиннинг қурбони бўлди. Афсусланиб айтиш мумкинки, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ўша даврдаги халқаро вазиятни тўғри баҳолай олмади ва тўла тушуна олмади ва сиёсий калтабинлик билан иш тутди (А.А.).

мен ўзимнинг вазифаларимдан бири деб биламан. Сен менинг учун энг азиз ўғлимдексан. Сенга маҳфий эмаски, мен Хитойни ва қўшни туркларнинг юртларини эгалладим, уларнинг қабилалари менга бўйсундилар. Сен ҳаммадан кўра яхши биласанки, менинг мамлакатимда бойлик шу қадар кўпки, ундан ортиғини бошқа юртлардан излашнинг ҳожати йўқ. Агар сен иккала тараф савдогарларига йўл очиш мумкин деб топсанг, бу ҳамма учун ва умумий фойда учун хайрли бўларди».*)

Чингизхоннинг мактубини ўқиб чиқиб, хоразмшоҳ Чингизхоннинг ўзи ва империяси ҳақида муфассалроқ билмоқчи бўлди. Кечаси у элчиларнинг бошлиғи Маҳмуд ал-Хоразмийни ҳузурига чақириб ва унинг мусулмонлиги ҳамда асли хоразмданлигидан келиб чиқадиган бурчига шама қилиб, ваъдалар ва ҳадялар ёрдамида Маҳмуддан мўғуллар ҳақида аниқроқ билмоқчи бўлди. Хоразмшоҳ ҳатто Маҳмудга Чингизхоннинг саройида унинг ишончли одами бўлишни ҳам таклиф қилди. Маҳмуд ал-Хоразмий қўрққанидан рози бўлганда хоразмшоҳ ундан сўради: «Чингизхон менга ўзини Хитойнинг ҳокими дегани ва Тамғач шаҳрини босиб олгани ҳақида айтгани тўғримй? Ҳақиқатан ҳам иш шундайми?». Маҳмуд жавоб берди: «Ҳа, у ҳақиқатни айтди. Бундай буюк ишни сир сақлаб бўлмайди, яқинда султоннинг ўзи бунга иқрор бўлади». Хоразмшоҳ деди: «Сен менинг мулкларим қандайлигини ва улар қанчалик кенглигини биласан-ку! Мени ўз ўғли деб атаётган ўша лаънатининг ўзи ким? Унинг лашкари қандай?».

Маҳмуд ал-Хоразмий хоразмшоҳнинг юзида ғазаб аломатларини сезиб ва ўз ҳаётидан хавфсираб, «ҳақиқатгўйликдан воз кечди» ва ҳокимнинг марҳаматига эришишга интилиб, айтдики: «Чингизхоннинг қўшини хоразмшоҳнинг лашкарлари олдида худди отлиқ қўшинга қарши турган сўққабош битта отлиқдек ёки тунги қоронғуликка қарши кундуз 24 қаро тундек». Шунда хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад Чингизхон билан тотувлик муносабатлари ўрнатишга ва савдо карвонлари билан алмашишга розилик билдирди.

---

* Чингизхоннинг ўта маккорлик ва айорлик билан ёзилган бу мактуби бизнинг юқорида айтган фикримизни тасдиқлайди. Ундан ташқари Чингизхоннинг хоразмшоҳни «ўғлим» дейиши унинг хоразмшоҳни менсимаётганлигидан ва уни ўзининг тобеси деб қараётганлигидан далолат беради. (А.А.)

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад билан Чингизхоннинг элчиси Маҳмуд ал-Хоразмий ўртасида бўлган тунги хуфиёна суҳбат ҳақида тарихчи ан-Насавийга ким хабар етказганлиги ҳақида биз билмаймиз. Аммо, биз тан олишимиз керакки, ан-Насавий ўша воқе бўлган ҳодисаларнинг замондоши ва гувоҳи сифатида Алоиддин Муҳаммаднинг саройидаги аҳволдан хабардор эди ва у хоразмшоҳнинг шахсини ҳаққоний баҳолайди. Бу тарихчининг таҳлил қила олиш қобилиятига тан бериш керак.

Маҳмуд ал-Хоразмий билан элчилар Пекинга қайтиб келиши билан Чингизхон Хоразмга савдогарлардан Умархўжа ал-Ўтрорий, ал-Жамал ал-Марофий, Фахриддин ад-Дизакий (Жиззахий) ал-Бухорий ва Аминиддин ал-Хиравийлар бошчилигида катта савдо карвонини юборди. Ҳаммаси бўлиб карвонда 450 мусулмон савдогар ва улар билан (Чингизхон фармонига кўра) мўғулларнинг ҳар бир қабиласидан 2—3 кишини юборди. Бу кишиларнинг ҳар бирига «Хоразмшоҳнинг ерларига борсин, у ерда савдо билан шуғуллансин ва ўша тарафдаги нодир ҳамда қимматбаҳо товарлардан олиб келсин», деб, битта олтин ва битта кумуш болишдан (75 динор) берди.

Манбаларнинг бирига кўра, бу мўғулларнинг сони юз нафар экан. Чингизхоннинг шахсий вакили Уҳуна билан бирга булар хоразмшоҳга юборилган элчилар эди. Бу юз кишига савдо ишларидан ташқари хоразмшоҳнинг ерларида жосуслик билан шуғулланиш вазифаси ҳам юкланганлиги эҳтимолга анча яқин. Кейинги воқеалар бу тахминни деярли тасдиқлайди.*

Тахминан ўша пайтнинг ўзида (1218 йил охири) Хоразм аскарлари билан мўғул тўдаларининг илк тўқнашуви юз берди. Ўшанда мўғуллар Дашти қипчоққа, хоразмшоҳнинг мулкига чегарадош ерларга қочган меркит қабиласини қувиб ва қириб, ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган эдилар.

Хоразмшоҳ бу ҳодисалар ҳақида эшитганда улардан ўз мақсадида фойдаланмоқчи бўлади. Жувайнийнинг ёзишича, «бир тош билан икки қушни уриб ту-

---

* Муаллиф энди тўғри нуқтаи назарда турмоқда, бу фикрга биз ҳам қўшилишамиз. Аммо, шу фарқ биланки, Чингизхон хоразмшоҳга нисбатан жосусликни анча илгари бошлаган, хоразмшоҳ эса ғафлатда бўлган (А.А.).

ширмоқчи бўлади», яъни пароканда бўлиб турган меркитларга ҳужум қилиб, уларнинг молу-мулкига эга бўлмоқчи бўлади. Хоразмшоҳ 60 минг кишилик қўшин билан Самарқанддан чиқиб, Жанд орқали ўтади ва шимолга юриб, Йўғур шаҳрига етади.

Иргиз дарёсидан ўтиб, хоразмшоҳ Тўрғай чўлига етади ва меркитларнинг қирилганлик асоратларини кўради. Жанг майдонида бир яродор меркит учрайди, у мўғуллар бу ердан яқиндагина кетганлигини айтади. Уларнинг ортидан қувиб, хоразмшоҳнинг аскарлари тезда мўғулларга етиб оладилар, уларга Чингизхоннинг ўғли Жўчи бошчилик қиларди. Жўчи Хоразм қўшинлари ҳарбий сафга тортилиб, ҳужумга тайёргарлигини кўриб, хоразмшоҳга, унинг отаси Чингизхон Хоразм аскарлари билан жангга киришни манъ қилганлигини, уларнинг вазифаси фақат меркитларни енгиш эканлигини ва мўғуллар ҳатто меркитлардан олган ўлжаларини хоразмшоҳнинг одамларига беражакларини айтади.

Бироқ хоразмшоҳ Жўчига бундай жавоб беради: «Агар Чингизхон сенга мен билан жанг қилишни буюрмаган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло менга сен билан жанг қилишни буюради. Демак — жанг!».

Жўчи жангга киришга мажбур бўлди. Агар хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Манкбурнининг шахсий жасорати ва лашкарбошилик истеъдоди бўлмаганда эди. Хоразм қўшинлари балки енгилган бўлардилар. Ҳар ҳолда уч кун давом этган жангда хоразмликлар 20 минг аскар талофот бердилар, мўғуллар талафоти бундан анча кам эди. Тўртинчи кечада Жўчи ўз аскарларини олиб кетди-да, Чингизхоннинг қароргоҳига келди ва унга Хоразм аскарларининг аҳволи ҳақида ҳамда Жалолиддин Манкбурнининг шахсий қаҳрамонлиги ҳақида сўйлаб берди.*)

Чингизхон хоразмшоҳ аскарлари билан ўзининг аскарлари ўртасидаги бу биринчи тўқнашувдан сўнг ҳеч қандай жавоб чораларини кўрмади. Хоразмшоҳга келсак, ан-Насавийнинг талқин қилишича, «султоннинг кўнглини қўрқув ва уларнинг (мўғулларнинг) жасоратига ишонч қамраб олди. Айтишларича, у ўз

---

* Бизнингча, Жўчи аскарларини жанг майдонидан шунчаки олиб кетмаган, балки тун қоронғулигидан фойдаланиб, талафот бермай, усталик билан чекинган. (А. А.).

яқинларига деганмишки, уруш қийинчиликлари олдидаги (жасорат), матонати, найза билан санчиш ҳамда қилич билан чопишнинг барча қоидалари бобида буларга тенглаша оладиган бирор кимсани ҳали ўз кўзи билан кўрмаган».

Бу орада карвон ўз йўли билан юриб, тез орада Ўтрорга келди. Ўҳуна хоразмшоҳга Чингизхоннинг мактубини келтирди, унда бундай дейилган эди: «Савдогарлар мамлакатнинг таянчидир. Ҳокимларга ажойиб ва қимматбаҳо нарсаларни ана шулар келтирадилар, уларнинг бу ишларига тўсиқлик қилишнинг ҳожати йўқ. Мен ўз тарафимдан савдогарларимизнинг сизлар билан савдо қилишларига ҳалал бермоқчи эмасман. Биз иккимиз мамлакатларимизнинг яшнаши учун келишиб, ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз керак. Шунинг учун биз амр қилдикки, энди бундан буён барча мамлакатлар ўртасида тинчлик ҳукм сурсин, савдогарлар ҳеч қўрқмай барча ўлкаларга борсин. Бойлар ва камбағаллар тинчликда яшайди ва Аллоҳга шукроналар айтади».

Бироқ, Ўтрорга келганда Чингизхоннинг карвони, савдогарлари ва элчиларини хоразмшоҳнинг Ўтрордаги нойби, хоразмшоҳнинг тоғасининг ўғли амир Ғайирхон Инал ушлаб қолди. Хоразмшоҳга савдогар ва элчиларни жосус сифатида асир қилгани ҳақида хабар қилиб, хоразмшоҳ уларни фақат асир қилиш ҳақида буюрган бўлса ҳам, Ғайирхон уларнинг ҳаммасини қатл қилишга буюрди. Карвонда бўлган ҳамма нарсаларни Ғайирхон олиб қўйди.

Ан-Насавий хоразмшоҳнинг ҳаракатларини қанчалик оқламасин ва савдогар, элчиларнинг ўлдирилишидаги унинг айбини соқит қилишга ҳаракат қилмасин, бу жиноятнинг айби мамлакат раҳбарининг бўйнидадир. чунки, савдогарларнинг ўлдирилиши ўша даврдаги ҳокимлар ўртасидаги умумий халқаро муносабат қоидаларига зид эди. Ундан ташқари умумхалқ ҳуқуқ асослари ҳимоясида бўлган элчилар ўлдирилган эди. Ахир ўлдирилган 450 савдогар мусулмонлар эди-ку! Яна, Қушлухон билан бўлганидек, мусулмонларнинг ҳомийси буюк мусулмон салтанатининг ҳокими ва исломнинг ҳомийси хоразмшоҳ Алоуддин

Муҳаммад бўлмай, балки, кофир Чингизхон бўлиб чиқаяпти*).

Чингизхон, ўлимдан қутулиб қолиб, Утрордан қочган биргина савдогардан савдогарлар ва элчиларнинг ўлдирилганлигини эшитгач, урушни бошлашга қарор қилди. Бир мўғул тарихий манбасига кўра, у яқинларини чақирди-да, эълон қилди: «Сартовул халқи устига жанг қилиб бораман ва Ўҳуна бошчилигидаги юзлаб савдогарларим учун қонуний қасос оламан. Мен олтиншоҳ жиловимнинг безакларини бемалол узганлари учун Сартовул халқини жазосиз қолдираманми?». **)

Унинг ўғиллари ва амалдорлари Ўрта Осиёга қарши дарҳол уруш бошлаш тарафдори эдилар, лекин, Чингизхон жангни бироз кечиктирмоқчи бўлди ва хоразмшоҳнинг ҳузурига Ибни Кафраж Бўғра бошчилигида элчилар юборди. У хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммадга Чингизхоннинг ушбу мактубини етказди: «Сен савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳеч бирига ҳужум қилмаслик ҳақидаги ваъдангга ўз муҳрингни босиб берган эдинг, лекин хиёнат қилдинг ва ваъдангни буздинг. Хоинлик қабиҳликдир,

---

* Бу ерда муаллиф мусулмон хоразмшоҳ мусулмон савдогарларини ўлдирда, деб куйиб-пишмаса ҳам бўларди, чунки хоразмшоҳ ўша савдогар ва элчиларни, уларнинг айримлари мусулмон бўлиш билан бирга, унга ватандош ҳам бўлишига қарамай (ал-Ўтрорий, ал-Бухорий, аввалги элчилардан Маҳмуд ал-Хоразмий), душман кофир будпараст Чингизхоннинг вакили бўлиб келганлари учун тўла ва ҳақли равишда сотқин ва хоинлар, жосуслар ва диндан қайтганлар деб қаралиши мумкин эди: Шунинг учун исломнинг ҳомийси сифатида ислом мамлакатини бундай хоинлардан тозалаш мақсадида уларнинг қатл қилиниши хоразмшоҳни, аксинча оқлайди:

Бунинг устига Чингизхон мусулмон мамлакатига бутпарастлар мамлакатидан вакил қилиб жўрттага мусулмонларни юборганининг ўзи катта иғво эканлигини ҳам унутмаслик керак:

Муаллиф юқорида ан-Насавийнинг ҳаққониятпарварлигига тан берган эди, энди уни хоразмшоҳни оқлашда айблаяпти: Бизнингча, шу ерда муаллифнинг ўзи ҳақиқатдан четлашяпти: (А: А)

** Чингизхоннинг бу сўзларидан кўринадики, у қасосни «айбдор» хоразмшоҳдан олмай, балки «Сартовул халқидан ялпи бизлардан олмоқчи бўлган: Бу унинг қонхўрлик нияти аввалдан бўлганлигидан далолат берган. Айбни хоразмшоҳга юклаш адолатдан эмас. Чингизхон барибир жангни бошларди. Унга фақат қулай фурсат, баҳона керак эди: Шунинг учун у ўта асабий хоразмшоҳнинг жиғига тегиш учун иғво қилиб, турли сотқинларни унга рўбарў қилиб қўйди. (А. А)

айниқса бу ислом султони тарафидан бўлса! Агар айтганингдек, Иналнинг қилмиши сенинг буйруғингсиз юз берган бўлса, у ҳолда менга Инални топшир, биз уни гуноҳлари учун жазолайлик ва қон тўкилишининг олдини олайлик. Акс ҳолда — уруш, бунда энг қиммат жонлар нақадар арзонлашур ва найзаларнинг йиғачлари синур!».

Аммо, ан-Насавийнинг ёзишича, хоразмшоҳ Инални Чингизхоннинг ҳузурига юборишдан бош тортган, чунки «унинг кўнглини қўрқув босиб, ақлдан оздирган эди». Чунки, аскарларнинг ва олий мартабадаги амирларнинг кўпчилиги Иналнинг қариндошлари (ва, демак, унинг онаси Туркон хотуннинг қариндошлари) бу одамларга бутунлай қарам бўлгани учун савдогарлар ва элчилар унинг воқифлигида ва унинг буйруғи билан ўлдирилди, деб эълон қилди.

Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Манкбурни элчи ибн Қафраж Бўғра билан бўлган суҳбатдан сўнг, отасига элчи билан юмшоқроқ муомалада бўлишни ва Инални Чингизхонга топширишни маслаҳат берди, чунки Сирдарё бўйларидан то Сурия чегараларигача бўлган мамлакатда мусулмонлар қони тўкилишининг олдини олиб, бир одамнинг қонини тўкиш афзал эди. Бироқ, хоразмшоҳ Жалолиддиннинг маслаҳатини рад этди ва энди бундан буён у билан Чингизхоннинг ўртасидаги баҳсни қилич ҳал этади, деб ибн Қафраж Бўғра билан унинг йўлдошларини қатл этишга буюрди. «Ҳеч қачон бу қадар қабиҳ иш бўлмаган эди! — деб хитоб қилади ас-Субқий. — Элчилар қонининг ҳар бир томчиси учун мусулмонларнинг дарёдек қони билан хун тўланди!».

Ўрта аср муаллифларининг ёзишларича, ибн Қаф-

---

* Муаллиф бу қўштирноқ ичидаги парчани келтириб, изоҳида Бар 36-рей. Жувайний ва Рашидиддин асарларини кўрсатган: Буларнинг биринчиси сурхний, қолган иккиси форс бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам бу сўзлар айтилганда Чингизхоннинг ёнида, яъни 128 йили Қоракўрумда бўлган эмас: Хоразмлик бўлмаган бу тарихчилардан бири хоразмшоҳга душман бўлганлигидан, унга айб қўйиш учун, оддий мусулмон киши айтадиган бу сўзларни Чингизхонга «айттириб»; асарига киритган, қолган икки муаллиф эса ундан кўчирган: Шунинг учун биз ўзбек ўқувчилари гўё, Чингиз айтган парчани «ўрта аср муаллифларининг айтишича» деб тушунмаслигимиз керак: Аслида эса Чингизхон ўз мақсади ва режалари амалга ошаётганидан суюниб, «уч кечаю уч кундуз ибодат қилиб» ўтирмай, отни қамчилаб қолган; деб ангалмоқ керак (А: А)

раж Бўғранинг ўлдирилганлигидан ғазабланган Чингизхон уч кечаю уч кундуз танҳо ўзи ибодат қилиб, худога қараб хитоб қилган: «Эй парвардигори олам! Эй тозик ва туркларнинг яратгучиси! Бу жанжални бошлаган мен эмасман, қасос олиш учун қувват бер!»*!

Шундай қилиб, элчи ибн Қафраж Бўғранинг ўлдирилиши Чингизхоннинг сабр косасини тўлдирган энг сўнгги томчи бўлди. Мўғулларнинг ҳуқуқ ҳақидаги қарашларига кўра, элчилар ва давлат вакилларининг ўлдирилиши энг оғир жиноят ҳисобланиб, жиноятчига қаттиқ жазо бериларди.

1221 йили Чингизхон билан Хоразмга келган Елйуй Чу-жай ўзининг «Ғарбга саёҳат тавсифи» асарида айтадики, Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлатига юришининг сабабларидан бири Хуа-Таланинг Ўтрорнинг ноиби томонидан мўғул элчиларининг ва қўплаб савдогарларининг ўлдирилиши бўлган.

Ўрта аср муаллифлари эҳтимол қилиб айтадиларки, Чингизхоннинг хоразмшоҳга қарши юриши барча бошқа сабаблардан ташқари халифа ан-Носирнинг Алоиддин Муҳаммадга қарши курашида худди аввали ғурийлардан, қорахитойлардан ва найманлардан фойдаланганидек, бу гал мўғуллардан фойдаланишининг натижаси бўлиб чиқди. Ибн ал-Асир аввалида бу ҳолатга ишора қилади: «Тоторларнинг ислом мамлакатларига истилосини бошқа сабаблар билан ҳам баён қилишади, лекин бу ҳақда китоб саҳифаларида ёзиб бўлмайди». Бироқ асарининг бошқа жойида Ибн ал-Асир аниқроқ ёзади: «Агар ажамлар унга (халифа ан-Носирга) нисбат бериб айтганлари рост бўлса, яъни у тоторларни мусулмон мамлакатларига ҳужум қилишга ундаган бўлса ва шу мақсадда уларнинг тарафига ўз одамларини юборган бўлса, у ҳолда унинг бу қилмиши энг буюк жиноятлардан ҳам ортиқдир».

Ал-Мақризий (халифа ан-Носирнинг мўғулларга мактублари ҳақида янада аниқроқ айтади: «Унинг (ан-Носирнинг) ҳукми даврида тоторлар Шарқ мамлакатларини вайрон қилдилар. Улар ҳатто Ҳамадонгача бориб етдилар. Унинг сабаби мана бу эди: «У ростдан ҳам уларга мактуб ёзиб, уларни бу мамлакатларни истило қилишга қўзғатган, чунки, хоразмшоҳнинг ўғли султон Алоиддин Муҳаммаднинг Бағдодни босиб олишидан ва буни Салжуқийлар даврида бўлганидек, ўз давлатининг пойтахти қилиб қўйишидан қўрққан эди».

Халифа ан-Носирнинг Чингизхонга мурожаат қил-

ғани ҳақида Ибн Восил ҳам ёзади: «хоразмшоҳ Бағдодга юриш қилганида халифа тоторларнинг ҳокими Чингизхонга мактуб ёзиб, уни хоразмшоҳ мамлакатига ҳужум қилишга қўзғатган».*

Мўғулларнинг хоразмшоҳлар давлатига қарши юришини келтириб чиқарган сабаблардан яна бири сифатида Алоиддин Муҳаммад ўзини оламни бошқара оладиган биргина ҳоким деб, ўзига ҳаддан зиёд баҳо берганлигидир деб ҳисоблайдилар. Босиб олган ерларидаги аввалги ҳокимларни йўқота бориб, хоразмшоҳ бу ерларни ўз қариндошлари, амирлари ва мулозимларига иқто сифатида улашиб берди ва бу билан давлатни бошқариш тартибини анча бузди ва бу эса аввалги ҳокимликларга хизмат қилган лашкарбоши ва амалдорларнинг ҳамда фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқарди.

Агар хоразмшоҳ, гоҳо Салжуқийлар тутган амалга кўра, ерлардаги аввалги ҳокимларни тобелар сифатида қолдирганда сиёсий ва ҳарбий—стратегик нуқтаи назаридан тўғрироқ бўларди. Мўғуллар бостириб кела бошлаганда, хоразмшоҳ босиб олган мамлакат ва ўлкаларнинг маҳаллий аҳолиси бирор марта ҳам хоразмликларнинг тарафини олмади, мўғуллар яқинлашиб кела бошлашганда улар ўз ҳаётини ва молини сақлаб қолиш учун хоразмликларнинг аскар гуруҳларини уларга топшириб, маълум даражадаги пул ва товар бадалини тўладилар.

Чингизхон ва унинг лашкарбошилари хоразмшоҳга қарам халқларнинг норозилигидан усталик билан фойдаландилар. Чингизхон лашкарида чегараланган миқдордаги ўзининг мўғул аскарларидан ташқари мусулмонлар, насронийлар ва буддапарастлардан иборат аскар бирлашмалари ҳам бўлиб, мўғуллар улардан жангларда муқаддам ва муаххар' қўриғи сифатида фойдаланардилар. Хоразмшоҳнинг хизматидаги қорахитойлар, хуросонликлар, дайламилар мўғуллар бостириб келиши билан уларнинг тарафига ўтиб кетди-

---

* Бу ерда тарихий манбалардан келтирилган парчалар бизнинг юқоридаги изоҳларда айтган фикрларимизни тасдиқлайди. Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, Чингизхон ўзининг Ғарбга юриши хоразмшоҳнинг айби билан эмас, балки халифа ан-Носирнинг бир неча йиллар давомида юбориб турган мактублари ва уларни хоразмшоҳга қарши қўзғатгани ва турли иғволари натижаси бўлиб чиқди. Аслида хоразмшоҳ халифа ан-Носир уюштирган фитнанинг қурбони бўлиб чиқди.

лар. Хоразмшоҳнинг ўз амир лашкарларига, айниқса улардан Туркон хотун билан қариндош бўлганларига ишонмаганлиги ҳам Чингизхоннинг ҳарбий муваффақиятларига ёрдам берди. Воқеалар шуни кўрсатдики, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад энг муҳим онларда, салтанатнинг ҳаёт—мамот масалалари ҳал бўлаётган дақиқаларда на ҳоким сифатидаги матонатини ва на лашкарбоши сифатидаги маҳоратини кўрсатолди.

Мўғуллар босқини арафасида хоразмшоҳ чақирган олий ҳарбий кенгашда хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбоби Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хевақий (хоразмшоҳ унинг фикрига қўшиларди) унга ҳамма аскарини (400 минг!) Сирдарё бўйида тўплашни ва сўнг узоқ юришдан чарчаган мўғулларга ҳужум қилишни маслаҳат берди. Бироқ хоразмшоҳ бу оқилона маслаҳатни рад этди. Мўғулларга қаршилик кўрсатишнинг иккинчи усули ҳам таклиф қилинган эди. Бунга кўра душманни Мовароуннаҳрга киритиб, сўнг маҳаллий ерни душманга нисбатан яхши билганликдан фойдаланиб, уни мажақлаб ташлаш кўзда тутиларди. Бу режани хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди таклиф қилган бўлиб, у келтирган далилга кўра, душманни Хуросон ва Ироққа ўтказмай, балки унинг узоқ остоналарида енгиш керак эди.

Таклиф қилинган яна бир усулга кўра, Мовароуннаҳрни душманга қолдириб, ўзлари тоғ дараларига бекиниб туришлари ва душман бу ерга кириши билан унга ҳамла қилиш керак эди. Бу усулни таклиф этганлар, афтидан, Чингизхоннинг лашкарбошилари бегона юртдан қўшинларини олиб ўтолмайди ва уларга бу ерда йўл кўрсатувчи топилмайди, деб ўйлаганга ўхшайдилар. Бу фикр қанчалик хато эканлигини кўрсатиш учун Чингизхоннинг лашкарида кўплаб хоразмлик ва Мовароуннаҳрлик савдогарларнинг борлиги ва хоразмшоҳ мулкининг турли чеккаларида унинг кўплаб хабарчилари ва жосуслари бўлганлигини эслатишнинг ўзи кифоядир.

Ҳарбий кенгашда яна бир режа муҳокама қилиниб, унга кўра Ғазна тарафига чекиниш ва ўша ердан қаршилик кўрсатиш, мабодо бунинг имкони бўлмаса, Ҳиндистонга чекиниш ва ўша ердан мўғулларга қарши жанг олиб бориш мўлжалланганди.

Бироқ хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ҳарбий кенгашда таклиф этилган мўғулларга қарши ҳаракатнинг барча режаларини рад этди ва бундай қарор қабул қилди: Мовароуннаҳрни ҳимоя қилиш керак, лекин

мўғуллар билан бош жангга кирмаслик керак, балки ҳар бир шаҳарга ўзини ҳимоя қилиш ва мўғуллар билан мустақил жанг қилиш имконини бериш керак. Шу муносабат билан хоразмшоҳ ҳижрий 616 йили (мелодий 1219 йил 19 март — 1220 йил 7 март) учун раъиятдан уч баробар хирож йиғишни буюрди. Ан-Насавий, хоразмшоҳ мўғулларнинг истилоси олдидан кетма-кет учта оғир хатоликка йўл қўйди, дейди. Биринчиси шундан иборатки, «у Самарқанд атрофини унинг катталигига мос девор билан ўрамоқчи бўлди. Девор айлана бўйлаб ўн икки фарсаҳдан (тахм. 80 км) иборат бўлиши керак эди». Бу деворни қуриш учун раъиятдан 616 йил учун иккинчи хирожни йиғишга фармон берди. Бу солиқ аҳолидан жуда қисқа муддатда йиғиб олинди, бироқ мўғуллар босқини бу режани бузиб юборди ва девор қуриш ҳамда Самарқандни истеҳкомлаш учун бу пуллар ишлатилмай қолди. Хоразмшоҳнинг ўзи Самарқанд атрофига ўйилган ҳандақни кўздан кечираётиб, деди: «Агар бизга қарши чиқадиган лашкарнинг ҳар бир аскари ўз қамчисини бу ҳандаққа ташласа, ҳандақ тўлиб қолади». Бу сўзлардан аскарлар ва раъият маъюс тортиб қолдилар».

616 йилга учинчи хирож янги сафарбар қилинган ўқчи сарбозларни тўла ҳарбий жиҳозлаш учун йиғилган эди. «Ҳар бир вилоят сарбозларининг сони у ердан йиғилган пулнинг кўп ё камлигига мос келиши керак эди, ҳар бир сарбоз эса қурол-яроғ ва озуқани олиб юриш учун ўз туясига эга бўлиши керак эди. Сарбозларни имкони борича жуда тез ёлланди».

Бироқ сарбозлар ҳали йўлдалигидаёқ, хоразмшоҳ мамлакатни тақдир тақозосига ташлаб қочди, деган хабар тарқалди.

Бу хоразмшоҳнинг иккинчи фалокатли хатоси эди. Ўша тарихчининг айтишича, «агар хоразмшоҳ сарбозларнинг етиб келишини кутганида эди, аскарларининг сони беҳисоб кўп бўларди».

Хоразмшоҳнинг учинчи фалокатли хатоси шундан иборат эдики, у ўз аскарларини Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг шаҳарлари бўйлаб тақсимлаш ҳақида ҳалокатли қарор қабул қилди. Бу эса шунга олиб келдики, мўғуллар ҳар бир алоҳида шаҳар ҳомийларини тезда енгиб, қисқа муддат ичида бутун Мовароуннаҳрни ишғол қилдилар.

Мўғуллар биринчи зарбани мелодий 1219 йил сентябрида Ўтрорга бердилар. Хоразмшоҳнинг бу ердаги ноиби, бизга юқоридан маълум бўлган Иналхон эди.

Чингизхоннинг у билан махсус ҳисоб-китоби бор эди. Шаҳарнинг ҳимояси Инал бошчилигидаги 50 минг кишидан иборат бўлиб, ундан ташқари ҳожиб Қорача қўл остида яна 10 минг киши бор эди. Шаҳар яхши истеҳкомланган эди, Чингизхон Ўтрорнинг қамали узоққа чўзилишини тушуниб, шаҳар яқинида ўғиллари Чиғатой ва Угатой бошчилигидаги қўшинларининг бир қисмини қолдирди. Шундан сўнг лашкарининг асосий кучларини у уч қисмга бўлди: бирини у катта ўғли Жўчи бошчилигида Ўтрордан шимолдаги Жанд ва Барчинлиқкентни бўйсундиришга юборди, иккинчисини — Улоқ нўён ва Сукету Черби бошчилигида Ўтрордан Жанубдаги Банокат билан Хўжандни босиб олишга юборди. Ўзи эса ўғли Тўлуй ва машҳур Жабу ҳамда Субутойлар билан Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, Бухоро тарафига юрди.

Шундай қилиб, Чингизхон Ўтрор қамали учун катта кучларини чалғитиб ўтирмай, уларни гўё елпиғич шаклида тузиб, шимол, ғарб ва жанубга йўналтирди-да, бир вақтнинг ўзида хоразмликларнинг бир неча таянч нуқталари ва қалъаларига шиддатли ҳужум қилди. Чингизхоннинг асосий мақсади эса аҳволлари унга жуда яхши маълум бўлган Мовароуннаҳрнинг иккита энг муҳим маркази — Бухоро ва Самарқандни босиб олиш эди.

Манбаларга кўра, Ўтрорнинг қамали беш ой давом этган. Қамал даврида қамалдагиларнинг ўзи эмас, балки мўғуллар ҳам катта талафот кўрди. Ўтрор ҳомийсининг қаҳромонона қаршилиги давом этган сари, уларнинг аҳволи оғирлашиб бораётган эди, чунки ҳеч қаердан ёрдам кутишнинг иложи йўқ, аскарларнинг сафи кундан-кунга сийраклашиб борар ва тез орада озиқ-овқат танқислиги сезила бошлади. Фуқаро ҳам, аскарлар ҳам халос бўлишдан умидларини узаётган эдилар.

Қамалнинг энг оғир пайтида ҳожиб Қорача Иналхонга қаршиликни тўхтатиш ва Ўтрорни мўғулларга топширишни таклиф қилди. Аммо, Иналхон бу фикрни рад этди ва охиригача жанг қилишга қарор қилганлигини билдирди, чунки у бутун бахтсизликларнинг асосий айби унинг елкасида эканлигини ва мўғуллар уни тирик қолдирмасликларини биларди. Шунда Қорача қамалдаги шаҳарни ўзбошимчалик билан ташлаб кетди ва ўзининг аскарлари билан мўғулларга таслим бўлди. Қорачанинг хиёнати мўғулларга Сўфихона дар-

возаси орқали Ўтрорга кириш имконини берди. Иналхон 20 минг аскари билан шаҳар қўрғонига бекиниб олди ва яна бир ой мўғулларга қаршилик кўрсатди. Ниҳоят у тутилди ва барча аскарлари ҳалок бўлгандан сўнг қийноқли ўлимга маҳкум бўлди.

Ҳожиб Қорачани эса Чингизхоннинг ўғиллари олдига келтирилганида, улар: «Сен ўз ҳожанг хоразмшоҳга нисбатан сотқинлик қилдинг. Ваҳоланки, у илгарилар сенга кўп яхшиликлар қилган ва сендан миннатдорчилик кутишга ҳақли эди. Шунинг учун биз сенинг содиқлигингга ишонмаймиз», дейишди. Шундан сўнг Қорача қамалдаги шаҳардан бирга келган одамлари билан қатл қилинди.

1220 йил февралида Ўтрор олингандан сўнг унинг қўрғони вайрон қилинди. Шаҳар аҳлининг тирик қолган қисмидаги ҳунармандлар ажратиб олинди. Қолган қисмидан хоразмшоҳлар давлатидаги бошқа шаҳарларни қамал қилишда ҳужум қилаётган аскарларнинг олдида ҳимоя қилиб турувчи тўсиқ сифатида фойдаландилар.

Чингизхоннинг ўғиллари Ўтрорни босиб олишлари билан унинг олдига хоразмшоҳ вазирининг Ўтрордаги собиқ ноиби, Ўтрор енгилишидан олдиноқ мўғуллар тарафига ўтган Бадриддин ал-Амид келди. Бадриддиннинг отаси ва унинг кўп қариндошлари руҳонийларнинг хоразмшоҳга душман тоифасидан эдилар ва Алоиддин Муҳаммад Ўтрор мулкини қўлга киритгандан сўнг уларни қатл қилган эди.

Бадриддин Чингизхонга деди, «Хонга маълум бўлсинким, султон менинг учун Аллоҳ махлуқларининг энг нафратлисидир, чунки у менинг қариндошларимнинг кўпини қириб юборди. Сенга маълум қиламанки, султон ҳам буюк ва қудратлидир. Унинг ўз аскарларини тарқатиб юборгани сени йўлдан адаштирмасин. Унинг яна жуда кўп сонли лашкари бор, бошқа лашкарнинг кераги ҳам йўқ. Агар у истаса, ўз давлатининг кенг майдонларидан бундан яна икки баробар кўпини тўплаши мумкин. Унда ўз лашкарбошиларига нисбатан ишончсизлик туғилиши учун сенга бир чора айтаман».

Чингизхон Бадриддин ал-Амиднинг маслаҳатидан усталик билан фойдаланди. Хоразмшоҳ ўз онаси ва қариндош-уруғларидан бўлган амирлари билан муносабати яхши эмаслигини, аллақачонлар хоразмшоҳ ҳеч қачон қўшинларини бирлаштира олмаслигини Чингизхон англаган эди. Мабодо бирлаштира олса ҳам, у ҳолда

В. В. Бартольд айтганидек, агар у мўғуллар устидан ғалаба қозонса, «бу даҳшатли куч дарҳол ўзининг султонига ва сулоласига қарши чиқарди».

Бадриддин ал-Амидга Туркон хотуннинг қариндошлари бўлмиш асирлар номидан Чингизхон номига сохта хат ёзиш топширилди. Хатда бундай дейилган эди: «Биз ўз қабилаларимиз ва биздан паноҳ топганлар билан бирга турклар мамлакатидан хоразмшоҳнинг олдига, унинг онасига хизмат қилиш учун келдик. Биз бу ердаги барча ҳокимларга қарши токи, у ўша ерларга ҳоким бўлмагунича, ҳокимлар ва тобелар бўйсунмагунларича унга ёрдам бердик. Мана энди онасининг ҳуқуқларига нисбатан унинг ниятлари ўзгарди: у ўзини такаббурлик ва одобсизлик билан тутаяпти. Шунинг учун онаси уни кўмаксиз бир ўзини қолдиришни буюраяпти. Биз эса сенинг келишингни кутиб турибмиз, сенинг ирода ва хоҳишингни бажо келтирамиз».

Чингизхон ўз айғоқчилари орқали бу хатларни тарқатди ва хоразмшоҳ бу хатдан огоҳ бўлганда, тарихчи хабар берганидек, «унинг кўзи қоронғулашди, кейин унинг қарори сусайди, чунки, унинг хоинлик ҳақида олган хабарлари, у ишонган одамларга бориб тақаларди». Хоразмшоҳ Чингизхоннинг бу иғвосига учиб, каттакатта аскар бирикмаларини илгаригидан кўпроқ қаттиқ қўллик билан тарқата бошлади ва бу билан ўз давлатининг ҳалокатини тезлаштирди.

Бу пайтда мўғулларнинг Сирдарёнинг қуйи оқимида ҳаракат қилаётган Жўчи бошчилигидаги қўшинлари Сиғноқ шаҳрига яқинлашиб қолдилар. Жўчи шаҳар аҳлининг олдига мўғулларнинг хизматида бўлган савдогар Ҳасан Ҳожини юборди, у Сиғноқ аҳлига мўғулларга итоат қилиб, шаҳарни топширишни таклиф қилди. Бироқ сиғноқликлар элчининг таклифини рад этдилар ва «Аллоҳу акбар!» деган хитоб билан Ҳасан Ҳожини ўлдирдилар ва мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Сиғноқликлар етти кун жанг қилдилар, бироқ кучлар тенг эмас эди ва мўғуллар шаҳарни олиб, аҳолисига нисбатан ниҳоятда қаттиқ қаҳр кўрсатдилар: уларнинг барчасини қириб ташладилар. Шундан кейин Жўчининг аскарлари ҳужум қилиб Ўзганд, Барчинлиғкент ва Ашносни босиб олдилар.

Босқинчиларга қаршилик кўрсатган шаҳарнинг ҳомийлари ва фуқароси мўғуллар томонидан ёппасига қирилиши, атрофдаги маскан ва манзиллар аҳолисининг ва уларни ҳимоя қилаётган ҳомийсининг кўнглига даҳ-

шат солиши керак эди. Ҳақиқатан ҳам, мўғуллар солган даҳшат шунчалик кучли эдики, шу қадар улкан ва мустаҳкам бўлган Жанд шаҳри хоразмшоҳнинг ноиби ва 10 минг кишилик қўшиннинг амири, амири амирон Қутлуғхон томонидан ўз ҳолига ташлаб кетилган эди. Ваҳоланки, унга Жанд, Шаҳриканд ва Ёркентни ҳимоя қилиш топширилган эди.

Қутлуғхон ўз бурчига хоинлик қилди ва кечаси Жандни ташлаб қочиб, ўз аскарлари билан Сирдарёдан ўтди-да, Хоразмга кетди. Жўчи бу ҳақда эшитиб, Жандга лашкарбошиларидан Чин Темурни юборди, у аҳолини мўғулларга бўйсунишга ва уларга бирон нарсадан тўсиқлик қилмасликка чақирди. Ўз ҳолига қолдирилган аҳоли ғала-ғовур кўтариб, норозилик билдира бошлаганда, Чин Темур уларга Сиғноқнинг тақдирини ва Ҳасан Ҳожининг ўлдирилганлигини эслатди ва Жанднинг фуқаросига омонлик ваъда қилди.

Ҳижрий 616 йил 4 сафар (мелодий 1219 йил 21 апрел) да Жанд мўғуллар томонидан жангсиз олинди. Барча аҳолини шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқиб, уларни тўққиз кун далада ушлаб турдилар, бу вақт оралиғида эса мўғуллар шаҳарни тамомила талон-торож қилдилар. Мўғуллар Жанд ва унинг атрофига ноиб этиб Алихўжа деган бир кимсани тайинладилар.

Мўғул аскарларининг Алақ-нўён, Сукету Черби ва Тақай бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимида ҳаракат қилган бир қисми Банокат шаҳрига яқинлашиб келдилар. Шаҳарнинг ҳомийси Илатғу Малик бошчилигидаги Қанғли турк қабиласидан иборат эди. Бу туркlар мўғулларнинг 5 минг кишилик гуруҳига уч кун қаршилик кўрсатдилар, сўнг Илатғу Малик мўғуллардан омонлик сўради. Мўғуллар аҳолини шаҳардан ҳайдаб юбориб, ҳомий аскарларининг бир қисмини қиличдан ўтказдилар, сўнг ҳунарманд ва усталарини ажратиб олиб, қолган ёшларни қамал ишларига юбордилар. Банокат ҳам, бошқа шаҳарлар каби мўғуллар томонидан талон-торож қилинди.

Банокатни олиб, мўғуллар Хўжанд тарафига кетдилар. Уларнинг қўшинида мўғулларнинг ўзи 20 минг киши эди, яна 50 минг босиб олинган жойлардан ҳашарга ҳайдаб келинган маҳаллий аҳоли ҳам бор эди. Улар ўнлар, юзлар ва мингларга ажратилган бўлиб, бошлиқлари мўғуллардан эди. Бу одамлар қамал ишлари ва қурол-яроқ топишдан ташқари, жангнинг энг оғир жойларида мўғулларнинг асосий кучлари учун

нана вазифасини бажарардилар ёки муқаддамда ҳаракат қилардилар ва, табиийки, уларнинг аксарияти қамалдагиларнинг камонак ўқлари ва найзалари остида ва мўғул отларининг туёғи остида ҳалок бўлардилар. Халос бўлишга ҳаракат қилганларга эса мўғуллар аёвсиз жазо берардилар.

Хўжанд мудофаасини хоразмшоҳлар давлатидаги энг жасур лашкарбошилардан бири Темур Малик бошқарарди. Мўғулларнинг 70 минг кишилик лашкарига қаршилик кўрсатиш бефойда ишлигини кўриб, Темур Малик шаҳарни ташлаб чиқди-да, мингта довюрак йигит билан Сирдарё ўртасидаги оролга ўрнашиб олди. Бу қўрғонга камонак ўқлари ва манжаниқ тош-ўқлари етмас эди. Мўғуллар бу оролдаги қўрғонни қандай қилиб бўлса ҳам олишга қарор қилдилар. Шунинг учун улар кўнгиллиларга тоғдан тошлар ташиб келтиришни ва уларни дарёга ташлаб, тўғон ясашни буюрдилар. Шунда Темур Малик 20 та сол ясаб, уларни лой суртилган намат билан ўратиб, сирка септирди, натижада улар душманнинг ўқлари ва ўт ёндирувчи қуролларига бардош берадиган бўлди. Ҳар кеча Темур Малик ўз аскарлари билан тўғонга сузиб келар, уни бузар ва мўғулларга катта талафотлар етказар эди.

Бироқ узоқ муддат қаршилик кўрсатиш учун Темур Маликнинг кучи ҳам, қуроли ҳам йўқ эди. Шунинг учун у ўз одамларини 70 та қайиққа жойлаштирди-да, ўзи билан от, қурол ва озуқаларни олиб, кечаси Сирдарёнинг оқими бўйича қуйи тарафига сузиб кетди. Мўғуллар Темур Малик гуруҳини дарёнинг иккала қирғоғидан таъқиб қилиб бордилар. Камон ўқларидан катта талафот кўрганига қарамай, Темур Маликнинг ўзи душман устига инзол[1] аскарларини туширар ва мўғул тўдаларининг ҳужумини даф этар эди. Шу зайлда унинг қайиқлари бирикмаси Банокатга етиб келди, бу ерда мўғуллар, Темур Маликнинг қайиқларини тутиш учун, дарёнинг бир қирғоғидан иккинчисига темир занжир тортиб қўйган эди. Аммо, Темур Малик занжирни ёриб ўтиб, оқим бўйича Ўтрор, Сиғноқ ва Жанд орқали ўтди. Фақат Барчинлиғкентга яқинлашиб келганда мўғуллар Темур Маликнинг қайиқларини қайиқлардан ясалган кўприк билан тўсиб тўхтатдилар. Кўприкда манжаниқлар, дарёнинг иккала қирғоғида эса ҳужумга шай бўлиб мўғул қўшинлари турарди.

---

* Инзол—десант.

Бироқ, Темур Малик бу хавфли тўсиққа яқинлашмади. У аскарларига тўсиққа етмай, қирғоққа чиқишни буюрди. Мўғуллар томонидан таъқиб қилинаётган ва Жувайний айтганидек, Рустам унга хизматкорликка ҳам арзимас Темур Малик бир неча бор кўп мўғуллар билан олишди. Ниҳоят, у таъқиб қилаётган мўғуллардан учтаси билан юзма-юз келди. Улардан бирини ўладиган ярадор қилди, қолган иккисига эса: «Менда иккита ўқ қолди. Уларни сизларга ишлатиш увол, лекин, улар иккингизга етарли. Яхшиси иккингиз ҳам орқага қайтиб ҳаётингизни сақлаб қолинг!» деди. Иккала мўғул чекинди, Темур Малик эса омон-эсон Гурганжга етиб олди ва у ерда шаҳар мудофаачиларига қўшилди.

Бу пайт мўғул қўшинларининг марказий қисми Чингизхоннинг шахсий бошчилигида, ўгли Тўлуй, Жеба нўён ва Субутой Баҳодурлар билан биргаликда, Сирдарё қирғоғидан шаҳдам қадамлар билан Қизилқум орқали Бухорога қараб кетаётган эдилар. Бухорога олиб борувчи йўл орқали мўғуллар тонг пайтида Зарнуқ шаҳрига етдилар. Мўғуллар Зарнуқ аҳолисининг олдига Чингизхоннинг содиқ хизматкори ҳожиб Донишмандни юбориб, уларга шаҳарни дарҳол топширишни таклиф қилдилар. Ҳожиб зарнуқликларга, шаҳарча четида Чингизхоннинг ўзи улкан лашкари билан турипти ва унга қаршилик кўрсатиш бемаъниликдир. чунки бу бутун аҳолининг қирилишига олиб келади, деб тушунтирди. Ҳожиб Донишманд Зарнуқ аҳолисига, ўзи каби аҳли ислом бўлганликларидан уларга раҳми келиб, мўғулларни элчиси бўлишни бўйнига олганлигини айтди.

Ҳожибнинг маслаҳатларига қулоқ солиб, Зарнуқ аҳолиси шаҳарликлардан бир гуруҳ обрўли кишиларни Чингизхоннинг ҳузурига юбордилар, Чингизхон эса ростдан ҳам шаҳар аҳлига шафқат қилди: уларни шаҳардан ташқарига чиқардилар, ёшларни ҳашарга ажратиб олдилар, қолганларини эса, аввал шаҳар қўрғонини вайрон қилиб, сўнг уйларига қўйиб юбордилар.

Зарнуқ талафотсиз олинганидан мамнун бўлган Чингизхон унинг номини ўзгартириб, Қутлуқ Балиқ («Қутлуғ шаҳар») деб атади.

Чингизхон Зарнуқдан бир неча йўл кўрсатувчиларни олиб, лашкарини Бухорога энг қисқа йўл билан олиб юрди ва тез орада улар Нури Бухоро деган шаҳарчага етиб келдилар. Мўғуллар бу ерда ҳам шаҳарни жангсиз топшириш таклифи билан бир кишини юбордилар.

Шаҳар аҳлининг бир қисми қаршилик кўрсатишга тайёр турган бўлса ҳам, эҳтиёткорлик устун келиб, нурликлар ҳам итоат билдириб, Чингизхон олдига вакилларини юбордилар. Нур аҳли талофот кўрмади, фақат улардан 600 ёш ҳашар учун танлаб олинди.

Чингизхон Нурга зарар етказмай, 1500 динор солиқ солиш билан чегараланди (Нур худди шунча сўмни хоразмшоҳнинг хазинасига тўлаб турарди). Бу пулнинг ярмини Нур аёлларининг зираклари билан тўланди, бу эса мўғуллар Нурни талон-торож қилмаганликларини кўрсатади.

616 йил зул-ҳижжасининг биринчи куни (мелодий 1220 йил 7 феврали) мўғуллар «Шарқ мамлакатларининг ислом қуббаси ва шу мамлакатларнинг тинчлик шаҳри, мусулмонлар аҳли шаҳарларининг онаси» (Қуббатул ислом фи билоди-ш-шарқ ва мадинатус-салом хазиҳил-билод ва умму жамиъил-мудунил-муслимин») Бухорони қамал қилдилар.

Бухоронинг мудофааси учун хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад амир Ихтиёриддин Қушлу ва ҳожиб Ўғул Инончлар бошчилигида 30 минг аскар ажратди. Бухоро деворлари ёнида қамал жанглари узлуксиз уч кун давом этди, бунда энг оғир жанг бўлаётган жойларга мўғуллар Ўтрор ва бошқа шаҳарлардан ҳайдаб келинган аҳолини ташлар эдилар. Бухоронинг мудофааси яна қанча давом этиши мумкинлигини ким билади дейсиз, лекин тарихчининг ёзишича, «амир Тоҳур Қушлу ва у билан бўлган султоннинг маслакдошлари, қарасалар, Бухоронинг таслими яқинлашиб қолибди, шунда улар ўзаро келишиб, мағлубият шармандалигини қатъият кучига алмаштиришга қарор қилдилар. Улар ҳаммаси бирдек ҳужумга ўтиб, дордан ва зулм жафосидан ҳалос бўлишга келишдилар. Ҳа, улар шундай қилдилар ва шаҳардан чекиндилар. Агар Аллоҳ истаганида эди, улар муваффақиятга эришардилар».

Бухоро аскарларининг ҳужуми шунчалик қудратли ва бехосдан бўлдики, мўғуллар чекиниб, қочишга мажбур бўлдилар. Агар бухоролик аскарлар ҳужумни давом эттираверганларида, шубҳасиз, мўғулларни енгардилар ва уларни Бухородан кетишга мажбур қилардилар. Аммо, хоразмшоҳ амирлари, биринчи ҳужумда мўғулларни енгиб, бу муваффақиятни мустаҳкамлаш ҳақида ўйламадилар ҳам ва мўғулларнинг сафига раҳна солиб, фақат ўзларини сақлаш ҳақида ўйлаб қоча бошладилар. Амир Қушлу ва унинг сафдошларининг бу

ишни мўғулларни ҳайратга солди, бироқ булар кутилмаган зарбадан ўзларини ўнглаб олиб, қочқинларни қувишга тушдилар ва бухороликларнинг чекиниш йўлларини кесиб қўйдилар, сўнг уларнинг деярли ҳаммасини қирдилар, фақат амир Қушлу билан кичик бир гуруҳ қочиб улгурди. «Мўғуллар ашёлар, қурол-яроғ, қуллар ва анжомлардан шунча кўп ўлжа олдиларки, натижада ўзлари бойиб, юклари эса оғирлашди».

Бухоро аҳли шаҳарни ҳимоя қилиши керак бўлган аскарлар шармандаларча қочганини ва уларнинг деярли ҳаммаси қирилганлигини кўрганларидан сўнг ноилож ўзларини мўғулларнинг шафқатига топширишга мажбур бўлдилар. Қози Бадриддин Қозихон бошчилигида Чингизхон ҳузурига вакиллар юборилди ва мўғуллар 616 йили 4 зулҳижжа (1220 йил 10 феврал) куни Бухорога кирдилар. Шаҳарликлар ва аскарларнинг бир қисми (ибн ал-Асир сўзича, 400 киши) шаҳар қўрғонига бекиниб олиб, яна 12 кун қаршилик кўрсатди.

Бу ҳолат мўғулларни шунчалик ғазаблантирдики, улар қўрғонни олганларидан сўнг унинг ҳимоячиларининг ҳаммасини қирғин қилдилар. Бухоронинг мўътабар руҳонийлари масжидларнинг бузилишидан ва аҳолининг ваҳшийларча жазоланишидан норозилик билдирганларида, Чингизхоннинг буйруғи билан имом Рукниддин Имомзода, унинг ўғли қози Садриддин ва бошқа эътиборли диний арбоблар қатл қилиндилар.

Шаҳар аҳолисининг моли ва пуллари мусодара қилинганидан сўнг, улар фақат бир кийимда шаҳардан ташқарига чиқсин, деб буюрилди. Эркаклар Самарқандни қамал қилиш учун ҳашарга олинди, аёлларни эса мўғул аскарлари бўлашиб олдилар. Шундан сўнг Бухоро бутунлай ёндирилди. Фақат Ўрта Осиёнинггина эмас, балки бутун ислом оламининг савдо ва ҳунармандчилик маркази ҳамда энг йирик маданий маркази, мусулмон Шарқининг кўплаб олимларини етказган Бухоро шаҳри йўқ қилиниб, йўловчи кўз ўнгида вайрона ва ҳаробалар уюми бўлиб қолган эди. Бухороликларнинг ўлимдан қутулиб қолганлари вайрон бўлмаган ўзга шаҳар ва қишлоқларга тарқаб кетдилар.

Мўғуллар Бухорони босиб олганларидан сўнг хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад қаршилик кўрсатишга бўлган қарори ва иродасининг қолганини ҳам йўқотди. Бир вақтлар ёвуз ва қудратли ҳоким бўлган хоразмшоҳ энди ожиз ва ночор бўлиб қолганини кўрганларидан сўнг, ҳатто энг ишончли аскарлари ҳам уни таш-

лаб, мўғуллар тарафига ўта бошладилар. Бундай қочқинлар орасида Қундузнинг ҳокими Алоиддин, Балхнинг ҳокими Моҳрўйи ва бошқа атоқли кишилар ҳам бор эди.

Чингизхон Бухорони тамом эгаллаб, аскарларини давлатнинг иккинчи пойтахти — Самарқандга ҳужум қилишга йўллади. Юқорида айтганимиздек, хоразмшоҳ бу шаҳарга алоҳида аҳамият берар ва ғамхўрлик қилар эди. Шаҳар ҳимояси 110 минг аскардан иборат бўлиб, булардан 60 мингини турклар, ғўрлар, ҳалажлар ва хуросонликлар ташкил қиларди. Уларга амирлик қилувчилар Туркон хотуннинг укаси Тоғайхон, амирлар Боришмасхон, Сарсиғхон, Улағхон, Алп Эрхон, Шайххон, Болахон ва бошқалар эди. Ғўрларнинг амирлари Хурманж, Ҳурзур, Ҳисомиддин Масъуд ва бошқалар эдилар. Маҳаллий хоразмлик аскарлар 50 минг аскардан иборат эдилар. Ундан ташқари Самарқандда 20 та уруш филлари ҳам бор эди.

Қамал пайтида Чингизхон бир ҳарбий ҳийла ишлатди. У шаҳарнинг қамалига аскарларининг арзимаган қисмини юборди, асосий қисмини эса пистирмаларга беқитди. Самарқанд амирлари бу найрангга учиб, мўғуллар унча кўп эмас экан деб, ўз аскарларининг кўп қисмини шаҳардан ташқарига олиб чиқдилар. Мўғуллар ўзларини гўё чекинаётган қилиб кўрсатдилар. Самарқанд аскарлари эса уларни қува бошладилар. Аввалдан белгилаб қўйилган пистирмадагилар уларни қуршаб олиб, бир неча соатнинг ичида ҳамма нарса тугатилди: мўғуллар Самарқанд аскарларининг улкан қисмини чопиб ташладилар.

Шаҳарнинг тирик қолган ҳимоячилари ва ахолиси юз берган ҳодисадан даҳшатга келдилар ва уларнинг қаршилик кўрсатишни давом эттиришга бўлган шижоати синдирилди, бунинг устига-устак мўғуллар Самарқанд остоналарига кўплаб асирларни олиб келиб, ўзларининг ҳарбий сафларига — юзлар ва мингларга ажратиб, ҳар бир қисмга биттадан байроқ бердилар.

Самарқанд ҳимоячиларининг уруш филлари билан чиққан иккинчи ҳамласи ҳам муваффақиятсиз бўлди. Шундан кейин мўғуллар ҳужумни янада шиддатлироқ олиб бордилар, шаҳарни манжаниқлар билан ўққа тутдилар ва камонлардан ўқлар ёғдирдилар. Самарқанд ҳимоячиларининг орасида ваҳима бошланди ва, ниҳоят, Чингизхон ҳузурига шаҳар қозиси, шайх-ул ислом ва бошқа нуфузли кишилар бошчилигида вакиллар юбо-

рилди. Бу кишилар хоразмшоҳ маҳаллий Қорахоний султонларни ўлдирган пайтиданоқ унга қарши бўлиб турган кишилардан иборат эдилар.

Шаҳар қозиси билан шайх-ул ислом Самарқанд дарвозаларини очишга ва уни мўғулларга топширишга тайёр эканликларини Чингизхонга билдирдилар. Мўғуллар шаҳарга бостириб кириб, дарҳол унинг истеҳкомларини бузишга киришдилар. Икки кун ичида уларни ер билан яксон қилдилар, учинчи куни эса Самарқанд аҳолисини қонли жазолашга киришдилар.

Аввалига барча турклар қуролсизлантирилиб қирилди, уларнинг хотинлари ва моллари эса мўғуллар аскарлари ўртасида тақсимланди. Ҳаммаси бўлиб 30 минг қанғли турклари уларнинг 20 амирлари билан бирга ўлдирилдилар, бу кейингиларнинг номларини, Чингизхон Рукниддин Қарт номига берилган махсус ёрлиқда эслатди. Қози, шайхул ислом, уларнинг маслакдошлари ва қариндошлари (50 мингдан ортиқ киши)дан бошқа Самарқанд аҳолиси қамал ишларига олиб кетилди. Шаҳарнинг барча ҳунармандлари (30 минг киши) мўғуллар томонидан асир қилиб олиб кетилди. Мўғуллар тирик қолган шаҳарликларга «ўз жонларини» сотиб олиш учун 200 минг динор тўлаш шарти билан шаҳарга қайтиб келишга рухсат бердилар. Бу пулларни йиғиш хоразмшоҳнинг мўғулларга таслим бўлган сарой аҳллари Сиқат ал-Мулк ва Амид Бузург ҳамда мўғулларнинг шаҳардаги шихнаси Тайфурга топширилди.

Самарқандни мўғуллар 617 йил 10 муҳаррами (мелодий 1220 йил 17 марти)да олдилар.

Шундай қилиб, қисқа муддат (атиги юз кундан ортиқроқ) ичида Чингизхон деярли ортиқча куч сарфламай қудратли хоразмшоҳлар давлатини қулатолди: энг мустаҳкам қалъалар қўлга олинди ёки емирилди, энг аҳолиси зич шаҳарлар босиб олинди, ўша даврнинг энг кўп сонли ва яхши қуролланган ҳарбий кучлари қисмма-қисм тор-мор қилинди. Тўла ғалабага эришиш учун Чингизхоннинг олдида икки масалани ҳал қилиш вазифаси турарди.

Биринчиси — хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммадни қувиб бориб, асир қилиш, унинг бирор жойда тўхташига ва қаршилик кўрсатиш учун аскар тўплашига имкон бермаслик керак эди. Бунинг учун Чингизхон Жеба ва Субутой бошчилигида 20 минг кишилик сараланган аскарларини танлаб, уларга кечаю-кундуз хоразмшоҳни таъқиб қилиб бориш, уни тутиб, ҳузурига келтиришни буюрди.

Шундай қилиб, Чингизхон хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ноиби Бадриддин ал-Амид маслаҳати билан қўйган мақсади: яъни, хоразмшоҳлар салтанатидаги энг олий ҳокимиятга бўлган рақобатдан фойдаланиб, сохта хатлар ва миш-мишлар тарқатиб, давлат кучларини парокканда қилиш ва Алоиддин Муҳаммаднинг онаси Туркон хотуннинг номидан барча аъён ва амирларига буйруқ бериб, «султонни мададсиз қолдириш» амалга ошган эди.

Мўғуллар Ўтрорни ва Сирдарё бўйидаги бошқа шаҳар ва қалъаларни босиб олгандан сўнг қўшинларини Бухорога йўллагани, кейин уни ҳам олгани ҳақида эшитган хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад Мовароуннаҳр ҳудудларини ташлаб кетди. Унинг қочиши шунчалик шошилинч бўлдики, ҳатто у Амударёдан ўтаётган пайтда Кирмондан келтирилган 70 юк тиллодан ҳам воз кечди. Бу тилло юклар муҳри бузилмасдан дарёга чўктирилди. булар билан бирга хоразмшоҳнинг ундан ҳам қимматлироқ бўлган хазинаси ҳам чўктирилди.

Хоразмшоҳни қўрқув қамраб олган эди, натижада у ҳодисага ҳушёрлик билан баҳо бериб, амал тутиш ўрнига, ўзига яқинларнинг маслаҳатларига телбаларча амал қилаверди, ўз мулкларини ҳимоя қилишнинг бирор имкониятидан ҳам фойдаланмади. Масалан, хоразмшоҳ Амударё қирғоқларидан чекинаётганда, унинг вазири Имод ал-Мулк Муҳаммад ас-Совий Хуросонни ташлаб, Ироққа боришни маслаҳат берган эди, у ерда «шунча одам тўплаш мумкин эдики, улар билан раҳнани бекитиб, ўз яраларини даволаш мумкин бўларди».

Хоразмшоҳларнинг сўнгги тарихчиси кейинчалик вазирнинг маслаҳатлари алдов ва ёлғон деб, тўғри баҳо берди. Ан-Насавий ёзадики, хоразмшоҳ аскарлари бисёр бўлган Хуросонни ташлаб, яна бир оғир хато қилган.

Ироққа кетаверишда хоразмшоҳни унинг йўлдошлари, Туркон хотуннинг Уран қабиласидан бўлган қариндошлари ўлдирмоқчи бўлдилар. Бироқ, у огоҳлантирилди ва бир неча соқчилари билан Нишопурга қочди. Хоразмшоҳ Нишопурга 617 йил 12 сафар (мелодий 1220 йил 18 апрел)да келди. Бу ерда у «қалбида ўтириб қолган қўрқув ва кўнглида ўрнашган ваҳима туфайли, фақат бир неча соат» турди холос. Таъқиб қилаётган мўғуллар яқинлашиб келаётганини эшитиб, хоразмшоҳ қўрқув-изтиробда Нишопурни тарк этиб, Бистомга етиб борди. У Бистомдаги вакилларидан бири амир Тожиддин ал-Бистомийга Дамованд билан Мозандарон ораси-

да жойлашган, яқинлашиб бўлмас Ардаҳн қалъасига ўн сандиқ қимматбаҳо тошларини обориб қўйишни буюрди. Булардан фақат икки сандиқнинг баҳоси «бутун дунёнинг ҳирожига тенглашарди». Кейинчалик бу сандиқлар мўғулларнинг қўлига тушди ва уларни Чингизхонга юбордилар.

Жеба ва Субутойнинг тўдалари томонидан таъқиб қилинаётган хоразмшоҳ Бистомни ташлаб, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ва бир қалъадан иккинчи қалъага санғирди ва ҳамма ерда ҳам маҳаллий ҳукмдорлар томонидан совуқ қабул қилинарди, чунки, Чингизхон уларни хатлар билан огоҳлантириб қўйган эди. Фаррозин қалъасининг яқинида хоразмшоҳ ўғли Рукниддин Ғўрсанчтини 30 минглик қўшини билан учратди. Бу ердан улар Рой ва Табористон орасидаги Қорун тоғида жойлашган шу номли қалъага йўл олдилар. Хоразмшоҳ ҳарамининг бир қисмини шу ерда қолдирди. Кейин у Гилондаги Саржаҳон қалъасига борди, у ерда етти кун туриб, сўнг Омул яқинидаги Дебуйа қишлоғи яқинидаги Журжон денгизига етди.

Мўғуллар ҳам Журжон денгизи қирғоғига етганда хоразмшоҳ кемага ўтириб, қирғоқдан сузиб кетди. Мўғуллар сувга ташландилар, лекин кема қирғоқдан узоқлашиб улгурди. Хоразмшоҳ Ғургон дарёсининг денгизга қуйилиш жойига ва Обисукун бандарига яқин бўлган Ашур оролига бориб тушди.

Кўп ўтмай хоразмшоҳ қайғу-алам ва маҳрумликлар натижасида бетоб бўлиб қолди. Хоразмшоҳ пешонасининг шўрлигидан алам билан нолиб, айтган эди: «Ердаги мулкимиз бўлган барча вилоятлардан ўзимизга гўр қазиш учун икки газ ер ҳам қолмади». Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ўлимидан олдин онасининг тазйиқи остида валийаҳд деб Қутбиддин Ўзлағшоҳни тайинлаган қарорини ўзгартирди. Туркон хотун асир бўлганини эшитиб, катта ўғли Жалолиддинни ва бошқа икки ўғли — Ўзлағшоҳ ва Оқшоҳларни чақириб, бундай деди: «Ҳокимият иплари узулди, салтанат асослари бўшашди ва бузилди. Бу душманнинг мақсади аён бўлди: унинг чангали ва тишлари мамлакатга қаттиқ санчилди. Мен учун фақат ўғлим Манкбурнийгина қасос ола олади. Энди мен уни тахтга валийаҳд этиб тайинлайман».

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад 617 йил шаввол (мелодий 1220 йил декабрь)да ўлди ва ўша оролга кўмилди. Дунёнинг энг буюк ҳокимини «ўраш учун ҳатто кафан ҳам йўқ эди».

Жалолиддин Манкбурнининг фармойишига кўра, отаси хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг жасади Исфаҳонда хоразмшоҳнинг хотираси учун қурилган мадрасага кўмиш учун Ардаҳн қалъасига олиб келинди. Султон Жалолиддиннинг муншийси ан-Насавий бу ҳақда хоразмшоҳнинг собиқ ўрин-тўшакларига қаровчиси Муқаррабиддин номига ёрлиқ ёзаётганда, жасадни ороддан келтирилиши муносабати билан ҳавфсираётганини айтган.

Мўғуллар қўлларига олган мамлакатлардаги ҳокимларнинг гўрларидан қолдиқларини кавлаб олиб, ёндиришларини билган ан-Насавий хоразмшоҳнинг жасадини кўчирилишига қарши бўлди, лекин унга қулоқ солишмади. Кейинчалик мўғуллар Ардаҳн қалъасини олганларида, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг суякларини ковлаб олиб, ҳоқон Ўктойга олиб бордилар, у эса ёндиришни буюрди.

Шундай қилиб, қорахитойларнинг ерлари, Мовароуннаҳр, Хоразм, Исфаҳон, Мозандарон, Кирмон, Макрон, Каш, Газна, Ғўр, Бомиён, Ўтрор, Озарбойжон, Арон, Ироқ, Сижистон, Форс, Табористонда ҳокимлик қилган, мулклари Ҳиндистон, турклар мамлакати ва Хитойгача бориб етган, номига Дарбанд, Ширвон, Хуросон ва бошқа ерлар ҳамда шаҳарларнинг минбарларидан хутба ўқилган, оламнинг энг буюк ҳукмдори хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг умри шармандаларча тугади.

Манбаларда айтилишича, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад сон-саноқсиз бойликка эга бўлган 20 миллион олтин динор, 1000 юк атлас ва бошқа қимматбаҳо матолар, 30 минг оту хачир ва кўплаб бошқа бойликлар мўғуллар қўлига ўтди.

Чингизхон ўз лашкари олдига қўйган иккинчи, жуда муҳим вазифа-хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганжни босиб олиш эди.

Гурганжни узоққа чўзмасдан тезда олиш ва келгуси жанглар учун кучни сақлаб қолиш учун Чингизхон пойтахтда турган хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотиннинг ҳузурига ҳожиб Донишмандни юборди, у Туркон хотунга Чингизхоннинг ушбу мактубини топширди: «Сенинг ҳуқуқларингга нисбатан ўғлинг қанчалик қонхўрлик қилгани сенга маълум. Мана энди мен унинг айрим амирлари билан келишиб, унга қарши чиқяпман, лекин мен сенинг мулкларингдаги нарсага ҳужум қилмайман. Агар сенга шу маъқул бўлса, у ҳолда сўзларим ҳақли-

тини тасдиқлайдиган бир одамингни ҳузуримга юбор, сўнгра Хоразм, Хуросон ва Жайҳуннинг нариги тарафи ва уларга туташ жойлар сенга берилади».

Туркон хотун Гурганжнинг мудофаасини ташкил қила олар ва мўғулларга қаршилик кўрсата оларди, чунки, Гурганж бунинг учун етарли истеҳкомланган эди, ундан ташқари, шуниси муҳимки, Гурганж аҳолиси жасорати ва ҳарбий тайёргарлиги билан ажралиб турарди, буни 1204 йили султон Шаҳобиддин ал-Ғўрийнинг ўзи шахсан синаб кўрган эди.

Аммо, Чингизхоннинг элчиси ҳожиб Донишмандниинг Гурганжга келиши ва ўғли Алоиддин Муҳаммаднинг ғарбга қочгани ҳақидаги хабар Туркон хотуннинг матонати ва жасоратини синдирди. Туркон хотун ўзи билан хоразмшоҳнинг хотинлари ва болаларини, унинг хазинаси ва қимматбаҳо ашёларини олиб, шаҳарни ташлаб кетди.

Туркон хотун Гурганжни ташлаб кета туриб, барча асир султонлар, ҳокимлар ва уларнинг ўғилларини — ҳаммаси бўлиб 26 кишини ўлдиришни буюрди. Уларни Амударёга чўктирдилар. Бу ғаламислик ҳаракати Гурганжда кўпчиликни Туркон хотундан совитди, натижада у фақат ўз хизматкорлари ва вазир Муҳаммад ибн Солиҳ билан Язир ҳокимининг ўғли Умархон раҳбарлигида (бу киши атрофдаги йўлларни яхши биларди) пойтахдан чиқиб кетди.

Туркон хотун ўзининг машҳур ҳамроҳига нисбатан кўрнамаклик қилди, карвон Мозандарондаги Илал қалъасига етиши билан уни ўлдиришни буюрди.

Мўғуллар қалъани тўрт ой қамал қилдилар. Улар қалъанинг атрофини девор билан ўраб, унга дарвозалар ўрнатдилар, дарвозалар кечаси ёпилиб, қалъани ташқи дунёдан ажратиб қўярди. Бироқ Илал қалъа-

---

* Мабодо Туркон хотун Гурганжнинг мудофаасини ташкил қилиб, муваффақиятга эришганида ҳам шаҳар мустақиллигини сақлаб қололмас эди. Ундан ташқари қаршилик кўрсатиш бефойда эди, чунки бу ҳолда Чингизнинг қаҳри янада қўзғаб, кўпроқ ваҳшийлик қиларди. Аксинча, Туркон хотун хоразмшоҳ оила аъзоларини Яқин Шарқ мамлакатларидан бирига олиб кетиб, уларнинг ҳаётини сақламоқчи бўлгани тўғри эди.

** Туркон хотуннинг бу қилмишини оқламай, шуни ҳам айтиш керакки, агар ўша бечора асирлар Чингизнинг қўлига тушганида кўпроқ азоб чекардилар.

*** Туркон хотун, вазир мўғулларга сотилган, деб гумонсираган бўлиши мумкин, чунки мўғуллар қандайдир йўл билан қалъага бекингани ҳақида хабар топганлар.

синиng қамали қанчалик давом этиши номаълум эди, чунки у олиб бўлмайдиган қалъа эди ва унда жамғарилган қурол-яроғ ва озиқ-овқат узоқ муддатга етарди. Мўғулларга бу ерларда жуда кам бўладиган ҳодиса қўл келди. Ёмғирнинг кўп ёғиши ва сероблиги бу ерлар учун оддий эди. Лекин бутун қамал давомида бир томчи ёмғир ёғмай, фақат Туркон хотун ташналикдан азоб чекиб, қалъа дарвозаларини очиб, мўғулларга таслим бўлиш ҳақида буйруқ бергандагина тўсатдан жала қуйиб юборди. Ан-Насавий бундай ёзади: «У (Туркон хотун) дарвозадан чиқаётганда дарвоза тарафга сув оқими урди ва шу куни барча ҳовузлар сувга тўлди».

Туркон хотун, бутун ҳарам ва хоразмшоҳнинг болалари асир бўлдилар. Хоразмшоҳнинг болалари ўлдирилди, хотинлари эса Чингизхоннинг яқинларига хотин қилиб берилди. Туркон хотуннинг ўзи эса Чингизхоннинг қароргоҳига юборилди. Қорақўрумга юборилишидан олдин Туркон хотунга ва хоразмшоҳнинг хотинларига «олдинга чиқиб, мўғул аскарлари уларнинг олдиларидан ўтиб кетгунларига қадар, хоразмшоҳ давлатининг тугатилганлигидан қаттиқ йиғлаб аза тутиш» буюрилди. Хоразмшоҳнинг сарой аъёнларидан бири, мўғул асирлигидан қочган Бадриддин Ҳилол султон Жалолиддинга Туркон хотун ҳақида бундай ҳикоя қилиб берди: «Мен унга дедим: «Юр, Жалолиддиннинг ҳузурига қочамиз, ахир у ўғлингнинг ўғли ва қалбингнинг хазинасидир. Унинг куч ва қудрати, мамлакатининг кенглиги ҳақида бизга кўп хабарлар келади». У деди: «Ҳайҳот, у кўзимдан йўқолсин! Мен қандай қилиб Ой Чечак (Жалолиддиннинг онасининг оти шундай эди) ўғлининг марҳаматига боғлиқ бўлиб, унинг ҳимоясида яшаш даражасигача тушиб паст кетаман! Менинг Чингизхонга асир тушишим, ҳозирдагидек таҳқирланишим ва шармандагарчилигим бундан афзалдир!».

Туркон хотуннинг асирликдаги аҳволи жуда аянчли эди, у Чингизхоннинг дастурхонидан қолган сарқити билан овқатланарди. Бир вақтлар ҳар қандай фармойиши дарҳол бажариладиган маликаи жаҳон Туркон хотун 630 (1233) йили гадоликда ўлди.

Ҳокимаси ва бекаси бўлмиш Туркон хотун ташлаб қочган Гурганж аҳли эса саросима ва ҳаяжонда эди, пойтахтнинг келажак тақдирига жавоб берадиган ҳеч бир кимса йўқ эди. Туркон хотун шаҳарда «ишларини тартибга соладиган ва аҳолини бошқарадиган» бирор одамни қолдирмагани сабабли, Гурганжда Али Куҳий

Даруғон деган бир фирибгар ҳокимиятни ўз қўлига олди ва у шаҳар ҳаётига янада кўп сурон ва тартибсизликлар киритди. Гурганжда ўзаро жанжал ва босқинчиликлар бошланди, бунда фуқаронинг молидан ташқари ҳатто шаҳар девонининг моли ҳам талон-торож қилинди. Али Куҳий Даруғоннинг ёрдамчилари аҳолидан солиқ йиғиб, унинг кўпини ўзлари олардилар.

Бироз вақтдан сўнг давлат девонининг олий мансабдорлари муширф Имоддидин ва Шарафиддин Кўппак Гурганжга қайтиб келдилар ва ўлган хоразмшоҳ номидан сохта ваколатнома хатини тузиб, Али Куҳий Даруғонни четлаштирдилар, шаҳар девони даромадларини ўз қўлларига олиб, шаҳарда бироз тартиб ўрнатдилар.

Тез орада Гурганжга хоразмшоҳ ва султон Жалолиддин билан унинг укалари Ўзлиғшоҳ ва Оқшоҳлар келишди. Бироқ собиқ валиаҳд Ўзлиғшоҳнинг тарафдорлари Жалолиддиннинг давлат тахтига бўлган ҳақини тан олмадилар. Туркон хотуннинг қариндошларидан бўлган амирлар, Жалолиддиннинг тарафига ўтган Гурганж аҳолисининг деярли ҳаммасининг қаршилигига қарамай, янги хоразмшоҳга бўйсунмадилар ва тантанали маросим ўтказиб, Туркон хотуннинг укаси Ҳумор Тегинни султон деб эълон қилдилар. Хумор Тегиннинг ва амирлардан ҳожиб Ўғулнинг, Шайх-хоннинг, Эр Буға Паҳлавоннинг ҳамда Қутлуғхоннинг қўл остларида 90 минг турк аскарлари бор эди. Бу амирлар хоразмшоҳ Жалолиддинга қарши суиқасд уюштирдилар, лекин у аввалдан огоҳлантирилиб, қутулишга муяссар бўлди ва Хўжанд мудофаасининг қаҳрамони Темур Малик бошчилигидаги уч юз аскар билан Гурганжни ташлаб кетди. Уч кундан сўнг мўғулларнинг яқинлашиб келаётганини эшитиб, Ўзлиғшоҳ ва Оқшоҳлар ҳам Гурганжни ташлаб кетдилар.

Алоиддин Муҳаммаднинг ўғиллари шаҳарни ташлаб кетишлари билан мўғулларнинг илғор қисмлари Хоразм ҳудудига кириб келдилар. Бу қўшинлар Гурганждан узоқроқда туриб, шаҳарни қамал қилишга ҳозирлана бошладилар. Бироз ўтмай, Байчу нўён бошчилигидаги гуруҳлар келди, сўнг эса Чингизхоннинг ўғиллари Ўгадай билан Чиғатой ва нўёнлардан Тўлан Черби, Усун ва Қаданлар бошчилигида, ҳаммаси бўлиб 100 минг кишидан ортиқроқ бўлган мўғул аскарларининг асосий қисми келди.

Гурганжни қамал қилишда мўғуллар ўша замоннинг энг мукаммал ускуналари: манжаниқлар, «тош-

бақалар» (матарис) ва қамал мошинлари — даббобалардан тойдаландилар. Хоразмда тош йўқ бўлгани учун мўғуллар атрофдаги тутларни кесиб, уларни ғўла қилиб арраладиларда, сувга бўктириб қўйдилар, сўнг булар тошдек қаттиқ ва оғир бўлганидан кейин, уларни манжаниқларда ўқ қилиб отдилар.

Гурганж аҳолисининг қатъияти ва чидамлилиги мўғулларнинг ёпирилиб ҳужум қилиш билан шаҳарни олишга уринишларини чиппакка чиқариб турди. Шунда мўғуллар Гурганжнинг мудофаачиларига қарши худди Самарқандда ишлатган найрангларини ишлатдилар. Улар аскарларининг бир қисмини пистирмаларга жойлаштириб, ҳарбий ҳаракатни кам сонли аскарлар билан бошладилар. Шу аскар тўдалари Гурганж деворларининг остида пайдо бўлганларида, «айрим калтабин кишилар суюндилар ва келган душман шунчалик камки, энди шунчаки бир ўйиндек уларга ҳамла қилишга қарор қилдилар». Шаҳардан кўплаб отлиқ ва пиёда гуруҳлар чиқиб, «чекинаётган» мўғулларни қувлай бошладилар. Гурганж яқинидаги Боғи Ҳуррам боғлари ёнида пистирмадан Бугуржи нўённинг аскарлари чиқиб, Гурганжнинг аскарларига ташландилар ва қарийб минг кишини ўраб олиб қирғин қилдилар. Гурганж аскарларининг қарийб икки мингтачаси ҳожиб Ўғул бошчилигида ўровдан чиқиб, Хуросонга қочдилар.

Мўғуллар хоразмликларнинг қочганларини қувиб, Қобилон дарвозаси орқали Гурганжнинг ташқи деворининг ичига кирдилар. Лекин улар аскарлардан ташқари шаҳар аҳолиси — эркаклар ва хотинлар томонидан ташкил қилинган шундай қаршиликка дуч келдиларки, кечга томон улар Танур маҳалласига етиб борганликларига қарамай, шаҳардан бутунлай ҳайдаб чиқарилдилар.

Кейинги куни мўғуллар яна ўша шикастланган Қобилон дарвозаси орқали шаҳарга ёриб киришга уриндилар, лекин улар шу дарвозани қўриқлаётган амир Фаридун Ғўрий гуруҳининг аскарлари томонидан улоқтириб ташландилар.

Гурганжнинг қамали чўзилиб кетди ва мўғул лашкарбошилари, жумладан, Чингизхоннинг ўғиллари ҳам, токи Чингизхоннинг учинчи катта ўғли Жўчи ўз қўшинлари билан келмагунича, юзага келган аҳволдан чиқиш йўлини тополмай турдилар.

Жўчи, отаси унга бутун Мовароуннаҳрни мулк сифатида ваъда қилгани учун, шу қадар бой шаҳар бўл-

ган Гурганжни, унга зарар етказмай қўлга киритишга ҳаракат қилди. Шунинг учун у шаҳар аҳолисининг олдига мактуб билан ўз одамларини юбориб, шаҳарни ғолибларнинг раҳм-шафқатига топширилишини таклиф этди. Бироқ, Чиғатой акасига эътироз билдириб, Гурганжнинг вайрон қилинишини талаб қилди.

Мўғуллар Гурганжни яна қамал қила бошладилар, сўнг мудофаачиларга яна таслим бўлишни таклиф қилдилар. Тарихчиларнинг ёзишича, «шаҳар аҳлининг ақллилари сулҳ тузишга мойил эдилар», зеро хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ҳам ўлимидан аввал пойтахт аҳолисига мўғуллар билан сулҳ тузишни маслаҳат берган эди. Гурганжнинг ҳомияси ва аҳолиси уларни таслим бўлишга уринишларнинг барчасини қатъиян рад этдилар ва сабот билан мўғулларнинг зарбасини дафъ этиб турдилар. Мўғуллар эса шаҳар атрофидаги хандақни тупроқ билан тўлдиришга муваффақ бўлдилар ва шаҳар деворларига анча яқинлашиб келдилар. Мўғуллар Амударёдаги тўғонни бузиб, Гурганжга сув бостирмоқчи бўлдилар, бироқ уларнинг уч минг кишилик тўдаси шаҳар мудофаачилари томонидан йўқ қилинди.

Мўғулларнинг Гурганжни муваффақиятсиз қамал қилиши етти ой давом этди, Чингизхоннинг ўғиллари ўртасидаги келишмовчилик ва биринчилик учун рақобат мўғулларнинг истаган мақсади — Гурганжни олишга эриштирмади. Шунда Чингизхон бутун мўғул аскарларини ва шаҳзодаларни кенжа ўғли Ўгадайга бўйсундирди. Фақат шундан кейин ҳар томонлама келишиб, Гурганж иштиёқ билан қамал қилинди.

Мўғуллар ҳужумини тўхтатиб бўлмагандан кейин султон Хумор Тегин ва унинг мулозимлари шаҳар дарвозаларини очиб, мўғулларга таслим бўлишга қарор қилдилар. Мўғуллар Гурганжга отилиб кириб, етти кун давомида шаҳар мудофаачилари билан кўча жанглари олиб бордилар, босиб олинган уй ва биноларни бузиб, нафт билан ёндириб бордилар ва бу билан тирик қолган шаҳар мудофаачиларининг ҳалқасини торайтириб бордилар. Мўғуллар маҳаллама-маҳалла босиб бордилар. Улар бир маҳаллани олганларида одамлар бошқа маҳаллага қочардилар ва шижоат билан жанг қилиб ўзларини ва оилаларини қўлдан келгунча ҳимоя қилардилар. Бироқ мудофаа иши оғирлашиб борди, муваффақиятсизлик ўз башарасини намоён эта бошлади, уларда фақат уч маҳалла қолиб, одамлар тор жойга тиқилиб ётардилар.

Шу пайт мўғуллар олдига омонлик сўраб Хоразмнинг муҳтасиби фақиҳ Алоуддин ал-Ҳаййот борди. Бироқ энди ҳеч қандай омонлик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Илгари бундай қаттиқ қаршиликни кўрмай, энди эса аскарларининг талай қисмини талафот берган мўғул шаҳзодалари омонлик ҳақидаги илтимосни рад этдилар. Шаҳарнинг тирик қолган барча аҳолисини ташқарига чиқардилар ва барча аҳолининг орасидан Мўғулистонга юбориш учун 100 мингта ҳунармандни ажратиб олдилар. Сўнгра мўғуллар Гурганжнинг барча тирик қолган эркак ва болаларини сўйиб ташладилар; бунда мўғулларнинг 50 минг аскаридан ҳар бирига 24 кишидан тўғри келди. Шундан сўнг мўғуллар Гурганжнинг асир аёлларига қип ялонғоч бўлиб ўтишнинг буюрдилар ва уларни икки гуруҳга бўлиб, бундай буйруқ бердилар: «Сизнинг шаҳрингиз аёллари жуда яхши муштказш жангчилар эканлар. Шунинг учун буюрамиз: иккала гуруҳ аёллари бир-бирлари билан муштлашиб урушсинлар!» Сўнгра Гурганжнинг бечора аёллари бир-бирлари билан муштлашиб кетдилар. Бу разил томоша билан кўнгил очишиб, мўғуллар тирик қолган аёлларни бурдалаб ташладилар.

Мамлакат пойтахтининг аҳолисини жазолаб бўлиб, мўғуллар Гурганжни мунтазам равишда вайронлаштиришга ўтдилар. Улар Амударёдаги тўғонни буздилар ва улкан шаҳарни сув босди. Ниҳоятда қимматбаҳо маданий ёдгорликлар, кутубхоналар вайрон қилинди, уларда ўша давр фани тармоқлари бўйича минг-минглаб китоблар сақланарди. Гурганж «қашқирларнинг уясига ҳамда бойўғли ва қарғаларнинг бошпанасига айланди». Гурганжнинг ҳалокатидан сўнг мўғуллар Хоразмдаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, уларни хоразмшоҳларнинг Хуросондаги ерларига кўчирдилар.

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад қочгандан сўнг, Хуросоннинг ҳамма шаҳарлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ҳар бир шаҳарнинг катта ё кичик ҳомийси, кўнгиллилари бор бўлиб, улар баҳоли қудрат мўғулларга қаршилик кўрсатишлари мумкин эди. Бироқ мўғуллар Хуросоннинг барча катта шаҳарларини деярли қийинчиликсиз забт этдилар.

Хоразмшоҳнинг ўғилларини таъқиб этаётган мўғулларнинг йўлида учраган биринчи шаҳар Хуросоннинг Нисо шаҳри эди. Мўғуллар 20 та манжаниқ ўрнатиб, уни 15 кун тўхтовсиз қамал қилдилар. Мўғуллар Нисога кириб боришлари билан унинг аҳолисини шаҳар

ташқарисига ҳайдаб чиқардилар ва улар бир-бирларини қаттиқ боғласинлар, деб буюрдилар. Шундан сўнг мўғуллар Нисо аҳолисидан 70 минг кишини қирдилар, «улар билан йиртқич ҳайвонларни ва осмондаги қушларни тўйғаздилар. Қанчадан-қанча қонлар тўкилди, аёллар зўрланди, қанчадан-қанча болалар, ўлдирилган оналарининг кўкраклари ёнида ўлдирилди! Бу эса Хуросон вилоятларидан фақат биргинаси эди!».

Хоразмшоҳлар давлатининг йирик намояндаларидан бири Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хевақий Нисода мўғуллар томонидан асир этилди ва ўлдирилди. Мамлакатнинг барча аскарларини (400 минг аскар) Сирдарё бўйида тўплаб, мўғулларни мамлакат чегараларидаёқ яксон қилиш керак, деб хоразмшоҳга биринчи бўлиб маслаҳат берган шу киши эди.

Хоразмшоҳнинг мўғуллар таъқиб этаётган ўғиллари Ўзлиғшоҳ билан Оқшоҳнинг ҳам кўргулиги шундай бўлди. Ҳабушон вилоятидаги Вашта қишлоғида мўғуллар уларга етиб олди. Аввалига улар қирувчиларнинг бир тўдасини енгдилар, кейин уларни мўғуллар қуршаб олиб, аскарлари билан бирга чопиб ташладилар. Хоразмшоҳнинг учинчи ўғли Рукниддин Ғўрсанчти Устунаванд қалъасига бекиниб олиб, олти ой давомида мўғулларга қаршилик кўрсатиб турди. Қалъа йиқилгандан сўнг Рукниддинни Тоймас нўённинг олдига етказдилар, у эса шаҳзодага тиз чўкишни буюрди. Рукниддин буни рад этди ва қийноқли жазога топширилди.

1221 йилнинг ёзи ва кузи давомида мўғул қўшинлари Хуросоннинг Балх, Термиз, Завзон, Андхуд, Марв, Нишопур, Тус, Ҳирот ва бошқа шаҳар ва қалъалардан айримларининг ҳомияси ва аҳолиси мўғуллар билан жанг қилиб ўлдилар, бироқ, мўғулларнинг шафқатига ўзини топшириб таслим бўлган шаҳар ва қалъалар аҳолисининг ҳам тақдири бир хил эди — мўғуллар ҳеч кимни аямай қиличдан ўтказа бердилар. Чунончи мўғуллар 618 йил 1 муҳаррам (мелодий 1221 йил 5 феврал)да забт этилган Марв аҳолисининг талай қисмини қириб ташладилар.

Хоразмшоҳлар давлатининг енгилиши ва инқирози шундай бир қисқа муддат ичида юз бердики, бу воқеалар содир бўлган жойлардан узоқда бўлган давлатларнинг ва халифатнинг бошлиқлари, бир ёвуз тўлқин бир неча ой ичида шарқдаги деярли барча мусулмон мамлакатларини ўз йўлидан суриб ташлайди, деб ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдилар. Хоразмшоҳлар давла-

тидек улкан ҳарбий кучга эга бўлган шундай қудратли давлат, ўзидан қарийб уч баробар кам кучга эга бўлган душманнинг ҳужуми остида қулайди деб, ўша машъум ҳодисалар замондошларидан ҳеч бир киши ўйламаган эди.

Албатта, Чингизхон ғарбга юриш режасини бир лаҳзада чизган эмас. У бир неча йил давомида ўз жосуслари орқали хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ҳукмининг кучли ва заиф томонларини кузатиб борган. Бу давлатнинг барча заифликларини англаб олганидан кейин ҳам Чингизхон бу хавфли юришни бошлашга бирданига журъат этолмаган. У хоразмшоҳлар давлатининг Алоиддин Муҳаммад ҳокимлигидаги қудрати хаёлий бир нарсага айланиб қолганини билгандан сўнггина, қўшинларини зарбага бошлади. Чунки, хоразмшоҳ ўзининг улкан салтанати чеккаларидаги маҳаллий ҳоким ва бошлиқларни йўқ қилиб, ўзини маҳаллий аҳолининг қўллашидан бенасиб этди. Бу аҳоли учун унинг амалдорлари ва молия ходимлари бегона бўлиб қолди. Юзаки қараганда унинг енгилмас бўлган лашкари, асосан, кўчманчи турклар бирлашмаларидан иборат бўлиб, улар очиқ майдонда жанг қилиш маҳоратларини унутиб қўйган эдилар. Лашкар таркибида ҳаракатчан камонак ўқчилари ва бўлинмалари деярли йўқ эди. Ҳарбий ҳаракат вақтида хоразмшоҳ қўшинлари ҳеч қачон эҳтиёт бўлимларига эга эмас эди, лашкарнинг жанг пайтидаги ҳарбий тузуки ҳам ҳеч қандай танқидга бардош беролмасди: унда (айниқса давлат тарихининг охирги даврида) илғор қисм (муқаддам) йўқ эди, катта бўлимларни пистирмаларга қўйилмас эди, ваҳоланки, очиқ жойдаги жанг услуби ана шундай лашкар тузилишини тақозо этарди. Алоиддин Муҳаммад Эрон, Ғўр ёки Мовароуннаҳр майдонларидаги жангларда қўллаган ҳарбий усулга кўра, у душманларини кўп сонли лашкар билан тўсатдан ҳужум қилиш билан енгган бўлса, энди мўғуллар билан бўлган жангларда бу усул яроқсиз бўлиб қолди.

Мўғуллар билан бўлган илк жангларнинг ўзиёқ, мўғулларнинг жанг усулига эътибор беришлари ва пистирмалардан усталик билан фойдалана олиш маҳоратлари борлигини кўрсатди. Бу усулни хоразмшоҳнинг ўзи ҳам, амирлари ҳам билмас эдилар. Шунинг учун улар мўғул нўёнларининг ҳарбий усуллари устун эканлигини дарҳол сездилар. Уларнинг ғоявий ожизлиги ва ҳаракатларидаги мулоҳазакорликлари кўри-

ниб қолди, ва ҳар қандай, ҳатто, кичик жангнинг ҳам натижасини аввалдан айтиш мумкин бўлиб қолди. Шунинг учун хоразмшоҳ мўғулларнинг енгилмасликларига ишонди ва мўғуллар мамлакатга («тиш тирноқлари билан») ёпишиб олди ҳамда мўғуллар — «ғолиб-душман» ва улар билан уришиш эмас, сулҳ тузиш керак, деган фикрлар пайдо бўлди.

Бироқ, сулҳ бўлмади. Бу даврда мўғуллар бирор давлат тартиби ва босиб олинган ер аҳолиси билан муносабат ўрнатиш ҳақида ҳеч ташвишланмасдилар. Мўғулларнинг фикрича, аҳолини бўйсундиришнинг энг қулай усули — уни қириш ва ўлжа олиш эди. Улар бу мақсадларига эришдилар ва ғалаба қозондилар.

Хоразмшоҳлар давлатининг емирилишини ўз кўзи билан кўрган тарихчи ан-Насавий бундай ёзади: «Одамлар шундай фалокатларнинг гувоҳи бўлдиларки, булар ҳақида ўтган асрларда ва йўқ бўлиб кетган давлатларда ҳам ҳеч ким эшитмаган эди. Ким эшитганки, Қуёш чиқиш тарафдаги ерлардан қандайдир бир ўрда чиқиб, Дарбандгача ерларни кезиб, у ердан қипчоқлар мамлакатига ўтса? Улар бирор ерга етиб улгурмасидан, у ерни талон-тарож қилар, қайси шаҳарни босиб олса, уни хароба қиларди. Сўнг, гўёки, айланани ниҳоясига етказиб, Хоразм орқали ҳеч зарар кўрмай, ўлжа билан ўз бошлиқларининг ҳузурига келардилар, бунда улар мамлакатнинг экинзорларини поймол қилдилар, ҳайвон наслини йўқ қилдилар ва унинг аҳолисини қиличдан ўтказдилар. Ва шунинг ҳаммаси қандайдир икки йил ичида юз берди!..

Қонхўрликлар, талончилик ва вайронагарчиликлар шундай бўлдики, қишлоқлар ташлаб кетилди, деҳқонлар эса яланғочликларича қочдилар. Очиқ ёки пинҳон нарсалар ҳам тортиб олинди, кўзга ташланган ва ташланмаганлар сиқиб олинди ва, натижада, шундай бўлдики, молларнинг маъраши ҳам, эшакларнинг ҳанграши ҳам эшитилмай қолди, фақат бойўғли овози-ю унинг аксадосигина эшитиларди».

10-боб

БУЮК ҚАРШИЛИК ВА ҚАҲРАМОНОНА ЖАНГЛАР

Ўтган бобда, биз, Жалолиддин Гурганжда турган пайтда ўзига қарши суиқасд ташкил қилинганлигидан огоҳ бўлиб, Темур Малик ҳамда 300 отлиқ билан пойтахтни ташлаб кетгани ва мўғулларнинг таъқиби остида Нисо тарафга йўл олганини айтган эдик. Нисо яқинида уни 700 отлиқдан иборат мўғул тўдаси кутиб турарди. Содир бўлган жангда мўғуллар енгилди ва уларнинг тўдасидан фақат бир неча кишигина жон сақлаб қолди. Тарихчи ёзганидек, «мусулмоннинг қиличи биринчи марта мўғулнинг қонига беланди».

Жалолиддин Нисони қолдириб, Нишопурга йўл олди. Бу ерда у мўғуллар билан қатъий жанг қилишга қарор қилди ва 1221 йил февраль ойи давомида «ҳар тарафга чопарлар юбориб, аскар тўплаш ва ёрдам ташкил қилишга киришди». Бироқ мўғуллар унинг аскар тўплаш ишини охирига етказишига имкон бермадилар ва Жалолиддин шошилинч равишда Ғазнага йўл олди. Қандаҳор яқинида унинг амакиси Амин ал-Мулк 10 минг кишилик отлиқ турклари билан унга келиб қўшилди. Балх деган жойда Жалолиддин ва Амин ал-Мулкнинг қўшинлари Қандаҳорни қамал қилиш билан машғул бўлган мўғулларга ҳужум қилдилар. Уч кун шиддатли жанг давом этди. Мўғуллар «душман фақат оҳуга ўхшаб қочишга қодир, ҳеч ким ҳужум қилмоқчи эмас, қаршилик найзалари ўтмас бўлган ва найзакашлар йўқ», деб ўйлаган эдилар. Баногоҳ, улар ўзларининг бўғизларига санчилишга ва юракларини ёришга интилаётган найзаларни кўрганларидан кейин, дарҳол қочиш отини қамчилаб қолдилар».

Мўғуллар тор-мор қилинди ва Чингизхон ўз аскарла-

рининг енгилганини эшитганда, Насавийнинг айтишича, «унинг сафдошлари ўткир қиличларга, гўшт ва чўлоқ бургутларга ем бўлганидан қаттиқ изтироб чекди». Ғазабланган Чингизхон Ғазнага кетаётган Жалолиддинни таъқиб қилишни буюрди.

Жалолиддин Ғазнага 618(1221) йили келди. Бу ерда унга ҳалаж қабила гуруҳларининг бошлиғи Сайфуддин Иғроқ, Балхнинг ҳокими Аъзам Малик, афғон кўнгиллиларининг бошлиғи Музаффар Малик ва қорлуқ гуруҳларининг бошлиғи ал-Ҳасанлар келиб қўшилдилар. Ҳар бирининг қўл остида 30 мингдан аскар бор эди. Жалолиддиннинг ўзи 60 минг аскарни бошқарарди. Амин ал-Мулкда эса 40 минг аскар бор эди.

Шундай катта ҳарбий кучга эга бўлган султон Жалолиддин қўшинларини Ғазнадан олиб чиқиб, Такачуқ ва Мўлғўр бошчилигида Чорикордан шимолдаги Валиён қалъасини қамал қилиб турган мўғуллар устига ҳужум қилди. Бу ерда уч кунлик жангда 1000 та мўғул ўлдирилди, уларнинг қолганлари эса Панж дарёсидан ўтдилар-да, сўнг кўприкни бузиб, қочиб қутулдилар.

Шу пайт Жалолиддинни тор-мор қилиш учун Чингизхон юборган 45 минг кишилик мўғул қўшин Шиғи Қутқу нўён бошчилигида етиб келди. Бироқ, Ғазна яқинидаги Парвонда бўлган икки кунлик қирғин жанг натижасида мўғуллар енгилди. Тарихчининг айтишича, «Жалолиддиннинг ўзи Шиғи Қутқунинг қўшини ўртасига отилиб кириб, унинг ҳарбий тартибларини бузди ва байроқларини отларининг оёқлари остида поймол қилди ва уни ўз жойини ташлаб қочишга мажбур қилди. Сўнг мўғуллар бошига қасос қиличлари ёпирилди. Жалолиддин нафрат отига миниб, қиличлари билан уларнинг бўйин томирларини елкага уланган ерларидан узарди. Нега бундай қилмасин? Ахир, улар унинг ўзига, укаларига, отасига, давлатига, яқинлари ва қариндошларига қанчалик кулфат келтирдилар-ку!»

Шиғи Қутқу аскарларининг қолдиқлари билан Толлиқонга, Чингизхоннинг қароргоҳига қочди. Энди Чингизхон қисқа муддат ичида аскарларига неча марта қақшатқич зарба берган Жалолиддинни ўзи жазолашга қарор қилди. Чингизхон унга қарши шундай қўшинлари билан чиқдики, агар улар тўпланса, майдон торлик қиларди ва уларнинг кўплигидан водийлар тўлиб кетган эди.

Агар Чингизхон жанг майдонида Жалолиддин билан тўқнашганда иш нима билан тугаши номаълум эди,

лекин, юз берган аҳвол уни яна йўлга тушишга мажбур қилди.

Гап шундаки, Парвонда мўғуллар тор-мор қилингандан сўнг, султон тарафдорларининг қўлига катта ўлжа тушди. Бу ўлжани бўлашиш пайтида лашкарбошилар ўртасида низо келиб чиқди, натижада, Жалолиддиннинг умумий душман — мўғулларга қарши жипслашиш ҳақидаги илтимосларига қарамай, ҳалажлар, афғонлар ва қорлуқлар уни ташлаб кетдилар. Пировардида, тарихчи айтганидек, «шунинг натижасида мусулмонларнинг қуввати сусайди, мўғуллар эса бундан дарҳол фойдаландилар».

Кейинчалик Чингизхон Жалолиддинни ташлаб кетган ҳалаж, афғон ва қорлуқ қўшинларининг ҳар бирини алоҳида қириб ташлади. Энди унинг рўпарасида ёлғиз бир рақиб — Жалолиддин турарди. Қўшинларининг талай қисми ажралиб кетганига қарамай, ҳали у мўғуллар учун анча хавфли душман эди.

Чингизхон қўшинларига уни ўраб олиш ва асир қилиш чораларини кўриш ҳақида буйруқ берганини эшитиб, Жалолиддин шошилинч равишда Ғазнани ташлаб кетди. Икки ҳафтадан сўнг мўғуллар Ғазнани олдилар. Бу ерда султонни тополмай, Чингизхон унинг кетидан илгари тудаларини юборди. Уларнинг муқаддамгари чекинаётган Жалолиддинга Ғазнадан 50 км шарқроқдаги Ғардизда етиб олдилар. Жалолиддин ноилож ҳолга тушиб, ўша муқаддамга тўсатдан ҳужум қилиб, яксон қилди ва мўғулларнинг асосий кучларидан яна четлаша борди.

Чингизхон чекинаётган Жалолиддинга Синд дарёсининг бўйида етиб олди. Дарё қирғоғидаги уч кунлик жанг, тарихчиларнинг айтишича, шундай шиддатли бўлдики, бунинг олдида барча аввалги жанглар худди болаларнинг ўйинидек эди. Чингизхон ўз аскарларига бундай буйруқ берди: «Султонга ўқ билан отманглар, уни бирор-бир ҳийла билан тириклайин тутиш учун барча маҳоратингизни ишга солинг!» Мўғуллар бу амрга бўйсуниб, Жалолиддин атрофидаги ҳалқани аста-секин торайтириб бордилар. Султон аскарларининг кўпчилик қисми чопиб ташланган, амирларининг барчаси ўлдирилган эди, мўғуллар султоннинг ўзини Синд дарёсининг қирғоғига сиқиб бордилар.

Жангнинг учинчи куни (мелодий 1221 йил 25 ноябр) султоннинг фақат 700 аскари қолиб, улар билан мўғулларга қаршилик кўрсатди, ўзи эса пайдарпай бостириб

келаётган душманлар билан қаҳрамонона жанг қилиб борди. Аммо, Жалолиддин асирликдан қутулишнинг иложи йўқлигини англагандан сўнг, ўз ҳарамини сувга чўктиришни буюрди, ўзи эса отида бутун уст-боши билан дарёга ташланди ва дарёнинг нариги қирғоғига сузиб ўтди.

Жалолиддиннинг жасорати Чингизхонни ҳайратга солди: у султонни таъқиб этишни манъ этди ва у кетаётган тарафга қўли билан ишора қилиб, ўғилларига деди: «Ота ўғил мана шундай бўлиши керак. Модомики, у шундай жангдан тирик чиқиб кетдими ва шундай гирдобдан қирғоққа чиқиб ҳалос бўлдими, энди ундан кўп ишлар ва чексиз ғалаёнлар келиб чиқади!».

Жалолиддиннинг амирлари Қўлбарс Баҳодур, Қабкўҳ Саъдиддин Али бошчилигида 4 мингга яқин аскари Синднинг чап соҳилига сузиб ўтдилар. Чингизхон 619 йили Жалолиддин аскарларининг қолдиқларини қувиш учун Тўрбой Тўкшин ва Бола нўёнлар бошчилигидаги 20 минг кишилик қўшин юборди, бироқ мўғуллар иссиққа чидолмадилар ва Мўлтондан орқага қайтдилар.

Мадорсизланган ва енгилган Жалолиддин ўзининг кам сонли, оч ва тинкаси қуриган сафдошлари билан шимолий Ҳиндистонга, нотаниш ўлкага, ёвдек ғазабнок аҳоли орасига тушиб қолди. Жалолиддиннинг аянчли аҳволидан Жуд тоғларида жойлашган Шатра вилояти ражпутларининг ранаси (подшоҳи) фойдаланмоқчи бўлди. Бир минг отлиғи ва 5 минг пиёда аскари билан рана Жалолиддинга ҳужум қилди. Жалолиддин эса «ўз йигитларининг жасорат ва матонатини ошириб» ўзи ҳиндлар устига ҳужум қилди ва шахсан ўзи ранани ўлдирди. Унинг аскарлари эса тарқатиб юборилди, султоннинг аскарлари кўп от, қурол-яроғни қўлга киритдилар. Бу айни муддао бўлди, чунки шуларга муҳтожлик сезилаётган эди.

Жалолиддиннинг Шатра ранаси устидан қозонган ғалабаси Шимолий Ҳиндистондаги атроф-ўлкалар ҳокимларини хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатди. Султонни биринчи бўлиб Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешовар ҳокими султон Насириддин Қубачанинг (1205—1227) нойби Қамариддин Кирмоний тан олди, сўнг Кирмонийдан кейин Қубачанинг ўзи ҳам Жалолиддинга тобелигини тан олди.

Бироздан сўнг, Жалолиддиннинг укаси Пиршоҳни ташлаб кетган амирлари Санжақонхон, Элчи Паҳлавон, Ўрхон, Сайиржа ва Текчороқ Хонкишилар ҳам ўз

аскарлари билан келиб унга қўшилдилар. Тарихчининг ёзишича, бундан сўнг «тўхтаёзган нафас яна кучайди ва музлаган қалблар исиди». Бундай мадад олгандан сўнг Жалолиддин ўз қўшинларини Қубачанинг мулклари томон сурди, чунки, султоннинг у билан шахсий ҳисоби бор эди (Қубача султоннинг вазири Шамсулмулкни ва унинг ўғлини ҳамда Амир ал-Мулкни ўлдирган эди). Узоқ давом этмаган қамалдан сўнг султон Қолор шаҳрини, Парасравар ва Тарнуж қалъаларини олди.

Мулкларининг катта қисмидан ажралган Қубача, Шимолий Ҳиндистоннинг ҳокими султон Шамсиддин Элтутмиш ал-Муъиззийдан (1211—1236) ёрдам олиб, Жалолиддин билан урушишга қарор қилди, лекин, енгилди ва ўз ўрдаси ҳамда улкан ўғруқини қолдириб қочди, бу эса Жалолиддинга «ўз ўқчиларининг яланғоч баданини бекитишга ва гадо отлиқларини кийинтиришга имкон берди».

Парасраварни олгандан сўнг мўғуллар уни қувиш учун яна аскар юборганини эшитди. У отини Мўлтон тарафига бурди ва Қубачанинг мулкидан ўтатуриб, унинг ерларидан тинч ўтаётгани учун ҳақ — наъли[1] баҳо — сўради. Қубача ҳақ тўлашдан бош тортди ва яна султонга қарши чиқди. Бир соатлик жангдан сўнг Жалолиддин Учча тарафга сурилди, лекин, унинг аҳолиси султонга қарши қўзғолон кўтарди, шунда у Учча га ўт қўйди. Кейин Қубачанинг ноиби Фахриддин ас-Солорий султонга Садусон шаҳрини топширди. Бу ердан Жалолиддин Хаттисор, Давол ва Дамрилга юрди — бу ерда Ражпутлар сулоласидан суморон уруғининг ўн биринчи вакили Малик Синониддин Хаттисор ҳоким эди.

Жалолиддин Даво ва Дамрил яқинида ўрдаси билан жойлашиб, туялар келтириш учун аскарларининг бир қисмини амир Хоссхон бошчилигида Гужаротнинг пойтахти Наҳраволга (Анҳарвалга) юборди.

Жалолиддин шу вақт Шамсиддин Элтутмиш 30 минг отлиғи, 100 минг пиёда аскари ва 300 та фил билан унга қарши чиқди, деган хабарни олди. Элтутмишнинг лашкари энди Жалолиддиннинг муқаддамига ҳужум қилган эди, лекин ҳаракатни тезда тўхтатди ва Элтутмиш султоннинг ҳузурига сулҳ ҳақида элчи юборди. Элтутмиш султонга бундай ёзган эди: «Маҳфий эмаски,

---

[1] *Ҳақ* — наъли баҳо.

сенинг ортингда диннинг душмани турур. Сен эса бугун мусулмонларнинг султонисан. Мен ўзимни сенга қарши қўймайман, тақдирнинг ёрдамчиси бўлмайман ва содир бўлаётганнинг қуроли бўлмайман. Ва мен каби одам сенингдек инсонга қилич кўтариши иш эмас! Буни фақат мудофаа юзасидан ёки эҳтиёткорлик ва ноиложлик тақозоси-ла шундай қилиш мумкин. Агар сен лозим деб топсанг мен сенга қизимни берай, зеро бу билан ўртамиздаги ишонч кучайса, меҳр туғулиб, рақобатни кетказса!». Жалолиддин бу таклифга анча ҳайриҳоҳлик билан қаради, лекин ҳеч қандай жавоб чорасини кўрмади.

Жалолиддин Ҳиндистондалигида ўз номидан кумуш тангалар зарб этди, барча маҳаллий мулкларда унинг номига хутба ўқилди.

Бироқ, Шимолий Ҳиндистон ҳокимларини келгинди султонга боғлиқлик қаноатлантирмасди. Элтутмиш, Қубача ва бошқа ҳокимлар — рожалар, лашкарбошилар (такокира) ва ўлкаларнинг ноиблари Жалолиддиндан қутулиш ҳақида келишиб олдилар. Улар султон аскарларини Панжшир дарёсининг қирғоғига сиқиб қўйишга ва бу ерда унга ўзини ҳимоя қилишга имкон бермай, калтакесакни эзгандек эзиб ташлашга қарор қилдилар.

Худди шу пайт, Жалолиддиннинг иккита йирик лашкарбошлари — Йазидак Паҳлавон ва Сунқуржиқ Элтутмишнинг тарафига ўтдилар. Бу икки амирнинг ҳоинлиги муносабати билан султон ҳарбий кенгаш чақирди, Бунда энди нима қилмоқ керак: Ҳиндистонда қолишми ё кетишми, шу масалани ҳал қилиш керак эди. Бу ҳақда амирларнинг фикри бўлинди. Бир тоифа Ҳиндистонда қолиш ва атрофдаги ҳокимларни бўйсундириб, шу ерда куч тўплаш тарафдори эдилар. Бироқ, Жалолиддин Ғиёсиддин Пиршоҳдан кетиб қолган амирларнинг, Ироққа бориш керак ва уни Пиршоҳдан олиб қўйиш керак, деган сўзларига кирди. Тарихчининг ёзишича, «Ҳиндистондан Ироққа кетиш тарафдорлари, бу забт этувчилар учун қулай нишон, чунки, у ерда маслаҳатгўйларнинг ўзбошимчалиги ва лаганбардорлиги ҳукм суради, улар фақат ўзларининг тинчликларини кўзлайдилар. Улар Ғиёсиддинни менсимайдилар, чунки, унга таяниш ишончсиз, унинг сиёсати юмшоқ, ўзи эса заиф, деб ҳисоблайдилар».

Шундай қилиб, Жалолиддин Ироққа юришга қарор қилди. Султон ва унинг аскарлари Ҳиндистон билан

Кирмон орасидаги саҳроларни катта қийинчиликлар билан ўтдилар. «Улар бу саҳроларда бир томчи сувга зор бўлдилар, овқат эса бутунлай йўқ эди». Узоқ масофани катта талафотлар билан босиб ўтиб, Жалолиддин Кирмонга фақат тўрт минг аскар билан етиб келди.

Кирмонда Ғиёсиддин Пиршоҳнинг ноиби ҳожиб Бароқ эди. Ироққа Тўлан Черби бошчилигида мўғуллар қўшини яқинлашиб келяпти, деган хабар етганида, Бароқ Ҳиндистонга, Жалолиддиннинг олдига бормоқчи бўлади. У Жируфтга етиши билан унга Жувашир (Гувашир) қалъасининг ҳокими Шужоъиддин Абулқосим ҳужум қилиб қолади. Бироқ, жанг пайтида Шужоъиддинга хизмат қилаётган туркlар унга хоинлик қиладилар ва Бароқнинг тарафига ўтадилар. Шужоъиддиннинг ўзини Бароқ асир қилиб, қатл қилади. Шундан кейин Бароқ Шужоъиддиннинг ўғли турган Жувашир қалъасини қамал қилади. Бароқ Жуваширни унинг деворларига Жалолиддин етиб келгунига қадар қамал қилади.

Жалолиддин Жуваширни ўзининг вақтинча пойтахти қилиб, Шужоъиддиннинг ўғлини ўзига яқин тутади. Султоннинг бундай сиёсати Бароққа ёқмади, чунки, у ўзини шу пайт бутун Кирмоннинг ҳокими деб биларди. Бароқ султонга қизини бериб, у билан қариндошлашган бўлса ҳам, тарихчининг айтишича, «сотқинлик, ёмон ният ва маккорликларни ўйлаб қўйган эди».

Жалолиддин Бароқнинг сотқинлигини билгач, яқинлари билан маслаҳатлашди, улар Бароқни тутиб, қатл қилишни маслаҳат бердилар. Ов қилиш баҳонаси танланди, аммо, Бароқ ўзини касал деб, таклифдан қочди ва қалъадан Жалолиддиннинг одамларини чиқариб юбориб, ўзи унда бекиниб олди. У султонга Кирмонни ўз қиличи билан босиб олганлигини айтди ва унинг ерлари султон тахти турадиган жой эмас, деди. Бароқни Жалолиддиннинг вазири Шараф ал-Мулк ҳимоя қилиб, бундай деди: «Бароқ — мамлакатнинг ҳокимлари ва мўътабар кишилар орасида ихтиёрий равишда итоат билдирганларининг энг биринчисидир. Агар уни хоинлиги учун жазоласа, қалблар нафратга тўлади, кўнгиллар ғазабланади, хайриҳоҳлик йўқолиб, фикр ва ниятлар ўзгаради».

Жалолиддин Кирмонни ҳожиб Бароққа қолдиришга қарор қилди ва ўзи Форсга кетди. Шерозда Форс ҳокими отабек Саъд ибни Зангни ўзини султонга тобе деб тан олди, унга 500 от туҳфа қилди, қимматбаҳо

ҳадялар, қуллар берди ва қизи Малика хотунни унга никоҳлаб берди. Шу ерга, Шерозга, Йазднинг ҳокими отабек Аловуддин ҳам келиб, «итоат изҳор қилди ва бўйсуниш бонгини урди». Отабек ўзи билан кўп ҳадя ва туҳфалар келтирди. Жалолиддин унга «отахон» деган лақаб берди ва унинг мулкларини ўзи номига тасдиқловчи ёрлиқ берди.

Султон Жалолиддин Шероздан Исфаҳонга юрди. Исфаҳон аҳолиси мўғуллар қамалини эндигина дафъ этган эдилар, қози Рукниддин Масъуд Саъд бошчилигида султонни хурсандчилик билан кутиб олдилар. «Исфаҳон унга қийматли нарсаларни: аскарлар учун қурол-аслаҳа ва анжомлар берди».

Исфаҳон Ғиёсиддин Пиршоҳнинг мулклари қаторига кирганлиги учун, уни султон Жалолиддин босиб олганини (аслида шаҳарликлар уни ихтиёрий равишда топширган бўлсалар ҳам), Ғиёсиддин буни ўз ерларига тажовуз деб санади.

Акасини ўз мулкидан ҳайдаб чиқариш учун Ғиёсиддин унга қарши 30 минг аскар юборди.

Жалолиддиннинг укаси ҳокимлик манфаатини умумий ишдан юқори қўймоқда эди. Буни кўриб, Жалолиддин мўғуллардек хавфли душман билан курашиш учун мавжуд кучларни жипслаштириш йўлида зарур бўлган барча чораларни кўрди. Султон Ғиёсиддиннинг амирлари ҳузурига у ўзининг энг айёр сарой аҳлларидан бири амир оҳур Ўдакни юбориб, ўзининг тарафига ўтишни таклиф қилди. Амирларнинг бир қисми Ғиёсиддинни ташлаб кетишга рози бўлдилар. Ғиёсиддиннинг онаси ҳам султоннинг тарафига ўтиб, ўғлини ҳам умумий мақсад йўлида акасига бўйсунишга кўндирди.

Қисқа муддат ичида Ғиёсиддиннинг барча хон ва амирлари султон Жалолиддин тарафига ўтди. Барча Ғиёсиддинга тобе ерларнинг аҳолиси ҳам султонни ҳурсандчилик билан кутиб олдилар, чунки, унинг келиши билан Ғиёсиддин Паршоҳнинг назоратдан четлаб қолган аскар ва амалдорларининг ортиқча солиқ йиғишлари ва ҳўрлишларига барҳам берилди. Илгари Ғиёсиддинга қарам бўлган ерларнинг Жалолиддиннинг ихтиёрига ўтиши одатдаги тартибга қайтишга олиб келди: ўзбошимчалик ва зўравонликларга ҳам барҳам берилди.

621 (1224) йили Жалолиддин Озарбайжон тарафига юрди. Худди шу пайт Ғиёсиддиннинг отабеги ва унинг тоғаси Иғон Таисий 50 минг кишилик аскарга бош бўлиб, Ҳамадонни забт этиш мақсадида Озарбайжондан

Ироққа ҳужум қилди (Ҳамадонни халифа ан-Носир унга иқтоъсифатида берган эди). Бу ҳодисада халифанинг сиёсати ўз аксини топди. у Жалолиддиннинг Бағдодга юриши мумкинлигидан қўрқиб, атрофдаги кучли ҳоким ва амирларни унга қарши гиж-гижлата бошлади.

Бироқ, хоразмшоҳ Иғон Таисийнинг ҳужужи ҳақида эшитиб, тунда билдирмасдан Ҳамадонга ёндош ўрдасига яқинлашиб келди ва унинг ўрдасини у ердагилар Озарбайжон ва Аррондан тарож қилган ўлжаларини айни бўлишаётган пайтларида ўраб олди. Эрта тонгда Иғон Таисий уни ўраб олган Жалолиддиннинг аскарларини ва унинг ўзини кўрди, ваҳолонки Иғон Таисий султон Бағдод юришида деб ишонган эди. Иғон Таисий султоннинг олдига ўз хотинини — Жалолиддининг синглисини юбориб, кечирим сўради. Иғон Таисийнинг аскарлари хоразмшоҳнинг тарафига ўтдилар, бундан сўнг унинг кучлари анча ортиб, энди у Бағдодга юришга отлана бошлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Миср ва Суриянинг ҳокими ал-Малик ал-Одил 1218 йили ўлгандан сўнг унинг ерларини уч ўғли бошқарардилар: Мисрда ал-Малик ал-Комил ҳокимлик қилди; Дамашқ, Қуддус ва Табарияда — ал-Малик ал-Муъаззам; Жазира, Хилот ва Майофориқинда—ал-Малик ал-Ашраф. Ака-укалар ўртасида биринчилик учун доимий кураш борарди ва ал-Малик ал-Комил билан ал-Малик алАшраф ал-Малик ал-Муъаззамга қарши иттифоқ тузганларида, рақобат авжига чиқди. Худди шу пайт, султон Жалолиддин халифа мулкларининг чегарасига яқинлашиб келди. Акаука душманларига қарши биргина ўзи бўлиб қолган ал-Малик ал-Муъаззам хоразмшоҳни ишончли иттифоқдош этмоқчи бўлди. 619 (1222) йили у хоразмшоҳнинг олдига Дамашқнинг муҳтасиби ас-садр ал-Бакрий бошчилигида сўфилардан иборат элчиларни юборди. Муҳтасиб Жалолиддин билан учрашиб, у билан иттифоқ шартларини муҳокама қилди. 1225 йили хоразмшоҳ Озарбайжонни забт этганида ал-Малик ал-Муъаззам яна сўфини мактуб билан юбориб, унда ўз номидан ва Эрбилнинг ҳокими Музаффариддин номидан ал-Малик ал-Ашрафга қарши иттифоқ тузишга тайёрлигини билдирди. Хоразмшоҳ, табъан, рози бўлди, чунки, бу ерлардаги иттифоқдошларга эга бўлиб, халифа билан қатъийроқ курашиш мумкин эди.

Жалолиддин Иғон Таисийни тор-мор қилиб, лашкарини Ҳузистонга сурди, ўша ерда қишлади ва 622

йил муҳаррам (1225 йил январда) Тустарни қамал қилди. Бироқ, у шаҳарни ололмади ва лашкарини Бағдодга сурди, бу ҳақда у аввал халифани огоҳлантирди. Жалолиддиннинг халифага мактубини лашкар девонининг бошлиғи Зиё ал-Мулк Аловуддин Муҳаммад ан-Насавий элтди. Мактубида Жалолиддин исломнинг душмани — мўғулларга қарши халифанинг ёрдамига ишонч билдиради. Аммо, халифа хоразмшоҳлар билан унинг отаси ва бобоси халифалар ал-Мустадий (1170—1180) ва ал-Мустанжид (1160—1170) ўрталаридаги муносабат қандай бўлганлигини биларди. Шунинг учун ан-Носир мактубни жавобсиз қолдирди ва хоразмшоҳга қарши мамлук Қуш Темур бошчилигида 20 минг аскар юборди.

Жалолиддин халифадан жавоб ололмай, лашкарини Ироққа олиб борди. Лашкарининг бир қисми Бадрайа ва Баксайани забт этиб, Басрага яқинлашиб келди, бу ерда уларга қарши Басранинг шиҳнаси амир Мил Тегин чиқди. Басрани икки ой муваффақиятсиз қамал қилганидан сўнг хоразмшоҳ қўшинларини Ғутага олиб ўтди, у ерда уларни халифанинг Қуш Темур бошчилигидаги қўшинлари қарши олди. Бироқ, жангда Қуш Темурнинг қўшини енгилиб, ўзи ўлдирилди.

Хоразмшоҳнинг Бағдодга юришининг сабабини фақат унинг халифадан мўғулларга қарши ёрдам олиш истаги билангина тушунтириб бўлмайди. Султоннинг халифадан қасос олиш ҳақида махфий нияти бўлганлиги англашилади, чунки, у халифани хоразмшоҳлар давлатининг емирилишида ва отаси—султон Алоиддин Муҳаммаднинг ҳалокатида айбдор деб ҳисобларди. Жалолиддин халифанинг мўғуллар билан маҳфий мукотаба (ёзишма)си ҳақида билган кўринади, шунинг учун у ал-Малик ал-Муъаззамга бундай мактуб йўллайди: «Сен тайёр бўлиб тур, мен билан битим тузганлар ҳам тайёр, биз халифага қарши юриш қиламиз, чунки, у мусулмонлар ҳалокатининг, отам ҳалокатининг ва кофирларнинг ислом мамлакатларига тажовузининг сабабчисидир».

Шундай қилиб, халифа ан-Носирнинг мўғуллар билан маҳфий мукотабада бўлганлиги ҳақидаги тахминни исботловчи далиллар топилади, бу мукотабанинг асосий мақсади Хоразмшоҳлар давлатини қулатиш эди. Бундан ташқари халифа Жалолиддинни халифат учун хавфли, деб билди ва ўз тарафига иттифоқдош сифатида оғдириш учун айёубий ал-Малик ал-Ашрафнинг

олдига таъзим қилиб борди, ваҳолонки, аввал у билан муносабати совуқ эди.

Қуш Темур аскарларининг мағлубияти ҳақида хабар Бағдодга етганда шаҳарда шошилинч равишда истеҳкомлар барпо этилиб, мудофаага тайёргарчилик бошланди, халифа бу ишлар учун бир миллион дирҳам ажратди. Бироқ, Бағдод яқинида 12 кун туриб, хоразмшоҳ ўз қўшинларини Озарбайжон тарафига олиб кетди. Йўлда кетаётиб, 1225 йил мартда у Дақуқу шаҳрини қамал қилди, уни қўлга олди, аҳолисини қириб, шаҳарни вайрон қилиб, ўт қўйди ва деворларини бузди-да, аскарларини шимолга олиб кетди.

Жалолиддин Озарбайжон чегараларига яқинлашиб келиши билан Мароға аҳолисидан унга мактуб келди. Мактубда султонлардан «давлат аъёнларининг зўравонлигидан ва хотинлар ҳукмидан ва улар чекаётган бу шармандаларча зулмдан халос қилиш учун» тезроқ етиб келишини сўрадилар. «Ундан ташқари улар гуржиларнинг Мароғага ўз тирноқлари билан ёпишиб олганликларидан ва шунингдек, уларнинг ҳокими — отабек Ўзбекнинг заифлигидан азоб чекардилар ва ўз мулкларини ҳимоя қилишда ўзларининг дахлсизликларини ҳам сақлашга муҳтож эканликларини» ҳам билдирган эдилар.

Озарбойжоннинг сўнгги отабеги Ўзбек ўша кезларда давлат ишларидан бутунлай четлашиб қолган бўлиб, Озарбойжон отабекларининг давлатини аслида унинг хотини — сўнгги салжуқий султон Тўғрул III нинг қизи Малика хотун бошқарарди. Мароғаликлар «хотинлар ҳукми» деб шуни назарда тутардилар.

622 йил мужадул-аввал (мелодий 1225 йил май)да султон Жалолиддин Мароғани жангсиз ишғол қилди. Мароғада турганда у биринчи марта Озарбойжонга чегарадош мамлакатлар ҳокимлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. 1225 йил июнида Қўния султони Алоиддин Кайқубод I га, Жазиранинг ҳокими ал-Малик ал-Ашрафга, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муъаззамга ва Миср ҳокими ал-Малик ал-Комилга мактублар юборди. Жалолиддин Озарбойжонни забт этгани ва Гуржистонга ҳужум қилмоқчи эканлиги ҳақида хабар қилиб, бу мурожаати билан ўзининг ғарбдаги ва жанубдаги қўшинлари тўғри муносабат ўрнатиш мақсадида эканлигини ва ўзини улар билан тасодифан тўқнашиб қолишнинг олдини олмоқчилигини билдирмоқчи эди.

Мазкур ҳокимларнинг ҳаммасига ҳам мактубларни

«Хоразм давлатининг энг атоқли олими, турли фан соҳаларидаги билимлари ҳамма ерда маълум» қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмий элтди. Мактубларнинг матни бир хил бўлган кўринади. Улардан фақат султон Алоиддин Қайқубод I га юборилган мактубнинг матни сақланган. Мактубнинг бошида султон Алоиддин Қайқубод Ининг шаънига ўша давр учун анъанавий бўлган баландпарвоз сўзлар билан ҳамдусано ва мақтовлар айтилгандан сўнг қуйидаги сўзлар битилган:

«Бизнинг қалбимизда Сиз билан битим тузиш бахтига эришиш истаги ва Сиз билан бирлашиш умиди шу қадар кучлики, қалам қанчалик тез рафтор бўлмасин, барибир буни қоғозда битишга ожиздир. Агар шу пайтгача замон зайли ва давр тақозоси узоқ масофадаги ва жудоликдаги дўстларнинг хурсандчилиги учун керак бўлган ёзишмалар йўлини тўсиб турган бўлса, энди эса айрилиқ ва адоват пардасини кўтариш керак ва меҳр, бирлик дарвозасини очишга барча кучни сарфлаш керак...

Бизнинг ўртамизда Аллоҳнинг марҳамати билан жиҳод ва уруш эълон қилишда тенглик ва ишларимиз, халқларимиз ва динимизда бирлик бор. Кишининг меҳр ва садоқатига муносиб одам бу — унга тили ва дини мос бўлганидир!

Сизнинг Мағриб подшоҳлари орасидаги олий мавқеингиз — у янада юқори бўлаверсин! — ислом сарҳадлари мудофаасининг маркази ҳамда инсонларни жаҳолат ва ғийбатдан тозалаш воситасидир. Машриқ мамлакатларида эса биз ўз қудратимиз билан кофирларнинг фитна ўтларини ўчириб турибмиз. Агар биз халқларимиз шунчалик яқин бўлган бу аҳволда дўстлик йўлларини очмасак, бирлик кўчасидан бормасак, ўз манфаатларимизни биргаликда дафъ этмасак, у ҳолда ким бизга дўст бўлади? Қаердан ва қандай жойлардан биз ўзимизга сув ва озуқ топамиз?

Ушбу мактуб Аллоҳнинг марҳамати ва илтифоти билан битилиб, биз унинг доимий бахт ва саодатда бўлишини истайдиган Олий даргоҳга 622 йил жумадулсоний ойининг охири (мелодий 1225 йил июли)да ҳозир бизнинг зафар ва ғалаба байроқларимиз билан безалган Мароға шаҳридан юборилди. Биз Сизнинг ҳузурингизга садр муаззами олам, мужтаҳиди қавомул мулк Мужируддавла вад-дин Тоҳир Шараф ал-Ислом вал муслимин, ифтихори Хоразм ва Хуросон, ноибла-

рининг энг олийси ва қозийи қуззоси — бу эса бизнинг давлатимиздаги энг кўҳна мансабдир — юбордик, зеро у дўстлик йўлини очсин ва адоват чангини қалб ойнасидан тозаласин. Унинг тили бизнинг юқори даражадаги самимийлигимизни етказади, мавжуд адоват чодирини кўтаради ва дўстлик ҳамда бирлик дарвозасини очади!».

Султон Алоиддин Қайкубод I хоразмшоҳнинг элчисини катта иззат-икром билан кутиб олди. Элчиликдан кўзлаган мақсадга эришилган кўринади: иккала султон ўртасида дўстлик муносабатлари ўрнатилди ва улар бу дўстликни Қайкубод I нинг ўғли — Ғиёсиддин Қайҳусрав II (1236—1245) ва Шерознинг ҳокими отабек Абу Бакр ибн Саъднинг (1226—1260) синглиси, яъни Жалолиддиннинг қариндоши ўртасидаги никоҳ билан бириктирилди.

Султон Қайқубод I Маждиддин ат-Туғроний ал-Асадабодий томонидан битилган жавоб мактубида улар ўртасида ўрнатилган келишув ва дўстлик муносабатларидан мамнунлигини билдирган.

Султон Қайқубод I дан ташқари Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муъаззам ҳам хоразмшоҳнинг мактубига жавоб қайтарди. Бу мактубни хоразмшоҳга Дамашқ аскарларининг қозиси Нажмиддин Ҳалил етказди ва у ўз хожасининг номидан хоразмшоҳ билан мудофаа ва ҳужум битимини тузди. Кейинчалик бу битимга Эрбилнинг ҳокими Музаффариддин иккала иттифоқдоши ҳам хутба ва тангаларда унинг номини эслата бошладилар.*

Султон Жалолиддин Мароғадалигида Озарбайжон отабеги Ўзбекнинг Табриздаги ноиби раис Шамсиддин ат-Туғроийга хат юбориб, ундан ўз аскарларига шаҳарга киришга ва озиқ-овқат харид этишга рухсат сўради. Раис рухсат берди бироқ, тез орада хоразмликлар шаҳар аҳолисини талаб, зўравонлик қила бошладилар. Аҳоли султонга шикоят қилган эди, у талончиликларнинг олдини олиш учун Табризга ўз шиҳнаси билан қўшин юборди. Бироқ, юборилган аскарлар Табризга кириб олиб, улар ҳам ўз фойдасига солиқ йиға бошладилар, натижада аҳоли яна хоразмшоҳга шикоят қилди. Раиснинг ва аҳолининг шикоятлари инобатга олинмади, шунда Шамсиддиннинг жияни Низомиддин ат-Туғроий муаммони ўзича ҳал қилди: аҳоли хоразмликларни ўл-

* бу уларнинг хоразмшоҳга тобелигидан далолат беради:

дириб, ўзларини раис Низомиддин ат-Туғроий бошчилигида етти кун хоразмликларга қарши жанг қилди ва фақат душманлари шаҳар деворларига яқин келганидагина омонлик сўрадилар. Табриз 622 йил 17 ражаб (мелодий 1225 йил 25 июлда) таслим бўлди. Отабек Ўзбек эса Жалолиддин Марофадалигидаёқ Табриздан Ганжага қочди.

Ўзбекнинг хотини Малика хотун Табризда қолиб, Жалолиддиндан ўзига, яқинларига ҳамда қул ва чўриларининг омонлигига кафолат берилишини, мол-мулкига даҳлсизлик берилишини, Ҳўй шаҳрининг унинг номига бириктириб, у ерда хоразмшоҳнинг ҳимоясида бўлиш истагини билдирди. Жалолиддин унинг илтимосини бажо келтириб, уни Ҳўй шаҳрига юборди.

Хоразмшоҳ Табриздалигида ғамхўр ва одил бўлишга ҳаракат қилди, одамларни қабул қилиб, уларнинг шикоятларини кўриб чиқди. У аҳолига бундай хитоб қилди: «Мен Марофада қандай ҳайру-саховатлар қилганимни ва қандай бинолар барпо қилганимни сиз ўзингиз кўрдингиз. Энди сиз менинг қандай одиллигимни ва шаҳарларингизни ободонлаштиришимни кўрасиз».

Жалолиддин раис Низомиддин ат-Туғроийни шаҳарга ҳоким қилиб тайинлади, у эса аввалгидек фуқароларнинг ишлари билан шуғулланди. Табризда бир неча кун тургандан сўнг султон Жалолиддин шаҳарда вазири Шамсулмулкни қолдириб, ўзи Гуржистонга қарши юришга кетди.

622 йил шаъбон (мелодий 1225 йил август)да гуржиларнинг Ивane Мхаргрдзали бошчилигидаги 60 минг кишилик лашкари Озарбайжонга ҳужум қилиш нияти билан Двин яқинидаги Гарни қалъасида тўпланиб турдилар. Ан-Насавийнинг айтишича, гуржилар бундай кўп сонли лашкар тўплашдан мақсадлари султонга ўзининг қудратини ва кўп сонлилигини сездириб қўйиш бўлган. Улар, балки, султон сулҳ тузишни ҳоҳлаб қолар ва натижада улар бургутнинг ҳамласидан ва денгиз довулининг гирдобидан қутулиб қолсак, деб ўйлаган эдилар. Мана шунинг учун улар Озарбойжондаги отабеклар давлати қулаганига қарамай, юришга қатъий отландилар. Бу ер улар учун ов қиладиган қўриқхона эди: улар ўлжа олиш учун бу ерга келишар ва алохида, иккитадан, ҳатто биттадан бўлиб борардилар.

Жувайнийнинг хабар қилишича, ҳокимият жилови отабек Ўзбекнинг қўлидан тушиб, султон Жалолиддиннинг қўлига ўтгандан сўнг гуржилар унинг ерларини

олиб қўйишгани, аввало у ердан султонни ҳайдашни ва кейин Табризни босиб олишни мақсад қилдилар. Сўнг улар Бағдодга юриш қилиб, халифанинг ўрнига ўзларининг католикосларини ўтказмоқчи ва мачитларни канисаларга айлантирмоқчи эдилар.

Балки, бу воқеалардан ўттиз йил кейин ёзган Жувайний, гуржиларнинг ҳаёлига келмаган режаларни уларга тиркаб ёзгандир.* Лекин, ҳар ҳолда, улар Жалолиддиннинг уруш эълон қилганига жавобан ёзган мактубларида ўз мамлакатларини мудофаа қилиш учун жасорат кўрсатишга тайёрликларини билдирганлар. Ундан ташқари, улар Жалолиддин отасининг ҳозир унда бўлган аскарларидан ҳам кўп аскарларини енгиб, мамлакатини босиб олган татарлар Гуржистонга ҳам келганларида гўё, гуржилар уларга аҳамият бермаганларини ва мўғуллар тезда у ердан кетганликларини билдирганлар.

Мактубнинг бу бемаъни сўзларини ўқиган хоразмшоҳ Двинни босиб олиб, Гарни яқинида гуржиларнинг лашкари билан жангга кирди. Гуржилар тоғнинг устида иккинчи тоғдек қопқора тумонот бўлиб жойлашган эдилар, улар худди қоронғу кечани эслатардилар. Лекин, тарихчи айтганидек, султон улардан худди бўри қўй подасидан қўрққанидай кўп қўрқмаган, ёки оч арслонлар санқиб юрган қорамолдан «қўрққанидек» қўрққан. У куни бўйи, гуржилар жанг қилгани пастга тушар, деб кутди, лекин, улар тушмадилар. Шунда Жалолиддиннинг ўзи қўшин билан гуржиларга қарши юр-

---

* Бизнингча ўша воқеалардан бор-йўғи 30 йил кейин ёзган Жувайний, улардан 750 йил кейин ёзган муаллифга нисбатан ҳақиқатга яқин бўлган бўлса керак.

Гуржистон XII аср ва XIII аср бошларида буюк уйғониш даврини бошидан кечираётган бўлиб, ҳарбий жиҳатдан ҳам анча қудратли эди. Улар қўшни Озарбайжон ерларига тез-тез ҳужум қилиб, айрим ерларини забт этиб турардиларҳам. Шунга кўра, Жувайнийнинг айтганларини ҳақиқат деб билмоқ керак, чунки, у ўша воқеаларга яқин бўлиб, уларда иштирок этганлар билан бевосита сўзлашган, гуржиларнинг асир аскарлари билан учрашиб, уларнинг режаларидан хабардор бўлган. Ҳар ҳолда гуржи подшоҳларининг атроф мусулмонлар ерларини босиб олиб, буюк мамлакат тузишга интилишлари фақат Жувайнийга эмас, балки ўша даврдаги кўп мулоҳазали кузатувчиларга ҳам аён бўлган.

ди ва шиддатли жанг натижасида гуржилар енгилдилар ва бу мағлубиятдан улар ўзларини ўнглаб ололмадилар. Уларнинг аскарларидан 20 минг киши ўлдирилди, кўп аскарлар эса, жумладан машҳур баҳодир аскар Шалва Ахалцухели асир бўлдилар.

Гарни яқинидаги ғалабадан сўнг хоразмшоҳ Гуржистоннинг вилоятларига аскарларини юбориб, мамлакатдан ўлжа, солиқ йиғдирди ва асирлар келтиртирди. Шу воқеалар сирасида Озарбайжон отабекларининг собиқ тобелари — Сурмарининг (Аракснинг ўнг соҳилида) ҳокимлари Шарафиддин Ўздара ва Ҳусомиддиннинг хизматига ўтдилар. Сурмарининг бу икки ҳокими йўлчи сифатида султон аскарларига Гуржистондаги дара ва жарларидаги ва ичкари ерларидаги йўлларни кўрсатиб бердилар.

Жалолиддин Тифлисга кетаётиб, ўз вазири Шарафалмулкдан бир мактуб олди* унда у Табризнинг раислари Шамсиддин ат-Туғроий билан унинг жияни Низомиддинлар уни ўлдирмоқчи бўлганликлари, султонга қарши қўзғолон кўтариб, отабек Ўзбекни Табризга қайтариб келмоқчиликлари ҳақида хабар берган эди.

Ан-Насавийнинг асарида айтилишича, вазир Шарафалмулк ўзларининг мавқеи ва бойлиги билан унинг ҳасадини уйғотган кишиларга нисбатан чақимчилик, бўҳтон ва иғволар билан хизмат поғонасидан кўтарилган. Шамсиддин ат-Туғроий ва унинг жияни Табриз аҳолиси ўртасида обрў-эътиборга эга эканликларини кўриб, вазир улар ҳақида султонга иғволар ёғдириб, уларни отабек Ўзбекнинг фойдасига суиқасд уюштиришда айблаган. Лекин, ан-Насавийнинг айтишича, Шамсиддин ат-Туғроий художўй ва одил бўлган, фуқаро ҳақида ғамхўрлик қилган, улар қўрқув сезмасинлар деб, ҳеч кимсанинг адолат чегарасидан чиқишга йўл қўймас эди. Мабодо, Табриз аҳолисидан ноҳақ солиқ йиғилса ёки керагидан ортиқ мажбурият юкланса, уларни гоҳо насиҳат билан, гоҳо эса амалдорларга таъна қилиш ёки уларни шармисор қилиш билан ҳимоя қиларди. Албатта, қонун билан деярли ҳисоблашмайдиган вазирни бундай одам қаноатлантирмас эди. Ва у соҳтакор ва муттаҳамлар ёрдамида ат-Туғроий ва унинг жияни ҳақида бўҳтон тўқиб, уни султонга етказди ва уларни йўқотмоқчи бўлди.

---

* Муаллиф бу мактубни «иғвогарона» деб баҳолаган.

Низомиддин ат-Тўғроий шу ондаёқ қатл қилинди, раис Шамсиддин қамалди ва унинг моли-мулки мусодара қилиниб, вазир уларни ўзига олди. Фақат 1228 йилга бориб, султон қилмишидан афсусланди ва Шамсиддин ат-Туғроийни ўзининг Табриздаги ноиби қилиб тайинлади.

Султон Жалолиддин Табриздалигида отабек Ўзбек хотинининг истагига кўра, унга уйланди ва бу билан шариат қонунларини бузди. Табриз қозиси бу никоҳга қарши эди, чунки, отабек хотинини талоқ қилмаган эди. Соҳта гувоҳликлар билан отабек хотинини талоқ қилди деб султон Малика хотунга уйланган эди.

Султон Табриздан Маликанинг мулкига — Салмос ва Урмия шаҳарларига йўл олди ва уларни атроф ноҳиялари билан биргаликда унга никоҳ совғаси сифатида топширди. Сўнг султон Тифлис тарафига йўл олди ва йўлда Ганжа, Байлақон, Шамҳор ҳамда Шутур каби шаҳарларни забт этди. Табриздан отабек Ўзбек Ганжада турарди. Унинг Ганжадаги ноиби, бойлик, қудрат ва салобатли бўлган раис Жалолиддин ал-Қуммий шаҳарни хоразмшоҳнинг амири Ўрхонга топширди ва унга хизмат қилишга тайёрлигини билдирди.

Ўзбек Ганжадан қочди ва хоразмшоҳдан Ганжанинг ноҳиясига ҳокимлик қилиш ҳуқуқини олиб, Нахичевон яқинидаги Алинжа қалъасига беркиниб олди. Лекин, Жалолиддиннинг аскарлари талон-торож ва бебошлик қилганлари учун хоразмшоҳга шикоят ёзиб, ундан бу шаҳарни ҳимоя қилишни сўради. Султон Ганжа ноҳиясини ҳимоя қилиш учун бир тўда аскарини юборди.

Алинжа қалъасидалигида отабек Ўзбек унинг мамлакатини султон босиб олаётганлигини билади. Бироқ у султон унинг хотинига уйлангани ҳақидаги хабарни эшитгунга қадар индамай турди. У бу ҳақида хабар келтирувчидан: «Бу Маликанинг ҳоҳиши билан бўлдими ёки унинг ҳоҳишига зид равишда бўлдими?» — деб сўради. У киши жавоб берди: «Унинг ихтиёрий ҳоҳиши билан ва унинг тарафидан бир неча марта гувоҳлик бўлгандан кейин юз берди. У талоқ гувоҳларига мукофотлар берди ва уларга нисбатан ҳайру эҳсонлар қилди», — деди. Ўзбекнинг вазири Рабибиддин Дандон айтади: «Ўзбек бу хабарни эшитиб, бошини ёстиққа қўйди ва шу ондаёқ унинг иссиғи кўтарилди, бир неча кундан кейин эса ўлди».

Отабек Ўзбекнинг ўлиши билан Озарбайжон отабекларининг давлати ҳам тугади. Шамсиддин Элденгизнинг авлодларига қарам бўлган ерлар хоразмшоҳ Жалолиддин Манкбурнининг қўлига ўтди ва у Озарбайжон, Ширвон ва Гуржистон устидан то мелодий 1231 йил ўртасигача ҳукм сурди.

623 йилнинг муҳаррами ва сафари (мелодий 1226 йил январ-феврали) давомида султон Жалолиддин Тифлис юришига тайёргарлик билан машғул бўлди. Бироқ, юришни бошлашдан аввал хоразмшоҳ Бжни қалъасида гуржи аскарларининг бош амири, Иване Мхаргрдзелининг ўғли Авак билан учрашди ва у билан бўлган суҳбатда деди:« Мен Гуржистонга талончилик қилгани келмадим, балки, тинчлик олиб келдим. Лекин, сизлар тезда менга қарши қуролланиб олдингиз ва тинчлик бузилди. Энди сен гуржи подшосининг энг йирик вазирларидан бири сифатида менга қулоқ сол. Сен менинг уруғим ҳақида, давлатимнинг буюклиги ҳақида эшитганмисан? Мен — буюк ҳоким хоразмшоҳнинг ўғлиман, лекин, тақдир хоразмшоҳларнинг саройидан юз ўгирди ва мен ҳамма ерда Чингизхондан енгилдим. Унинг мендан кучли эканлигини ва ўзимнинг кучсиз эканлигимни кўрганимдан кейин давлатни ташлаб, тинчлик билан Гуржистонга йўл олдим. Мен сизнинг мамлакатингизнинг кучи ва қудрати ҳақида ва гуржиларнинг жасорати ҳақида эшитганман. Ҳозир эса мен бирлашишимизни ва биргаликда душманга қарши чиқишимизни истардим. Эшитишимча, сизнинг подшоҳингиз — аёл. Мени унга уйлантиринг ва ўзингизга подшоҳ қилинг ва биз биргаликда душманларимизни енгамиз. Агар сиз шундай қилмасангиз, сизнинг давлатингиз яксон қилинади, мабодо мен кетсам ҳам барибир тоторлар келиб туришибди. Сиз уларга бардош бера олмайсизлар ва улар билан курашиш учун кучга ҳам эга эмассизлар. Малика ҳузурига чопар юбориб, менинг таклифим ҳақида билдир, зеро мен Гуржистоннинг вайрон бўлишини истамайман ва уни душмандан ҳимоя қилмоқчиман, агар сиз мени қўлласангиз тинчлик бўлғусидур.».

Авак малика Русудана (1222—1245) ҳузурига чопар юборади, лекин, у хоразмшоҳнинг таклифини рад этади, шундан сўнг султон Гуржистондаги ҳарбий ҳаракат-

ларини яна бошлаб юборади.* Гуржи қўшинлари алонлар, лаклар ва қипчоқлар тўдалари билан кучайиб, хоразмшоҳга қарши чиқди. Лекин, Жалолиддин бир неча жангларда уларни тор-мор қилди ва йўлда Сомхитини ишғол қилиб, чекинаётган гуржиларни Тифлисгача қувиб борди.

Малика Русудана ва унинг сарой аҳллари Тифлисда ака-ука Мемно ва Боцо Боцосдзенилар бошчилигида кичик бир ҳомия қолдириб, ўзлари Кутаисга кўчадилар. Шаҳар учун жангда гоҳо у, гоҳ бу тараф устун келиб турди, лекин, шаҳар девори ташқарисидаги жангларнинг бирида гуржи тўдалари хоразмликларнинг ҳужуми остида чекиндилар ва уларни тўхтата олмадилар, натижада Жалолиддиннинг аскарлари Тифлис мусулмонларининг ёрдами билан Ганжа дарвозаси орқали шаҳарга бостириб кирдилар. Шаҳар кўчаларидаги жангда гуржиларнинг қўмондони Мемно ҳалок бўлди ва улар шаҳар қалъаси Исанида бекинишга мажбур бўлдилар. Хоразмликлар шаҳар аҳолисини қирғин қилдилар. Бир гуржи солномачиси Тифлис қирғинини Рум императорлари Веспасиан ва Титлар Қуддусда қилган қирғинларига ўхшатган.

Ҳомия аскарларининг Исани қалъасида ноилож танбаланиб қолганликларини эшитган малика Русудана уларга таслим бўлишни буюрди. 10 минг гуржи аскар асирликка олинди. Жалолиддин уларга исломни қабул қилишни таклиф қилди, лекин, гуржи солномачисининг айтишича, улар бунга кўнмадилар, сўнг улар Кура дарёси кўприги устида сўйилдилар. кейинчалик бу кўприк «Ўн минг тифлислик азоб чеккан авлиёлар кўприги» деб аташди.

Жалолиддин Тифлисни 623 йил 8 рабиул аввали

---

* Ан-Насавийнинг хабар беришича, агар Жалолиддин насронийлик (христианлик)ка ўтсагина Русудана таклифини қабул қилажагини шарт қилиб қўяди. Лекин, ўша даврда Жалолиддин-биргина ўзи исломни куфрдан ҳимоя қилиб турган ғозий — бу шартни қатъиян рад этади ва жангни бошлаб юборади

Шуниси диққатга сазоворки, худди ўша пайт, Трабзон султонининг ўғли ҳам Русуданага ошиқ бўлиб, унга совчи бўлиб турган эди. Малика унга ҳам мазкур шартни қўяди, Шаҳзода бу шартни қабул қилади ва насронийликка ўтиб, Русудана билан яшайди. Лекин, бахти қаро шаҳзода бир куни хотинини қопқора занжийнинг қучоғида кўради.

(мелодий 1226 йил 9 март) ида олди. Ан-Насавийнинг ёзишича, «қиличлар Тифлис аҳолиси устидан тўла ҳокимлик қилди, аскарларнинг кўплари эса уларнинг молларини тутди. султон асрлар узра тўпланган нарсаларни қўлга киритди. Буларнинг ҳаммасини энг уста ҳисобдоннинг қўллари ҳам ҳисоблаб улгурмасди, уларнинг саноғи ҳисоб дафталарининг тўпламларига ҳам сиғмасди».

Хоразмшоҳ Тифлисни олгандан сўнг гуржиларнинг Сомхити, Картли, Триалети, Самцхе, Тао, Жавахети ва Артани вилоятларига вайрон қилувчи юришлар қилди. Султон Жалолиддин Шарқий Гуржистонни қўлга киритганидан сўнг бу ерда ўз номидан пул зарб эта бошлади.

Хоразмшоҳ Гуржистонда жанг олиб бораётганда, 623 йил жумад ус-сонийда, унинг Кирмондаги ноиби ҳожиб Бароқнинг хоинлиги ва исёни ҳақида эшитди. У султон хазинасига бож тўлашдан бош тортган ва мўғулларга мактуб юбориб, унда султоннинг Кирмондаги аскарлари камлиги ҳақида ёзиб, уларни Жалолиддинга қарши юришга чақирган эди.

Султон Тифлисдан Кирмонгача йўлни 17 кунда босиб ўтди. Олдинроқ у Бароқнинг ҳузурига чопар юбориб, уни итоатга келтириш юкланган эди. Бироқ, Бароқ кучли қалъаларнинг бирига бекиниб олади, уни қамал қилиш учун кўп вақт сарфлаш керак эди. Бу пайт Жалолиддин Ҳилотга юришга тайёргарлик кўраётган эди ва Исфаҳон яқинида бир неча кун туриб, Тифлисга қайтиб келди, чунки, вазир Шарафулмулкдан Ҳилотнинг ҳокими ал-Малик ал-Ашрафнинг аскарлари султонга қарам ерларга ҳужум қилгани ҳақида хабар олган эди. Шу вақтдан бошлаб Бароқ Кирмоннинг мустақил ҳокими бўлиб қолди.

Жалолиддин Ироқда эканлигида вазир Шарафулмулк аскарлар билан Тифлисда қолдирилган бўлиб, у қўшни ерлар ҳисобига озиқ-овқат омборларини тўлдиришга қарор қилади. У Арзирумга ҳужум қилади, аскарлари эса у ерда бебошлик қилади. Вазир катта ўлжани қўлга киритиб, орқага қайтади, лекин, йўлда ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотдаги ноиби ҳожиб Али томонидан тўхтатилади. Шарафулмулкнинг аскарлари тор-мор қилиниб, унинг барча ўлжалари олиб қўйилди. Шунинг учун Шарафулмулк султонни Кирмондан чақириб олган эди.

Хоразмшоҳ 623 йил рамазон (мелодий 1226 йил сен-

тябр)да Кирмондан Тифлисга қайтиб келиб, Ани ва Қарс шаҳарларига ҳужум қилади ва Кемаҳ ҳамда Арзимжон қалъаларини босиб олади. Шундан сўнг у Айюбийларнинг Ван кўли бўйидаги таянч нуқталаридан бири — Ҳилот қалъасини қамал қилишга қарор қилади. Бироқ, хоразмшоҳ Ҳилотни ҳимоя қилаётганларни чалғитиш учун гўё, аскарларини Тифлисга олиб кетаётгандек бир кўринишни ижро этади. Кейин у аскарларини яна Анадўлу тарафига буради ва 623 йил 13 зулқаъда (мелодий 1226 йил 5 ноябр)да қалъани қамал қилади, лекин, тезда қамални тўхтатиб, қўшинларини шошилинч равишда Ҳилотга ташлайди ва 15 зулқаъда (7 ноябр) қалъани қамал қила бошлайди.

Султон қўшинлари шаҳар дарвозасига яқинлашиб келади ва жангга киради, натижада улар Ҳилотнинг чеккаларига кириб бориб, Суқ ад-Дақиқ бозоригача етади. Аҳолини талаш ва саваш бошланади, шунда ҳалойиқ шаҳар ҳимоясига турадилар ва хоразмликларни қувлайдилар. Бир неча кундан сўнг Жалолиддин аскарларини яна шаҳарга ҳужумга ташлайди, лекин, яна муваффақиятсизликка учрайди.

Хоразмликлар Ҳилотни 40 кун — 623 йил 25 зулҳижжасигача (мелодий 1226 йил 15 декабргача) қамал қиладилар, сўнгра Жалолиддин совуқ, қор ва иваий туркманларининг Озарбайжонга ҳужумлари туфайли қамални тўхтатади.

Иваийлар хоразмшоҳ Ҳилот қамали билан машғуллигидан фойдаланиб, Озарбайжоннинг Аштар ва Урмия шаҳарларини босиб оладилар ва султоннинг хотини — Малика турган Ҳўй шаҳри аҳолисидан ҳирож йиғадилар. Бундан ташқари иваийлар мамлакат бўйлаб, вайрон қилиб кезадилар, Табризга олиб борувчи савдо йўлини тўсиб қўядилар, катта карвонга ҳужум қилиб, савдогарларнинг товарлари ва 20 минг бош қўйларини олиб қўядилар.

Малика бу ҳақда Жалолиддинга хабар қилади ва у дарҳол иваийларни жазолайди. Тарихчининг айтишича, «нобуд бўлган жонлар ва олинган бошлар сон-саноқсиз эди. Султон уларнинг қорамолларини Муғонга ҳайдаб кетди ва ўлжанинг фақат бешдан бири (хумси) 30 минг бош қорамолни ташкил қилди».

Хоразмшоҳ Табризга қайтиб кетгандан сўнг мўғуллар яна ғарбга юришни бошлаганлари ҳақида ва ҳатто Дамғонга ва Рой атрофларигача етганларини эшитади. 624 йил бошида (мелодий 1227 йил январида) Жало-

лиддин дам олишини тўхтатиб, қўшинлари билан Исфаҳон тарафига юради, уерда унинг озуқа жамғармалари ва қудратли қурол-аслаҳа омбори бор эди ва шаҳарнинг ўзи ҳам унинг учун «аскарлар денгизидек» эди. Хоразмшоҳ Исфаҳондан мўғуллар қаршисига тўрт минг отлиқдан иборат гуруҳ юборади, улар мўғулларни учратиб, султоннинг қароргоҳига қайтиб келади. Исфаҳондан 30 км шарқроқдаги ас-Син қишлоғига етганларида Жалолиддин қўшинларини ва Исфаҳон кўнгиллиларини кўрикдан ўтказади ва шундан сўнг мўғулларга қарши юришни бошлайди.

624 йил 22 рамазони (мелодий 1227 йил 5 сентябр)да Исфаҳон яқинида бўлган жангда мўғуллар ёппасига яксон бўлди, султон лашкарининг чап қаноти мўғуллар томонидан қирилганлигига қарамай, бу жангда султоннинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ унга хоинлик қилиб, ўз аскарларини ва султон аскарларининг бир қисмини ўзи билан олиб кетади.

Мўғул лашкарбошларидан бири Тайнал нўён Жалолиддиннинг бу жангдаги мислсиз жасоратини кўриб, бундай деган эди: «Ҳақиқатан ҳам у ўз даврининг баҳодири ва тенгқурларининг доҳийсидир!». Чингизхоннинг ўғли Тўлуйхон мўғулларнинг бу жангда енгилганини оқлаб, Жалолиддинга мактуб ёзиб, унда «султон томонидан енгилган мўғуллар бизнинг аскарларимиздан эмас эди, биз уларни ҳайдаб юборган эдик», — дейди.

Хоразмшоҳ мўғуллар устидан ўзи учун муҳим бўлган ғалабага эришиб, ўзининг шарқдаги муаххарининг[1] хавфсизлигини бироз муддатга таъминлади ва шошилинч равишда Озарбайжонга қайтди, чунки, унинг йўқлигидан фойдаланиб, ал-Малик ал-Ашрафнинг ноиби ҳожиб Али бу ерга бостириб келган эди.

Ҳожиб Алининг Озарбайжонга бостириб келишидан аввал, у ерда шундай ҳодисалар рўй бердики, уларнинг пировардида, отабек Ўзбекнинг собиқ хотини Малика унга мурожаат этди.

Султон Ироқи Форсда эканлигида отабек Ўзбекнинг собиқ мамлуклари Беклик ас-Садидий, Сайфиддин Сунқуржа, Насириддин Оққуш ва бошқалар хоразмшоҳнинг хизматида бўлиб, энди улар унга қарши исён кўтардилар. Ан-Насавийнинг айтишича, «улар Табриз атрофига чодирларини ёзиб, берган сўзларидан тон-

[1] *Муаххар* — мамлакат охири, сархад.

моқчи, мавжуд тартибни бузмоқчи ва аввалги отабеклар ҳокимиятини тикламоқчи бўлдилар».

Султоннинг вазири Шарафулмулк улар Табриз яқинида эканликларини билгандан сўнг, улар билан жангга ҳозирлик кўра бошлади ва «қиличлар синган ва найзалар чириллаган жангда» отабекнинг тарафдорлари тор-мор бўлиб тумтарақай қилинди. Оққуш ва Беклик салибга тортилди ва ан-Насавийнинг айтишича, «Аррон ва Озарбайжон шу исёнга алоқадорлардан ва итоатдан чиққанлардан тозаланди».

Шундан кейин, султон вазирдан бир хабар олди, унга кўра отабекнинг собиқ хотини Малика гўё «отабекнинг тарафдорларини, уларга ҳокимият ваъда қилиб, султонга қарши қўзғатаётганмиш». Аслида эса Шарафулмулк Маликани кўролмасди, ҳар қандай йўл билан унга туҳмат қилар ва унинг молу мулкини, хазинасини олиб қўймоқчи бўларди. Малика вазирдан халос бўлаётиб. Ҳўй шаҳрини ташлаб кетди ва Урмия кўлининг шимолий соҳилидаги Тала қалъасига бекинди. Шарафулмулк дарҳол Ҳўйга етиб келиб, Маликани барча молини мусодара қилди. Малика вазирни икки марта раҳм-шафқатга чақирди, лекин, у тўла бўйсунишни талаб қилди. Барча ҳаракатлари зое кетганига ишонган Малика ёрдам сўраб, ҳожиб Алига мурожаат этди. Қутқариш эвазига ўзига тегишли бўлган қалъалар ва ерларни унга беражагини ваъда қилди.

624 йил шаъбон (мелодий 1227 йил июл-августи)да ҳожиб Али аскарлари билан Озарбайжонга бостириб кирди ва Маликага тегишли бўлган Ҳўй шаҳрини ва қўшни қалъаларни босиб олди. Маранд ва Нахичевон фуқаросининг илтимоси билан ҳожиб Али у қалъаларни ҳам қўлга олди: У Озарбайжоннинг бошқа масканларини ҳам босиб олиши мумкин эди, лекин, Жалолиддиннинг хазинасини қўлга киритиб, вазир Шарафулмулкнинг қизини асирликка олиб, Ҳилотга қайтиб келди. Малика ҳам Ҳожиб билан бирга кетди. Вазир Шарафулмулкка келсак, у қанчалик шафқатсиз бўлса, шунчалик қўрқоқ бўлгани учун ҳожиб Алидан қўрқиб Табризга қочди.

Бу воқеалардан сўнг Шарафулмулк аскарларини Аррон га юборди, у ерда улар Муғонда яшаган Кужат Арислон номли туркман қабиласининг молини талади. Бу ердан у Ширвон ерларига ҳужум қилиш мақсади билан Қура дарёси соҳилига борди. У ширвоншоҳдан 50 минг динор солиқ талаб қилган эди. бу пулларни

фақат султоннинг ўзига беражагини айтиб, тўлашдан бош тортди. Шунда Шарафулмулк Ширвоншоҳга қарши 4 минг кишилик отлиқ гуруҳни юборди. Ширвоншоҳ эса тоғларга бекиниб олди, вазир Табризга ҳеч нарсасиз бекор қайтиб келди. Бундан кейин вазир Нахичевонни унинг ҳокимаси Жалолийадан — отабек Ўзбекнинг синглисидан олиб қўймоқчи бўлди, лекин, шаҳар ҳимоячилари вазирнинг аскарларига зарба бердилар, натижада у Шамирон қалъасига кетди. Бироқ бу ерда Хилотдан қайтиб келган ҳожиб Алининг тўдалари унга ҳужум қилди ва Шарафулмулк ҳатто ўзининг шахсий ўғруқини ташлаб, Марандга қочди.

Вазир Маранддан Табризга кетди, ҳожиб Али эса яна Ҳўйни босиб олди. Нахичевон ҳожибга жангсиз таслим бўлди ва у бу ердан Табризга йўл олди. Бироқ бу пайт султон Жалолиддин Ироқдан қайтиб келди ва вазир қўлдан кетказган ерларни тезда қайтариб олди. 625 (1228) йили Барки (Ван кўлининг шимолий-шарқи) яқинидаги жангда Жалолиддиннинг қўшинлари ҳожиб Алининг тўдаларини тор-мор қилди, ҳожибнинг ўзи зўрға қутулиб қолди.

Шу пайт отабек Ўзбекнинг яна бир собиқ мамлуки Иззиддин Балбон ал-Ҳалҳалий хоразмшоҳга қарши исён кўтарди. Балбон султоннинг мўғуллар билан Исфаҳон яқинидаги жанг билан машғул бўлиб, йўқлигидан ва ҳожиб Алининг Озарбайжонга бостириб келганлигидан фойдаланиб, Ҳалҳал қалъаси ва унинг атрофи ҳамда Ардабил вилоятидаги бошқа қалъаларни босиб олди.

Ироқдан қайтиб келган Жалолиддин Балбонни Ферузобод қалъасида қамал қилди ва уни таслим бўлишга ҳамда барча босиб олган қалъаларини топширишга мажбур қилди. Иззиддин Балбон шу қадар кучли душман эдики, хоразмшоҳ 625 йил 12 шаввол (мелодий 1228 йил 14 сентябр) да Сурмарининг ҳокими Ҳусомиддин Ҳидрга, кейин уни ҳожиб Алига юбориш шарти билан, махсус мактуб йўллади. Мактубда ўгит сифатида Балбон можароси ва унинг таслим бўлиб, яна хоразмшоҳга итоат этганлиги ҳақида баён этилган эди.

Бироқ, кўп ўтмай, Балбон ҳожиб Алининг тарафига ўтди ва унинг қўшинлари ёрдамида хоразмшоҳга қарши чиқди. Лекин, хоразмшоҳ Балбонни тузоққа туширишга муваффақ бўлди ва уни қатл қилди.

Шу пайт қипчоқларнинг 50 минг чодир келадиган қабилалари бирлашмаси Жалолиддинга хизмат қилиш

истагини билдириб келди ва султон уларнинг ёрдами билан Дарбандни қўлга киритмоқчи бўлди. Уриниш муваффақиятсиз чиқди, аммо, вазир Шарафулмулк Ширвоншоҳдан гуштасфий вилоятини тортиб олишга муваффақ бўлди.

Эҳтимол, вазир Ширвоннинг ерларини босиб олишни давом эттирар эди, лекин, ширвоншоҳ бунинг олдини олиб, шахсан ўзи Жалолиддиннинг ҳузурига келиб итоат билдирди. Бу билан у султоннинг илтифоти ва ишончига сазовор бўлди.

Вазир султонга ширвоншоҳни асир қилиб, унинг мамлакатини султоннинг туташ мулкларига қўшишни маслаҳат берган бўлса ҳам, Жалолиддин бунга кўнмади ва сарой одатига риоя қилиб, ширвоншоҳга фахрий тўн кийдириб, қўйиб юборди.

Шундан сўнг хоразмшоҳ Туркистонга иккинчи катта юришини бошлади. Бундан воқиф бўлган малика Русудана «шарқий ва ғарбий қўшинларни, эрлар, кахлар, сомхитарлар, жавахлар, месхлар, таойлар, дадианилар, абхазлар; жиклар аскарларини тўплаб, Дариал дарвозасини очиб, ослар, дурзуулар ва бошқа тоғликларни ҳам лашкарига қўшди. Улар жуда кўп аскар тўпладилар ва малика уларни хоразмликлар билан жангга юборди. Улар Тифлисдан ўтганларида султон Болниси яқинида ўрду ёзиб турган эди. Хоразмликларнинг қоровуллари уларни кўриб қолиб, бу ҳақда султонни огоҳ қилдилар. У олға юрди ва даҳшатли жанг бошланди. Аввалига гуржилар устун кела бошладилар, бироқ, тангрининг гуржиларга нафрати келиб, ғазабини ҳеч тўхтата олмади: Маликанинг лашкари яна мағлубиятга учраб қочди. Султон яна Тифлисга кириб келди. Талашга лойиқ бўлган нарса таланди ва бошқалари йўқ қилинди».

Хоразмшоҳ гуржиларнинг лашкарини мажақлаб, 625(1228) йили Ҳилотни иккинчи марта қамал қилди, бироқ қаттиқ қиш туфайли яна муваффақиятсизликка учради. Бундан сўнг қўшинларини дарҳол Муша, Жабаҳшур ва Диёрбакр водийларига ташлади. Хоразмликлар бу ўлкаларда вайронагарчиликлар қилдилар, кўп одамни асир олдилар ва қишлоқларни, экинзорларни поймол қилдилар.

Ҳаррон, Саруж ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси Жалолиддин қўшинларининг келаётганлигини эшитиб, уй-жойларини ташлаб, Сурияга қочдилар. Хоразмшоҳ

Анадўлунинг Жануби-шарқида вайронагарчилик юришини қилиб, Озарбайжонга қайтиб келди.

Исфаҳон яқинидаги мўғуллар билан бўлган жангда ўз амирлари билан Жалолиддинни ташлаб қочган Ғиёсиддин Пиршоҳ 1229 йили ўлдирилди. Аввалига у Ҳузистонга қочди, у ердан вазирини халифа аз-Зоҳирга (1225—1226) мактуб билан Бағдодга юборди ва ундан акасига қарши ёрдам сўради. Халифа ўзининг ўтмишдоши ан-Носирнинг сиёсатини давом эттириб, хоразмшоҳга қарши бўлган ҳар қандай душманни қўллаш учун қўлидан келган барча чораларни кўрди. Вазир Бағдоддан ёрдам бериш ва саҳийлик ҳақидаги ваъдалар билан қайтиб келди: ўзи билан мояна тариқасида 50 минг динор пул ҳам келтирди.

Ғиёсиддин мўғулларнинг енгилгани ва султоннинг ғолибона қайтаётгани ҳақида эшитиб, Аламутга исмоилийларнинг паноҳига қочди. Хоразмшоҳ бу ҳақда эшитиб, агар исмоилийлар укасини унга топширмасалар, уларнинг қалъасига ҳужум қилажак деб қўрқитди. Исмоилийларнинг доийси[1] Аловуддин Муҳаммад III унга бундай мактуб билан жавоб берди: «Сенинг уканг бизнинг ҳузуримизга бекинди. У ҳам султон ва султоннинг ўғли, биз уни асирликка топширишга ҳаққимиз йўқ, биз уни ўзимиз билан қолдирамиз ва сенинг ерларингдан ҳеч бирига юбормаймиз. Биз сенинг унга раҳмдил бўлишингни ва бу ҳақда бизга кафолат беришингни сўраймиз». Жалолиддин бу жавоб билан қаноатланди ва Ҳилотга кетди.

Ғиёсиддин эса 500 отлиғ билан Аламутни ташлаб, ҳожиб Бароқ ҳузурига паноҳ излаб, Кирмонга кетди. Бароқ уни 4 минг кишилик аскар билан қарши олди ва бир неча кундан сўнг Ғиёсиддинни ва унинг онасини бўғиб ўлдиришни буюрди, зеро, уларни фитнада айбларди. Бароқ Ғиёсиддин Пиршоҳнинг бошини қоон Ўгедейга ушбу сўзлар билан юборди. «Сизларнинг икки душманингиз бор эди: Жалолиддин ва Ғиёсиддин. Улардан бирининг бошини сизга юбораяпман».

Хоразмшоҳ Жалолиддин Ҳилотга ўзининг иккинчи юришини ва Жануби-Шарқий Анадўлуга ҳужумлар қилиб турган чоғида, унинг ҳузурига Туғтоб қалъасига Кўниё султони Аловуддин Қайқубод I йўллаган мактуб етиб келди, У айюбийлар билан рақобатда эди. Қай-

---

[1] *Доий* — тоға

қубод I мактубида хоразмшоҳни аййубийларга қарши фаол ҳарбий ҳаракатга ундаган ва турли ёрдамларни ваъда қилган эди.

Мана энди 626 йил шавволида (мелодий 1229 йил августида) хоразмшоҳ ўз қўшинларини учинчи марта Ҳилот қамалига ташлади.

Ҳилот қамали хоразмшоҳ ҳарбий муваффақиятларининг авжи ва бутун ҳаёти ва фаолиятининг мунқалиб нуқтаси бўлди. Жалолиддин Ҳилотни учинчи қамалини ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотдаги ноиби ҳожиб Алига бўлган нафрати боисидан ҳам бошлади, чунки, у Озарбайжонга қатор вайрон келтирувчи юришлар қилган ва ҳатто хоразмшоҳнинг хазинасини босиб олган эди. Ал-Малик ал-Ашраф хоразмшоҳ Ҳилотни олганидан сўнг, унинг ерларига ҳужумини бошлаб, унинг ўзини ҳам тугатишини биларди. Шунинг учун у ҳожиб Алини қурбон қилмоқчи бўлди ва ҳожиб хоразмшоҳнинг мулкига унинг буйруғисиз ва ҳатто хабарисиз бостириб борган, деб эълон қилди. Ал-Малик ал-Ашраф Ҳилотга ноиб этиб Иззиддин Ойбекни тайинлади ва унга ҳожиб Алини асир қилишни буюрди.

Хоразмшоҳ Ҳилотга яқинлашиб келганида унинг даргоҳига Иззиддин Ойбекнинг элчиси келиб, итоат ва бўйсуниш изҳор қилади. Ал-Малик ал-Ашраф Ойбекни ноиб этиб тайинлаб, султонга бўйсунишни ва айтганларини бажо келтиришни буюрган эди. У ўзини султоннинг бошқа мамлакатлардаги аскарларига ўхшаб ёрдамчилари ва дўстлари тоифасига киритарди.

Бироқ, хоразмшоҳнинг Ҳилотни қамал қилишга қарори мудом ўзгармади ва ҳожиб Алининг унга топширилишини талаб қилди. Ҳожиб давлат бошқариш ишларига аралашганлигида айбланиб, ал-Малик ал-Ашрафнинг буйруғи билан қатл қилинди ва Жалолиддин қасосга ташналигини қондиролмади.

Хоразмшоҳ Ҳилот қамалини бошлади, У 12 та манжаниқни шаҳарга қарши қўйди. Узоқ ва қаҳрсиз қамал бошланди. Қамал ичидаги аскарлар шаҳар аҳли томонидан қўлланиб, шиддатли қаршилик кўрсатдилар. Вақт ўтавериб, яна қиш келди, хоразмшоҳ аскарларининг ҳаракати яна авалгидек зое кетаверди. Қаттиқ совуқ ва кўп қор сабабли хоразмшоҳ аскарларини исиниб, дам олиш учун атрофдаги қишлоқларга юборишга мажбур бўлди. Ҳилотда кучли очарчилик бошланди, аҳоли барча ҳайвон, қорамол, ит, мушук, сичқонлар, мурдалар ва ўлимтикларни еб бўлди. Шаҳардан 20 минг-

га яқин силласи қуриган киши қочиб чиқди, уларнинг қорнини тўйғазмоқчи бўлганларида барчаси қаҳатчиликдан келган ўша озғинлик туфайли ўлиб битдилар.

Ҳилот ноиби Иззиддин Ойбек бир неча марта ўз ҳожасига ёрдам сўраб мурожаат этди, лекин ҳеч қандай ёрдам олмади. Ан-Насавийнинг айтишича, Ҳилот уни олган одам учун ортиқча юк ва унга эга бўлган киши учун бахтсизлик бўлди. Ниҳоят, амирлардан бири Исмоил ал-Иваий ортиқча қамалга бардош беролмай, хоразмшоҳ билан махфий келишиб, шаҳарни топшириишни тезлатишга ваъда берди. Бунинг эвазига хоразмшоҳ унга иқто сифатида Салмос шаҳрини ва Озарбайжоннинг турли вилоятларида қатор қишлоқларни ажратди.

Тунда Исмоил ал-Иваий шаҳар деворидан арқон туширди ва бироздан сўнг хоразмликлар Ҳилотга бостириб кирдилар. Ўз хонлари ва амирларининг қистови билан Жалолиддин шаҳарни талашга рухсат берди ва хоразмлик аскарлар уч кун шаҳарни талаб, аҳолини қирдилар.

Ҳилот бир ярим йил қамалдан сўнг 1230 йил 14 апрелда олинди.

Бу ғалаба ҳақида хоразмшоҳ турли мамлакатларга фатҳномалар юборди. Ал-Малик ал-Ашрафнинг укалари Мужириддин, Тақийиддин ва Иззиддин Ойбеклар, амирлари Хусомиддин Тўғрул, Ақсом, Асад ал-Меҳроний каби қатор лашкарбошилар асир қилиндилар.

Ҳилотнинг олинишида юқорида эслатилганлар қаторида ал-Малик ал-Ашрафнинг хотини ва Иване Мхаргрдзолининг қизи Тамта ҳам асир қилинди ва у хоразмшоҳнинг хотини бўлиб қолди.

Қўниё султони Аловуддин Қайқубод I хоразмшоҳни ёвуз куч деб биларди ва уни ўз ерларидан четроққа буриб юборишга ҳаракат қиларди ва уни Рум салжуқийлари билан Анадулудан жанубдаги ерлар учун доимий кураш олиб борган. аййубийлар билан уришириб қўйишга ҳаракат қиларди. Жалолиддин Ван кўли атрофида ва ундан жанубда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари Аловуддин Қайқубод I нинг мулкларига бевосита туташ ерларда олиб борилган эди. Мана шу ҳолат салжуқийни хоразмшоҳ тарафидан келадиган хавфини бартараф қилиш чоралари ҳақида ўйлашга мажбур қиларди, чунки, хоразмшоҳ шароит тақозоси билан вақти-соати келиб Қўниё салтанати ерларига ҳам ҳужум қилиши мумкин эди.

Аловуддин Қайқубод I хоразмшоҳни ғарбдаги ҳаракатдан чалғитиб, унинг диққатини мўғуллар билан бўладиган муносабатларга жалб қилишга ҳаракат қиларди. Аммо, Аловуддин хоразмшоҳнинг мўғуллар билан курашини қўллаш ҳақида эмас, балки, Жалолиддин давлатини мўғуллар олдидаги бир анвои тўсиққа айлантириш ҳақида ўйларди. Кўниё султони хоразмшоҳнинг ҳарбий ҳаракатлари мўғуллар истилосига олиб келиб, ўзининг мулкларини хавф остида қолдиришидан қўрқарди. Хоразмшоҳ Тўғтобда Қўниё султонидан олган мактубига жавоб юборганда Аловуддин Қайқубод I Жалолиддиннинг элчиларига бундай деди: «Биз музаффар султонни қаттиқ ҳурмат қиламиз. Унга айтингларки, унинг олий ниятлари, айрим хоинларнинг иғвоси туфайли Ҳилот тарафига қаратилди, унинг бу ҳаракатлари эса оқилона фикрдан анча узоқдир. Биз ўйлаймизки, ҳозирги кунда биз учун энг мақбул йўл— бу ҳам бўлса мўғуллар билан тинч келишув йўлини танлашдир. Агар шу мақбул бўлса султон тинчлик ҳақидаги музокаралар эшигини очиш учун барча чораларни кўрсин. Агар султон мўғуллар тарафига дарҳол элчилар юборса, бу барча мусулмонларнинг манфаати учун фойдали бўларди. Умидвормизки, юмшоқ сўзлар; пул ва ҳадялар билан иккала тараф ҳамма ёқда ёниб турган нифоқ ўтини ўчира оладилар.

Шубҳасиз, султонга маълумки; агар у бу йўналишда ҳаракат бошласа; у бизнинг имкониятларимиздан ҳам фойдалана олади. Буни сиз султонга айнан аниқ қилиб етказинг. Агар султон унинг давлатининг гуллашига олиб келувчи шу биргина тўғри қарорни амалга ошира олса, у ҳолда у ўз қўшинларини Гуржистон насронийларига ва қўшни ерларга юришлардан ҳалос қилади ва улардан Арронга юришларда фойдаланади. Агар султон мўғулларга элчилар юбориб, сулҳ ҳақида битим тузилишини сўраса ва мусулмон мамлакатларини жабрлашни ва беҳуда қон тўкишни тўхтатса, у ҳолда биз унинг учун олтинни ҳам, кумушни ҳам аямаймиз. Бироқ; агар у хоинларнинг сўзига кириб, бу маслаҳатлардан юз ўгирса, у ҳолда барча мусулмон мамлакатлари раҳбарларининг иттифоқи томонидан унга аниқ ва тушунарли маслаҳат бериш зарурияти туғилади. Биз мақсадларимизни амалга оширишга ҳаракат қиламиз, ва хавф-хатарни даф этиш йўлини танлаб, ўз мақсадларимиз учун жанг қиламиз».

Аловуддин бу мактубида «хоинлар» деб асосан хо-

размшоҳнинг вазири Шарафулмулкни назарда тутган, чунки, у султон Аловуддин Кайқубод I нинг ашаддий душмани бўлиб, Жалолиддинни доимо Қўниё султонининг ерларига ҳужум қилишга ундарди.

Хоразмшоҳ вазири Шарафулмулкнинг маслаҳати билан Аловуддин Кайқубод I нинг бу мактубига бир ойгача жавоб бермай, унинг элчиларини базм ва хурсандчиликлар билан машғул қилиб турди. Ниҳоят хоразмшоҳнинг сарой аъёнлари ҳам жавоб берилмаётганидан норозилик билдира бошладилар. Бироқ, барибир унга жавоб берилмади ҳам.

Ҳилотни қамал қилиш пайтида Жалолиддин синглиси Хонсултондан хат олди, у Чингизхоннинг ўғли Жўчининг хотини бўлган эди. Хат ўз маъноси бўйича Аловуддин Кайқубод I нинг мактуби билан ҳамоҳанг эди. Синглиси Жалолиддинга бундай ёзган эди: «Сенинг кучинг, қудратинг ва мулкларингнинг улканлиги ҳақидаги хабар хоқонга етди. Шунинг учун у сен билан қариндош бўлишга қарор қилиб, мулкларингиз чегарасини Жайҳун дарёси бўйича ўтказиш ҳақида келишиб олмоқчи: сенга — дарёгача бўлган, унга — дарёдан наридаги ерлар. Шунинг учун, агар сен уларга қарши туришга куч йиға олсанг, қасос ол; улар билан жанг қил. Агар енгсанг хоҳлаганингча иш тутасан. Агар енголмасанг, фурсатдан фойдаланиб, уларнинг истаги бўйича сулҳ туз!».

Бироқ, хоразмшоҳ синглисининг хатини ҳам жавобсиз қолдирди, ан-Насавий бундан афсусланади*).

Қўниё султони Аловуддин Кайқубод I ҳали хоразмшоҳнинг оқиллигидан умид тутарди, лекин унинг учун

---

*) Хонсултоннинг хатида Кайқубоднинг мактубига ҳамоҳангликдан ташқари кўпроқ имконият топиб, мўғуллардан қасос олишга чақириш аломатлари сезилади. Ўша пайт Жалолиддин пиҳоятда мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятга тушиб қолган эди. Бунинг устига амирларининг сотқинлиги туфайли уларга бўлган ишончи ҳам тобора сусайиб борарди. Малика Русуданага ёзган мактубидан кўринадики, унинг асосий мақсади тезда атроф мамлакатларни ўз байроғи остида бирлаштириб, куч тўплаб, мўғулларга зарба бериш эди. Мўғуллар билан сулҳ тузиш унинг учун мўғулларнинг ғолиблигини тан олиш билан баробар эди. Жалолиддин ягона қудратли давлат барпо этолмай турган ва мўғуллардан заифлигини сезиб турган бир оғир фурсатда, унга ҳарбий ёрдам бериш ўрнига мўғуллар билан сулҳ тузишни таклиф этган иккала мактубга ҳам жавоб бермаган кўринади. Бундай пайтда «хато» маслаҳатлар берса ҳам кўпроқ вазир Шарафулмулк унга мос келган.

Жалолиддин Қўниёнинг ашаддий душмани — айюбийларга қарши ҳарбий ҳаракат олиб бориши мувофиқ эди. Бироқ шу пайтда Аловуддиннинг амакиваччаси, Арзон ар-Румнинг ҳокими Рукниддин Жаҳоншоҳ хоразмшоҳга итоат билдириб, таъзим қилиб келди.

Шу пайтгача, Рукниддин Жаҳоншоҳ Аловуддин Қайқубод I билан рақобатда бўлиб турган бўлса ҳам, ал-Малик ал-Ашрафнинг тасарруфида бўлиб, ҳожиб Али билан бирга хоразмшоҳга қарши чиқарди. Аммо, у хоразмшоҳ давлати кучайиб, таъсир доирасини кенгайтираётганини кўрганидан кейин ва Ҳилот тезда таслим бўлишига ишонганидан сўнг, султонга мактуб ёзиб, узр сўради. Сўнгра Рукниддин хоразмшоҳнинг боргоҳига келди, у эса уни иззат-икром билан кутиб олди ва унга айюбийлар билан жангда иштирок этиш вазифасини юклади.

Бироқ, Қўниё султонининг элчилари хоразмшоҳнинг ҳузурига етишга муяссар бўлмадилар. Уларни арзимас бир тобе ҳокимнинг вакилларидек қарши олинганидан ташқари; таҳқирлаб камситдилар ҳам. Элчилар Арзон ар-Румни унинг ҳокимидан олиб қўйишни ва ҳокимнинг ўзини уларга топширишларини сўраб, бу билан кўнгилларида туғилиб қолган жаҳлларини ёзажакларини билдирганларида; хоразмшоҳ қўниёликларнинг талабини қатъиян рад этди, вазир Шарафулмулк эса қўпол қилиб қўшиб ҳам қўйди: «Агар султон менга рухсат этса, мен сизларнинг мамлакатингизга бостириб бориб аскарларимнинг кучи билан тортиб олардим».

Аловуддин Қайқубод I нинг элчилари хоразмшоҳ билан миносабатларини тузатолмай, ҳожаларини қаноатлантирмайдиган жавоб билан қайтиб келдилар. Улар айтдиларки, унинг дўстлик манбаъини тозалаш битимларни янгилаш ҳақидаги ташвишлари, ўзаро қўллаш ва бир-бирига ёрдамлашиш ҳақидаги интилишлари— буларнинг ҳаммаси қиздирилмаган темирга болға ургандек бўлди.

Хоразмшоҳ Жалолиддин ва унинг қўшинларининг аввалдан билиб бўлмас ҳаракатлари олдидаги қўрқув ва Кичик Осиё, Сурия ҳамда Шимолий Ироқдаги кичик мулкларга улардан келадиган хавф Қўниё султони Аловуддин Қайқубод I ни хоразмшоҳга қарши иттифоқ тузишга олиб келди: Бу иттифоққа Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашраф, Ҳилонинг ҳокими Иброҳим Ширкуҳ, Хартабарт ҳокими Артуҳхон, Ҳалаб ҳокими Савоб; Майофориқин султони Шаҳобиддин Ғо-

зий ва Баниёс султони ал-Азиз Усмонлар кирди. Ал-Малик ал-Ашрафга юборган мактубида Аловуддин Кайқубод Ибундай ёзган эди: «Жалолиддинни қиличсиз тўхтатиб бўлмайди; унга ҳушомадгўйлик қилишга интилиш бефойда. Энди сўзларимиз ва ишларимизни келишувга олиб келсак ва мамлакатларимизни ҳимоя қилсак, бас».

Халифа ал-Мустансир (1226—1242) мусулмон ҳокимларининг ҳалокатли ўзаро курашларига тўсқинлик қилмоқчи бўлди, мўғулларнинг янги ҳужумидек ёвуз хавф олдида ақлга киргизмоқчи бўлди. Бироқ, хоразмшоҳни иттифоқ аъзолари билан яраштириб бўлмади.

Хоразмшоҳ, афтидан; айюбийларни жиддий бир рақиб деб санамаган ва босиб олинган Ҳилотни ўзининг мулки деб ҳисоблаган кўринади. У шаҳарни қайта тиклашга киришиб кетганлиги, бундан далолат беради. У вайрон бўлганни аввалги ҳолига келтиришга ва сочилиб ётганни тўплашга интиларди ва талаш ҳамда вайрон қилишга рухсат берганидан афсусланарди. У манжаниқлар бузган деворларни тузатишга хазинасидан тўрт минг динор ажратди ва улар тезда тузатилди. У Ҳилот вилоятини хон ва амирларига иқтоъ сифатида бўлашиб берди.

Хоразмшоҳ Ҳилотни босиб олгандан сўнг қўшинларини жанубга эмас, ғарбга; 1071 йили султон Алп Арслон Византия императори Роман Диогенни енгган Малазгирд тарафига йўналтиргани унинг мақсади Қўниё салтанатини тор-мор қилишдан иборат эканлигидан далолат берарди. Шу пайт хоразмшоҳнинг тобеси Арзон ар-Румнинг ҳокими Рукниддин Жаҳоншоҳ Жалолиддинга шундай маслаҳат берди: «Ҳақиқатан, агар биз улар тўпланишидан аввал бошласак тўғрироқ бўларди, чунки кейин иш ишончсиз бўлади. Улар тайёр бўлишидан аввал бир-биридан узоқ бўлиб; ажралиб турганда; ҳар бирига алоҳида ҳужум қилиш керак. Бу улар истаганидек уларга биргаликда ҳаракат қилишларига имконият беришдан афзалдир».

Хоразмшоҳ билан Рукниддин Жаҳоншоҳ беш кундан сўнг Хартабартда айубийларга ҳужум қилиб; уларнинг қўниёликлар билан биргаликда ҳаракат қилишларига йўл қўймасликка келишиб олдилар. Бироқ, худди шу пайтда хоразмшоҳ оғир бетоб бўлиб қолди, бироз муддат атрофдагилар унинг тузалиб кетишига ишонмай

турдилар. Рукниддин хоразмшоҳни тезроқ ҳужумни бошлашга шоширарди ва душманнинг қўшинлари қўшилиш учун кетаётгани ҳақида хабар бериб турди. Лекин, хоразмшоҳнинг касали уларнинг режаларига тўсқинлик қилди, натижада вақт бой берилди.

Иттифоқ бўйича иттифоқдошларнинг қўшинлари Сивосда тўпландилар ва Ғарбий Фиротнинг водийси бўйлаб Арзинжонга қараб юрдилар. Шу йўлнинг ўзидан шарқ тарафдан Жалолиддин қўшинлари ҳам уларга қарши келаётган эди, лекин, иккала тараф ҳам душманнинг ҳаракатлари ҳақида маълумотга эга эмас эди: 627 йил 25 рамазон (мелодий 1230 йил 7 август)да Арзинжон яқинидаги Йасси Чаман текислигида хоразмшоҳнинг қўшинлари билан Аловуддин Қайқубод I нинг 3 минг отлиқдан иборат сараланган гуруҳи ўртасида биринчи тўқнашув бўлди. Хоразмшоҳ уларга қарши 700 отлиқни ташлаган эди, булар ўша гуруҳни яксон қилди. Рум салжуқларининг аскарларидан чанг-тўзондан бўлак ному нишон ҳам қолмади.

Рукниддин Жаҳоншоҳ хоразмшоҳга ҳужумни кучайтиришни ва саросимага тушган душманни тамом қилишни маслаҳат берди. Лекин, Жалолиддин душманни таъқиб этиб ўтирмади ва унинг Йасси Чамандаги жангдан кейинги бу сусткашлиги душманни тор-мор бўлишдан ҳалос қилди.

Хоразмшоҳ Жалолиддин билан иттифоқдошларнинг қўшинлари ўртасидаги асосий жанг 627 йил 28 рамазон (мелодий 1230 йил 10 август)да юз берди. Жалолиддиннинг лашкари тор-мор қилиниб, тарқатиб юборилди. Жалолиддиннинг ўзи аскарларини ташлаб, Ҳилот тарафига от солди. Бироздан сўнг, у аскарларининг қолган қисмини Озарбайжонга олиб чиқди. Хоразмшоҳ амирларининг бир қисмини иттифоқдошлар асир қилдилар, бошқа бир қисми ўз ҳожасини ташлаб, Муғон тарафига қочди.

Хоразмшоҳ лашкарининг енгилганига қарамай, иттифоқдошлар ҳаракатларини унинг ерларигача давом эттирмадилар, чунки, уларнинг қалбларини ундан қўрқув ва эҳтиром шунчалик қамраб олган эдики, улар уни таъқиб этишга ботинмадилар ва орқаларига қайтдилар. Ал-Малик ал-Ашраф иттифоқдошлар номидан биринчи бўлиб сулҳ ҳақида музокара бошлади. У хоразмшоҳнинг вазири Шарафулмулк билан ёзишиб ва унга ёзган мактубида бундай таъкидлаган эди: «Ҳақиқатан ҳам сенинг султонинг — исломнинг ва мусулмонларнинг

султони, уларнинг таянчи, улар билан мўғуллар ўртасидаги тўсиқ ва девордир. Бизга сир эмаски, отасининг ўлими туфайли исломнинг қудратига ва диннинг софлигига бало келди. Биз биламиз, унинг кучсизлиги — бу исломнинг кучсизлигидир ва унга етказган зарар ҳамма кишиларга қарши бўлиб чиқди. Сен эсанг тақдирнинг бевафолигини синаб кўрдинг ва унда нима фойдали, нима зарарли эканлигини биласан, унинг лаззатини ҳам, аччиғини ҳам татиб кўргансан. Ахир, Сен унда (султонда — А.А.) бизнинг истакларимизни бирлаштириш ҳоҳишини уйғота олмайсанми, бу эса — «йўлнинг тўғрироғи, ва гапнинг ростроғидир»*) Нега сен уни итгифоққа чақирмайсан, ахир бу аввалида ҳам, охирида ҳам фойдали-ку?!

Мана, мен — Аловуддин Қайқубод ва акам ал-Малик ал-Комил номидан султонга юборилган вакилман. Энди мен уни қандай ёрдам қаноатлантиришини билмоқчиман, ҳар қандай ҳолатда ҳам унга ёрдам бериб, ёмон ниятдан сақлашда, яқиндан ҳам, узоқдан ҳам нифоқ сабабларини кетказишга олиб келувчи, бу жанжал тамғасидан тозаланишга сабаб бўлувчи барча нарсани бажаришга тайёрман».

Хоразмшоҳ аввалига ўжарлик қилиб турди, сўнгра сулҳ шартларини қабул қилди. Ҳилотга ва унинг атрофларига бўлган даъвосидан воз кечиши ҳақида ал-Малик ал-Ашрафга қасам ичди. Жалолиддин аввалига Аловуддин Қайқубод I нинг ерларига даъво қилишдан воз кечиш ҳақида қасам ичишни қатъиян рад этди, лекин, мўғуллар Ироққа бостириб кириб, Озарбайжонга силжиб келаётганлари ҳақидаги хабарни эшитганидан сўнг ўшандай қасам ичди.

Жалолиддиннинг Ироқ Чаман яқинида тор-мор этилганлиги ҳақида эшитган исмоилийларнинг доийси Аловуддин Муҳаммад III, хоразмшоҳни ўз мулкларининг мавжудлигига хавф деб биларди. Шунинг учун у мўғулларга Жалолиддиннинг заифлиги ва унинг қочганлиги ҳақида хабар бериб, унга қарши юришга ундаб, ғалабага эришишларига кафиллигини билдирди.

Хоразмшоҳ исмоилийларнинг мўғуллар билан хуфиёна муносабатда эканларидан хабардор эди, у ҳатто исмоилийлар доийсининг мўғулларга юборган элчисининг номини ҳам биларди. Шу муносабат билан Жалолиддин Аламутга мунший Шаҳобиддин ан-Наса-

*) Қуръон. Нисо, 54, Музаммил, 6.

вийни юборибб, уларнинг мўғулларга элчи юборишларининг сабаби қилиб, мўғуллар уларнинг ерлари билан чегарадошликларини ва ерларидан балони даф этиш учун улар билан музокара олиб бориш зарурлигини кўрсатдилар. Аммо, аҳвол бундай эмас эди: аслида исмоилийлар хоразмшоҳ кўп йиллардан бери уларнинг ерларини вайрон қилиб, қаттиқ қувғин қилиб келганлари учун ундан қасос олишга қарор қилган эдилар.

Бирор муддатдан сўнг, мўғуллар Озарбайжон сарҳадларига яқинлашиб кела бошлаганларида хоразмшоҳнинг вазири Шарафулмулк исмоилийларнинг мўғулларга йўллаган навбатдаги мактубларини қўлга туширди, улар мўғулларни хоразмшоҳга ҳужумларини тезлатишни сўрардилар.

628(1230—31) йили мўғуллар исмоилийларнинг мактубларини олиб, Озарбайжонга бостириб кирдилар ва тезда мамлакатни истило қилдилар. Жалолиддин ночор аҳволда қолгандан сўнг, яқиндагина улар билан рақобатда бўлган ва улардан мағлубиятга учраган барча ҳокимларга ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлди.

Ўз мурожаатида у бундай ёзган эди: «Мўғулларнинг лашкари жуда улкан, бу гал ҳар галдагидан ҳам кўп, бу мамлакатларнинг аскарлари улардан қўрқаяптилар. Агар сизлар аскарлар ва аслаҳа билан ёрдам бермасангиз, бу ерда девор бўлиб турган мен тамом бўламан, сизларда эса уларга қарши туриш имконияти бўлмайди. Ўзингизга, болаларингизга ва барча мусулмонларга раҳм қилиб, ҳар бирингиз бир тўда аскарни байроғи билан ёрдамга юборинг, зеро, мўғулларга бизнинг келишувимиз ҳақида хабар етганида, улар оз бўлса ҳам зарба олсинлар ва, шунингдек, бизнинг аскарларимиз ҳам далда олсинлар. Агар бунда қандайдир бепарволикка йўл қўйилса, нима бўлишини ўзингиз кўрасиз ва истаганингизга эга бўласиз».

Аммо, ҳеч ким хоразмшоҳга ёрдам қўлини чўзмади. Бу камлик қилгандек, унга ҳалокат хавфи туғилганда вазири Шарафулмулк хоразмшоҳга қарши иғво қила бошлади. У қўшни ерларнинг ҳокимларига хатлар ёзиб, уларда ўз ҳожасига ҳақоратлар ёғдирар ва хоразмшоҳ Жалолиддиннинг мулкида ҳокимиятни қўлга олиш учун улардан ёрдам сўрарди. «У Аррон ва Озарбайжонда ҳоким бўлиб қолишида уларнинг ризолигига таянарди, лекин, уларнинг номи билан хутба ўқитилишига ишонтирарди. У Аловуддин Қайқубод билан ал-Малик ал-

Ашрафга мактублар юбориб, уларга тўла бўйсунишини билдирди, ўзининг султонини эса бу мактубларда «кучсиз золим» деб атарди».

Бу мактубларнинг айримлари хоразмшоҳнинг қўлига келиб тушди ва вазирнинг тақдири ҳал бўлди — у ҳибсга олинди, сўнгра қатл қилинди.

Харазмшоҳ бу пайт Муғонда эди, бу ерда у мўғулларнинг пайдо бўлганига қарамай, вақтини Ҳилотда асир қилинган ал-Малик ал-Ашрафнинг укаси Мужириддин Йаъқуб билан бирга овда ўтказар эди. Бу ердан у қишловларга тарқатиб юборган қўшинларига чопарлар юборди. Бироқ, мўғуллар бу қишловларга Жалолиддиннинг чопарлари етиб келишидан аввал ҳужум қилдилар ва унинг аскарларини тўплаш ҳақидаги режаси барбод бўлди. Бунинг устига мўғуллар хоразмшоҳнинг ов қиладиган ерини билиб олиб, унинг ўрдасига тунда ҳужум қилдилар. Хоразмшоҳ қочиб қутулишга муяссар бўлди ва бундан сўнг, у Мужириддин Йаъқубни мактуб билан акасининг ҳузурига юборди. Мактубда мўғулларнинг истилоси натижасида унга келган бало фақат унинг ўзига ва мулкига тааллуқли эмаслиги ва барча мусулмон мамлакатлари ҳалокат хавфи остида эканлиги ёзилган эди. Унда «ёвузлик чақмоғи ярқираяпти, фалокат ўти гуркираб ёнаяпти, буларни фақат мусулмонлар умматининг ҳамжиҳатлик ва келишув билан уринишларигина тўхтатиши мумкин» дейилган эди.

Жалолиддин ўзи Арронга йўл олди, у ерда у аскарларининг бир қисмини ва туркман қабилаларини тўплаб олишга ишонарди ва мўғулларни Ганжа яқинида кутмоқчи эди. Бироқ, шу пайт хоразмликларнинг зўравонликлари жонига теккан Ганжа аҳолиси қўзғолон кўтариб, Жалолиддиннинг шаҳардаги амалдорларининг бир қисмини ўлдирдилар, уларнинг бошларини мўғулларга юбориб, ўзларининг султонга бўйсунмаслигини билдирдилар.

Ганжаликлар қўзғолонининг бошлиғи ҳунарманд Бандар эди. Бироқ, кучлар тенг эмас эди ва хоразмликларнинг ҳарбий маҳорати устун келди. Жалолиддиннинг аскарлари шаҳарга бостириб кирдилар ва қўзғолончиларни тезда тинчитдилар. Хоразмшоҳ шаҳар аъёнларидан қўзғолончилар бошлиқларининг номларини айтишларини талаб қилди ва Бандар бошчилигида 30 кишини асир қилдилар. Султон дарвозанинг худди ўзида уларнинг бошлари олинишини, Бандар эса фуқаро

олдида қатл қилиниб, танаси бурда-бурда этилишини амр қилди.

Жалолиддин қўшни мамлакатлар ҳокимларига юборилган мактубларига жавоб кутиб Ганжада 17 кун турди. Лекин, улардан ёрдам келишига умид йўқ эди. Бироқ шу шароитда ҳам хоразмшоҳ бостираётган мўғуллар билан жанг қилиш ўрнига аскарларини мамлакат бўйлаб тарқатди ва унинг тўдалари Аррон ва Гуржистонни талаш билан кифояланмай, ҳатто, Қўниё салтанатини ҳам талай бошладилар, бу эса маҳаллий ҳокимларни янада ғазаблантирди.

Хоразмшоҳнинг бу ҳаракатсизлигини қўшни мусулмон давлатлари ҳокимларининг тутган мавқеъларидан ҳафсаласи пир бўлганлигидан ва ўз аҳволининг ноилоҳлигига ишонганлигидан, деб билиш мумкин. Лекин, ҳар ҳолда ўз муншийси билан бўлган суҳбатда хоразмшоҳ улар унга ёрдам бермасликларига ҳеч қачон шубҳа қилмаганлигини айтган.

Жалолиддин Арронни қолдириб, Қичик Осиёга йўл олди: у айланма йўл билан Исфаҳонга етиб олиш ва у ерда куч тўплаш ниятида эди. Ҳилот орқали Диёрбакрга келиб, султон бу ерда ўғруқни қолдирмоқчи ва оила аъзоларини олиб, Исфаҳонга етиб бормоқчи эди. Бироқ, Диёрбакр амири ал-Малик ал-Масъуд хоразмшоҳ ўғруқларининг унинг мулкларида туришидан юзага келадиган оқибатдан қўрқиб, уни турли усуллар билан бу фикрдан қайтаришга ва хоразмшоҳни Қўниё султони Аловуддин Кайқубод I га қарши юришга қўзғатмоқчи бўлди. Ал-Малик ал-Масъуд, агар хоразмшоҳ Қўниё султонига қарши юришга чиқса, 4 минг отлиғи билан унга қўшилажаги ҳақида ваъда берди.

Хоразмшоҳ ал-Малик ал-Масъуд таклиф этган режани қабул қилди ва Исфаҳонга кетиш фикридан қайтиб, Амид (Диёрбакр) яқинида тўхтади. Муаррихнинг айтишича, хоразмшоҳ шу кунлари худди, сузишни билмай чўпга ёпишаётган, чўкаётганга ўхшар эди.

623 йил шавволининг ўртасида (мелодий 1231 йил августи) хоразмшоҳ айш-ишрат ва мастликка берилди. Базмлардан биридан сўнг Жалолиддин ўликдек қотиб ухлаб қолди ва ўрдасини мўғуллар ўраб олганини билмади ҳам. Мўғуллар унинг чодирига яқинлашиб келган эдилар ҳамки, амир Ўрхон аскарлари билан келиб қолди ва мўғулларни чодирдан ҳайдаб юборди. Фурсатдан фойдаланиб, ходимлар хоразмшоҳни чодир-

дан олиб чиқдилар, уни мастлигича отга ўтқазиб, чоптириб кетдилар.

Мўғуллар уларнинг кетидан қувдилар, шунда Жалолиддин ўзига келиб, Ўрхонга уларни чалғитишни буюрди, ўзи эса қувғиндан қутулиб қолмоқчи бўлди. Ан-Насавийнинг ёзишича, султон мўғуллар қувғинидан биргина ўзи қочиб хато қилган. Амир Ўрхон эса 4 минг отлиғи билан мўғуллардан қутула олди, кейин Исфаҳонга кетди, уни қўлга олиб, бирор муддат шаҳарнинг мустақил ҳокими бўлиб турди. Кейин, тоторлар унга ҳужум қилдилар, сўнг Ўрхон 639 йилгача (мелодий 1241—1242 йиллар) Форсда соқчилар кузатуви остида турди.

Хоразмшоҳ мўғуллардан қочиб, Амид томонига интилди, у ерда бекинмоқчи бўлган эди, лекин, аҳоли уни шаҳарга киритмади. Жалолиддин тезда Амидни ташлаб кетди ва мўғул отлиқлари томонидан қувғин қилинаётган, ўз маслакдошлари томонидан ташланган ҳолда, Майофориқин яқинидаги тоғларга қочди.

Султоннинг кетидан 15 мўғул қувиб борди. Улардан иккиси унга етиб олди, лекин, султон уларни ўлдирди, қолганлари ортда қолдилар. Айн Дор қишлоғи яқинида султонни курдлар тутиб олиб, уни таладилар ва ўлдирмоқчи бўлдилар. Шунда Жалолиддин талончиларнинг бошлиғига бундай деди: «Мен ҳақиқатан ҳам султонман, менинг тақдиримни ҳал қилишга шошилма. Сен танлашинг мумкин: ё мени Майофориқиннинг ҳокими ал-Малик ал-Музаффар Шаҳобиддин Ғозий ҳузурига олиб бор — у сенга мукофот беради ёки мени мамлакатларимнинг бирига олиб бор — шунда сен амир бўласан».

Курд хоразмшоҳга ёрдам бермоқчи бўлди ва уни чодирда хотинининг назоратида қолдириб, от топгани кетди. Чодир эгаси йўқлигида найза билан қуролланган яна бир курд келди. У хотин кишидан: «Бу хоразмлик ким?» — деб сўради. У эса, бу султон, деб жавоб берди ва ҳозир у эрининг ҳимоясида, деди. Бу курднинг укасини хоразмликлар Ҳилотда ўлдиришган бўлиб, бу ҳеч султон эмас, деб ўйлади ва найза уриб, уни ўлдирди.

Хоразмшоҳ Жалолиддин ана шундай ҳалок бўлди. У 628 йил шавволининг ўртасида (мелодий 1231 йил 17 ва 20 август орасида) ўлдирилди.

Курдлар хоразмшоҳнинг барча қимматбаҳо безакларини ечиб олдилар ва отининг эгар-жабдуқларини ҳам олиб кетдилар. Бир неча кундан сўнг улардан бири хоразмшоҳнинг либосини кийиб, қуролларини ўзига осиб,

Амидга келди, бу ерда уни Жалолиддиннинг мамлукларидан бири кўриб қолди. Мамлук бу ҳақда ал-Малик ал-Музаффарга хабар қилди, у эса курдни қатл қилишга, хоразмшоҳ ўлдирилган қишлоқ эркакларининг барчасини қиришга ва қишлоқнинг ўзига ўт қўйишга буйруқ берди. Қишлоқдан хоразмшоҳнинг ашёлари ва қуроллари топилиб, уларни амирлар танидилар. Султоннинг жасади Майофориқинга келтирилди. Ал-Малик ал-Музаффар хоразмшоҳнинг амакиси Ўтурхондан: «Ўлдирилган Жалолиддинми?» — деб сўради. У «Ҳа!» деб, йиғлаб юборди. Уни кечаси Майофориқин яқинига кўмдилар ва мўғуллар хоразмшоҳнинг танасини ҳақорат қилмасин деб қабрини текислаб қўйдилар.

Ал-Малик ал-Ашрафга, Жалолиддиннинг ўлими ҳақидаги, гўёки, хурсандчилик хабарини келтиришгандай деди: «Сиз мени унинг ўлими билан табрикляпсизларми? Бироқ сиз бунинг самарасини йиғасиз, чунки Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом ерларини истило қилишларини англатади. Энди биз билан Йаъжуж ва Маъжуж ўртасида девор бўлиб турган хоразмшоҳдек бирор кимса йўқ».

Ибн ал-Асир ўзининг улкан солномасида Яқин Шарқ мамлакат ва ўлкалари мўғул истилосига дучор бўлишини ғамгин тавсифлаш билан якунлайди. Ибн ал-Асир 50 йилдан кейин мўғулларнинг янги истило қилиши ҳақидаги башоратини ундан кейин ўтган тарихчи Ибн Восил ўз бошидан кечирди, у 1258 йили мўғуллар Бағдодни истило қилиб, уни ғорат ва вайрон қилганликларини ўз кўзи билан кўрган. У бундай ёзади:

«Шубҳасиз, Аллоҳ Жалолиддинни гуноҳлари учун жазолади, унга муҳлат ҳам бермади, балки илдизи билан суғуриб олди. Барибир, унинг ҳалокати мусулмонларнинг мўғуллар томонидан истило қилинишига сабаб бўлди. Ахир, унинг отаси Алоиддин Муҳаммаднинг ўлимидан кейин, мўғуллар мамлакатларни вайрон қилиб аҳолисини қирганларидан сўнг, Жалолиддин Ҳиндистонга қочди, кейин орқага қайтди. Унинг иши мустаҳкамланиб, қудрати ўсаётган эди, у Кирмон, Ироқи Ажам, Озарбайжон ва Арронни забт этди ва у билан бирга катта лашкар бор эди. Агар у инсофли бўлиб яшаганида, одил бўлганида ва шунчалик қон тўкмаганида эди, у мўғуллар билан жанг қилган бўларди, чунки у биз билан мўғуллар ўртасидаги тўғон эди. Бироқ, у бузуқ ҳаёт кечирди, гуноҳ қилди, адолатсизлик қилди, қўшниларига душманлик қилди, ўзини ҳоинларча тутди ва во-

розиликларни келтириб чиқарди. Бу унинг ҳалокатига ва лашкарининг ҳалокатига олиб келди. Бундан кейин эса мўғулларнинг истилоси ва уларнинг ислом мамлакатлари устидан ғалабаси келди. Агар Аллоҳ бирор нарсани ҳоҳласа, у унинг сабабларини ҳам тайёрлайди.»

Ибн ал-Асир ҳам худди шу руҳда баён қилади: «Жалолиддин бадҳулқ одам эди ва мамлакатини ёмон бошқарарди. У душманлик муносабатида бўлмаган, мулкига қасд қилмаган ва унга ёқимсиз бўлмаган бирор қўшниси йўқ эди. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси уни ташлаб кетдилар ва унга ёрдам қўлини чўзмадилар».

Аммо, Жалолиддин Манкбурнийнинг шахсий муншийси Шаҳобиддин ан-Насавий ўзининг ҳожасини бутунлай бошқача таърифлайди: «У қорачадан келган, ўрта бўйли, тили бўйича турк, лекин форсча ҳам сўйлар эди. Унинг жасоратига келганда, у шерларнинг шери эди ва отлиқ йигитлар ичида энг довюраги эди. У юмшоқ эди, жаҳли чиқмас эди ва сўкинмасди ҳам. У жиддий эди, ҳеч қачон кулмасди, фақат жилмаярди ва камгап эди. У адолатни севарди, бироқ, у дуч келган суронли йиллар унинг устидан ғалаба қилди ва унинг феълини ўзгартирди. У фуқароларининг ҳаётини осонлаштиришни ёқтирарди, лекин таназзул пайтида бошқаргани учун жабр қилишга ҳам борди*. Жалолиддин оғир ҳолатларда матонатли эди ва машаққатли синовларда совуққон эди.

Хоразмшоҳ Жалолиддин ўлдирилгандан сўнг, у ўлдирилмаган, ўлдирилган киши унинг силоҳдоридир, деган овозалар тарқалди. Жумладан, Ибн ал-Ибрий (Бар Эбрей) бундай хабар қилади: «Айрим кишилар, ўлдирилган Жалолиддин эмас, унинг силоҳдори эди, Жалолиддин ўша куни қуролсиз бўлган ва султон либосини киймаган, дейдилар. У сўфилар кийимида эди ва ўлкалар бўйлаб дарбадарликда юрарди. Одамлар яна, хоразмшоҳни фалон мамлакатда ва фалон шаҳарда кўрганларини ва 652 йил (мелодий 1254 йил) бир гуруҳ савдогарлар Жайҳундан ўтганларини ва соқчилар ўша ерда

*) Бизнингча ан-Насавийнинг Жалолиддинга берган таърифи ҳақиқатга анча яқиндир, чунки у султонни шахсан билган ва унинг хизматида эди. Ундан ташқари ан-Насавий хушомадгўйликдан ҳам узоқдир, чунки у ўз асарини ёзган пайтида Жалолиддиннинг ўзи тугул авлод ва қариндошлари ҳам йўқ эди.
Ибн ал-Асир билан ибн Восиллар эса ғайирликдан ҳоли эмас эдилар.

савдогарлар билан кетаётган бир номаълум камбағални тутганликлари ҳақида ҳам гапира бошладилар. Соқчилар унинг кимлигини аниқлай бошлаганларида у Жалолиддин хоразмшоҳ эканлиги маълум бўлган. Улар уни тутиб, ура бошладилар ва сўроқ қилдилар. Бироқ, у айтган сўзларидан қайтмаган ва қийноқ остида ўлган. Лекин, у хоразмшоҳ эмас эди, бунга ақл бовар қилмайди, шубҳасиз у ақлдан озган эди».

10-боб

ВАТАНИДАН КЕТГАН ХОРАЗМЛИКЛАР ТАҚДИРИ

Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳалокатидан сўнг яқин Шарқнинг турли мамлакат ва ўлкаларига унинг кўп сонли аскарлари тарқалиб кетдилар. Улар асосан бир вақтлар мўғуллар таъқибидан қочган турли туркий қабилаларга (жумладан, қипчоқлар) мансуб аскарлар эди. Биздаги манбаъларда уларни одатда хоразмликлар деб атайдилар ва афтидан, бу умумий ном ўша даврдаёқ уларнинг қабила номларини сиқиб чиқарган кўринади. Улар билан бирга котиблар, фақиҳлар ва бошқа келиб чиқиши эроний бўлган шахслар ҳам бор эди. Бу кишилар жумласи анча салобатли ҳарбий куч бўлиб, маҳаллий ҳокимлар улар билан ҳисоблашмай иложи йўқ эди. Қўниё султонлари ва айюбий шаҳзодалар хоразмшоҳ хавф солиб турганида вақтинча жипслашган бўлсалар ҳам, унинг ўлимидан кейин яна ўзларининг эски жанжалларига ва ерлар учун, шу ҳудудда ҳукмронлик учун курашга қайтдилар. Мана шу курашларда улар хоразмликларнинг ҳарбий бирикмаларидан фойдаландилар, ҳокимларга оз бўлса ҳам, ўзларини мўғуллар хавфидан сақлаб туриш имконини берарди. Шунинг учун хоразмликларни хизматга олаётиб, салжуқий султонлар ҳам, айюбий шаҳзодалари ҳам уларга иқтоъ сифатида йирик ер мулкларини ажратиб берардилар, фақат бу ерларни жойлардан, яъни ўзларининг чегаравий ерларидан ажратардилар.

Жалолиддиннинг ўлимидан сўнг амирлари ва қабила гуруҳларининг бошлиқлари ўзларига амир этиб, амир Ҳусомиддин Қирҳон Маликни сайладилар, лекин, тарихчининг айтишича, у бирор кўринарли жасорати билан

ажралиб турмаган ва бунинг устига ишларда ношудлик намоён қиларди.

1231 йил августида Қўниё султони Аловуддин Кайқубод I Қирхон Маликка ва унинг сафдошлари амирлар Баракатхон, Йилонбуға, Сарухон, Хонберди, Сайфуддин Содиқхон, Атласхон, Насириддин Қушлухон ва бошқаларга ўз аскарлари билан унинг хизматига ўтишни таклиф этди. Амирлар султонга содиқликлари ҳақида онт ичдилар ва иқтоъ сифатида Арзирум вилоятларини ҳамда уч юзта фахрли либос олдилар. Қирхоннинг ўзи иқтоъ сифатида Арзинжонни олди.

Шу пайт аййубий шаҳзодалар ўртасидаги нифоқ кучайиб кетди ва Қўниё султони Аловуддин Кайқубод I айюбийларнинг мулкини босиб олиш учун хоразмликлардан фойдаланмоқчи бўлди. 1233 йили султон хоразмликлар ёрдамида ўзининг собиқ иттифоқдоши ал-Малиқ ал-Ашрафдан Ҳилотни олиб қўйди. Шундан сўнг амир Баракатхон иқтоъ сифатида Амасияни ва унинг ноҳиясини олди, Қушлухон — Лорандни ва Йўғон Туғдихон — Нигдани олди.

Қўниё салтанатининг аййубийлар ерлари ҳисобига кенгайиши буларни ҳам қарши чора кўришга мажбур қилди. Аййубийлар уруғида энг каттаси — Миср ҳокими ал-Малик ал-Комил ўз қариндошлари иттифоқига бошчилик қилди ва Анадўлу жанубидаги ерларни забт эта бошлади. Аммо, Қўниё султони хоразмлик амирлар ёрдами билан аййубий аскарлар йўлидаги барча тоғ довонларини тўсиб қўйишга муяссар бўлди ва улар чекинишга мажбур бўлдилар.

Амир Қирхон Малик 632 (1234) йилда Хорпут ва Амидни қамал қилишда иштирок этди, унинг аскарлари бу ерда ва унинг атрофларида анча талафот келтирдилар. Бироқ, султон Аловуддин Кайқубод I олдига қўйган асосий мақсади, яъни, Урфа, Сиварак, Роққа ва бошқа Анадўлунинг жанубидаги, илгари аййубийларга қарам бўлган шаҳарларни босиб олишни амалга оширолмади ва Кайқубод бундай муваффақиятсизлигидаги бутун жавобгарликни хоразмлик амирларга юклади.

Ғазабланган Кайқубод I аййубийларга қарши янги юришга отланди. У аскарларини юришга тайёрлаётиб, ўз ўғли Иззиддин Қилич Арслонни валийаҳд этиб тайинлади, иккинчи ўғли — Ғиёсиддин Кайхусравни Арзинжонга ноиб этиб тайинлади (амир Қирҳон Малик Арзинжон ўрнига Сивосни олди). Бироқ 634 йил 4 шавволида (мелодий 1237 йил 4 май) султон Аловуддин Кайқубод I

заҳарланиб ўлди ва Қўниё салтанати тахтига Ғиёсиддин Қайҳусрав эмас, Иззиддин Қилич Арслон ўтирди. Лекин, султонга яқинларидан бири амир Саъдиддин Кўпак Қирхон Маликни султонга хизмат қилишдан бўйин товлашда ва ўз аскарларини бошқа мамлакатларга олиб кетмоқчи бўлганликда айблади. Амир Қирхон Малик салтанатнинг ва унинг қўшниларининг барча ҳарбий сирларини билганлиги ва бу маълумотларни салтанатнинг зарарига ишлатиш мумкин бўлганлиги учун, Саъдиддиннинг фикрича, агар Қирхон Малик тутиб қамалса, унинг бошқа амирлари султондан қўрқадилар ва унга бўйсунадилар, деб ўйлади.

Қирхон Малик Заманту қалъасига қамалган эди, у ўша ерда касал бўлиб, вафот этди. Бу ҳақда эшитган бошқа хоразмлик амирлар уларнинг ҳам аҳволи шундай бўлишидан ҳавфсираб, еру-мол-мулкларини ташлаб, оила бола-чақалари билан Анадўлудан чиқиб кетдилар. Бироқ, хоразмликлар Қўниё салтанати ерларидан кетаётиб, йўлда талон-тарож ва ноҳақ йиғимлар билан шуғулландилар, натижада мамлакатда ғалаёнлар бошланди. Султон Ғиёсиддин Қайҳусрав хоразмликларнинг кетишига йўл қўймаслик учун улар кетидан қувиб қўшин юборди, лекин, хоразмликлар султоннинг бу қўшинини енгиб, катта ўлжани қўлга киритдилар.

Бундан сўнг хоразмликлар айюбийлардан бири ал-Малик ас-Солиҳнинг хизматига ўтдилар, у эса уларни Ҳаррон, Урфа, Саруж ва Роққа ноҳияларига жойлаштирди.

Ўн йил (1237—1246) давомида хоразмликларнинг ҳарбий кучлари Яқин Шарқдаги воқеаларда муҳим аҳамият касб этди. Бу муддатда хоразмийлар ҳарбий иттифоқларининг амири Муҳаммад Баракатхон ибн Давлат Малик бўлиб, унинг қароргоҳи Ҳаррон қалъасида эди. Айюбий ал-Малик ас-Солиҳ Баракатхонга қариндошларидан бир қизни берди ҳам.

635 йил муҳаррам (мелодий 1237 йил сентябр)да Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашраф вафот этди, ўша йилнинг ражаби (мелодий 1237 йил марти)да Миср ҳокими ал-Малик ал-Комил вафот этди ва айюбий — шаҳзодалар ўртасидаги нифоқ авжига чиқди. Бу даврда хоразмликлар ўзларини ал-Малик ас-Солиҳ тарафидан камситилган сездилар ва унга қарши чиқиб, унинг мулкларини таладилар ва ўзини ҳам асир қилмоқчи бўлиб турган эдилар. Улар унинг хазинасини ва барча қимматбаҳо нарсаларини ўзаро бўлашиб олдилар ва ал-Малик

ас-Солиҳнинг мулкларида тўла хўжайин бўлиб олдилар. Ал-Малик Санжарга қочишга муяссар бўлди, бироқ бу ерда у ўзининг шахсий душмани, Мосулнинг ҳокими Бадриддин Лўлу томонидан қилинган қамалда туришга мажбур бўлди. Ал-Малик ас-Солиҳ ундан сулҳ сўради, бироқ, Бадриддин Лўлу унинг илтимосини рад этди ва уни тутиб олиб, темир қафасга солиши ва шу ҳолда Багдодга олиб бориши ҳақида пўписа қилиб қўйди.

Шунда ал-Малик ас-Солиҳ ёрдам сўраб, хоразмликларга мирожаат этди, уларни бошқа камситмаслик ва катта ҳадялар ҳақида ваъда қилди ва уларга мулк учун Синжор, Ҳаррон ва Руҳани бериши ҳақида мажбурият олди. Хоразмликлар Бадриддин Лўлунинг лашкарини яксон қилдилар, унинг барча ўғруқларини ва хазинасини қўлга киритдилар.

Ал-Малик ас-Солиҳ хоразмликлар ёрдамида Қўниё султоннинг қўшинларини Амиддан қувиб юборди ва ўғли Туроншоҳни қамалдан қутқазди.

Шу тариқа ал-Малик ас-Солиҳ хоразмликларнинг ҳарбий ёрдамидан фойдаланиб турди, улар эса унинг душманларининг бирортасига ҳам мулкларига ҳуруж қилишларига йўл қўймадилар. Хоразмликларнинг обрўси бениҳоя ўсди, ал-Малик ас-Солиҳ эса ўзининг осойишталиги ва мулкларини сақлаб туриш йўлида хоразмликлар амирларига доимо ризолик бериб турди.

Ал-Малик ас-Солиҳ хоразмликларнинг қўллашига таяниб, айюбийлар уруғининг кейинги авлодларига тегишли мулкларни босиб ола бошладилар. 636 йил жума ус-соний (мелодий 1239 йил январ)да ал-Малик ас-Солиҳ Дамашқни босиб олди, шу пайтгача бу шаҳар Миср ҳокими ал-Малик ал-Одилга қарам эди. Хоразмликлар ал-Малик ас-Солиҳга янги ерларни босиб олишга ёрдам бериб, ўз ҳожаларининг ҳадялари билан чегараланиб қолмас эдилар. Уларнинг ўзлари ҳам қўшни ерларни босиб олишга журъат этдилар. Ал-Малик ас-Солиҳнинг толеъси, Ҳамоннинг ҳокими ал-Малик ал-Музаффар билан келишиб олиб, хоразмликлар ўша 1239 йилда, Асадиддин Шаркўҳнинг мулки бўлган Ҳимсни забт этишга қарор қилдилар. Лекин, у хоразмликларга катта бадал пулини тўлаган эди, хоразмликлар Ҳимсдан кетдилар.

637 йил рамазон (мелодий 1240 йил апрел)да ал-Малик ас-Солиҳ ўз акаси — Миср ҳокими ал-Малик ал-Одилга қарши чиқди ва ўша йилнинг зулқаъда ойи (мелодий 1240 йил июни)да Қоҳирани босиб олди, акасини асир қилди ва ўзини Мисрнинг ҳокими деб эълон

қилди. Сурияда бошлиқсиз қолган хоразмликлар турли шаҳар ва қалъаларга ҳужум қилиб турдилар. 638 (1240) йили улар Жаъбар ва Балис қалъаларига ҳужум қилдилар ва уларни забт этиб, торож қилдилар ва аҳолисининг кўп қисмини қирдилар. Хоразмликларнинг аййубийлар мулкларига аёвсиз юришларидан Мосул ҳокими Бадриддин Лўлу фойдаланди: 638 йили у аййубийларнинг Синжор қалъасини босиб олди. Бадриддин то ўзининг ўлимигача 657 (1259 йил) бу ерда ҳукм сурди.

Хоразмликлар эса Сурия ерларида бебошликни давом эттиравердилар. 638 йили рабиъул-аввал (мелодий 1240 йил октябр)да 12 минг хоразмлик Бадриддин Лўлунинг аскарлари билан бирга Ҳалаб шаҳрига ҳужум қилдилар. Ҳалаб аскарлари ҳужумчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлсалар ҳам, улар тор-мор қилиндилар. Хоразмликлар кўп асирларни ва бой ўлжаларни қўлга киритдилар. Лекин, улар Ҳалабнинг ўзини ололмадилар ва фақат унинг атрофларини вайрон қилиб, аҳолисини талаб, ўлдирдилар. Бундан сўнг, хоразмликлар Манбиж шаҳрини вайрон қилдилар ва аҳолисини қирдилар.

Хоразмликлар қисқа муддатга Ҳарронга келиб, бироздан сўнг, Роққа яқинида яна Фиротдан ўтиб, Жубул, Талл Аъзоз, Сурмин ва Маъорра шаҳарларини босиб олиб, тарож қилдилар. Бу шаҳарларнинг аҳолиси ваҳимага тушиб, хоразмликларнинг отлиқларидан қочдилар. Ҳимснинг ҳокими ал-Малик ал-Мансур ва ал-Малик ас-Солиҳнинг Дамашқдаги нойби ас-Солиҳ Исмоил ўз аскарлари билан ҳалабликларга ва Суриянинг бошқа шаҳарлари аҳолисига ёрдамга келдилар. Бу қўшинлар хоразмликларни таъқиб қила бошладилар, улар эса Шойзарга кетдилар, сўнгра Ҳамо, Саломия ва Русофа тарафига сурилиб, у ердан Роққага етмоқчи бўлдилар.

638 йил шаъбонининг охири (мелодий 1241 йил марти)да хоразмликлар Фиротдан кечаётганларида уларга етиб олдилар ва шиддатли жанг юз берди. Хоразмликлар аййубийларга қарши кучли қопқа қўйишга муваффақ бўлдилар ва дарёдан бемалол ўтиб олдилар. Бироқ 21 рамазон куни (мелодий 1241 йил 9 апрели) аййубийлар хоразмликларни қувиб етиб олдилар, улар эса сиқувга бардош беролмай, чекинишга мажбур бўлдилар. Аййубийлар уларни қоронғу тушгунча қувиб бордилар ва кўпчилигини асир қилдилар. Шундан сўнг аййубийлар хоразмликларнинг қароргоҳи Ҳарронга ҳужум қилдилар ва уни қўлга олдилар. Хоразмликлар у ердан Анага қочдилар. Бундан кейин уларга қарам бўлган Насибин,

Дора, Роққа, Руҳа, Саруж ва Раъсулайн шаҳарларини ҳам олиб қўйдилар.

Хоразмликлар Сурия ҳудудидаги бу жангларда қақшатқич мағлубиятга учрадилар ва натижада яшаш учун бошқа жойларни излай бошладилар. 639 (1241) йили Майофориқиннинг ҳокими ал-Малик ал-Музаффар улар билан битим тузиб, улардан мабодо Қўниё султони Ғиёсиддин Кайҳусрав ҳужум қиладиган бўлса, унинг мулкларини ҳимоя қилажаклари ҳақида мажбурият олди. Майофориқин ҳокими ўз тарафидан улар билан бирга Амидга ҳужум қилиш ҳақида мажбурият олди. Бироқ, уларнинг биргаликдаги юриши пайтида айюбийлар уларга ҳужум қилиб, Амид ноҳиясидан қувиб юбордилар ва ўзлари ал-Малик ал-Музаффарнинг мулкларига ҳужум қилиб, у ерлар бўйлаб юриш қилдилар, сўнг Ҳалабга қайтиб келдилар.

640 йил сафар (мелодий 1242 йил август)да Ҳабур яқинида хоразмлиқлар ва айюбийлар ўртасида шиддатли жанг бўлди. Унда хоразмликлар ва уларнинг иттифоқдоши ал-Малик ал-Музаффар тўла тор-мор қилинди ва улар ўғруқлари, чодирларини ташлаб қочдилар. Айюбийлар катта ўлжалар билан ал-Малик ал-Музаффарнинг хазинасини қўлга киритдилар.

Қўниё султони аскарлари билан бир неча марта хоразмликларга қарши юрган бўлса-да, бироқ, кейин улар билан ярашиб қолди ва уларга салтанатнинг ҳудудларидан иқтоъ ваъда қилди. Аммо, хоразмликлар бу шартларни қабул қилмадилар ва жанубга, Сурияга кетдилар.

Бу ерда хоразмликлар то 642 (1244) йилгача, Миср ҳокими ал-Малик ас-Солиҳ хизматга таклиф этгунигача, кўчманчилар тарзида яшадилар. Ал-Малик ас-Солиҳ Дамашқ ҳокими ас-Солиҳ Исмоилнинг ва унинг иттифоқдошлари — Каракнинг ҳокими ал-Малик ан-Носир, Ҳимснинг ҳокими ал-Малик ан-Мансурнинг ҳамда салибчиларнинг (Дамашқ ҳокими ёрдами учун уларга Шақиф, Табарийа, Асқалон ва Қуддусни берган эди) Мисрга ҳужумларини даф этишга тайёрлаётиб, душманларга қарши чиқиш ҳақида хоразмликлар билан келишиб олди.

Хоразмликлар Ҳусомиддин Баракатхон, Хонберди, Сарухон ва Қушлухон каби амирлар бошчилигида 10 минг кишилик отлиқ билан Фирот дарёсидан ўтдилар. Уларнинг бир қисми Бақаъ водийсига, бошқа қисми Дамашққа йўл олиб, кетаётганларида йўлда учраган масканларни тор-мор қилиб, аҳолисини жазолаб бордилар.

Дамашқ ҳокими қалъага бекиниб олди, хоразмликлар эса жадал юриб, Фаластин орқали ўтдилар. Ҳалил, Таборийа ва Набулус шаҳарларини олиб, уларни талон-горож қилдилар. Ниҳоят Қуддусга етдилар. 1241 йилнинг 11 июлида хоразмликлар Қуддусни босиб олдилар, ундаги барча христианларни қирдилар ва черковлардаги авлиёларнинг қотиб қолган мурдаларини олиб чиқиб ,черковларни ҳам, мурдаларни ҳам ёндирдилар. Қуддуснинг қалъасида олти минг салибчи-ритсарлар (госпиталиерлар ва тамплиерлар) беркиниб олган эдилар. Қаракнинг ҳокими ал-Малик ан-Носирнинг воситачилигида улар шаҳарни ташлаб кетишга рухсат олдилар. Лекин, ритсарлар Қуддусдан узоқлашганларида хоразмликлар уларга ҳужум қилиб, деярли ҳаммасини қиличдан ўтказдилар. Улардан фақат 300 ритсаргина Йаффагача етиб олди.

Хоразмликлар Қуддусдан Ўрта денгиз соҳилига қараб юрдилар ва қисқа муддатли қамалдан сўнг Ғазза шаҳрини олдилар. Бу ердан улар ал-Малик ас-Солиҳнинг хизматига келганлари ҳақида Қоҳирага элчи юбордилар ва у эса уларнинг Ғаззада туришларини буюрди ва кўп миқдорда фахрли либослар, отлар билан пул юборди.

Миср султони ал-Малик ас-Солиҳ амир Рукниддин Бойбарс бошчилигида улкан лашкар жиҳозлади ва уларни хоразмликлар билан қўшилсинлар деб, Ғаззага юборди.

Сурия аййубийлари мисрий ва хоразмий лашкарларнинг бирлашиши уларнинг ҳокимияти учун қандай хавф туғдиришини яхши англадилар ва асосий жангга тайёргарлик кўра бошладилар. Сурия аййубийлари душманни даф этиш учун ҳатто салибчилар билан ҳарбий битим туздилар.

Душманлар ўртасидаги жанг 1244 йил 17 октябрида Ғазза яқинидаги Ҳарбийа қишлоғи ёнида юз берди. Сурия аййубийлари лашкарининг ўнг қанотида салибчилар турарди: 1500 отлиқ ритсар ўз кнехтлари билан ва 10 минг пиёда бор эди. Бу қўшинларни Сур лўрди Филипп Монфор, Йаффа графи Вальтер Бриенн, Сур архиепископи Пётрлар бошқарарди. Сўл қанотда Карака ҳокимининг қўшини, қалбда — Ҳамот ҳокимининг қўшини турарди. Шафқатсиз жангдан кейин, аввал Ҳамот қўшини тор-мор қилинди, сўнг хоразмликлар салибчиларни қуршаб олиб, уларнинг деярли ҳаммасини яксон қилдилар, 800 ритсар асир қилинди, фақат бир неча

нафаргинаси қочиб қутулди. Сурия аййубийлари ва салибчиларидан 30 мингдан ортиқ аскар ўлдирилди. Хоразмликлар кўплаб ўлжалар олдилар ва граф Вальтер Бриенн билан яна бир қанча атоқли ритсарларни асир қилдилар.

Тарихчининг ёзишича, «бу бир буюк кун эди. Ислом даврларида, ҳатто Салоҳиддин даврида* ҳам бундай улуғ кун бўлмаган эди!».

642 йил жумад ул-аввалнинг 15-и (мелодий 1244 йил 18 ноябри)да Сурия аййубийлари билан салибчилар устидан эришилган ғалаба ҳақидаги хабар Қоҳирага етди, шу муносабат билан у ерда катта байрам бўлди. Асир салбчиларни ва ўлдирилганларнинг бошларини шаҳар бўйлаб олиб ўтишди.

Шу ҳарбий ҳаракатлар натижасида Миср ҳокими хоразмликлар ёрдами билан Ғаззани, Фаластин соҳилини ва Қуддусни қўлга киритди. Бундан кейин ал-Малик ас-Солиҳ Сурияни ҳам ўз мулкига қўшмоқчи бўлади. У қўшимча лашкар тўплаб, уни Фаластинга юборди, у ерда улар амир Рукниддин Бойбарс ва хоразмликларнинг лашкарларига қўшилдилар. Бирлашган кучлар Ғаззадан Дамашққа йўл олди ва уни қамал қилди. Қамалнинг шиддати ортганидан сўнг Дамашқ ҳокими сулҳ сўради. 643 йил жумад ул-аввалнинг 8-и (мелодий 1245 йил 1 октябри)да шаҳар ҳокими бутун мол-мулки ва хизматкорлари билан Баалбакка кетиш шарти билан шаҳарни мисрликларга топширди.

Дамашқни топшириш пайтида бир воқеа юз бериб, бу Миср аййубийларининг хоразмликларга нисбатан сиёсатининг ўзгаришига олиб келди. Уларнинг ғолиблар сифатида шаҳарга киришлари манъ этилди. Бунинг бадалига хорамзликларга Ўрта денгиз соҳилида иқтоъ ерлари ваъда қилинди. Лекин, Дамашқнинг жангсиз топширилишида асосий рўл ўйнаган хоразмликлар, Сурияда «озуқа» учун кўпроқ ер олишни ва Дамашқни олишда иштирок этганлари учун улуш олишни мўлжаллаётган эдилар. Лекин, аййубийларнинг бундай муносабатларини ўзлари учун ҳақоратли деб билиб, хоразмликларнинг амирлари Миср султонига бўйсунишдан бош тортдилар.

Хоразмликлар Дамашқ остоналаридан кетдилар, ке-

---

* *Салоҳиддин* — машҳур лашкарбоши, салиб юришларидан бирининг қаҳрамони, Миср ҳокими эди.

таётиб, унинг атрофларини вайрон қилдилар. Улар ўзларининг Миср султони билан муносабатларини бузажаклари ҳақида, сараланган қўшинлари билан Ғаззада турган Мисрнинг энг йирик лашкарбошиларидан бўлган амир Рукниддин Бойбарсга айтдилар. Бойбарс хоразмликлар орасида катта обрўга эга эди, ўзи хоразмлик аёлга уйланган эди, у хотинининг ватандошларини қўллар эди. Бу низода уларнинг тарафини олди. Бундан сўнг хоразмликлар ўзларининг қарорлари ҳақида Карак ҳокими ал-Малик ан-Носирни огоҳ қилдилар. У ҳам уларнинг ҳаракатларини ёқлади, чунки, қариндош туташганлиги туфайли (унинг хотини хоразмлик эди) уларга хайриҳоҳлик билдирарди.

Хоразмликлар тезда Қуддус ва Набулусни босиб олиб, у ердаги Миср султонининг ноибларини ҳайдаб юбордилар. Баалбакдаги собиқ Дамашқ ҳокимига мурожаат этдилар, у ҳам уларни қўллади.

Шундай қилиб, Миср султонига қарши бирикма юзага келди. Бирлашган кучлар Дамашққа йўл олдилар, унда аскарлар деярли бўлмаса ҳам, лекин, шаҳар ниҳоятда кучли истеҳком эди ва уни олиш осон иш бўлмади. Уч ой давом этган узоқ қамал бошланди.

Шундай ҳолатда ногоҳ айюбий шаҳзодаларнинг қариндошчилик туйғулари уйғонди. Миср султони ёрдам сўраб қариндошларига мурожаат этди, натижада Ҳалаб ва Ҳимс ҳокимлари хоразмликларга қарши чиқдилар. Хоразмликлар Дамашқнинг қамалини тўхтатиб, душманга қарши чиқишга мажбур бўлдилар. Худди шу пайт хоразмликларнинг иттифоқдоши амир Рукниддин Бойбарс зарур ишлар билан Қоҳирага чақириб олинди. Бойбарс Қоҳирада тутиб олиниб, қалъага қамалди ва ўлдирилди.

644 йил 7 ё 8 муҳаррам (мелодий 1246 йил 25 ё 26 май)да Ҳимс шаҳри яқинида бир тарафдан Миср султонининг, Ҳалаб ва Ҳимс ҳокимларининг ва бадавийларнинг қўшинлари билан иккинчи тарафдан хоразмликлар ва уларнинг иттифоқдошларининг қўшинлари ўртасида аёвсиз жанг юз берди. Биринчи бўлиб хоразмликларнинг иттифоқдошлари ҳужумга бардош бера олмадилар ва қочдилар, бу жангнинг пировард оқибатини ҳал қилди. Хоразмликлар қақшатқич мағлубиятга учрадилар. Жангда уларнинг бош амири амир Ҳусомиддин Баракатхон ўлдирилди. Кейин унинг боши Ҳалабда томоша учун қўйиб қўйилди. Хоразмликларнинг барча ўғруқларини айюбийлар тортиб олдилар. Кўпчилик хоразмликлар

асир қилинди, уларнинг Сурия, Ливан ва Фаластин бўйлаб тарқалиб кетган қисмларини ҳамма ерда таъқиб қилдилар. Хоразмликларнинг бир қисми Қарака ҳокими билан бирга Ҳалабга йўл олди. Ҳалабнинг ҳокими ўз қариндошини эҳтиром ила кутиб олди, у билан келган хоразмликларни эса асирга олинишларини буюрди. Бундан сўнг айюбийлар Қараканн қамал қилдилар, у ерда ал-Малик ан-Носир билан хоразмликларнинг бир қисми беркинган эди, бироқ, ал-Малик ан-Носир ўзининг жонини сақлаб, хоразмликларни қамал қилувчиларга топширди.

Хоразмликларнинг энг сўнгги гуруҳлари 644 йил рабиъус-соний ойининг 17-си (мелодий 1246 йил 1 сентябр) да Қарака яқинида тор-мор қилинди. Шундан сўнг хоразмликларнинг бир қисми Сурияда қолди, бир қисми Мисрга кетди ва яна бир қисми амир Қушлухон бошчилигида мўғуллар хизматига ўтди.

Шу 1246 йилги жанг билан хоразмликлар гуруҳларининг Яқин Шарқ мамлакатларидаги ҳарбий ҳаракатлари тўхтади. Сўнгги хоразмшоҳнинг ватанидан жудо бўлган аскарлари ва уларнинг ўғиллари яшаш учун бошқа бирор маблағга эга бўлмай, турли феодал ҳокимларга хизмат қилишга мажбур бўлдилар ва уларнинг ўзаро курашларида қурол бўлиб қолдилар. Уларнинг кўпчилиги бу жангларда ажалини топди. 1246 йилдан кейин араб тарихий манбаъларида хоразмликлар деярли эслатилмайди.

Хоразмликлар ҳақида энг сўнгги хабарни Элхоиларнинг вазири Рашиддиддин ўзининг «Жомиъ ат-таворих»ида келтиради: 658 йил жумадус-соний (мелодий 1260 йил июни) да Ҳулагухон Суриядалигида мўғул чопарини 40 хизматкор билан Мисрга юбориб, ундан Чингизхонга бўйсунишни, ҳирож юборишни ва султоннинг ўзи Ҳулагухоннинг ҳузурига келиб, ўзи учун шихналикни сўрашни талаб қилади ва акс ҳолда, урушга тайёрланишни буюради. Шу солномада хоразмшоҳ Жалолиддиннинг баъзи амирлари кўп саргузаштлардан сўнг Мисрга бориб қолганликлари айтилади. Уларни мамлук султони ал-Малик ал-Музаффар Сайфиддин Кутуз (1259—1260) қабул қилиб, меҳрибонлик кўрсатади, аҳволларидан хабар олади ва кўп моллар инъом қилади. Ҳулагухоннинг чопарлари келганда Кутуз амирларини маслаҳат учун тўплаб, улардан қандай иш тутиш ҳақида сўрайди. Хоразмийларнинг амири Насириддин Муҳаммад Каймурий бундай деди: «Агар биз Ҳулагунинг ҳимоясига борсак,

шармандагарчилик бўлмайди, аммо, пиёлада заҳар борлигини била туриб, ундан ичиш ва тўғридан-тўғри ўлимга бориш, бу ақлдан узоқдир. Хулагунинг мажбуриятлари ва ваъдалари бажарилмайди, чунки, у, битим ва ваъдалардан сўнг исмоилийларнинг бошлиғи Ҳуршоҳни, халифа ал-Мустаъсимни ва бошқаларни ўлдирди. Агар унинг ҳузурига борадиган бўлсак, у биз билан ҳам худди шундай қилади».

Қутуз деди: «Агар биз мўғуллардан олдин ҳаракат қилмасак, у ҳолда, бошқа мамлакатлар билан бўлганидек, Миср ҳам тезда вайрон қилинади. Бизнинг мамлакатимизга қасд қилаётган бу одамларга нисбатан уч чорадан бирини қўллаш керак: ё ярашмоқ, ё жанг қилмоқ ёки ватанни тарк этмоқ». Шунда Насриддин Каймурий деди: «Яраишшнинг фойдаси йўқ, чунки уларнинг ваъдасига ишониб бўлмайди!». Султон Қутуз мўғуллар билан жанг қилишга қарор қилди.

Мисрлик мамлук қўшинларининг мўғуллар билан жанги 658 йил 25 рамазон (мелодий 1260 йил 4 апрели)да Фаластинда, Айни Жалут деган жойда бўлди. Маълумки, бу жанг мўғулларнинг қақшатқич мағлубияти ва мўғул аскарларининг қочиши билан тугади.

Султон Қутузнинг ўзига келсак, ал-Мақризий бундай ёзади: «Айтишларича, унинг исми Маҳмуд ибни Маҳмуд эди, унинг отаси султон Жалолиддиннинг амакисининг ўғли эди. Қутузни тоторлар асир олганлар ва уни Дамашққа сотганлар, у ердан у Қоҳирага олиб кетилган».

Хоразмликларнинг қолдиқлари Мисрда, Сурия шимолида, Ироқда ва Анадўлунинг жануби-ғарбида ўтроқ бўлиб қолдилар. Хоразмликларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Ироқнинг шимолида Мосул ва Киркўк атрофидаги қишлоқларда яшайдилар, улар ўзларини туркман дейдилар. Анадўлуда улар ҳурзумлу деб аталадилар ва ҳозирги кунда Ҳурзум деб аталадиган қишлоқларда яшайдилар. Шундай қишлоқлардан саккизтаси Эге денгизи соҳилида Маниса (Туркия) вилоятида жойлашган.

Ибн Бибининг хабар қилишича, хоразмшоҳ Жалолиддин Манкбурнининг ўлимидан сўнг унинг амирларидан бири — Сарухон Қўниё султони Аловуддин Қайқубод I нинг хизматига ўтади. Турк олимларининг тахмин қилишича шу Сарухон Маниса вилоятида ҳукм сурган Сарухонийлар сулоласига асос солган. Бу сулола 815 (1412) йилгача ҳукм сурган.

Хоразмликлар шарқий Анадўлудаги Кутаҳия ва

Алашеҳир вилоятларида ўтроқлашиб қолган. Уларнинг авлодлари энди Хўрзўм ашираи Ўвачик, Хўрзўм, Алаяка, Хўрзўм Саздаре, Хўрзўм Кесерлер, Хўрзўми Энбелли қишлоқларида яшайдилар.

Бундан ташқари Урфа вилоятида Хоразм деб аталадиган уч қишлоқ бўлиб, уларда Суриядан қочган хоразмликларнинг авлодлари яшайди.

Мўғул истилоси натижасида хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди билан бирга Ватанни тарк этган ва Яқин Шарқнинг турли ўлкаларига сочилиб кетган Хоразмликларнинг саргузаштлари ана шундай тугади.

ХУЛОСА

Ҳурматли китобхон! Дунё ўта бевафо аёлга ҳам, кекса донога ҳам ўхшайди. Шунинг учун тарихни билиш, у билан «сизлашиш» керак. Ундан ким эдик, ким бўлдик, энди киммиз, улар ким эдилар, энди ким бўлдилар?» деган саволларнинг барчасига жавоб топасиз. Шунинг учун тарихни мутолаа ва у ҳақда мунозара қилмоқ керак — А. А.

ВАТАН ТАРИХИНИНГ ОЛТИН САҲИФАЛАРИ

Қадимги ва ўрта аср Хоразм тарихи умуман Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг тарихи фаннинг жуда кам ўрганилган шуъбасидир. Ваҳолонки, бизнинг ҳудудларимизда, минтақамизда ўрта асрларда дунё аҳамиятига молик бўлган буюк воқеалар рўй берган ва улар кўплаб муаррихларнинг асарларида акс эттирилган бўлишига қарамай, бу асарлар ҳозирги замон тилларига таржима этилмаган, таҳлил қилинмаган ва ўрганилмаган, демак, ватанимиз тарихи деярли ўрганилмай қолаётир. Мисол тариқасида ватанимиз тарихида рўй берган ва дунё аҳамиятига эга бўлган икки воқеани келтирамиз.

1219 йил кузининг бошига келиб, Хоразмшоҳлар давлатининг Еттисувдаги ҳудудларига Чингизхон ўзининг 110 минг қишилик отлиқ аскарлари билан яқинлашиб келади. Мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият юзага келиб, жанг бўлиши муқаррар эди. Ўша даврда буюк хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг, турли маълумотларга кўра, 400 мингдан 600 миггача бўлган пиёда, отлиқ ва туяликлардан иборат улкан лашкари бор эди. Агар хоразмшоҳ ўғли Жалолиддиннинг ҳамда ўша давр оқилларининг маслаҳатларига қулоқ солиб, шу лашкарини Сирдарёнинг ўнг соҳилида ҳарбий тартибга келтириб, Чингизхонга қарши катта жанг бошлаганида Чингизхон қўшинлари тор-мор қилиниб, мўғул истилоси поёнига етар ва инсоният тарихи бутунлай бошқача бўларди. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, фақат Хоразм аскарлари мўғулларга дош бераолган ва улар билан жанг қилаолган. Кам сонли Жалолиддин аскарларининг кўп сонли мўғул аскарлари устидан қатор ғалабалари бунинг далилидир.

Лекин, минг афсуски, хоразмшоҳ яхши маслаҳатларга қулоқ солмай, ҳарбий ва сиёсий калтабинликни намойиш қилиб, улкан лашкарини майда қўшинларга ажратиб, уларни шаҳар ва қалъаларга бўлиб ташладида, қалъаларни ҳимоя қилишга ўтиб олиб, мўғулларнинг ҳужумини кутиб турди. Натижада у аскарлари сон жиҳатдан устун бўлишига қарамай, ташаббусни ва бошқа қатор устунликларни қўлдан бой берди. Пировард натижада Чингизхон хоразмшоҳнинг бу нуқсонларидан усталик билан фойдаланди. Алоҳида бўлинган ҳар бир қалъа ва шаҳардаги аскарларнинг сонига нисбатан унинг аскарлари сони устун бўлиб, шу тариқа барча шаҳар ва қалъаларни, мамлакатни осонликча босиб олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, инсоният бошига буюк кулфат ва ба-

лолар келтирган мўғул истилоси авж олди ва бу истило қарийб уч аср давом этди.

Иккинчи мисол, Амир Темур шахси ва фаолияти билан боғлиқдир. Темур тарих саҳнасига келмасидан аввал мусулмон мамлакатларининг Шимолий Африкадан бўлак деярли барча ерлари мўғуллар тасарруфида эди. XIII аср ўрталарида Қичик Осиёнинг ғарбий ярмида юзага келган Усмонли турк салтанати аста-секин кучая бериб, XV аср бошига келганда султон Боязид Елдирим даврида Жанубий Оврупонинг Болқон ярим оролидан то Дунай дарёсигача бўлган мамлакатларни ўз салтанати таркибига қўшиб олди. Турк денгиз қароқчилари ҳам Ўрта денгиз соҳилларидаги мамлакатларга доим хавф солиб турардилар. Венгрия қироли Сигизмунд Оврупо пойтахтларида туркларга қарши ғарбий ёрдам сўраб кезиб юрарди. Лекин Ғарбий Оврупо мамлакатларининг ўзи бу пайтларда ғарбий жиҳатдан туркларга нисбатан анча кучсиз эди. Умуман, Ғарбий Оврупо устига туркlар хавфи соя солиб турарди.

Бироқ Амир Темурнинг тарих саҳнасига келиши дунё тарихига муҳим ўзгартишлар киритди. У аввало Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатларини, Дашти Қипчоқни мўғуллардан халос қилди. Унинг XIV аср охиридаги Олтин Ўрдага қилган иккита юриши натижасида бу хонликнинг ғарбий кучи деярли синдирилди. Аммо ўша даврдаги рус князликлари шу қадар кучсиз ва ночор эдики, уларнинг тоторларга қарамликдан қутулиши учун яна 1,5 аср керак бўлди.

1402 йили Темур Анқара яқинидаги жангда Усмонли турк султони Боязидни енгиб, уни асир олди. Бу ғалабанинг Оврупо учун аҳамияти ниҳоятда улкан эди. Бу ғалаба натижасида овруполиклар қарийб ярим асрга турк хавфидан қутулдилар. Лекин Оврупо мамлакатлари ўзларини ўнглаб олишлари учун шу ярим аср етарли бўлди. Шундай қилиб, Амир Темурнинг XIV аср охири ва XV аср бошидаги фаолияти нафақат мусулмон халқларининг, балки Оврупо христианларининг ҳам мустақил маданий ривожланишларида улкан аҳамият касб этди.

Биз келтирган бу тарихий мисоллар ҳали ўрганилмаган кўпгина манбаларда ўз аксини топган. Хоразмшоҳ Ануштегинийлар тарихи ва улар салтанатининг охирги даврига бағишланган Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сийрат султон Жалолиддин» асари ана шулар жумласидандир.

Шуни ҳам таассуф билан айтиш керакки, ватанимиз ўрта асрлар тарихига бағишланган ва ўзбек тилида ёзилган бирор йирик илмий асар ёки оммабоп китоб ҳам ҳозиргача чоп этилмаган. 1986 йили Москвада «Наука» нашриётида йирик Озарбойжон шарқшунос олими Зиё Мусо ўғли Буниёдовнинг рус тилида «Государство Хоразмшахов — Ануштегинидов (1097—1231)» номли китобининг нашр этилиши Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатларнинг ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим воқеа бўлди. Лекин бу китоб ҳам рус тилида бўлгани учун аксарият ўзбек ўқувчиси ундан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Атоқли олим ўз тадқиқотига 70-нчи йилларда рус тилида нашр эттирган ан-Насавийнинг асарини асос қилиб олди. Таассуфки, бу китоб ҳозир топилмайди, чунки у турғунлик даврида манъ этилган китоблардан ҳисобланади. Шу билан бирга, Зиё Буниёдовнинг тадқиқоти бизнинг ўтмишимиз ҳақида битилган энг мукаммал, мароқли ва қизиқарли бир китобдир. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни ўзбек тилига таржима қилиш ҳақида қатор таклифлар тушди. Шу таклифларни эътиборга олиб, унинг ўзбекча таржимасини бажаришга киришилди.

Тэржимонлар иш жараёнида қатор муаммоларга дуч келдилар. Булардан энг биринчиси — китобдаги баён услубининг оғирлиги, тилининг чуқур илмийлиги ва мураккаблиги эди. Шунинг учун айрим мураккаб илмий жумлаларни, сўз бирикмаларини ва бир неча қўшма гапларни ўз ичига олган мураккаб гапларни ўзбекчага ағдаришда ўзбек тилининг ички қонуниятларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу билан бирга китобнинг ўзбекча тилини соддалаштириб, оддий китобхонлар оммаси учун тушунарли қилиш кўзланди.

Муаммоларнинг иккинчиси — китоб чуқур илмий асар бўлгани учун, унда кўплаб қўлёзма манбалардан фойдаланилиб, изоҳларда уларга ҳаволалар келтирилиши, асарнинг матнида ўша манбалардан парчалар ва қитъалар келтирилишидадир. Бу парча ва қитъалар кўп ҳолларда султон ва ҳокимлар ўртасидаги ёзишмалар, муросалотлардан иборат бўлиб, улар асосан арабчадан ағдарилган ва уларнинг тили асл нусхаларининг ўзида ҳам оғир иборалар ва жимжимадор сўзлар билан битилган. Уларни рус тилидан таржима қилишдан кўра асл нусхасидан таржима қилиш қулай эди. Лекин биз бу нодир қўлёзмаларнинг фотонусхаларига эга эмасмиз. Шунга қарамай, биз бундай парчаларни тўлиқ таржима қилдик.

Китобнинг охирги 10-чи боби «Ватанини ташлаб кетган хоразмликларнинг тақдири» деб аталган. Ваҳоланки, 40 бетдан иборат бу бобнинг фақат охирги 9 бетигина шу масалага бағишланган. Аввалги 31 бети эса энг сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар билан бўлган 10 йиллик қаҳрамонона жангларига бағишланган. Шунинг учун ўзбекча таржимада бу боб иккинга ажратилди.

Ануштегинийлардан аввалги хоразм ҳокимлари ҳам ўзларини «хоразмшоҳ» деб атаганлар. Лекин уларнинг таъсири фақат Хоразм воҳаси ва ҳатто гоҳо унинг бир қисми билангина чегараланган. Ануштегиний хоразмшоҳлар давлати эса на фақат Хоразм, балки Дашти Қипчоқнинг жанубий, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларини бирлаштирган буюк салтанат бўлган.

Умуман айтганда, таржима сўзма-сўз бўлмай, унга ижодий ёндошилди. Юқорида эслатилган муаммоларни ҳал қилишда ана шу усул қўлланилди. Ундан ташқари, китоб муаллифига чуқур ҳурмат изҳор қилган ҳолда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, муаллиф китобининг тенг ярмидан ўтиб, охирига яқинлашган сари холисликдан сал четлаша борган. Чунончи, Хоразмшоҳлар Такиш, Муҳаммад ва Жалолиддинларнинг Ироқи Ажам, Озарбойжон, Жанубий Кавказ ва Яқин Шарқдаги фаолиятларини баҳолашда бу айниқса яққол сезилади. Бундай ҳолларда биз бу қарашларга ўз муносабатимизни изоҳларда билдирганмиз. Шу муносабат билан икки оғиз сўз айтишни лойиқ топдик.

Биз, ўзбекларнинг ўтмиш тарихимизда шундай саҳифалар борки, яқин кунларгача мавжуд бўлган сиёсий вазият юзасидан қараб, бизнинг тарихимизни ҳаққоний ёритишимизга қаршилик кўрсатиб келдилар. Султон Жалолиддин ва Амир Темур масаласи шундай мавзулар жумласидандир Армани, гуржи ва рус муаллифлари шу буюк аждодларимизни босқинчиликда айбладилар, буларнинг марказ ва жумҳуриятлардаги гумашталари ўша аждодларимиз ҳақида ҳаққоний сўзларни ёзишимизга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Ваҳоланки, ўзларидан чиққан ҳарбий ва сиёсий арбобларининг барча қилмишларини эса оқлаб кўрсатдилар.

Хусусан, Жалолиддинга келсак, у XIII асрнинг 20-нчи йилларида мўғулларга қарши халқаро миқёсда бир иттифоқ ё бирлашма тузишга ҳаракат қилди. Ўша йилларда Гуржистонда машҳур Тама-

раннинг қизи Русудан подшоҳлик қиларди. Гуржистон ўша даврда ягона давлатга бирлашган бўлиб, ҳарбий жиҳатдан Яқин ва Ўрта Шарқдаги юксак қудратли давлат эди. Гуржилар қўшни Озарбойжоннинг баъзи ерларини босиб олиб, маълумотларга кўра, энди Бағдодга ҳужум қилишга ҳозирлик кўриб турган эди. Бу эса мусулмонлар учун катта хавф соларди. Жалолиддин бу хавфли ниятнинг олдини олишга интилиб, малика Русуданни никоҳига олишни таклиф этади. Бундан мақсад — Бағдод устига гуржилардан келган хавфни усталик билан қайтариш ва Гуржистонни ўз давлатига бирлаштириб, унинг қудратли қўшинларидан мўғулларга қарши курашда фойдаланиш эди. Русудан, агар Жалолиддин насронийликка ўтса, унга турмушга чиқишга рози бўлади. Мусулмон мамлакатларининг энг қудратли султони бўлган Жалолиддин бу шартни қатъиян рад этади. Бироқ Трабзўн султонининг ўғли ўша шартга рози бўлади ва насронийликка ўтиб, Русуданга уйланади. Аммо бу содда турк кунлардан бир куни ўз хотинини қора зангининг қучоғида кўради. Бу хабар Жалолиддинга ҳам етади. Шундан кейин у Русуданнинг ўзи ҳам, мамлакати ҳам ҳаром деган хулосага келиб, Гуржистонга қарши уруш очади ва шиддатли жанглар натижасида Тифлисни забт этиб, бу мамлакатни ўз салтанатига қўшиб олади. Гуржилар билан бўлган жанглар натижасида улар таъсирида бўлган Арманистон, Аррон ва Ширвон ерлари ҳам талафот кўради. Шу сабабли Жанубий Қофқоз халқлари вакилларида Жалолиддинга нисбатан нафрат ҳисси устун бўлиб қолди. Бизнинг муаллифимизнинг ҳам ана шундай муносабати китобнинг охирги чорагида айниқса сезилади. Китобхон бундан воқиф бўлиб, холис мулоҳаза юритиши керак бўлади.

Аммо Жалолиддиннинг фаолиятига Қофқоз жанубида қандай қаралишидан қатъи назар, унинг ижобийлиги ва буюклиги шунда эдики, у милодий XIII асрда мўғулларга қаршилик кўрсата олган ва ҳатто уларнинг қўшинларини енгаолган бирдан-бир лашкарбоши ва давлат арбоби эди. Муаллиф Жалолиддин фаолиятининг бу тарафлари ҳақида негадир кам тўхталади. Жалолиддин 1220 йилдан то 1231 йилгача ўн бир йил давомида мўғуллар истилосига қарши қаҳрамонона курашди. У биринчи марта 1221 йили Қандаҳор яқинидаги жангда мўғулларнинг Шиғи Қутқунўйон бошчилигидаги 45 минг кишилик лашкарини тор-мор қилади. Лекин айрим амирларининг очкўзлиги, хоинлиги ва ўша даврдаги қўшни давлатлар раҳбарларининг калтабинлиги туфайли Жалолиддин мўғуллар устидан узил-кесил ғалаба қозониб, уларни мусулмон ерларидан ҳайдаб юборишга муяссар бўлолмади. У 1221 йили мўғулларни беш марта енгган бўлса ҳам, мазкур сабабларга кўра, ҳар гал чекинишга мажбур бўларди.

Умуман олганда, Жалолиддин ўз даврининг энг йирик давлат арбоби ва лашкарбошиларидан бири эди. Шунинг учун ундан ҳозирги кунда ҳам байналмилалчилик ва «коммунистик ахлоқ нормаларини» талаб қилиш, албатта, кулгули бир ҳолдир.

Ниҳоят Жалолиддиннинг ва унинг ўгай бувиси Туркон хотиннинг асл исмлари ҳақида тўхталайлик. Бу исмлар Насавийнинг муаллифимиз томонидан нашр этилган мазкур асарининг русча таржимасида мукаммал изоҳланган. Изоҳларнинг маъноси қисқача бундай, Ўзбеклар орасида Жалолиддиннинг асл исми Мангуберди деб юритилади. Лекин Зиё Буниёдов бу исмни Манкбурний деб ўқишни таклиф этади. Жалолиддиннинг бурнида холи бўлиб, унга шу холига қараб ном берилган, бўлиши мумкин. Аммо, буюк хоразмшоҳни бундай аташ унчалик тўғри эмас.

Муаллиф мазкур асардаги изоҳларида хоразмшоҳлар саройига тегишли икки машҳур аёлнинг исмини Туркон хотун эмас, балки Теркен хотун аталиши керак (теркен — «зийрак, уддабуррон» маъносида) деган. Биз бунга қўшилмаймиз. Бунинг сабаби қуйидагича.

Бу аёлларнинг биринчиси хоразмшоҳ Эл-Арслоннинг иккинчи хотини, унинг кичик ўғли Султоншоҳнинг онаси эди. У Хоразмшоҳ Такишга ўгай эди. Шундай исмли иккинчи аёл эса Такишнинг хотини, хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг онаси ҳамда Жалолиддиннинг ўгай бувиси эди. Бу аёлларнинг иккиси ҳам ўта шуҳратпараст ва давлат бошқарувига интилувчан ҳокимиятпараст эди. Шуни ҳам айтиш керакки, феодал туркий ҳукмдорларнинг аёллари қадим анъанага кўра, давлат ишларига аралашиб келар эдилар. Шоҳруҳнинг хотини ҳам шундай аёллардан эди.

Бизнингча, бу анъана VII асрда Бухорода ҳам бўлган, чунки ўша асрнинг охирги чорагида араблар Бухорога бир неча марта юриш қилганларида улар Бухоро ҳокимаси — Бухорхудот Туркон хотун исмли аёлга дуч келадилар. Бу исмда «Барча турклар устидан ҳукмрон бўлиб турган хотун» деган маъно бўлган. Кейинчалик кўп турк ҳокимларининг аёллари ҳам шу ном билан аталган. Салжуқий турк султонларининг аёллари орасида ҳам шундай исмлилари бўлган.

Шу айтилганларга кўра, ўзбекча нашрда бу икки машҳур аёлнинг исми Туркон хотун дейилди.

Китоб ватанимиз тарихи билан қизиқувчи барча халққа манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ашраф АҲМАД,
тарих фанлари доктори,
профессор;
Маҳкам МАҲМУД,
ёзувчи, адабиётшунос.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан 8

1-боб. Хоразмшоҳлар давлатининг шаклланиши 7

2-боб. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши 43

Хоразмшоҳлар тахти учун кураш 52

Хоразмшоҳлар давлатининг юксалиши 61

3-боб. Хоразмшоҳлар давлатининг гуллаб-яшнаши 86

4-боб. Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий тузилиши 118

5-боб. Давлат ва саройдаги асосий лавозимлар 124

6-боб. Хоразмшоҳлар давлатидаги шаҳар ва қишлоқлар . . 134

7-боб. Хоразмшоҳлар давлатида танга зарбхоналари ва пул муомаласи 142

8-боб. Хоразмшоҳлар давлатида маданий ҳаёт 147

9-боб. Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокати 159

10-боб. Буюк қаршилик ва қаҳрамонлик жанглари 198

11-боб. Ватанидан кетган хоразмликлар тақдири 239

Хулоса 250

Таржимондан 251

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадиий нашр

ЗИЁ МУСО ЎҒЛИ БУНИЁДОВ

АНУШТАГИН
ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

(1097—1231)

Муҳаррир Маъруф Жалил
Рассом Хуршид Зиёхонов
Техник муҳаррир Е. Толочко
Мусаҳҳиҳ Турсуной Зиёдова

ИБ № 5613

Босмахонага 15.12.97. да берилди. Босишга 28.01.98. да рухсат этилди. Босмахона қоғози. Бичими 84×108¹/₃₂. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма тобоқ. 13.44. Нашр босма тобоги 14,5. Шартли кр. отт. 13,86. Жами 10000 нусха. № 202 буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси. Муродов кўчаси, 1-уй.